



АЛЕКСАНДР БЕЛЯЕВ

КЭЦ ЮЛДУЗИ

ИЛМИЙ-ФАНАСТИК
РОМАН





*Константин Эдуардович
Циолковский хотирасига
бағишлайман*

I. ҚОРАСОҚОЛ БИЛАН УЧРАШУВ

Арзимаган бир воқеа тақдиримни ҳал қилади, деб ким ўйлабди дейсиз.

У пайтда бўйдоқ эдим, илмий ходимлар турадиган бинода истиқомат қилардим. Ленинграднинг баҳор оқшомларидан бирида очиқ деразадан хиёбондаги яшил момик билан қопланган дарахтларни томоша қилиб ўтирардим. Уйларнинг юқори қаватлари ботаётган қуёшнинг сарғиш нурида чўмилар, пастки қаватлар эса кўкимтир қоронғилик қаърига ғарқ бўлмоқда эди. Узоқдан Нева дарёси ва Адмиралтейство қуббаси ярқираб кўринарди. Оқшом ниҳоятда сўлим эди, фақат куй етишмасди, холос. Радиоприёмнигим бузилиб қолган эди. Қўшни хонадан таралаётган майин бир куй деворларга урилиб, қулоғимга элас-элас эшитиларди. Шу тобда қўшнилариимга ҳавасим келиб кетди ва ниҳоят, қўшним Антонина Ивановна радиоприёмнигимни осонгина тузатиб бериши мумкин-ку, деган фикрга келдим. Мен у қиз билан яхши таниш эмасдим, лекин физика-техника институтида ассистент бўлиб ишлашини билардим. Ҳар гал зинада учрашиб қолганимизда бир-биримизга мулоимгина таъзим қилиб ўтардик. Шунинг ўзи унга ёрдам сўраб мурожаат қилишимга тўла ҳуқуқ берадигандай туюлди назаримда.

Ҳаял ўтмай қўшним эшигидаги қўнғироқ тугмасини босдим. Эшикни Антонина Ивановна очди. У йигирма беш ёшлардаги сулув қиз эди. Унинг катта-катта қувноқ қўйқўзлари кишига андак истеҳзо билан такаббурона боқар, қирра бурни эса чеҳрасига қандайдир жўшқинлик ифодасини бахш этарди. Эгнидаги жўнгина тикилган қора мовут кўйлаги қоматини кучиб турарди.

Негадир бирдан довдираб қолдим ва шоша-пиша, узук-юлуқ қилиб келишимнинг сабабини тушунтирдим.

— Бу замонда радиотехникани билмаслик уят,— деб гапимни бўлди у ҳазил аралаш.

— Мен биологман,— дедим ўзимни оқламоқчи бўлиб.

— Лекин ҳозир мактаб болалари ҳам билади радиотехникани.

У шундай дея текис тишларини ярқиратиб куларкан, таънасини юмшатгандай, орадаги ноқулайлик сал кўтиралгандай бўлди.

— Юринг, ичкарига кирайлик, чойимни ичиб бўлиб, приёмнигингизни даволагани бораман.

Мен бажону дил эргашдим.

Кені ошхонадаги думалоқ стол ёнида семиз, икки юзи қипқизил, очлари оппоқ аёл — Антонина Ивановнанинг онаси ўтирарди. У мен билан қуруққина кўришиб чойга таклиф қилди.

Мен рад этдим. Антонина Ивановна чоини ичиб бўлгач, бизникига чиқдик.

У приёмникни ғоятда чаққонлик билан қисмларга ажратди. Мен унинг узун, ҳаракатчан бармоқларига ҳавас билан тикилардим. Биз кўп гаплашолмадик. Қиз аппаратни бирпасда тузатиб, чиқиб кетди.

Бир неча кунгача фақат у ҳақда ўйлаб юрдим, яна кирмоқчи бўлардим, бироқ ҳеч баҳона тополмасдим. Ниҳоят, айтишга ҳам уялади киши, приёмнигимни атайин бузиб қўйдим... Кейин унинг олдига кирдим.

Қиз приёмникни кўздан кечириб чиқди-ю, менга масхараомуз қараб қўйди-да:

— Приёмнигингизни тузатмайман,— деди.

Менинг лавлагим чиқиб кетди.

Аммо эртаси куни яна кирдим — бу гал приёмнигим жуда яхши ишлаётганини айтиш учун кирдим. Шундай қилиб, Тоняни кўриб туриш,— мен уни ўзимча шундай деб атардим,— мен учун ҳаётий эҳтиёжга айланиб қолди.

Қиз мен билан дўстона муносабатда бўларди, лекин мен унинг назарида кабинетда ўтириб қолган олим, тор доирадаги мутахассис, радитехникадан беҳабар, характери бўш, табиати ўз лабораторияси ёки кабинетига мукка тушиб олган чолларникига ўхшаган бир киши эдим. Ҳар учрашганимизда у талай кўнглисиз гапларни уйиб ташлар ва характеримни ўзгартиришни маслаҳат берарди.

Менинг иззат-нафсим ҳақоратланган эди. Қайтиб уникига кирмасликка қарор қилдим, лекин, албатта, бунинг уддасидан чиқолмадим. Бунинг устига, ўзим ҳам сезмай характеримни ўзгартира бошладим: кўпроқ сайр қиладиган, спорт билан шуғулланадиган бўлдим, чанги, велосипед ва ҳатто радиотехникага оид китоблар сотиб олдим.

Бир куни Ленинград кўчаларида сайр қилиб юриб, Йигирма Бешинчи Октябрь кўчаси билан Учинчи Июль кўчасининг муқошида тимқора соқолли ёшгина бир кишини кўриб қолдим.

У менга диққат билан бир оз тикилиб турди-да, кейин истиқболимга шахдам юриб кела бошлади.

— Кечирасиз, сиз Артемьев эмасмисиз?

— Шундай,— жавоб бердим мен.

— Сиз Нина... Антонина Герасимовани танийсизми? Мен сизни бир куни у билан кўрган эдим. Мен унга Евгений Палей ҳақида баъзи нарсаларни айтмоқчи эдим.

Шу пайт нотаниш кишининг олдига автомобиль келиб тўхтади.

— Тезроқ! Тезроқ бўлинг! Кечикамиз!— деб қистади шофёр. Қорасақол машинага сакраб чиқиб олди.

— Айтиб қўйинг — Помир, Қэц...— деб қичқирди у машина гизиллаб бораркан.

Автомобиль тезда ғойиб бўлди.

Уйга бир алфозда қайтдим. Бу одам ким? Фамилиямни қаёқдан билади? Мени Тоня билан ёки у айтганча Нина билан, қаерда кўрган экан? Ҳамма танишларимни бир-бир кўз ўнгимдан ўтказиб чиқдим... Бундай қиррабурун ва қоп-қора чўққисоқол албатта эсда қолиши керак. Йўқ, мен бу одамни илгари учратмаганман... У тилга олган Палей-чи? У ким бўлди?

Тонянинг олдига кириб, бу ғалати учрашув ҳақида гапириб бердим. Ҳамиша оғир-вазмин бу қиз бирдан ҳаяжонланиб кетди. Палейнинг номини эшитиб ҳатто қичкириб юборди. Учрашувни бутун тафсилотлари билан қайтадан гапириб беришга мажбур қилди, кейин нега у одам билан бирга машинага ўтириб, ҳамма гапни сўраб олмадингиз, деб қойишга тушди.

— Тавба, жуда қўймижоз одамсиз-да! — деди у сўзини тугатиб.

— Тўғри, — жавоб бердим мен жаҳл билан. — Американинг саргузашт фильмларидаги қахрамонларга сираям ўхшамайман ва бу билан фахрланаман. Нотаниш одамнинг машинасига чиқиб олиш... Афв этасиз.

У ўйга ботди, менинг сўзларимга қулоқ ҳам солмай, худди алаҳсирлагандай ўзича пичирлай бошлади:

— Помир... Кэц... Помир... Кэц...

Кейин китоб жавонини титкилаб, Помир харитасини олди ва Кэц деган жойни қидира кетди.

Аблатта харитада Кэц деган жой кўрсатилмаган эди.

— Кэц... Кэц... Агар бу шаҳар бўлмаса, нима ўзи: кичкина қишлоқми, овулми, бирон ташкилотми?... Кэцнинг нималигини билиш керак! — деб китоб қилди у. — Шу бугуноқ ёки эртага эрталабдан қолдирмай қандай қилиб бўлмасин билиш керак.

Тоняни таниёлмай қолдим. Бамайлихотир ва тартиб билан ишлайдиган бу қизда шунча куч-ғайрат борлигини кўриб ҳайратда қолдим. Бу ўзгаришга фақат бир сўз — Палей деган сеҳрли сўз сабаб бўлган эди. Мен ундан Палейнинг кимлигини сўрашга журъат қилолмадим, уйга чиқиб кетдим.

Яшириб ўтирмайман, ўша кеча ухлай олмадим, таъбим жуда хира эди, эртаси куни Тонянинг олдига чиқмадим ҳам.

Аммо кечқурун унинг ўзи кириб келди. У одатдагидай мулоийм ва хотиржам эди. Стулга ўтириб, гап бошлади:

— Кэцнинг нималигини аниқладим: бу Помирдаги ҳали харитага киритилмаган янги шаҳар экан. Эртага ўша ёққа жўнайман, сиз ҳам мен билан бирга боришингиз керак. Мен қорасоқолли кишини танимайман, сиз уни топишга ёрдам берасиз. Ахир Палей ҳақида маълумотга эга бўлган одамнинг фамилиясини билиб олмаганлигингиз сизнинг гуноҳингиз-ку, Леонид Васильевич.

Мен ҳангу манг бўлиб қолдим. Шу етмаётган эди-да, ўзиям. Лабораторияни, илмий ишимни ташлаб, қандайдир Палей исмли кимсани қидириб, Помирга борар эмишман-а!

— Антонина Ивановна, — дедим мен қуруққина қилиб. —

Илмий тажрибаларимнинг самарасини фақат биргина ташкилот кутмаётганини яхши биласиз. Ҳозир, жумладан, меваларнинг пишишини тўхтатиб туриш масаласига бағишланган ишимни тугаллаяпман. Бу тажриба анчадан бери Америкада олиб борилляпти, бизда ҳам бошланган бу иш. Аммо натижа ҳали-ҳозирча қувонтирарли эмас. Эшитган бўлсангиз керак, ўрик, мандарин, шафтоли, апельсин, беҳи ва шунга ўхшаш маҳаллий мевалардан турли хил маҳсулотлар тайёрлайдиган жанубдаги консерва фабрикалари бир-бир ярим ой қаттиқ ишлаб, йилига ўн-ўн бир ой бекор туришади. Бунга сабаб, меваларнинг деярли бир вақтда пишиши ва уларни бирданига ишлатишнинг имконияти йўқлигида. Шунинг учун ҳам ҳар йили ҳосилнинг қарийб ўндан тўққиз қисми нобуд бўлади.

Йилига ўн ой бекор турадиган фабрикалар сонини кўпайтиришнинг ҳам фойдаси йўқ. Шу ваздан менга ёзда Арманистонга бориб, ўша ернинг ўзида меваларнинг пишишини сунъий равишда кечиктириш юзасидан ғоят муҳим тажриба ўтказиш топширилган. Тушуняпсизми? Мевалар ҳали ғўралигида териб олинади, кейин заводларнинг улгуришига қараб аста-секин пишиб бораверади. Шундай қилиб, заводлар ишсиз қолмайди...

Тоняга қараб дудуқланиб қолдим. У сўзимни бўлмади, унинг бунақа одати йўқ эди, аммо чехраси борган сари хиралашиб борарди. Пешанасида, икки қошининг орасида ажинлар пайдо бўлиб, қовоқлари осилиб кетди. Узун киприкларини кўтарганида кўзларидаги нафратини пайқадим:

— Жамоатчи-олимни кўринглар-а! — деди у совуқ оҳангда. — Мен ҳам Помирга ўйнагани эмас, иш билан кетяпман. Қандай қилиб бўлмасин Палейни қидириб топишим керак. Сафар кўпга чўзилмайди. Мевалар пишгунича Арманистонга етиб ҳам бора-сиз...

Нима десам экан! Ахир унга мени қандай ноқулай аҳволга солиб қўяётганини айтолмайман-ку! Севган қизинг билан аллақандай Палей деган кимсани, балки ўз рақибингни қидириб юриш... Бу қандай гап! Тўғри, у ўйнагани эмас, иш билан кетяпман деяпти. Лекин унинг Палейда нима иши бор экан? Буни сўрашга ғурурим йўл бермади. Бўлди, етар. Севги ишга ҳалақит беряпти. Ҳа, ҳа! Илгари лабораторияда ярим кечагача ўтирардим, энди эса соат тўрт бўлар-бўлмас жўнаб қоламан. Мен унга яна бир бор рад жавобини бермоқчи бўлиб турган эдим, яна Тонянинг ўзи гап бошлаб қолди:

— Майли, бир ўзим борадиганга ўхшайман, — деди у ўрнидан тураётиб. — Бу ишни анча қийинлаштиради, бироқ, сизнинг ёрдамингизсиз ҳам қорасоқолни топиб оларман балки. Хайр, Артемьев. Муваффақиятли пишишингизни тилайман.

— Менга қаранг, Антонина Ивановна!.. Тоня!..

Аммо у аллақачон чиқиб кетган эди.

Орқасидан борсаммикин? Қайтарсаммикин? Майли, розиман, дейми?.. Йўқ, йўқ! Бир гапда туриш керак. Ҳозир шундай қилмасам, кейин расво бўлади.

Дарҳақиқат, ўша куни кечқурун, тун бўйи, эртасига эрталаб ҳам гапимда турдим. Лабораториядаги тажрибам — олхўриларга қарагим ҳам келмасди.

Тоня, албатта, ёлғиз жўнайди. У ҳеч қандай қийинчиликдан қўрқмайди. Қорасоқолни ва у орқали Палейни топгач, Помирда нима воқеа юз бераркин? Агар у билан бирга бўлганимда ҳамма нарсани билиб олардим. Тоня билан бирга бормасам — бу алоқа узилди деган сўз. Кета туриб бекорга «хайр» дегани йўқ. Лекин, барибир бир гапда туриш керак. Ҳозир шундай қилмасам, кейин расво бўлади.

Аблатта, мен бормаيمان. Лекин жудаям жоҳил бўлиш керак эмас-да. Тоняга йўл ҳозирлигини кўришда ёрдам бериш оддий бир илтифот-ку.

Хуллас, соат ҳали тўрт ҳам бўлмасдан тўртинчи қаватдан оёғимни қўлимга олиб пастга отилдим: Америка фильмларидаги қахрамонлардан қолишмай юриб кетаётган троллейбусга сакраб чиқиб олиб, уйга жўнадим. Чамамда, Тоняларникига тақиллатмасданоқ кириб борган бўлсам керак. Эшикдан кира солиб:

— Сиз билан бораман, Антонина Ивановна! — деб қичқирдим.

Бу хитоб қайси биримиз учун кутилмаган бўлишини аниқ билмаيمان, назаримда, мен учун бўлса керак-ов!

Шундай қилиб, мен ажойиб-ғаройиб саргузаштлар гирдобига тушиб қолдим.

II. ТИНИБ-ГИНЧИМАГАН ҚИЗ

Ленинграддан сирли. Кэцга қилган саёҳатимизни ғира-шира эслайман. Бу кутилмаган сафардан ғоят ҳаяжонланган, ўзимнинг хулқ-авторим ва Тонянинг ғайрат-шижоатидан тамом гангиб қолган эдим.

Тоня бирор куннинг ҳам бекор кетишини истамасди, шунинг учун энг учқур замонавий алоқа воситаларини назарда тутган ҳолда саёҳат режасини тузиб чиқди.

Ленинграддан Москвагача аэропланда учдик. Валдай тепалиги устида аэроплан шунақаям чайқалдики, асти қўяверасиз. Мен кеманинг чайқалтига ҳам, ҳаводаги силкинишга ҳам бардош беролмаيمان, шунинг учун дарров мазам қочди. Тоня жон куйдириб тепамда парвона бўлди. У бутун йўл бўйи менга ғамхўрлик қилди, илиқ муомалада бўлди, хуллас, унинг муносабати энди тамом ўзгарган эди. Мен борган сари ҳайратга тушардим: қанча куч-ғайрат, аёлларга хос муҳаббат, меҳру шафқат бор-а, бу қизда! Саёҳат олдидан у менга нисбатан кўпроқ елиб-югурди, лекин бу асло сезилмасди. Унинг кайфи чоғ, дам-бадам аллақандай қўшиқларни хиргойи қилиб борарди.

Москвада биз Циолковскийнинг Москва билан Тошкент ўртасида қатновчи ярим реактив стратопланига ўтирдик.

Бу машина жуда тез учар экан. Сигара нусха учта металл корпус ёнма-ён уланган, дум томонида кичкина қанотча, устидан

эса битта қанот билан қопланган — стратопланнинг ташқи кўриниши ана шундай. Тоня унинг тузилиши билан тезда танишиб олиб, менга ҳам тушунтира кетди: чап томондаги корпусда йўловчилар билан учувчилар ўтиришаркан, ўнг томонда ёнилғи, ўртадаги корпусда эса самолёт парраги, ҳавони сиқиб чиқарувчи асбоб, двигатель ва совутгич жойлашган экан; самолётни паррак кучи билан ёнилғи ҳаракатга келтирар экан. Тоня яна аллақандай ғалати нарсалар ҳақида гапирди, лекин мен янги таассуротлар қаршисида лол бўлиб қолганимдан тузуккина англаёлмадим. Зич ёпилувчи кабинага кириб, юмшоқ ўриндиқларга ўтирганимиз эсимда. Самолёт темир излар устида шиддат билан сирғалиб, тезлиги секундаги юз метрга етгач, ҳавога кўтарилди. Биз жуда баландда, афтидан, тропосфера устида, соатига минг километр тезлик билан учиб борардик. Айтишларича, бундан кўра тезроқ учиш ҳам мумкин экан.

Ҳали тузурак жойлашиб олмасимдан РСФСР орқада қолиб кетди. Булут қатлами орасидан ер кўринмасди. Булутлар сийрак-лаша бошлагач, жуда пастда қўнғир тусли ер сатҳи кўзга ташланди. Унинг ўртаси чуқурроқ, гардиши уфқ сари юксалган, худди тўнтариб қўйилган гумбазга ўхшарди.

— Қозоқ саҳролари, — деди Тоня.

— Дарров-а? Мана буни тезлик деса бўлади!

Бу училишимиз ҳатто сабри чидамаётган Тоняни ҳам қаноатлантирар эди.

Олдинда Орол денгизи ялтираб кўринди. Кабинада ҳам энди ҳозиргина ортада қолган Москва ҳақида эмас, Тошкент, Андижон, Қўқон хусусида гап борар эди.

Тошкентни томоша қилишга улгуролмадим. Биз яшин тезлигида аэродромга қўндик ва дам ўтмай автомобилга ўтириб, Циолковский томонидан яратилган, ўта тез юрадиган реактив поезд вокзалига жўнадик. Тошкент билан Андижон орасида қатнайдиغان бу биринчи реактив поезд ўз тезлиги жиҳатидан стратопландан қолишмас экан.

Мен узун, юрганда шамол қаршилигига камроқ учрайдиган қилиб ясалган ғилдираксиз вагонни кўрдим. Вагон туби ердан сал кўтарилган бетон изда турарди. Вагоннинг икки томонида бетон издан чиқиб турган қанотсимон жиҳозлар бор эди. Бу қанотлар бурилишларда ёрдам берса керак.

Айтишларича, ҳаво оқими вагон тубига ҳайдалиб, махсус тешиқлардан орқага сиқиб чиқарилар экан. Шундай қилиб, вагон юпқа ҳаво қатлами устида учаркан. Ишқаланиш жуда камайтирилган экан. Ҳаракат ҳаво оқимининг орқага ҳайдалишидан ҳосил бўлиб, тезлик шу даражага етарканки, вагон ҳатто кўприксиз кичик дарёлардан сакраб ўтиб кетавераркан.

Мен хавотирланиб, сесканиброқ вагонга ўтирдим. Биз йўлга тушдик.

«Учар поезд»нинг тезлиги ҳақиқатан ҳам жуда катта экан. Дераза ортидаги манзара сариқ-кулранг тусга кирган. Фақат осмон кўм-кўк кўринар, оппоқ булутлар эса шиддат билан орқага

учар эди. Ростини айтсам, бу янги транспорт воситасининг ҳамма қулайликларига қарамай, қисқа сафаримизнинг тезроқ тугашини кутардим. Мана бирдан остимизда дарё ярақлаб қолди, кўприксиз бу дарёдан кўз очиб-юмгунча сакраб ўтиб кетдик. Мен додлаб беихтиёр ўрнимдан туриб кетдим. Менинг бу қадар қоқлигимни кўриб, йўловчилар хахолаб кулиб юборишди. Тоня бўлса қувнаб чапак чалар ва:

— Мана бу менга ёқади! Буни тезлик деса бўлади!— дерди. Мен энтикканча деразадан ташқарига қараб-қараб қўярдим: бу якраг мазара қачон тугаркин?

Анджонга етканимизда мен раҳм-шафқат сўрадим. Шунча машаққатлардан кейин бир оз дам олиш керак-ку, ахир. Аммо Тоня буни эшитишни ҳам хоҳламасди. У ҳамон қайнаб-тошиб турарди.

— Бутун графикни бузиб юборасиз. Мен ҳамма нарсани минутигача ҳисобга олганман.

Шундай қилиб, биз яна худди ёв қувгандай аэродромга қараб югурдик.

Анджондан Ўшгача оддий аэропланда учдик. Унинг тезлиги ҳам чакана эмас — соатига тўрт юз эллик километр — лекин, бу учиш ҳам Тоняга тошбақа юриш бўлиб туюлди. Бахтга қарши, мотор хириллаб, ерга қўнишга мажбур бўлдик. Бортмеханик моторни тузатгунча, кабинадан чиқиб, қум устига чўзилдим. Лекин қум ҳаддан ташқари иссиқ эди. Қуёш аёвсиз олов пуркарди, бинобарин, яна дим кабинага қайтиб киришга тўғри келди.

Терга пишиб ўтирарканман, саёҳатимизни ич-ичимдан сўка ва Ленинграднинг ҳузурбахш майин ёмғирини орзу қилардим.

Тоня Ўшдан учадиган дирижабльга кечикишдан кўрқиб, асабийлашарди. Бахтга қарши, кечикмадик, дирижабль учишидан ярим соат илгари аэродромга келиб кўндик. Тарам-тарам пўлатдан ясалган бу баҳайбат металл қуш бизни Кэц шаҳрига элтиб қўйиши керак эди. Биз дирижабль турган мачта ёнига чопиб бориб, лифтда тезлик билан юқорига кўтарилдик ва гондола ичига кирдик.

Дирижабльдаги саёҳат менда илиқ хотира қолдирди. Гондола каюталари салқин, ҳаммавақт шамоллатиб туриларкан. Тезлик — соатига бор-йўғи икки юз йигирма километр. Силкиниш ҳам, чайқалиш ҳам, чанг-чунг ҳам йўқ. Биз шинам кают-компанияда яхшилаб овқатландик. Овқат устида Олой, Қоракўл, Хорог каби талай янги сўзларни эшитдим...

Помир юқоридан менда нохуш таассурот қолдирди. Бу «дунё томи»ни «ўлим супачаси» деб бежиз айтишмаган. Муз дарёлари, тоғлар, дарёлар, ҳар хил тепаликлар, қоп-қора тош тишлари чиқиб турган қор деворлари — бари мотамсаро. Фақат олисда, жуда пастда яшил яйловлар кўзга ташланади.

Бир йўловчи альпинист кўкимтир муз билан қопланган тоғни кўрсатиб, Тоняга тушунтириб борарди:

— Мана бу текис музлик, ановиниси игнасимон, наригиси ғадир-будур, ундан нарида тўлқинсимон, зинапояли...

Бирдан кўл сатҳи ярқираб кўринди...

— Қоракўл. Денгиз сатҳидан уч минг тўққиз юз тўқсон метр баландда,— деди альпинист.

— Қаранг, қаранг!— деб қолди менга Тоня.

Пастга қарадим. Оддий кўл. Ярқираб турибди. Тоня эса шавқ-завқдан энтикади.

— Қандай гўзал!

— Ҳа, ажойиб кўл,— дедим мен ҳам Тоняни ранжитмаслик учун.

III. МЕН ИЗҚУВАРГА АЙЛАНДИМ

Мана, ниҳоят, пастлай бошладик Дирижаблдан бутун шаҳар кўриниб турибди. У қор чўққилари орасидаги жуда узун, энсиз, баланд тоғ водийсига жойлашган. Водий ғарб ва шарққа қараб чўзилиб кетган. Шаҳарга яқинлашганда эса кенгайди. Водийнинг жануб томонида каттақон тоғ кўли бор. Альпинистнинг айтишича, у жуда чуқур эмиш.

Икки юзга яқин уйнинг ясси тунука томлари ярқираб турибди. Томларнинг кўпи алюминдай оппоқ, лекин қоралари ҳам бор. Тоғнинг шимолий ёнбағрида гумбазли улкан бино қад кўтарган, афтидан, обсерватория бўлса керак. Турар жойларнинг орқасида фабрика бинолари кўзга ташланади.

Биз қўнадиган аэродром шаҳарнинг ғарб тарафида экан, шарқ томонда эса қандайдир жуда энлик ғалати темир йўл. У водийнинг охиригача чўзилган, назаримда ўша ерда узилса керак.

Ниҳоят, ерга кўндик.

Меҳмонхонага кетяпмиз. Шаҳарни томоша қилишга ҳол йўқ: йўл эзиб ташлаганди. Тоня ҳам раҳмдиллик қилиб менга рухсат берди. Ботинкаларимни ечиб, кенг диванга чўзилдим. Оҳ-оҳ! Қандай роҳат! Ҳар турли тезюар машиналарнинг моторидан бошим ҳануз ғувилларди, кўзларим юмилиб кетяпти. Энди бир мириқиб дам оламан-да!

Эшикни биров тиқиллатгандай бўлди. Ё ҳалиям бошим ғувиллаптимикин?... Йўқ, ростданам тиқиллатишяпти. Толган вақтларини қаранг-а.

— Кириш!— дедим аччиқ билан ва дивандан сакраб турдим. Остонада Тоня кўринди. У мендан хабар олгани кирганга ўхшайди.

— Қалай, яхши дам олдингизми? Юринг энди,— деди у.

— Қаёққа? Нега?— дедим қаттиқ-қаттиқ гапириб.

— Қаёққа бўларди? Бу ерга нима учун келдик?

Ҳа, ҳа. Қорасоқолли кишини қидириш учун келганмиз. Тушунарли... Лекин ҳозир кеч бўлиб қолди-ку, яхшиси эрталабдан бошласак бўлмасмикин. Бироқ, қаршилиқ қилиш бефойда эди. Индамай Ленинградда киядиган енгил пальтомни елкамга ташладим, аммо Тоня ғамхўрлик билан огоҳлантирди:

— Пўстинни кийинг Бир неча минг метр баландликда турганимизни унутманг. Қуёш ҳам аллақачон ботган

Мен пўстинимни кийдим, биз кўчага чиқдик.

Муздек тоғ ҳавоси димоғимга урилиб, нафасим бўғила бошлади. Тоня менинг қийналаётганимни кўриб, тушунтирди:

— Сиз сийрак тоғ ҳавосига ўрганмагансиз. Ҳечқиси йўқ, тез ўтиб кетади.

— Қизиқ, меҳмонхонада буни сезмаган эдим-ку,— дедим ажабланиб.

— Меҳмонхонадаги ҳаво компрессор орқали сунъий равишда қуюқлаштирилган,— жавоб берди Тоня,— тоғ ҳавосини ҳамма ҳам кўтара олмайди. Баъзилар бутунлай кўчага чиқишмайди, улар билан хонада консультация олиб борилади.

— Афсус, бу имтиёз қорасоқолли кишиларни қидирувчи мутахассисларга берилмас экан-да!— деб кесатдим ҳазил аралаш.

Биз тоза, яхши ёритилган шаҳар кўчалари бўйлаб юриб борардик. Дунёдаги энг текис ва энг мустаҳкам тош кўча шу ерда — бошдан-оёқ табиат силлиқлаган ва табиат пардозлаган гранитдан қурилган.

Қаршимиздан қорасоқолли кишилар тез-тез чиқиб турарди: афтидан, аҳоли орасида жанубликлар кўпга ўхшайди.

Тоня ҳар қадамда энгимдан тортар ва:

— Шу эмасми?— деб сўрарди.

Мен ғамгин бош чайқардим. Шундай қилиб, кўл бўйига бориб қолганимизни ҳам сезмабмиз.

Бирдан сиренанинг чинқириғи эшитилди. Садо атрофга таралиб, чўчиб уйғонган тоғлардан ҳазин акс садо қайтди. Ҳавода қандайдир юракни музлатадиган оҳанг сузарди.

Соҳил бўйлаб равшан чироқлар ёндию кўл ярқираб, худди олмос гардишли кўзгуга ўхшаб қолди. Чироқлар кетидан ўнлаб қудратли прожекторлар ўзларининг мовий нурларини мусаффо осмонга қадашди. Сиренанинг овози ўчди. Тоғдаги акс садо ҳам тинди. Аммо шаҳар оёққа турган эди.

Кўлда соҳил бўйлаб тезюрак катер ва глиссерлар сузиб юрарди. Одамлар тўдаси кўл томон оқиб кела бошлади.

— Қаёққа қараяпсиз?— деб қолди бирдан Тоня.

Бу овоз менга яна ўзимнинг дардисар вазифамни эслатди. Мен кўл ва чироқларга шартта орқамни ўтириб, тўда орасидан соқолли кишиларни қидира бошладим.

Бир пайт қорасоқолли нотаниш кишини кўргандай бўлдик. Энди Тоняга айтмоқчи бўлиб турувдим, унинг ўзи хитоб қилиб қолди:

— Қаранг, қаранг!— деди у осмонга ишора қилиб.

Биз ерга яқинлашиб келаётган олтин юлдузни кўрдик. Оломон жим бўлиб қолди. Шу он олисдан гулдурлаган овоз эшитилди. Беғубор осмонда момақалдиروق овози! Бу гулдуросга тоғлар бўғиқ акс садо билан жавоб бердилар. Дақиқа сайин шовқин кучайиб, юлдузча катталлашиб борарди. Унинг орқасида қуюқ тутун кўриниш бошлади ва кўп ўтмай юлдузча қанотли сигара

тусига кирди. Бу фақат қитъалараро учадиган кема бўлиши мумкин. Оломон орасидан хитоблар эшитилди.

— Кэц-етти!

— Йўқ, Кэц беш!

Ракета бирдан кичик доира ясади-да, қуйруғини пастга қилиб тўнтарилиб олди. Ундан аланга отилиб чиқар, кеманинг тезлиги ҳам тобора пасайиб, аста-секин кўл устига яқинлашиб келарди. Унинг бўйи энг катта паровознинг бўйидан ҳам анча узун эди. Оғирлиги ҳам, назаримда, ундан кам эмасди.

Мана, ниҳоят, баҳайбат нарса сув сатҳига бир неча ўн метр қолганда гўё ҳавода осилиб қолди: портлаб ёнаётган газ кучи уни муаллақ ҳолда тутиб туради. Газ чиқитлари сув юзини титратиб, мавжлантирарди. Кўл устини тутун қоплаб олган эди.

Кейин пўлат сигара секин-секин пастлай бошлади, кўп ўтмай унинг қуйруғи сувга тегди. Сув вақирлаб, жўш уриб кетди. Ракета буғ билан қопланди. Гулдурос шовқин тўхтади. Буғ билан тутун орасидан ракетанинг ўткир учи бир кўринди-ю, ғойиб бўлди. Сув қаттиқ чайқалди. Баҳайбат тўлқин катер ва глиссерларни тебратиб, бутун кўл бўйлаб таралди. Ракета кўринмасди. Йўқ, ана, прожектор нури тушиб, сув юзида ярқираб кўриниб қолди.

Одамлар бараварига қичқиришиб, ракетани муваффақиятли қўнгани билан табриклашарди. Бир неча катер, худди қалдирғоч китга ташлангандай, чайқалиб турган ракета томон сузиб кетди. Кичкина қора катер уни шатакка олиб, соҳилга судраб келди. Икки бақувват трактор махсус кўприкдан қирғоққа тортиб чиқарди. Ниҳоят люк очилиб ракетадан қитъалараро саёҳатчилар чиқишди.

Биринчи чиққан сайёҳ қаттиқ аксира бошлади. Оломон орасида кулги ва хитоблар эшитилди: «Саломат бўлинг!»

— Доим шунақа бўлади,— деб жавоб берди осмондан тушган сайёҳ.— Ерга тушишим билан шамоллаб қоламан, йўталаман.

Мен поёнсиз само қўйнида бўлган бу одамга катта қизиқиш ва ҳурмат билан қарадим. Шунақа довюраклар ҳам бор-а! Мен ракетада учигга ҳечам рози бўлмасдим.

Сайёҳларни тантана билан кутиб олишди, ҳамма улардан нималарнидир сўраб-суриштирар, тинмай кўл қисшарди. Фазогирлар автомобилга ўтириб жўнаб кетишди. Оломон сийраклаша бошлади. Чироқлар ўчди. Бирдан оёқларим тўнгиб қолганини пайқадим. Этим жунжикиб, кўнглим айнарди.

— Жуда кўкариб кетибсиз,— деди ниҳоят раҳмдиллик қилиб Тоня.— Юринг уйга.

Меҳмонхонага кираверишда мени семиз, тепакал киши қарши олди. Аҳволимни кўриб:

— Тоққа мазангиз йўқ экан, йигит,— деб бош чайқаб қўйди у.

— Совқотдим,— жавоб бердим мен.

Шинам ошхонада овқатланиб ўтириб, семиз киши билан гаплашиб қолдик. У врач экан. Чой устида ундан шаҳарни ва

учиб келган ракетани нима учун Кэц деб аташларини сўрадим.

— Юлдузнинг ҳам номи шундай,— жавоб берди доктор.— Кэц юлдузи. Эшитмаганмисиз? Ҳамма гап шунда. Бу шаҳар ҳам ана шу юлдуз туфайли қурилган. Нима учун Кэц деб аталади? Наҳот пайқамаган бўлсангиз? Сиз бу ёққа учиб келган стратоплан кимнинг лойиҳаси бўйича қурилган?

— Циолковский лойиҳаси бўйича бўлса керак,— жавоб бердим мен.

— Бўлса керак...— деди доктор ранжигандай, чўзиб.— Бўлса керак эмас, худди шундай. Сиз кўрган ракета ҳам, юлдуз ҳам унинг лойиҳаси бўйича қурилган. Шунинг учун ҳам Кэц деб аталади: Константин Эдуардович Циолковский. Тушундингизми?

— Тушундим,— жавоб бердим мен.— Кэц Юлдузи қанақа юлдуз?

— Ернинг сунъий йўлдоши. Фазодаги станция-лаборатория, айни вақтда, сайёралараро учувчи ракеталар учун ракетодром.

IV. БЕҲУДА ҚУВИНИ

Анчадан бери бу тунгидай қаттиқ ухламаган эдим. Агар Тоня келиб соат олтида уйғотмаганида кундуз соат ўн иккигача ухлашим аниқ эди.

— Тезроқ кўчага юринг,— деди у.— Ҳозир ишчилар билан хизматчилар ишга боришади.

Каллаи саҳарлаб яна изқуварлик ролимни бажаришга киришдим.

— Палей деган одамнинг шу ерда яшаш-яшамаслигини справка бюроси орқали била қолсак бўлмасмикин?

— Беъмани гап,— деди Тоня.— Буни Ленинграддалигимиздаёқ суриштирганман...

Биз тош кўчадан борардик. Қуёш аллақачон тоғ тепасига кўтарилган бўлса ҳам баданим жунжикар, ҳамон нафасим бўғиларди. Музликлар ярқираб, кўз очирмасди.

Узоқда кичкина боғ кўринди — бу маҳаллий боғбонларнинг ўсимликларни иқлимга мослаштириш йўлидаги уринишларининг самараси. Кэц шаҳри қурилгунга қадар бу ерда, бир неча минг метр баландликда ҳеч қандай гиёҳ ўсмаган.

Юравериб чарчадим. Бир оз ўтиришни таклиф қилдим. Тоня рози бўлди.

Олдимиздан одамлар тинимсиз ўтиб турарди. Улар бемалол гаплашиб, кулишиб боришарди — қисқаси, ўзларини жуда тетик ҳис қилишарди.

— Ана! Ана! — деб қичқириб юбордим бирдан.

Тоня ўрнидан сакраб туриб, билагимдан ушлаб олди, биз оёғимизни қўлимизга олиб машина орқасидан чопа кетдик. Машина ракетодромга элтадиган тўппа-тўғри йўлдан елдай учиб борарди.

Чопиш қийин эди. Нафасим қисиларди. Кўнглим беҳузур бў-

ларди. Бошим айланиб, оёқ-қўлим титрарди. Бу гал Тонянинг ҳам мазаси қочди, лекин сира тўхтай демасди.

Шу алпозда ўн минутлар чамаси югурдик. Қора соқолли киши ўтирган автомобиль ҳали кўздан узоқлашмаган эди. Тоня бирдан кўчани кесиб ўтди-да, қўлларини ёзиб, рўпарадан келаётган машинанинг йўлини тўсди. Машина кескин тўхтади. Тоня кабинага сакраб чиқиб, мени қўлимдан тортди.

Шофёр бизга ҳангу манг бўлиб тикилиб турарди.

— Анави машинанинг орқасидан ҳайданг тезроқ! — деб буюрди Тоня. Унинг овози шундай қатъий чиқдики, шофёр гинг демай, машинасини орқага қайтариб, газни охиригача босди.

Йўл ажойиб эди. Тезда сўнгги уйлар ҳам ортда қолиб, олдинда ракетодром қафтда тургандай кўзга ташланди. Кенг «темир йўлда» улкан лаққа балиқ янглиғ ракета ётарди. Ракета атрофида одамлар уймаланишарди. Бирдан сирена товуши янгради. Одамлар шошиб ўзларини четга олишди. Ракета темир излардан сирганганча тезлигини ошира бориб, ниҳоят, ўқдай учиб кетди. Лекин ҳали ракетанинг портлатгичлари ишга туширилмаган, у худди трамвайдай, электр токи билан ҳаракат қиларди. Йўл тоққа томон ўттиз градус қиялик билан кўтариларди. Йўлнинг тугашига бир чақиримча қолганда ракетанинг қуйруғидан бир кучоқ аланга отилиб чиқди. Ракета тутун билан қопланди. Кейин кучли портлаш овози эшитилди. Бир неча дақиқадан сўнг қудратли ҳаво тўлқини бизни гандираклатиб юборди. Ракета орқасида тутундан узун оқ из қолдириб, само қаърига кириб борарди. Кўп ўтмай у қора нуқтага айланиб, кўздан ғойиб бўлди.

Биз ракетодромга етиб келдик. Аммо, афсуски, ерда қолганлар орасида қора соқолли киши йўқ эди...

V. ФАЗОДА ЯШАШГА НОМЗОД

Тоня оломон орасига ўзини уриб, ҳаммадан, қора соқолли кишини кўрмадинларми, дея сўраб-суриштира кетди.

Одамлар бир-бирларига қарашиб, эслай бошлашди. Ниҳоят, оппоқ темир қалпоқ ва оқ чарм костюм кийган бир киши:

— Евгенийев бўлса керак,— деди.

— Албатта, Евгенийев-да. Бугун бу ерда ундан бошқа қора соқолли киши йўқ эди,— деди бошқаси.

— Қани у? — деб сўради Тоня ҳовлиқиб.

Ҳалиги киши қўлини юқорига кўтарди.

— Анови ёқда. Стратосферани кесиб, Кэц Юлдузи томон борапти.

Тонянинг ранги оқариб кетди. Мен уни қўлтиғидан суяб, таксига олиб бордим.

— Меҳмонхонага борамиз,— дедим мен.

Тонядан йўл бўйи садо чиқмади. Итоаткорлик билан билагимга суяниб, зинапоядан юқорига кўтарилди. Уни ўз хонасига

олиб кириб, креслога ўтказиб қўйдим. У бошини кресло суян-чиғига ташлаганча кўзларини юмиб ўтирарди. Бечора Тоня! Иши ўнгидан келмаганига қанчалик изтироб чекапти. Лекин энди ҳаммаси тугади. Қора соқолли киши сайёралараро саёҳатдан қайтгунча Кэц шахрида кутиб ўтирмаймиз-ку, ахир.

Аста-секин Тонянинг юзига қон югурди. Кўзларини очмасдан негадир кулимсиради.

— Қорасоқол Кэц Юлдузига учиб кетди. Начора, орқасидан биз ҳам учамиз!

Бу гапни эшитиб, креслодан ағдарилиб тушаёздим.

— Ракетада-я! Зим-зиё осмонга-я!..

Бу сўзларни шундай қўрқув, шундай аянч билан айтдимки, Тоня қаҳ-қаҳлаб кулиб юборди.

— Мен сизни анча довюрак ва қатъий одам деб ўйлаган эдим,— деди у энди бутунлай жиддий ва ҳатто бир оз маънос оҳангда.— Дарвоқе, менга ҳамроҳ бўлишни истамасангиз, Ленинградгами, Арманистонгами — хоҳлаган томонингизга кетаверишингиз мумкин. Энди қора соқолли кишининг фамилиясини билиб олдим, сизнинг керагингиз ҳам йўқ. Ҳозир эса хонангизга чиқиб, каравотга чўзилинг. Кўринишингиз чатоқ. Баланд тоғ ва юлдузлар олами сизга тўғри келмас экан.

Ҳа, ростдан ҳам ўзимни жуда ёмон ҳис қилаётган эдим, бинобарин, Тонянинг буйруғини жон деб бажаришим мумкин эди. Лекин ҳозир сал иззат-нафсимга тегилганди. Шу тобда мен ҳамма нарсадан ҳам Ерда қолишни истар ва айни вақтда Тонядан ажралиб қолишдан қўрқардим. Қайси бири устун чиқади? Мен ўйлаб бўлгунча, тилим сайраб кетди:

— Антонина Ивановна! Тоня!— дедим мен.— Қора соқолли кишини қидириш учун сизга керагим қолмаган пайтда мени ўзингизга ҳамроҳ қилмоқчи бўлганингиздан айниқса бахтиёрман. Сиз билан бирга учаман!

У хиёл жилмайиб, менга қўлини узатди.

— Раҳмат, Леонид Васильевич. Энди сизга ҳамма гапни айтишим керак. Мен шунчалик қатъият билан қидираётган Палей сизни қанча изтиробга солганини кўрдим-ку, ахир. Иқроор бўлаверинг, кўнглингизга, Палей бу қизни ташлаб қочган-у, энди қайсар маъшуқа севгисини қайтариш умидида унинг орқасидан қувиб юрибди, деган ўй ҳам кўп марта келган.

Икки юзим беихтиёр ловиллаб кетди.

— Лекин сиз шу қадар одоб сақладингизки, бу хусусда менга бирорта ҳам савол бермадингиз. Энди айтай: Палей — менинг дўстим, университетда бирга ўқиганмиз. У гоёят таланти ёш олим, ихтирочи. Ҳар нарсага қизиқувчан, беқарорроқ одам. Биз у билан университетнинг охириги курсида ўқиб юрган вақтимиздаёқ электромеханикада бурилиш яшаш эҳтимоли бўлган бир илмий иш бошлаган эдик. Худди бир нуқтада учрашиш учун, икки томондан тоннель қазिशга киришган ишчилардай, илмий ишни иккига бўлиб, икковимиз ҳам бир мақсадга интилдик. Иш пировардига етиб қолган эди. Ҳамма ёзувларни Палей

ўз ён дафтарчасига қайд этиб борарди. Кутилмаганда уни Свердловскка командировкага жўнатишди. Командировка шу қадар шошилишча бўлдики, у ён дафтарчани қолдиришни ҳам унутибди. Ўзиям доим паришонхотир юради. Свердловскка хат ёздим, лекин жавоб келмади. Шундан бери дом-дараксиз. Свердловскда менга унинг Владивостокка кўчирилганини айтишди, лекин у ердан ҳам изини тополмадим. Шундан кейин ишни ўзим мустақил давом эттиришга уриниб кўрдим. Лекин менга Палей томонидан ишланган талай формула ва ҳисоблар етишмасди. Вақти келиб бу иш ҳақида батафсил гапириб бераман. Хуллас, у мени шу қадар банд этган эдики, юрсам ҳам, турсам ҳам ҳаёлимдан нари кетмасди. Бу нарса менинг бошқа иш билан шуғулланишимга ҳам халақит берарди. Шундай келажаги порлоқ масалани ярим йўлда қолдириб кетиш — Палейнинг бу енгилтаклигини ҳалиям тушунмайман. У ҳақдаги хабар мени нима учун бу қадар ҳаяжонлантирганини энди англагандирсиз. Бор гап шу... Ростдан ҳам жуда бетоб кўринасиз. Бориб дам олинг.

— Сиз-чи?

— Мен ҳам бир оз чўзиламан.

Аммо Тоня ётмади. Кэц бош бошқармасининг кадрлар бўлимига бориб, Кэц Юлдузига фақат ўша ерда ишлаш учун шартнома тузиш шарти билангина учиб мумкинлигини билиб келди. Физиклар билан биологлар айниқса зарур экан. Тоня кўп ўйлаб ўтирмай, ўзи учун ҳам, мен учун ҳам бир йил муддат билан шартнома тузибди.

У хонамга қувониб кириб келди ва завқ билан ўз саргузаштларини гапира кетди. Кейин бинафшаранг чарм портфелидан қоғоз, авторучка чиқариб, менга узатди.

— Мана сизнинг аризангиз. Қўл қўйинг.

— Хўп, лекин... бир йил... қанақа бўларкин...

— Ташвишланманг. Мен сўрадим, бошқарма бу шартномага унчалик қаттиқ амал қилмас экан. Шароитнинг фавқулоддалиги, ҳаёт тарзи, иқлим — ҳаммаси эътиборга олинган. Кимки ўзини ёмон ҳис этса...

— Иқлим? У ерда қанақа бўлиши мумкин?

— Мен Кэцдаги турар-жойларни назарда тутяпман.

У ерда исталган ҳарорат ва ҳаво намлигига эга бўлган иқлим яратиш мумкин.

— Демак, Кэцда ҳам атмосфера бу ердаги, Помирдагидай сийрак экан-да.

— Ҳа, тахминан шундай,— деди Тоня бир оз ишончсизлик билан ва шошиб қўшиб қўйди:— Балки сийракроқ ҳамдир. Сиз учун энг катта тўсиқ шу. Юлдузда яшашга номзодлар жиддий жисмоний кўрикдан ўтадилар. Тоғ касалига тез чалинадиганлар яроқсиз деб топилади.

Ростини айтсам, бу сафардан фахрли равишда қутулиб қолиш учун ҳали имкониятим борлигидан жуда севиндим. Аммо Тоня шу заҳотиёқ менга тасалли берган бўлди:

— Лекин биз бир йўлини қиламиз! Эшитишимча, у ерда оддий босимдаги атмосферали хона бор эмиш. Босим аста-секин камайтириб бориларкан ва, бинобарин, ердан чиққанлар унга тезда кўникиб кетиши мумкин экан. Мен сиз ҳақингизда доктор билан гаплашиб кўраман.

Мен гангиб қолдим ва жон-жаҳдим билан сўнгги далилимни ишга солдим:

— Ердаги иш нима бўлади?

Тонянинг жавоби тайёр эди:

— Бундан осони йўқ! Кэц — жуда обрўли ташкилот. Кэцда ишлаш учун шартнома тузганлигингизни ишхонангизга бир оғиз айтсангиз — кифоя, дарров рухсат беришади. Фақат соғлигингиз имкон берса бўлгани. Ўзингизни қандай сезяпсиз? — Шундай деб, у томиримнинг уришини текшириш учун қўлимдан ушлади.

— Шундай доктор қўлингни ушлагандан кейин: «Михдай!» — деб жавоб беришдан бошқа иложинг қоладими!

— Ундай бўлса, яна яхши. Тезроқ мана бунга қўл қўйинг, мен докторга учрашиб келаман.

Шундай қилиб, ҳаш-паш дегунча мен фазода яшашга ёлланиб қолдим...

— Дармонсизлик сезилмайдими? Баданингизда кўкариш ҳоллари бўлмаганми? Бошингиз айланмайдими? Кўнглингиз беҳузур бўлмайдими? — сўрарди доктор мендан. — Қусмаганмисиз?

— Йўқ, фақат автомобилнинг орқасидан югурганимизда кўнглим қаттиқ айниган эди.

Доктор бир оз ўйланиб, кейин маънодор қилиб деди:

— Касалингиз унчалик оғир эмас.

— Демак, учиш мумкин экан-да, доктор?

— Ҳа. Менимча, мумкин. Тўғри, ракетада одатдаги атмосфера у ерда атмосферадаги каби бешдан тўрт қисми азот бўлган кислороддан эмас, балки тоза кислороддан нафас оласиз. Шунинг ўзи етарли. Кэц Юлдузида эса одатдаги босимга эга бўлган ички камералар бор. Демак, фақат учиш вақтида бир оз бардош беришга тўғри келади. Юлдуз атиги минг километр баландликда жойлашган.

— Учиш қанча кунга чўзилади? — сўрадим мен.

Доктор менга масхараомуз кўз қирини ташлади.

— Сайёралараро саёхатдан хабарингиз камроққа ўхшайди. Ракета Юлдузга саккиз-ўн минут учади, азизим. Лекин ичида кўникамаган одамлар бўлгани учун учиш бир оз чўзилади. Марказдан қочирма кучдан фойдаланиш мақсадида снаряд Ернинг айланиши бўйлаб уфққа томон йигирма беш градус қиялик билан учади. Дастлабки ўн дақиқа орасида тезлик секундига беш юз метрга етади ва фақат атмосфера орасидан учиш ўтиш вақтидагина сал пасаяди, кейин эса, атмосфера сийраклаша бошлаб, тезлик яна ошади.

— Атмосфера орасидан ўтиш пайтида тезлик нима учун пасаяди? Тормозланиш бўладими?

— Гап тормозланишда эмас. Атмосферадан катта тезлик билан ўтишганда ишқаланиш кучайиб, ракетанинг қобиғи жуда қизиқ кетади, бундан ташқари, тезлик ошган сайин оғирлик ҳам орта боради. Ўз танангни ўн барабар вазмин ҳис қилиш эса кўпам ёқимли эмас.

— Қобиқ атмосферага ишқаланган пайтда куйиб кетмаймизми? — сўрадим ҳадиксираб.

— Йўқ. Сал-пал терлашингиз мумкин. Шу холос. Ахир, ракета қобиғи уч қатламдан иборат-ку. Ички қатлам — пишиқ металлдан ясалган, оддий шиша пардаси билан қопланган кварц ойнали, эшиклари ҳаво кирмайдиган даражада зич ёпилади. Иккинчи қатлам — қийин эрийдиган, иссиқликни деярли ўтказмайдиган материалдан ясалган. Учинчи — ташқи қатлам эса, гарчи нисбатан юпқа бўлса ҳам, лекин иссиқликка жуда чидамли металлдан иборат. Устки қатлам чўғ бўлиб кетганда ҳам ўртадагиси иссиқликни ракета ичига ўтказмайди, бунинг устига, ажойиб совутгичлар бор. Қатламлар орасида совутгич газ тўхтовсиз айланиб туради.

— Ҳақиқий инженер экансиз, доктор, — дедим мен.

— Илож қанча. Организмни одатдан ташқари шароитга кўниктиришга қараганда ракетани одам организмга мослаштириш осонроқ. Шунинг учун ҳам техниклар мен билан ҳамкорликда ишлашади. Биринчи тажрибаларимизни кўрганингизда эди. Қанча муваффақиятсизликлар, қанча қурбонлар!

— Одамлар ҳам қурбон бўлганми?

— Ҳа, одамлар ҳам.

Баданим чумоли ўрмалаётгандай жимирлаб кетди. Лекин чекиниш учун вақт ўтганди.

Меҳмонхонага қайтиб келганимда Тоня, худди суюнчи беринг дегандай, шу хабарни айтди:

— Мен суриштириб билдим — ҳаммаси жойида. Эртага туш пайтида учамиз. Ўзингиз билан ҳеч нарса олманг. Эрталаб, учишдан олдин ваннага тушиб, дезинфекцион камерадан ўтамиз. Стерилизация қилинган ички кийим билан костюм беришади. Доктор сизнинг соғлигингизни жуда яхши деди.

Тонянинг сўзларини худди тушдагидай эшитдим. Юрагимни даҳшат босди. Ердаги сўнгги кечани қандай ўтказганимни ва нима хаёлларга борганимни айтиб ўтиришнинг ҳожати йўқ...

VI. ПАРДОЗХОНА

Тонг отди. Ердаги сўнгги тонг. Деразадан паришонлик билан ташқарига қарадим — офтоб чарақлаб турибди. Иштаҳам бўлма-са ҳам зўрма-зўраки нонушта қилиб, ер микробларидан «тозаланиш» учун жўнадим. Бу тадбир бир соатдан кўпга чўзил-

ди. Врач-бактериолог менга қандайдир ақлга сиғмайдиган рақамлар — кийимимга ин қурган миллиардлаб микроблар ҳақида гапирди. Буни қарангки, мен ўзим билан бирга терлама, ичтерлама, юракбуруғи, тумов, кўкйўтал, сал бўлмаса вабо касалини олиб юрган эканман. Қўлларимдан сил микроблари ва йиринглатувчи таёқчалар топилди. Ботинкаларимда куйдирги микроби бор экан. Чўнтакларимдан қоқшал микроблари чиқди. Пальтомнинг чокларида қайталайдиган иситма, оқсил касали микроблари уя қурган экан. Шляпамда эса қутуриш, қора чечак, сарамас, яна алланимабалолар... Қўйинг-чи, бу янгиликлардан тамом эсанкираб қолдим. Қанчадан-қанча кўзга кўринмас душманлар мени қулатиш учун пайт пойлаб турган экан-а! Нима бўлганда ҳам Ернинг хатарли томонлари бор. Мана шу ўй менда юлдузлар оламига саёҳат қилишга андак майл уйғотди.

Менинг ошқозон ва ичакларимни ювишиб, танамга қандайдир нотаниш аппаратлар ёрдамида нур юборишди. Бу аппаратлар баданимдаги зарарли микробларни ўлдириши керак эди. Мен жуда қийналиб кетдим.

— Доктор,— дедим мен.— Бу эҳтиёткорликдан фойда йўқ. Камерангиздан чиқишим билан микроблар яна менга ёпишиб олади.

— Тўғри, лекин сиз ҳеч бўлмаганда катта шаҳардан илашиб келган микроблардан халос бўлдингиз. Ленинграднинг марказидаги бир куб метр ҳавода минглаб, боғларда юзлаб, Исаакий тепалигида эса атиги ўнлаб бактериялар бор. Бизда, Помирда бўлса улар жудаям оз. Совуқ ва офтоб нури, чангнинг йўқлиги, ҳавонинг қуруқлиги — буларнинг ҳаммаси ажойиб дезинфекторлардир. Кэцда сиз яна «пардозхона»га тушасиз. Ҳозир биз фақат хомаки тозалашдан ўтказдик. У ерда эса жуда синчиклаб тозалашади. Қалай, маъқул эмасми? Лекин илож қанча. Шуниси яхшики, ҳеч қандай юқумли касаллик билан оғримаслигингизга имонингиз комил юрасиз. Ҳарҳолда у ерда бундай хавф жуда кам. Бу ерда эса ҳар қадамда бирор касаллик пойлаб туради.

— Менга жуда тасалли бердингиз,— дедим дезинфекция қилинган кўйлакни кия туриб,— фақат куйиб кетмасам, бўғилиб қолмасам, яна ҳалиги...

— Гап куйиб кетиш ёки бўғилиб қолиш устида бўлса, бу фалокатлар ерда ҳам юз бериши мумкин,— деб гапимни бўлди доктор.

Кўчага чиққанимда автомобилимиз бизни йўл четида кутиб турарди. Кўп ўтмай дезинфекцион камеранинг аёллар бўлимидан Тоня ҳам чиқиб келди. У менга бир жилмайиб қўйди-да, ёнимга ўтирди. Автомобиль йўлга тушди.

— Қалай, яхши чўмилдингизми?

— Ҳа, ажойиб ҳаммом экан. Уч юз квадриллион икки юз триллион юз биллион микробни ювиб ташладим.

Мен Тоняга қарадим. Унинг руҳи тетик, икки юзи қизариб, тиниқлашган. Биз худди истироҳот боғига кетаётгандай, у жуда хотиржам эди. Ҳарҳолда, у билан учишга рози бўлиб яхши қилган эканман...

Туш пайти. Қуёш нақ тепамизда турибди. Осмон худди тоғ биллуридай кўм-кўк, беғубор. Қорли чўққилар, ҳаракатсиз муз дарёлари ярқирайди, пастда тоғ сойлари ва шалолалари шовиллайди, ундан ҳам пастда кўм-кўк далалар ясталган, худди парча-парча қор лахтакларидай бўлиб қўй подалари ўтлаб юрибди у ерларда. Офтобнинг куйдиришига қарамай, шамол муздек тоғ нафасини уфуряпти. Еримиз қандай гўзал-а! Бир неча минутдан сўнг мен уни тарк этиб, зим-зиё кўк қаърига учаман. Рост гап, бу ҳақдаги романларни ўқиган дуруст экан...

— Ана бизнинг ракетамиз!— деб қичқирди Тоня қувонч билан.— У худди балиқ пуфагига ўхшайди. Қаранг, семиз доктор бизни кутиб турибди.

Автомобилдан тушдик, одат бўйича докторга қўл узатган эдим, у дарров қўлини орқасига яширди.

— Дезинфекциядан ўтганингизни унутманг. Ердаги бирор нарсага қўл текиза кўрманг.

Хайҳот, мен ердан ажралиб қолдим. Яхшики, Тоня ҳам энди «ерники» эмас. Мен уни қўлтиғидан олдим. Биз ракетага қараб юрдик.

— Мана бизнинг фарзандимиз,— деди доктор ракетани кўрсатиб.— Кўряпсизларми — унинг ғилдираклари йўқ. У пўлат изларда юрмайди, балки пўлат новлар устида сирғанади. Ракета корпусида шарлар учун махсус чуқурчалар бор, ракета ана шу шарлар устида юради. Тезликни ошириш учун ердаги электростанция қувват беради. Металл нов сим вазифасини бажаради... Кўринишингиз ёмон эмас. Кўникяпсизми? Дуруст, дуруст. Осмондагиларга мендан салом айтинглар. Илтимос, врач Анна Игнатьевна Меллер «Кэц-беш» ракетасидагилардан ойлик ҳисоботни бериб юборсин. У жуда гўзал жувон. Дунёда энг кам тажрибага эга бўлган доктор. Лекин иши ўзига етарли...

Сиренанинг чинқириғи докторнинг сўзларини босиб кетди. Ракета люки очилди. Пастга нарвон сирғалиб тушди.

— Қани, энди вақт бўлди! Яхши боринглар,— деди доктор яна огоҳлантиргандай қўлини орқасига қилиб.— Хат ёзиб туринглар.

Нарвоннинг атиги ўнта зинаси бўлса ҳам юқорига кўтарилгунча юрагим ўйнаб кетди. Орқамдан Тоня, унинг кетидан механик кирди ракетага. Учувчи аллақачон ўз ўрнида ўтирарди. Биз лампочка ёритиб турган торгина камерага базўр жойлашдик. Камера кичкина лифтнинг кабинасини эслатарди.

Эшик аста ёпилди. «Тобутнинг қопқоғига ўхшайди»,— деган ўй ўтди кўнглимдан.

Ер билан алоқа узилган эди.

VII. ҚИСКА САЕХАТ

Каютамиз ойналарининг қопқоқлари берк бўлганидан ташқарида нималар бўлаётганини билолмай, тишимни тишимга қўйганча биринчи турткини кутиб ўтирардим. Соат ниллари ўн иккини кўрсатди, лекин биз ҳамон қимир этмасдик. Қизик, афтидан, учиш бирор сабаб билан кечиктирилаётганга ўхшайди.

— Қўзғалганга ўхшаймиз,— деди Тоня.

— Мен ҳеч нарсани сезмаяпман.

— Ракета шар-ғилдираклар устида аста сирғалади-ку, шунинг учун бўлса керак.

Шу пайт қўққисдан биров елкамдан кресло суянчиғига босгандай бўлди.

— Албатта, қўзғалдик!— деб хитоб қилди Тоня.— Сезяпсизми? Елкам борган сари кресло суянчиғига ёпишиб кетяпти.

— Ҳа, сезяпман.

Бирдан портлаш товуши эшитилди, кейин у чиниқроқ овозга айланди. Ракетага титроқ кирди. Энди ҳеч қандай шубҳа қолмаган эди: биз учиб кетаётган эдик. Дақиқа сайин ракета ичи исиб борарди. Оғирлик маркази орқага ўта бошлади. Ниҳоят, ўзимни креслода ўтиргандай эмас, балки каравотда осмонга қараб, тиззаларимни букиб ётгандай ҳис қила бошладим. Ракета тиккасига учаётган пайт бўлса керак.

— Тўнтарилган кўнғизларга ўхшаб қолдик,— деди Тоня.

— Устидан каттагина ғишт бостирилган ҳам деяверинг,— қўшиб қўйдим мен.— Кўкрагимдан бир нарса итараётганга ўхшайди.

— Рост. Қўлни ҳам қимирлатиб бўлмайди — қўрғошиндай зилзамбил.

Портлашлар тўхтаган пайтда бир оз енгил бўларди. Иссиқ ўтказмайдиган қатлам ва совутгичларга қарамай, ракета ичи жуда қизиб кетган эди, биз атмосферадан ўтяпмиз — ракета ишқаланиш зўрлигидан қизиган, албатта.

Яна дам олиш. Портлаш йўқ. Мен эркин нафас ола бошладим. Бирдан қиска портлаш юз берди-ю, ўзимни ўнг томонга оғиб кетаётгандай ҳис қилдим. Ҳа, тамом. Ҳозир Помирга бориб ураламиз.

Жонҳолатда Тонянинг елкасига ёпишдим.

— Бир нарсага урилдик шекилли...— деб ғўлдирадим аста.

Тонянинг ранги оқариб кетган, кўзларида даҳшат, лекин хотиржам жавоб берди:

— Менга ўхшаб кресло суянчиғини ушлаб олинг.

Мана ракета яна олдинги ҳолатига қайтди. Портлашлар тўхтади. Ракета ичи ҳам анча салқин бўлиб қолди. Одам ўзини жуда енгил ҳис қила бошлади. Қўлларимни кўтариб, оёқларимни қимирлатиб кўрдим. Қандай ёқимли! Ўрнимдан турмоқ-

чи бўлдим, лекин креслодан аста ажралиб, ҳавода осилиб қолдим, кейин яна секин креслога тушдим. Тоня қўлларини худди қуш қанот қоққандай қимирлатиб, қўшиқ айтарди. Биз хахолаб кулардик. Жуда қизик ҳолат!

Кутилмаганда иллюминатор қопқоқлари очилди. Қаршимизда осмон. У сон-саноксиз порлоқ юлдузлар билан қопланган, ранги оч қизил тусга бўялгандай. Сомон йўли турли рангдаги юлдузларга ғарқ бўлган, Ердан кўринганидай оқиш эмас.

Тоня менга Етти Оғайни ёнидаги каттақон юлдузни кўрсатди — эскидан таниш юлдузлар туркуми сафида янги юлдуз.

— Кэц... Кэц Юлдузи,— деди у.

Сон-саноксиз совуқ юлдузлар орасида биргина у гоҳ қизил, гоҳ яшил, гоҳ сариқ нур таратиб милтирайди. У гоҳ ярқираб ёнади, гоҳ сўнади ва яна порлайди... Юлдуз кўз олдимда катталашиб, борган сари ўнг томондаги ойнага яқинлашиб келарди. Демак, ракета айлана йўл билан унга томон учиб борапти. Юлдуз узун-узун яшил нур таратиб, ойна ортига ўтиб кетди. Энди қоп-қора осмонда фақат юлдузлар ва оқиш туман кўзга ташланарди. Улар жуда яқиндай туюларди...

Қопқоқлар беркилди. Яна портлатгич аппаратлар ишга тушди. Ракета қўнишга ҳозирланыпти. Қизик, у сомон ракетадромига қандай қўнаркин-а...

Хиёл турткидан кейин тўхтадик. Наҳот саёҳатимиз тугаган бўлса? Ғалати вазнсизлик ҳолатидамиз.

Капитан хонасининг эшиги очилди. Капитан ётган кўйи кичик ҳалқачаларни ушлаб пастга туша бошлади. Биз ҳали шу вақтгача кўрмаган бир ёш йигит ҳам шу тарзда унга эргашди.

— Саёҳат вақтидаги нохуш дақиқалар учун афв этасизлар. Бунга менинг практикантим айбдор: рулни каттиқроқ буриб юборди, креслодан ҳам қулаб кетгандирсизлар.

Шундай деб, капитан кўрсатгич бармоғини ҳалиги йигитга тегизган эди, у худди момикдай нари учиб кетди.

— Ҳа, майли, ҳаммаси жойида бўлди. Иссиқ костюм билан кислород маскаларини кийинглар. Филиппченко,— ҳалиги ёш учувчининг фамилияси шундай экан,— буларга ёрдамлашворинг.

Капитан хонасидан фазовий костюм кийган бортмеханик чиқди. У худди говвосга ўхшарди, фақат скафандри говвосларникидан кичикроқ, елкасида эса алюминга ўхшаган ялтироқ матодан тикилган плаш бор эди.

— Плашларни,— деб тушунтирди капитан,— совқотганда нарироқ суриб қўйинглар. Офтоб нурида исинасизлар. Жуда қизиб кетсаларингиз плашга ўраниб олинглар. У қуёш нурини қайтаради.

Бортмеханик билан капитан кўмагида фазовий костюмларни тезгина кийиб олиб, ракетадан чиқишни ҳаяжон билан кутиб турдик.

VIII. ФАЗОДАГИ ЧАҚАЛОҚ

Бизни ҳаво камерасига ўтказиб, ҳавони аста-секин сиқиб чиқара бошладилар. Кўп ўтмай «фазовий бўшлиқ» ҳосил бўлиб, эшик очилди.

Мен остонадан ҳатладим. Нарвон йўқ эди, ракета ёнбошлаб ётарди. Аввалига кўзим қамашиб, довдираб қолдим. Оёғим остида диаметри бир неча километр келадиган улкан шар сирти ярқираб турарди.

Бир қадам босмасимданоқ ёнимда фазовий костюм кийган «юлдуз одами» пайдо бўлди. У одатдан ташқари чаққонлик билан қўлимга ипак арқон боғлади. Бисмиллоси жойида-ку. Жаҳлим чиқди, қўлимни тортиб, жаҳл билан бир тепинган эдим... Шу заҳоти ўн метрлар юқорига учиб кетдим. «Юлдуз одами» шошиб арқонни тортиб, мени ялтироқ шар сиртига тушириб қўйди. Энди тушундим: агар мени боғлаб қўйишмаганда салгина эҳтиётсиз ҳаракат қилишим билан сўнгсиз бўшлиқ қўйнига учиб кетган бўлардим ва мени оsonликча тутшошмасди ҳам. Лекин нега мен арқоннинг бир учини ушлаб турган кишини юқорига тортиб кетмадим? «Ер»га қараб, унинг ялтироқ сиртидаги сон-саноксиз ҳалқаларга кўзим тушди. Ҳамроҳим оёқларини ана шу ҳалқаларга ўтказиб олган экан.

Ёнимда турган Тоняни ҳам бир одам арқонга боғлаб олган эди. Мен унга яқинлашмоқчи бўлгандим, менинг ҳамроҳим йўлимни тўсди.

Скафандр ойнасидан унинг ёш, кулиб турган чехрасини кўрдим. У скафандрини меникига яқинлаштириб, эшитадиган қилиб қаттиқ-қаттиқ гапирди:

— Қўлимдан маҳкам ушлаб олинг!

Мен итоат этдим. Ҳамроҳим оёқларини ҳалқадан чиқариб, енгилгина сакради. Унинг орқасида аланга ёнди, бир туртки билан биз шарнусха «ой» бўйлаб олдинга қараб учиб кетдик. Ҳамроҳимнинг қисқа масофага учишда фойдаланиладиган ихчам ракета-жилди бор эди. У жилднинг гоҳ орқадаги, гоҳ ён, гоҳ устки, гоҳ қуйи «тўппонча»ларидан отиб, мени шар устида учуриб борарди. Ҳамроҳимнинг эпчиллигига қарамай, биз худди цирк майдонидаги масхарабозлардай гоҳ тик, гоҳ оёғимиз осмондан бўлиб ўмбалоқ ошиб учардик, лекин мияга қон қуйилиши асло сезилмасди.

Ҳадемай ракетамиз уфқ ортида ғойиб бўлди. Биз ракетодром билан Кэц Юлдузи орасидаги бўшлиқ устидан учиб ўтган эдик. Агар менинг ҳолатимни гапирадиган бўлсак, назаримда, биз бир жойда турибмиз-у, бизга қараб ялтироқ бир қувур борган сари катталашиб яқинлашаётгандай эди. Мана у кўндаланг ўқда бир айланди-ю, унинг ярим доира шаклидаги чети кўринди. Қувур бу томондан «ракетодром ой»га қараганда кичикроқ шарга ўхшарди. Мана шу шар бомба янглиғ тўппатўғри бизга қараб келарди. Юрагим орқага тортиб кетди: ялтироқ бомба мана ҳозир бизни майда-майда қилиб юборадиган-

дай эди. Аммо бомба фавқулудда бир тезлик билан ҳавода ярим доира ясади-да, бизнинг орқамизга ўтиб қолди. Билсам, учишни секинлатиш мақсадида ҳамроҳим атайин бизни Юлдузга нисбатан тескари қаратган экан. У «тўппонча»дан бир неча марта отди, гўё биров кўринмас қафтлари билан елкага туртгандай бўлди, учуш секинлашиши билан ҳамроҳим ярим шар сиртидаги ҳалқалардан бирини маҳкам ушлаб олди.

Бизни кутишаётган экан, «қўнишимиз» билан ярим шар деворларидаги эшик очилди. Ҳамроҳим мени ичкарига итариб, орқамдан ўзи ҳам кириб олди. Эшик ёпилди.

Яна лампочка ёниб турган ҳаво камераси, деворда манометр, барометр, термометрлар. Ҳамроҳим аппаратлар ёнига бориб, кузата бошлади. Босим билан ҳарорат етарли бўлгач, ечинишга тушди ва мени ҳам шунга ишора қилди.

— Қалай, ўмбалоқ ошиб тўйдингизми? — сўради у кулиб. — Мен атайин шундай учдим.

— Бир оз кўнгилни ёзмоқчи бўлибсиз-да?

— Йўқ. Ҳароратни бошқарадиган плаш билан муомала қиллолма, иссиқ ва совуқдан кўйналиб қоласиз деб қўрқдим. Бинобарин, офтобда бир текис «пишишингиз» учун сизни худди сихдаги кабобдай айлантриб турдим, — деди у фазовий костюмини ечиб бўлиб. — Энди танишиб қўйайлик. Крамер, Кэц Юлдузининг лаборант-биологи. Сиз-чи? Бу ерга ишлагани келдингизми?

— Ҳа, мен ҳам биологман. Артемьев Леонид Васильевич.

— Жуда яхши! Бирга ишлаймиз.

Мен ечина бошладим. Шундагина физиканинг «таъсир кучи акс таъсир кучига тенгдир» деган қонуни бу ерда айнан юз беришини ҳис қилдим. Бу ерда ҳамма нарса, ҳатто одамнинг ўзи ҳам «реактив асбоб»ларга айланиб қолади. Мен костюмни, ўзимизча айтганда, «ер»га ташладим, ташладим-у, аммо ўзим тепага учиб кетдим. Қизиқ: мен костюмни отдимми, ё костюм мени отдими, билиб бўлмайди.

— Энди икковимиз ҳам тозаланишимиз — дезинфекцион камерага киришимиз керак, — деди Крамер.

— Сиз нега кирасиз? — сўрадим ажабланиб.

— Ахир сизга қўл теккиздим-ку.

«Вой-бўй! Худди мен вабонинг уясидан келгандайман-а», — деб ўйладим.

Мана, яна «пардозхона»даман. Яна танага кўринмас нурлар юборувчи аппаратлар гувиллаб турган камера. Яна тоза, стерилизацияланган кийим-бош, яна «юлдуз врач»нинг кичкина, оппоқ амбулаториясида сўнгги тиббий кўрик.

Бу ҳаво амбулаториясида на стул, на стол бор. Фақат медицина асбоблари солинган ва деворларга омонатгина михлаб қўйилган эшиклар турибди.

Бизни жиккаккина, ҳаракатчан аёл врач Анна Игнатъевна Меллер кутиб олди. Кумушранг енгил кўйлак кийиб олган бу жувон, қирқ ёшни уриб қўйган бўлишига қарамай, эндигина

балоғатга етган қизчага ўхшарди. Мен унга Кэц шахридаги «ер врач»нинг салом ва илтимосини топширдим.

Дезинфекциядан кейин у менга ер кийимларимдан яна анча-мунча микроб топилганини айтди.

— Тирноқларга эътибор бермаётганликлари тўғрисида Кэц шахри соғлиқни сақлаш бўлимига албатта ёзаман. Сизнинг тирноқларингиз остида бактерияларнинг бутун бир армияси чиқди. Юлдузга жўнатишдан олдин тирноқларни олдириб, ўрнини яхшилаб тозалашлари керак. Умуман, соғлиқингиз яхши, энди нисбатан анча тозасиз. Ҳозир сизни ўз хонангизга олиб боришади, кейин овқатлантиришади.

— Олиб боришади? Овқатлантиришади? — таажжубланиб сўрадим мен. — Етиб қолган бемор ҳам, чақалоқ ҳам эмасман-ку. Ўзим бориб, ўзим овқатланарман.

— Мақтанманг! Фазода сиз ҳали чақалоқсиз.

Шундай деб, у елкамга қоқиб қўйди. Мен камеранинг нариги бурчагига ўқдай учиб кетдим, деворга тегиб хонанинг ўртасига қайтиб келдим-у, оёқларимни питиллатганча ҳавода «осилиб» қолдим.

— Қалай, энди ишондингизми? — деди кулиб Меллер. — Тағинам бу ерда оғирлик бор ҳарҳолда. Ҳали гўдаксиз. Қани, юриббоқинг-чи!

Қаёқда дейсиз! Бир минутлардан кейингина оёғим полга тегди. Қадам босмоқчи бўлувдим, яна ҳавога кўтарилиб кетдим. Бошим «шифт»га тегди-ю, ҳеч нарсани сезмадим, ночор аҳволда қўлларимни ўйнатиб туравердим.

Эшик очилиб, менинг биолог танишим Крамер кирди. У мени кўриб, хахолаб кулиб юборди.

— Анови чақалоқни шатакка олиб, олтинчи хонага кузатиб қўйинг, — деб мурожаат қилди Крамерга Анна Игнатьевна. — У сийрак ҳавода қийналяпти. Яримта ҳаво улушини беринг.

— Ҳозирча одатдаги босимни беришнинг иложи йўқми? — деб илтимос қилдим мен.

— Яримтаси етади. Кўникиш керак.

— Қўлингизни беринг, — деди Крамер.

У полдаги қайиш ҳалқаларга оёғини суққанча, тез ва чаққон юриб менинг олдимга келди, қўли билан белимдан ушлаб, кенг йўлакка олиб чиқди. Сўнг худди коптокдай қўлида айлантириб туриб, йўлак бўйлаб улоқтириб юборди. Мен додлаганча учиб кетдим. Ўн метрча қиялаб учиб бориб, деворга яқинлашдим.

— Қайишни ушланг, — деб қичқирди Крамер.

Ҳамма ерда: деворларда ҳам, полда ҳам, шифтда ҳам қайиш ҳалқалар бор эди. Мен жонҳолатда бир ҳалқага ёпишдим, ўзимни тўхтатолмай қоламан деб қўрққан эдим, йўқ, ҳайтовур, қўлим ҳалқага тегиши биланоқ тўхтадим. Крамер аллақачон ёнимда турарди. У бир эшикни очди-да, мени қўлтиқлаб олиб, цилиндр шаклидаги хонага кирди. Бу ерда каравот ҳам, стол ҳам, стул ҳам йўқ эди. Фақат деворларда ҳалқалару ҳаворанг парда ту-

тилган каттакон дераза бор эди, холос. Шунинг учун ҳам хонага кўкимтир нур тушиб турарди.

— Қани, ўз уйларидагидай бемалол, ёзилиб ўтирсинлар, — деб ҳазил қилди Крамер. — Ҳозир кислородни кўпайтираман.

— Айтинг-чи, Крамер нима учун ракетодром Юлдуздан ажратилган?

— Бу янги ихтиро. Илгари ракеталар тўғридан-тўғри Кэц Юлдузининг ўзига қўнар эди. Лекин ҳамма учувчилар ҳам бир хил эмас. Ҳеч қандай турткисиз, оҳистагина қўндириш қийин иш. Бир гал «Кэц-етти» ракетасининг капитани қўниш вақтида Кэц Юлдузига қаттиқ уриб олди ракетани. Катта оранжереяга зарар етди: унинг ойналари синиб, ўсимликларнинг бир қисми нобуд бўлди. Уни тузатиш ишлари ҳалигача давом этади. Ана шу бахтсиз ҳодисадан кейин инженерларимиз ракетодромни Юлдуздан айрим қуришга қарор қилишди. Олдин у каттакон ясси гардиш шаклида эди. Лекин тажриба қўниш учун ярим доира шаклида бўлиши қулайроқ эканини кўрсатди. Оранжереяни тузатиб бўлгач, Кэц Юлдузини оранжерея билан бирга кўндаланг ўқ атрофида айланишга мажбур қиламиз. Ана шунда марказдан қочирма куч ва оғирлик ҳосил бўлади.

— Учиш вақтида кўрганимиз ранг-баранг нурлар нима эди? — сўрадим мен.

— Улар сигнал чироқлари. Бепоеъ осмонда бунақа кичкина юлдузчани топиб олиш қийин-да. Шунинг учун ҳам «бенгал чироқлари» ўрнатганмиз. Ўзингизни қандай сезапсиз? Нафасингиз бўғилмаяптими? Ортиқ бермайман, акс ҳолда соф кислороддан кайф қилиб бошингиз айланиб кетади. Иссиқ эмасми?

— Бир оз совқотяпман, — жавоб бердим мен.

Крамер бир сакраб ойнанинг олдида борди ва пардани очиб юборди. Хонага кўзни қамаштирувчи офтоб нури ёғилди. Ҳарорат тез кўтарила бошлади. Крамер қарама-қарши томондаги деворга учиб бориб, дераза қопқоғини очди.

— Мана бу манзарани томоша қилинг.

Мен деразадан қараб, ҳангу манг бўлиб қолдим. Ер осмон уфқининг ярмисини ишғол қилган эди. Мен унга минг километр баландликдан қараб турардим. У мен кутгандай қабариқ шар шаклида эмас, букикроқ кўринди. Унинг нотекис, тоғ чўққи-лари туртиб чиқиб турган четлари гўё туман пардаси билан қоплангандай эди. Ноаниқ, ғадир-будур чизиклар. Ер сиртидан нарида узун кулранг доғлар — атмосферанинг қалин қатлами хира қилиб турган булут карвонлари чўзилиб кетганди. Марказга яқинроқда — яна доғ кўринди, лекин оқишроқ эди. Мен Муз океани, Сибирь ва Шимолий Европа қиёфасини танидим. Шимолий кутб кўзни қамаштирадиган даражада ярқираб турарди. Қуёш акси Баренц денгизида кичкина учқундай йилтирарди.

Ерни томоша қиларканман, аста-секин у камайиб бораётган улкан Ой шаклига кирди. Мен Қуёш нури ёритиб турган бу баҳайбат ярим ойдан кўзларимни узолмасдим.

— Кэц Юлдузимиз,— деб тушунтирди Крамер,— шарққа томон учади ва юз минутда Ер атрофини бир марта айланиб чиқади. Бизда қуёшли кун атиги олмиш етти минут давом этади, тун эса — ўттиз уч минутни ташкил қилади. Қирқ-эллик минутдан кейин биз Ернинг соясида қоламиз...

Ойнинг акс нури хира ёритиб турган Ернинг қоронғи томони базўр кўринарди. Қоронғи ва ёруғ минтақалар чегарасини катта-катта қоп-қора тишлар — тоғ соялари ажратиб турибди. Мана мен Ойни, ҳақиқий Ойни ҳам кўрдим. У жуда яқиндай, лекин Ердан кўринганига нисбатан анча кичкинадай туюлди.

Ниҳоят Қуёш Ер ортига беркинди. Энди Ер ёрқин ҳалқа билан ўралган қора гардишга ўхшаб қолди. Ғойиб бўлган қуёш нурлари ер атмосферасини ёритиб тургани учун шундай кўринарди. Хонамизга қизғиш шуъла ёғилди.

— Кўриб турибсизки, бу ерда қоронғилик бўлмайди,— деди Крамер.— Ой Ер орқасига ўтганда Ердан тушадиган шуъла бемалол ой нурининг ўрнини босади.

— Назаримда, ракетанинг ичи бир оз совуганга ўхшайди,— дедим мен.

— Ҳа, тун салқини,— жавоб берди Крамер.— Лекин ҳарорат айтарли пасайгани йўқ. Станциямиз қобиғининг ўрта қатлами иссиқликни чиқармайди, бунинг устига Ер жуда кўп миқдорда ҳарорат юбориб туради. Кэц Юлдузида тун жуда қисқа, шунинг учун ҳам совқотиш хавфи йўқ. Биз биологлар учун бу жуда яхши. Лекин физикларимиз хуноб: улар тажриба учун абсолют нулга яқин бўлган ҳароратни кўп машаққат билан олишади. Ер ҳатто минг километр масофада ҳам худди улкан печдай иссиқлик пуркаб туради. Оранжереямиздаги ўсимликлар қисқа тун салқинидан зарар кўрмайди. Биз ҳатто электр печларни ҳам ёқиб ўтирмаймиз. Шу ерда ажойиб тоғ иқлими бор. Ҳа-демай рангсиз юзларингизга қон югуриб қолади. Мен ҳам шу ерга келганимдан кейин эт қўйдим, иштаҳам очилиб кетди.

— Ростини айтсам, менинг ҳам қорним очди,— дедим мен.

— Бўлмаса ошхонага учамиз,— деб таклиф қилди Крамер, менга офтобда қорайган қўлини узатиб.

У мени йўлакка олиб чиқди, биз сакраб-сакраб, қайиш ҳалқалардан ушлаб ошхонага йўл олдик.

Бу — «тонг»нинг илк нурига тўлган цилиндр шаклидаги каттакон хона эди. Қалин ойнали панжарадор деразани гуркираб турган тиниқ яшил тусдаги ўсимлик қоплаб олган. Бундай тиниқ, кўкатни Ерда сира учратмаган эдим.

— Ана у!

Таниш овозни эшитиб, атрофга алангладим ва деворга қалдирғочдай ёпишиб турган Меллерни кўрдим. Унинг ёнида оч бинафшаранг кўйлак кийган Тоня. Дезинфекциядан кейин унинг сочлари тўзғиб кетибди. Унга қараб жилмайиб қўйдим.

— Бу ёққа, бу ёққа марҳамат,— чақирди Меллер.— Хўш, нима билан меҳмон қилай?

Рўпарамдаги токчада ҳаво кирмайдиган қилиб зич ёпилган банкалар, баллонлар, кублар ва шарлар турарди.

— Сизни сўргич орқали суюқ овқат, ёрма бўтқа билан боқамиз. Қаттиқ нарсаларни эплай олмайсиз, қўлингиздан чиқиб учиб кетади — кейин тутиб бўлмасиз. Бизда кўпроқ сабзавотдан тайёрланган овқатлар бўлади. Чунки маҳсулот ўзимиздан чиқади. Мана бу олма суви,— у берк банкалардан бирини кўрсатиб,— мана булар гуручли қулупнай, ўрик, шафтоли, банан, Кэц шолғоми, бунақасини Ерда татимагансиз... Шолғом ейсизми?

Шундай деб, Меллер токчадан биқинида найчаси бор бир цилиндрни олди. Цилиндрнинг остида ҳам йўғонроқ найча бор эди. Меллер ана шу найчани кичкина насосга улаб, дам бера бошлади. Иккинчи найчанинг учида сарғиш кўпик кўринди. Меллер, цилиндрни Тоняга узатди.

— Манг, сўринг. Агар сўриш қийин бўлса, яна дам бериш керак. Найчанинг оғзи стерилизацияланган. Нега афтингизни буриштирасиз? Идишларимиз юнон чиниларидай чиройли бўлмаса ҳам, бу ернинг шароитига жуда мос.

Тоня иккиланиброк найчани оғзига олиб борди.

— Хўш, қалай?— сўради Меллер.

— Жудаям ширин.

Крамер менга бошқа бир «сўргич»ни тутказди. «Кэц шолғоми»дан тайёрланган суюқ сариқ бўтқа ростдан ҳам жуда ширин эди. Банан сувини айтмайсизми! Мен дам беришга улгуролмасдим. Кейин ўрик шарбати, қулупнай суви.

Мен маза қилиб овқатландим. Аммо Тоня негадир ўй суриб, деярли ҳеч нарсга емади.

Йўлакда унга етиб олиб, енгидан тортдим.

— Нима бўлди сизга, Тоня?

— Мен ҳозир Кэц Юлдузи директорининг олдига кирдим. Евгенийни суриштирдим. У Юлдузда йўқ. Узоқ сайёралараро саёҳатга жўнаб кетибди.

— Биз ҳам орқасидан учамизми?— деб сўрадим ташвишланиб.

— Афсус,— деди у.— Биз ишлашимиз керак. Лекин директор, сайёралараро саёҳатга чиқишингиз ҳам мумкин, деб айтди.

— Қаёққа?— ҳадиксираб сўрадим мен.

— Ҳали-ҳозир билмайман. Ойга, Марсга, балки ундан ҳам олисроққа учармиз.

— Евгенийев билан радио орқали гаплашса бўлмайдами?

— Бўлади. Кэцнинг радио алоқаси фақат Ер билангина боғланмаган: Хевисайд қатлами халақит беради. У радионурларни қайтариб юборади. Мен қисқа нурлар билан ана шу қатламни ёриб ўтиш ва Ер билан радио алоқани ўрнатиш устида иш олиб боришим керак бўлади. Ҳозирча ёруғлик телеграфи орқали алоқа қилинади. Миллион свечали прожектор ёқилган, агар ҳавода булут бўлмаса, нур Ерга бемалол етиб боради. Шуниси ҳам борки, Помирда, Кэц шаҳрида ҳаво деярли доимо очиқ бўлади. Сайёралараро бўшлиқда учиб юрган ракеталар

билан эса Кэц Юлдузи радио орқали гаплашади... Ҳозир радиостанцияга бориб, Кэц Юлдузи билан Ой ўртасидаги бўшлиқни тадқиқ қилаётган ракета билан боғланишга ҳаракат қиламан... Дарвоқе, директор сизни йўқлаган эди.— Тоня билагузук соати-га қараб, қўшиб қўйди:— Бугун энди кечикдингиз. Бирга радиостанцияга учамиз. Тўққизинчи хонага.

Электр нури билан ёритилган кенг йўлак ерости йўлидай чўзилиб кетган эди. Бу ерда товуш одатдагидан пастроқ эшитиларди, чунки ҳаво сийрак эди, шунинг учун ҳам мени биров чақираётганини ҳадеганда эшитмабман.

Бу Крамер экан. У кичкинагина қанотларини силкитиб биз томонга учиб келарди. Унинг икки ёни ва орқасидан қўшалок елпиғичга ўхшаган нарсалар чиқиб турарди.

— Мана, сизларга қанот олиб келдим,— деди у,— энди бутунлай фазогирларга ўхшашларинг керак. Очилган пайтида салпал кўршапалакнинг қанотини эслатади. Булар қўл панжисига ўрнатилади. Букланиши ва орқага қайтариб қўйилиши мумкин, у ҳолда қўл бўшайди, истаган нарсангизни ушлашингиз, кўтаришингиз мумкин.

Крамер чаққонлик билан катталиги қариқиз ўтининг япроғидай келадиган қанотчаларни қўлимизга боғлаб, уни қандай ишлашни кўрсатди-да, яна келган томонига учиб кетди. Тоня икковимиз учишга киришдик. Бир неча марта бошимиз бошимизга тўқнашиб қолди, деворга бориб урилдик, чархпалак бўлиб кетдик. Лекин сира оғриқ сезилмасди.

— Чиндан ҳам кўршапалакка ўхшаймиз,— деди Тоня кулиб.— Қани, радиостанцияга қайси биримиз олдин бораркинмиз? Биз илгарилаб кетдик.

— Нега йўлакда ҳеч ким кўринмайди?— сўрадим мен.

— Ҳамма ишда,— деди Тоня.— Айтишларича, бу ер кечқурун гавжум бўлармиш. Худди очиқ кундаги тилла қўнғизлардай тўдалашиб учиб юришармиш.

Биз тўққизинчи хонага учиб келдик. Тоня тугмачани босган эди, эшик шовқинсиз очилди. Мени таажжублантирган энг биринчи нарса — радист бўлди. У қулоқларига наушник тақиб «шифтда ўтирар» ва радиотелефонограмма ёзарди.

— Тайёр,— деди у ён дафтарчани белидаги сумкага соларкан; бу сумка унинг учун ёзув столи галадони хизматини ўтарди.— Евгенийев билан гаплашмоқчимисиз? Уриниб кўрамиз.

— Қийин эмасми?— сўради Тоня.

— Йўқ, қийин эмас лекин бугун узоқ тўлқинли передатчигим ишламаяпти, қисқа тўлқинда эса Ердан илон изи ясаб айланиб кўтарилаётган ракетани топиш анча қийин. Ҳозир ракетанинг учиб кетаётган жойини аниқлаб, алоқа ўрнатишга ҳаракат қилиб кўраман...

Лекин шу пайт унинг оёғи қўққисдан деворга тегиб кетиб, ўзи нари учиб кетди. Уни радионаушникнинг симлари ушлаб қолди ва радист бир зумда яна ўз ўрнига қайтди. У ён дафтарчасини чиқариб, хронометрга қаради ва алланималарни хи-

соблай кетди. Кейин аппаратнинг қулогини бурай бошлади.

— Алло... Алло! Кэц Юлдузи гапиряпти! Ҳа. Ҳа. Евгенийевни чақирворинг. Йўқ дейсизми? Бўлмаса, айтиб қўйинг, келганидан кейин Кэц Юлдузини чақирсин. У билан Кэц Юлдузининг янги ходими гаплашмоқчи. Фамилияси...

— Антонина Герасимовна,— деди Тоня шошиб.

— Ўртоқ Герасимова. Эшитяпсанми? Хўп. Кўпми? Ов яхши бўлди? Табриклайман.

У аппаратни ўчириб, деди:

— Евгенийев ракетада йўқ экан. У сайёралараро бўшлиққа овга чиқиб кетибди, уч соатлардан кейин қайтаркан. Майда астероидларни тутиш билан машғул эмиш. Ажойиб қурилиш материали. Темир, алюминий, гранит... Евгенийев радиотелефон ёнига келганда сизни чақираман.

IX. КУТУБХОНАДА

Кечқурун чой ичиб ўтирсам, олдимга Крамер учиб келди.

— Бугун кечқурун бўшмисиз?— сўради у ва тушунтира кетди:— Ажабланманг, Юлдузда бир кеча-кундуз юз минутдан иборат, лекин биз одат бўйича иш кунини ер вақти билан ҳисоблаймиз. Дераза қопқоқларини беркитиб, «Тун» ясаймиз ва юлдуз вақти билан олти-етти кеча-кундуз ухлаймиз. Ҳозир Москва вақти билан кеч соат саккиз. Кутубхонамиз билан танишини истамайсизми?

— Жоним билан,— жавоб бердим мен.

Кэц Юлдузидаги ҳамма хоналар каби кутубхона ҳам цилиндр шаклида эди. Дераза деган гап йўқ. Ён томондаги деворлар яшиқлар билан қопланган. Цилиндрнинг кўндаланг ўқи бўйлаб — эшикдан то рўпарадаги деворгача — тўртта ингичка сим тортилган. Кутубхонага келувчилар ана шу симларни ушлаб, бу ўзига хос йўлакда у ёқ-бу ёққа юриб туришади. «Йўлак» билан ён деворлар орасидаги бўш жойга қатор қилиб тўр каравотлар қўйилган. Хона покиза, нина баргли дарахт ҳиди анқиб турган тоза ҳаво. Яшиқлар орасига ўрнатишга газ найчалари жилосиз, ёқимли нур сочади. Жимжитлик. Баъзи каравотларда бошига қора қути кийган одамлар ётишибди, улар қутининг ёнидан чиқиб турган дасталарни аҳён-аҳён бураб қўйишади.

Галати кутубхона! Бу ерга одамлар китоб ўқиш учун эмас, балки даволаниш учун келгандай туюлади.

Симдан ушлаганча Крамернинг орқасидан кутубхонанинг нариги бошига қараб кетяпман. Рўпарамда, қора яшиқлар олдида қип-қизил шоҳи кўйлак кийган бир қиз ивирсиб юрибди.

— Кутубхоначимиз, Эльза Нильсон. Танишинглар,— деди Крамер ва ҳазиллашиб мени қизнинг олдига қараб отиб юборди. У кулиб туриб, мени ҳаводаёқ илиб олди. Биз танишдик.

— Қанақа китоб ўқимоқчисиз?— сўради у.— Бизда деярли ҳамма тилдаги миллион нусха китоб бор.

Миллион нусха! Шунча китоб бу ерга қандай қилиб сиғади? Аммо кейин фаҳмладим:

— Фильмотеками?

— Ҳа, китоблар плёнкаларга ёзилган,— деди Нильсон.— Уларни экранда катта қилиб кўрсатадиган асбоб ёрдамида ўқишади.

— Қулай ва ихчам,— қўшиб қўйди Крамер.— Ҳар саҳифаси плёнкага олинган, бутун бир том битта ғалтакдан ортиқ жой эгалламайди.

— Газеталар-чи?— сўрадим мен.

— Газетанинг ўрнини радио билан телевизор босади,— жавоб берди Нильсон.

— Плёнка китоблар — янгилик эмас,— деди Крамер.— Бизда бундан ҳам қизиқ нарсалар бор. Уртоқ Артемьев учун қандай кечки программа тузамиз? Келинг, бундай қиламиз: аввал дунё янгиликлари билан таништирамиз. Кэц Юлдузда туриб ҳам дунё воқеаларидан беҳабар қолмаётганимизни бир кўрсатиб қўяйлик. Кейин «Қуёш устун»ни берасиз...

— Янги романми бу?— сўрадим мен.

— Ҳа, шундай деса ҳам бўлади,— жавоб берди Крамер кулиб.— Еки, майли, «Атмосфера электростанцияси»ни бера қолинг.

Нильсон бош силкиб, яшиқдан доира шаклидаги силлиқ металл қутиларни олди.

Крамер каравотга ётишимни сўради. Кейин қутиларни дастали яшиққа жойлаб, бошимга кийгизиб қўйди.

— Бемалол эшитиб, кўриб ётаверинг,— деди у.

— Ётибману лекин ҳеч нарсани кўрмайпман ҳам, эшитмаяпман ҳам. Бутунлай жимжитлик, қоп-қоронғи.

— Дастани ўнгга буранг,— деди Крамер.

Мен бурадим. Бир нима ширқиллади, кейин аста шиғиллаган овоз эшитилди. Кучли нурдан кўзим қамашиб кетди. Мен бир дақиқа кўзимни юдим, шу пайт қулогимга бир товуш чалинди:

«Африканинг тропик чангалзорлари маданий деҳқончилик учун тозаланмоқда».

Кўзимни очиб, Африка қуёшидан ялтираб турган зангори океан сиртини кўрдим, унда жанговар сафга тизилган катта-конт флот: дредноутлар¹, линкорлар, крейсерлар ва ҳар хил тур ва системадаги қирувчилар. Бу ерда йўгон мўриларида қора тутун бурқситаётган эски ҳарбий кемалар ҳам, нисбатан янгироқ, ичдан ёнадиган двигателли ва сўнгги — электр двигателли теплоходлар ҳам бор эди.

Бу манзара шу қадар қутилмаган эдики, мен беихтиёр сесканиб кетдим. Наҳот яна уруш бўлса? Бутун дунёда капитализм

туғатилган-ку, яна қанақа уруш бўлиши мумкин? Оқибати революцияга олиб келган сўнгги уруш вақтидаги эски фильмни беришмадимикан менга?

«Қирғин қурулли бўлган ҳарбий флотни биз юк ташувчи транспортга айлантирдик»,— давом этди ҳалиги овоз.

— Ҳа-а, гап бу ёқда экан-да! Боя ўткир нурдан кўзим қамашиб, даҳшатли денгиз тўплари ўрнатилган жанговар башнялар олиб ташланганини пайқамаган эканман. Уларнинг ўрнига кемаларга юк кўтарадиган кранлар ўрнатилган эди. Кемаларнинг «жанговар» сафи билан янги қурилган гавань ўртасида юзлаб қайиқлар, шатакчи катерлар, баржалар қатнаб турибди. Гаванда юк тушириш қизғин давом этапти.

Мен дастани яна бурадим. Ие... бу ҳам урушга ўхшайди-ку.

Каттакон қароргоҳ, оқ чодирлар ва оқ тусга бўялган фанер уйлар. Уй ва чодирлар олдида оқ костюм кийган одамлар — европаликлар ва қора танлилар. Қароргоҳ ортида кўкка ўрлаётган ҳаммаёқни тутун босиб кетган...

Янги «кадр» — одам боласи ўтолмайдиган тропик ўрмон аланга ичида. Култепа устида баҳайбат фургонлар — пўлат устунларга симтўр тортиб ишланган каттакон яшиқлар турибди. Уларнинг ичида одамлар ихчам машиналар билан тўнка қўпоришяпти.

«Тропик чангалзорлар — Ер юзининг энг серқуёш ерлари. Лекин бу жойлар илгари маданий деҳқончилик учун қўл етмас жойлар эди. Утиб бўлмас ўрмонлар, ботқоқлик, йиртқич ҳайвонлар, захарли илонлар, қурт-қумурсқалар, омонсиз безгак... Энди уларнинг ҳозирги қиёфасини кўринг...»

Теп-текис воҳа. Тракторлар ер ҳайдаяпти. Қора танли тракторчилар оппоқ тишларини ярқиратиб жилмайишади. Уфқда кўп қаватли уйлар, кўм-кўк боғ-роғлар... «Чангалзорлар миллионлаб кишиларни боқади... Циолковский гоёси рўёбга чиқмоқда...»

«Ие-е, шу ерда ҳам Циолковскийми? — ажабландим мен.— Келажак инсониятга қанчалаб гоё ташлаб кетишга улгурди у!»

Худди ўз саволимга жавоб олгандай, Ерни Циолковский гоёлари бўйича ўзгартиришнинг ажойиб манзараларини кўрдим.

Қуёш энергиясидан фойдаланиш йўли билан саҳроларни яшнаётган воҳага айлантириш; қадам етмас тоғлар бағрини тураржой ва ям-яшил боғлар учун мослаштириш, қуёш двигателлари, сувнинг кўтарилиши, қайтиши ва денгиз тўлқинлари кучи билан ишлайдиган машиналар; қуёш энергиясидан кўпроқ баҳра оладиган янги хил ўсимликлар...

Энди бу ёғи менинг соҳам. Бу соҳадаги ютуқлардан хабардорман.

Дунё кино янгиликлари тугади. Бир минутлик танаффусдан кейин яна овоз эшитилди. Бу ҳикоя ипидан-игнасиғача кўз олдимдан ўтди.

¹ Дредноут — зирҳли энг катта ҳарбий кема.

«Мен янги типдаги аэроканаларнинг синов пойгасида иштирок этганман,— дея гап бошлади овоз.— Олдимизга оғир вазифа қўйилган эди: биз қутб доираси ортида тундра оралаб юзлаб километр йўл босишимиз керак эди.

Мен пойга бошлиғи эдим, колоннани бошқариб борардим. Биз тўппа-тўғри шимолга қараб борардик.

Ҳаммаёқ зиз-зиё. Кўкда шимол ёғдуси кўринмайди. Йўлимизни фақат чана чироқлари ёритиб турибди. Эллик даража совуқ. Теварак-атроф кимсасиз қор саҳроси.

Биз компасга қараб икки кун йўл босдик.

Бирдан уфқ қизаргандай туюлди менга.

— Шимол ёғдуси бошланыпти. Юриш енгиллашади,— деди чанамизни ҳайдаб бораётган ҳамроҳим.

Ярим соатлардан кейин шимол уфқи яна ҳам қизариброк кўринди.

— Ғалати ёғду,— дедим мен шеригимга.— Мутлақо товланмайди. Ранги ҳам бошқача. Одатда шимол ёғдуси аввал зангори тусга кириб, кейин қизғиш рангда жилваланади. Бу нур эса тонг шуъласига ўхшайди, бунинг устига қимир этмайди. У фақат олдинга юрганимиз сайин кучая бориб, қизғиш рангдан аста-секин оқ тусга қиряпти.

— Балки бу бурж ёруғлигидир?— деди ҳамроҳим.

— Жой жиҳатдан ҳам, вақт жиҳатдан ҳам тўғри келмайди. Бунга асло ўхшамайди ҳам. Разм солинг — нур йўли тепадан уфққа томон худди конусдай аста-секин кенгая борган.

Биз кутилмаган бу сирли осмон жумбоғига шу қадар берилиб кетибмизки, олдимиздан чиқиб қолган тик бир пастликка тушиб кетиб, чанани мажақлашимизга ҳам оз қолди.

Бир неча минутдан кейин жардан чиқиб олиб, ҳавонинг илий бошлаганини сездик. Термометр ўттиз саккиз даража совуқни кўрсатарди, атиги бир соатгина олдин эса эллик даража совуқ эди.

— Балки бу нурдан иссиқлик таралар?— дедим мен.

— Агар шундай десак, бу ҳолни сира тушуниб бўлмайди,— дея эътироз билдирди ҳамроҳим.— Тундрани иситадиган нур устун!

У кулиб юборди.

Нур устун бизнинг маршрутимиш бўйлаб ястанган эди. Бинобарин, ана шу нурли конусга қараб юриш ва иложи бўлса, нима гаплигини билишдан бошқа чорамиз қолмади.

Йўл юрганимиз сайин атроф исиб, ёруғлаша борарди. Кўп ўтмай ҳамроҳим чироқларни ўчирди: бунга эҳтиёж қолмаган эди. Кейин биз нур конуси томон ҳаво тўлқинининг кучайиб бораётганини пайқадик, унинг тепасида эса, худди дурбин орқали кўринадиган Зухра ҳилолидай кўзни қамаштирувчи нозик ҳилол жилваланади.

Ҳайҳот, жумбоқ ечилиш ўрнига борган сари баттар чигаллашиб борарди.

— Бу нур қуёш нурига ўхшаб кетяпти,— деди боши қотган ҳамроҳим.

Ҳадемай кун худди кундузгидай ёришди. Аммо ўнгу сўлимиз, орқа томонимиш уфққа қараб қоронғлашиб кетган эди. Ер бағирлаб эсаётган шамол қор зарраларини тўзғитиб тобора кучайарди. Биз қор тўзони оралаб йўлда давом этардик.

Бу орада ҳарорат жуда тез кўтарилиб борарди.

— Ўттиз даража совуқ... Йигирма беш... Ўн етти... Тўққиз...— дерди ҳамроҳим.— Ноль... Икки даража иссиқ... Эллик даража совуқдан кейин-а! Энди шамолнинг сирини тушуна бошладим. Афтидан, «қуёш устун» ҳаво билан тупроқни қаттиқ қиздиради, натижада, ҳарорат ана шундай кескин фарқ қилади. Совуқ ҳаво пастдан иссиқ зонага кириб боради, юқорида эса қарши томонга эсувчи иссиқ ҳаво оқими бўлса керак.

Ниҳоят биз ёруғлик нури бевосита тушиб турган нуқтага яқинлашдик. Шамол учириб келган қор учқунлари эриб борарди; бўрон ёмғирга айланди, аммо у осмондан тушмай, орқадан уриларди; ердаги қор тез эриб, пилчиллаб ётибди. Тепаликларнинг ёнбағирлари ва пастқамликларда жилдираб сув оқяпти. Чана юролмай қолди. Изғирин қутб қиши, худди эртақдагидай, бир зумда баҳорга айланди.

Йўлда давом этиш хавфли эди: каналар ишдан чиқиши мумкин. Мен тўхтадим. Кетимдан бутун колонна тўхтади. Аэроканалардан пойга қатнашчилари — ҳайдовчилар, инженерлар, мухбирлар, кинооператорлар сакраб туша бошладилар. Ҳамма фавқуллодда бу ҳодисадан гунгу лол эди.

Мен шамолдан сақланиш учун бир неча чанани кўндаланг қилиб қўйишни буюрдим, кейин кенгаш бошладим. Кенгаш кўпга чўзилмади. Ҳамма олдинга юриш хавфли, деган фикрни қувватлади. Мен бир неча кишини олиб, пиёда экспедицияга борадиган, бошқалар каналар билан шу ерда қоладиган бўлишди. Биз нима гаплигини аниқлаб қайтамыз, кейин ҳаммамиз «қуёш устун»ни айланиб ўтиб, пойгани давом эттирамыз деган қарорга келдик.

Биз тўхтаган жойда термометр саккиз даража иссиқни кўрсатиб турарди. Бинобарин, пўстинларимизни ечиб, ов этиклари ва чарм костюмлар кийиб олдик, ўзимиз билан бир оз озиқ-овқат, асбоб-ускуналар олиб йўлга тушдик.

Бу йўл жуда машаққатли бўлди. Аввалига оёқларимиз ҳўл қорга ботиб кетаверди, кейин лой кечишга тўғри келди. Биз ариқ ва ботқоқликлар, кичкина кўлларни айланиб ўтишга мажбур бўлдик. Бахтимизга, балчиқзор у қадар кенг эмас экан. Кўп ўтмай кўм-кўк ўт ва гуллар билан қопланган қуруқ «соҳил» кўриниб қолди.

— Қутб доираси ортида декабрнинг охирида — ёғду, иссиқлик ва кўкат. Қулоқларимни ишқаланг, сал ўзимга келай!— хитоб қилди ҳамроҳим.

— Лекин бу баҳор эмас, қаҳратон қутб океани ўртасидаги қандайдир ғаройиб кўклам оролчаси,— деди иккинчи ҳамроҳим.— Агар ҳақиқий баҳор бўлганда эди, бу ердаги ҳамма ботқоқлик ва кўлларда сон-саноксиз парранда ва қушларни кўрган бўлардик.

Кинооператоримиз аппаратини ўрнатиб, сурат олиш ҳаракатига тушиб қолди. Аммо шу пайт шамол кўтарилиб, уни аппарат-маппарати билан ерга ағдарди. Кинооператорнинг каттакон жун шарфини шамол чирпирак қилиб осмонга учуриб кетди.

Довул тобора зўраяр ва бизни қадам босгани қўймасди. Бу ерда, энди шамолнинг аниқ йўналиши ҳам йўқ эди: у гоҳ рўпарадан, гоҳ орқадан келиб урилар, гоҳ қуюндай айланиб, осмонга учуриб кетай дерди. Афтидан, биз совуқ ҳаво оқими билан иссиқ оқим тўқнашиб, гирдоб ҳосил бўлаётган нуқтага тушиб қолган эдик. Бу «Қуёш устун» таъсирида пайдо бўлган бўрон чегараси эди.

Биз энди тик туриб эмас, балки жонҳолатда бир-биримизга ёпишиб, лой устида эмаклаб борардик...

Ниҳоятда ҳолдан тойиб, охири қуруқ ерга чиқиб олдик, бу жой бутунлай осойишга эди. Жазирама ёз кунини ердан кўтариладиган ҳовурдай, илиқ тупроқдан енгил буғ кўтариларди. Ҳарорат йигирма даражага етган эди.

Бир неча минут ичида кийимларимиз қуриб, тугмаларимизни ечиб ташладик. Баҳор ёзга айланди.

Сал нарида кўм-кўк ўт, ранг-баранг гуллар ва майда қутб қайинлари билан қопланган кичкина тепалик кўриниб турарди. Атрофда ҳаётбахш нурдан баҳра олиб капалаклар, чивин ва пашшалар учиб юрарди.

Биз тепаликка чиқдигу ҳайратдан қотиб қолдик. Кўрганларимиз саробга ўхшарди.

Қаршимизда бугдойзор чайқалиб турибди. Айрим пайкалларда кунгабоқар, маккажўхори бўй чўзган. Унинг ортида — карам, бодринг, лавлаги, помидор экилган пайкаллар, қулупнай ва земляника пуштлари. Ундан нарида эса — бутали экинлар, смородина, крижовник ва ҳатто узум бошлари олтиндай товланиб турган тоқзор. Бутазор орқасида — мевали дарахтлар: нок, олма, олча, олхўри, ундан нарида — мандарин, ўрик, шафтоли ва ниҳоят, воҳанинг марказий қисмида, афтидан у ерда ҳарорат жуда баланд бўлса керак, апельсин ва лимон дарахтлари, кофе, какао ва чой буталари ўсиб ётарди.

Қисқаси, бу ерга ўрта минтақа, субтропик ва ҳатто тропик шароитда ўсадиган энг муҳим маданий ўсимликлар тўпланган эди.

Далалар, пайкал ва боғлар орасига бир марказга келиб туташувчи йўл тушганди. Ана шу жойда тепасига радиомачта ўрнатиш беш қаватли бино қад кўтариб турибди. Бинонинг балконларида ва дераза тоқчаларида — ҳар хил гуллар, кўкатлар. Деворларни чирмовиқ ўт қоплаб олган.

Далаларда ҳам, пайкалларда ҳам, боғларда ҳам ёзги костюм ва соявони кенг шляпа кийган одамлар ишлашарди...

Икки минутлар чамаси донг қотиб туравердик. Ниҳоят шеригим тилга кирди:

— Одамнинг тасаввурига ҳам сиғмайдиган ҳол! Ффу! — деди у оғир энтикиб. — «Минг бир кеча»даги эртакка ўхшайди!

Биз тик йўлдан воҳа марказига қараб юра бошладик. Мен аҳён-аҳён сирли нур ёғилаётган осмонга қараб кўярдим. Офтобдай кўзни қамаштирувчи ҳилол энди гардиш шаклига кирган эди.

Сариқ қум сепилган йўлқадан мевалари ғарқ пишиб ётган апельсин дарахлари оралаб биз томонга офтобда қорайган бир киши кела бошлади. Эғнида оқ кўйлак, тиззадан келадиган оқ шим, сарпойчан оёғига сандал кийиб олган. Соявони кенг шляпаси юзига соя ташлаб турибди. У узоқданоқ бизга қараб очиқ чехра билан қўл силкиди. Яқинлашганимиздан сўнг, деди:

— Салом, ўртоқлар. Сизларнинг келишларингиз ҳақида менга хабар қилишган эди. Агар бўронларимизни ёриб ўтган бўлсаларингиз чиндан ҳам жасур кишилар экансизлар.

— Ҳа, соқчиларингиз зўр экан,— жавоб берди ҳамроҳим кулиб.

— Бизга соқчиларнинг кераги йўқ,— деб эътироз билдирди ҳалиги киши. — Чегарадаги қуюнлар — бу, иккинчи даражали ҳодиса. Лекин биз хоҳласак, биронта ҳам тирик жон ўтолмайдиган бўрон тўсиқларини яратишимиз ҳам мумкин эди. У ҳолда сичқон ҳам, фил ҳам бараварига осмонга кўтарилиб кимсасиз қор саҳросига улоқтириб ташланган бўларди. Сизлар, ҳарҳолда, жуда катта хатарга дуч келгансизлар. Ваҳоланки, шарқ томонда бу ёққа бемалол, беҳавфу хатар ўтиш мумкин бўлган ёпиқ йўл бор... Ҳай майли, энди танишайлик: Крукс, Вильям Крукс. Тажриба воҳасининг директори. Бу ерда шунақа воҳа борлигини билмасаларингиз керак? Дарвоқе, юзларингиздан ҳам кўриниб турибди. Воҳа — сир эмас. Бу ҳақда газетада ҳам, радиода ҳам хабар берилган. Лекин мен сизларнинг беҳабарлигингиздан таажжубланмайман. Одамлар дунёни қайта қуришга киришганларидан бери ер юзининг ҳамма бурчакларида шу қадар кўп ишлар амалга оширилиптики, буларнинг ҳаммасига кўз-қулоқ бўлиб туриш қийин. Кэц Юлдузи тўғрисида эшитганмисизлар?

— Ҳа,— жавоб бердим мен.

— Балли, бизнинг «сунъий қуёшимиз», — Крукс қўли билан осмонга ишора қилди. — Кэц Юлдузи туфайли бунёдга келди. Кэц Юлдузи — осмондаги биринчи база. Ана шундай базага эга бўлган ҳолда ўз «қуёши»мизни яратиш ҳам қийин эмас эди. Назаримда, бунинг нималигини пайқайётган бўлсаларингиз керак? Бу сайқалланган тунука тахталардан ясалган ботиқ ойна. Қуёш нури уфқ ортидалигидаёқ ойнага тушиб, Ерга тик акс нур қайтарадиган баландликка ўрнатишган у. Сояларга қаранглар. Улар экваторда туш пайтидагидай жуда тик. Ерга тиккасига суқиб қўйилган чўп ҳеч қандай соя бермайди. Ҳарорат воҳанинг мар-

казида ўттиз даража, йил бўйи, кечаси-ю кундузи шундай. Фақат воҳанинг атрофида совуқ ҳаво оқими туфайли ҳарорат бир оз пастроқ. Лекин бу оқим айтарли эмас: совуқ ҳаво ердан чиқиб турган буғ билан ўша заҳотиёқ юқорига кўтарилиб кетади. Ўсимликларимизни ана шу ҳарорат зоналарига қараб жойлаштирганмиз. Марказда, кўриб турибсизлар, ниҳоятда иссиқсевар ўсимлик бўлган какао ҳам яшнаб турибди.

— Мабодо сунъий қуёшингиз сўниб қолса нима бўлади? — сўрадим мен.

— Агар сўниб қолса, воҳадаги ўсимликлар бир неча минут ичидаёқ нобуд бўлади. Лекин у ҳақиқий Қуёш порлаб турар экан, ҳеч қачон сўнмайди. Ойна тахталарини у ёқ-бу ёққа айлантириб, ҳароратни бошқариш мумкин. Бу ерда эса ҳарорат ўзгармасдир. Бинобарин, биз йилига бир неча марта ҳосил йиғиштириб оламиз. Бу «қуёш» тез орада ер юзининг жануби ва шимолидаги баланд кенгликларда порловчи ўнлаб бошқа қуёшларнинг фақат биринчиси. Биз қутб ва қутб атрофидаги мамлакатларни мана шундай воҳалар билан безаймиз. Аста-секин воҳалар орасидаги ҳаво ҳам исий боради. Шимолий қутб тепасида қудратли «қуёш» яратиб, асрий музликларни эритамиз. Ҳавони иситиб ва янги ҳаво оқимларини вужудга келтириб, бутун шимолий яримшарга ҳарорат бахш этамиз. Муз билан қопланган Гренландияни жаннатга айлантирамыз. Ва, ниҳоят, битмас-туганмас табиий бойликлар макони бўлган Жанубий қутбгача етиб борамиз. Ўз бағрига миллионлаб кишиларни сиғдирадиган ва едириб-кийдирадиган бутун бир қитъани муздан халос қиламиз. Биз Еримизни энг яхши планетага айлантирамыз...

Овоз тиниб, қоронғилик чўкди. Фақат аппаратнинг шифиллаши эшитиларди. Кейин яна нур ярқиради-ю, кўз олдимда янги ажойиб манзара намоён бўлди.

Стратосфера бўшлиқларида, қоп-қора осмон тагида типратиконга ўхшаш ғалати снарядлар учиб юрибди. Пастда — енгил, баррасимон, уларнинг остида эса тўп-тўп серқатлам булутлар... Булутлар орасидан Ер сирти кўриниб турибди: яшил ўрмонлар, қоп-қора экин майдонлари, қумушранг илонизи дарёлар, тангадек ярқироқ қўллар, тўппа-тўғри кетган ипдек ингичка темир йўл излари. «Типратикан»лар тутундан из қолдириб ҳавода у ёқдан-бу ёққа учади. Баъзан улар учини секинлатиб, тўхтаб қолишади. Ана шунда «типратикан»лардан кўзни қамаштирувчи чакмоқ чақнаб, яшин нури тиккасига Ерга отилади.

...Каттакон кабина. Қалин кварц ойнали думалоқ иллюминаторлар. Менга нотаниш мураккаб аппаратлар. Уларнинг олдида икки ёш йигит. Учинчиси эса ўлчов асбоблари қўйилган стол ёнида ўтириб, шерикларининг ишини бошқаряпти:

— Беш минг... етти... Учини тўхтатинг... Ўн ампер... Беш юз минг вольт... Тўхтанг... Электрсизлантиринг!

Аппарат олдида турган йигит дастакни тортиди. Қаттиқ чарсчурс этган овоз жимликни бузди, яшин чақнаб, чакмоқ Ерга қараб отилди.

— Олга, фақат олга!.. — деб буюрди бошлиқ.

Кейин менга қараб, деди:

— Сиз атмосфера электростанциясида турибсиз. Бу ҳам Кэц Юлдузидаги корхоналардан бири.

Кэц Юлдузини қургач, биз стратосферани мукаммал тадқиқ қилишга, атмосферадаги электр қувватини ўрганишга муваффақ бўлдик. Бу аллақачонлардан бери маълум ҳодиса. Ҳатто ундан саноат мақсадларида фойдаланишга уринишлар ҳам бўлган. Лекин атмосферадаги электр қуввати жуда оз бўлганидан бу уринишлардан натижа чиқмаган. Бир квадрат километр баландликда атиги 0,04 киловатт-соат энергия тўпланади, деб ҳисобланарди. Агар атмосферанинг Ер сиртига яқин қатламларини назарда тутадиган бўлсак, ҳақиқатан ҳам шундай. Яшин эса ниҳоятда кўп — секунднинг юздан бир бўлаги ичида 700 киловатт-соат энергия чиқаради. Лекин чакмоқ — тасодифий, кам содир бўладиган ҳодиса. Атмосферанинг юқори қатламлари эса — бу бошқа гап. У ерда бутунлай ўзгача манзарани кўрамыз.

Ерда яшарканмиз, биз ҳаво океанининг тубида бўламиз. Кишилар горизонталь ҳаво оқимларидан фойдаланишни нисбатан анча олдин ўрганиб олишган. Бу оқим уларнинг елканли кемаларини юргизган, шамол тегирмонларнинг парракларини айлантирган. Кейин бу оқимларнинг сабабини — ҳавонинг қуёш нуридан нотекис қизишини аниқлашди. Кейинроқ эса, одамлар осмонга уча бошлагач, худди шу сабабдан ҳаво вертикал равишда — пастдан юқорига ва юқоридан пастга ҳаракат қилишини билиб олишди. Ниҳоят, яқингинада, ҳаво океанимизда ҳам Қуёшнинг ва, айниқса, Ойнинг тортиш кучи таъсирида худди сув океанларидагидай кўтарилиш ва қайтиш ҳодисаси юз бериши аниқланди. Ҳаво сувдан қарийб минг марта енгил бўлгани учун кўтарилиш ҳодисаси айниқса кучли бўлиши керак. Атмосфера кўтарилиш ва қайтишларга нисбатан тахминан чуқурлиги саккиз километр келади сув океанидай вазиятда бўлади.

Ой атмосферани ўзига тортиши натижасида ҳаво океани ҳам Ойга қараб талпинади. Шундай қилиб, ҳаво қатламлари ҳаракатга келади. Бундай кўтарилиш ва қайтишлар вақтида кучли ионлашган газ заррачаларининг ишқаланиши юз беради. Шунинг учун ҳам атмосферанинг юқори қатламлари радио тўлқинларини яхши ўтказиши мумкин. Атмосферанинг мана шу кучли ионлашган қатламларида, уларнинг Ернинг магнит майдонига нисбатан ҳаракати вақтида, худди ўтказгичдагидай, Фуконинг индукцион токи ҳосил бўлади.

Шундай қилиб, табиатда атмосфера ҳаракати туфайли Ернинг магнит ҳолатига таъсир қилувчи ўзига хос динамомашина ишлаб туради. Бу ҳодиса магнитографларнинг ёзувларида қайд этилган.

Бу улкан машинанинг, бу ўзига хос «мангу двигатель»нинг ишини ўрганиб, атмосферадаги электр қуввати хазинаси бит-

мас-туганмас, деган қарорга келдик. Бу хазина инсониятнинг электр қувватига бўлган эҳтиёжини ортиғи билан қондиради, фақат ана шу қувватдан фойдалана билиш керак.

Сиз кўриб турган нарсалар — ҳали ишнинг ибтидоси. Ракеталар худди лейден банкалари сингари ўзига электр қувватини тўплайдиган махсус игналар билан қопланган. Кейин қабул қилувчи станция жойлашган кимсасиз бўшлиқда «яшин» чақнайди. Станцияга сим билан металл шарлар уланган. Бу шарлар станциядан анча баландда туради.

Ҳозир биз улкан атмосфера станциясини қуришга киришяпмиз. Унинг иши батамом автоматлаштирилади. Стратосферада бир-бирига сим билан боғланган доимий, қўзғалмас қурилмалар ўрнатамиз. Бу қурилмалар электр қувватини йиғиб, ҳавонинг ионлашган устун иорқали Ерга жўнатади. Одамлар Ер юзини қайта қуриш учун зарур бўлган битмас-туганмас энергия манбаига эга бўладилар.

Яна қоронғилик, сукунат... Кейин яшил нур ёнди. У аста-секин қизғиш тусга кирди. Тонг. Олмалар гуллаб ётибди. Ёшгина жувон боласини кўтариб турибди. Бола порлоқ кунни олқишлаётгандай қўлларини силкитади...

Манзара узилди.

Бирдан кўз олдимда бепоён бўшлиқда учиб бораётган Ер планетаси намоён бўлди. Қулоғимга тантанавор музика садоси эшитилди. Ер бора-бора узоқлашиб, кичкина юлдузга айланди. Музика садоси эса тобора пасайиб, охири сўнди. Шу билан сеанс тугади. Лекин мен узоқ вақт кўзларимни юмганча таассуротлар исканжасида ётдим.

Ҳа, Тоня менга, сиз ўз ишингиз билан ўралашиб қолгансиз, деб ҳақ гапни айтган экан. Жаҳон революциясидан сўнг бутун дунёда ҳаёт қанчалик ўзгариб кетганини мана эндигина ҳис қилдим: қандай ишлар амалга оширилган-а! Уларнинг кўламини айтмайсизми! Бу ҳали илк таассуротлар, холос. Олдинда мени яна нималар кутаётганикин?..

Х. ДИРЕКТОР ҲУЗУРИДА

Директорнинг кабинети мен кўрган бошқа хоналардан бир оз фарқ қиларди. Дераза олдида ғоят юпқа алюминдан ясалган стол қўйилган. Стол устида — папкалар, ички телефон аппаратлари, радио ва рақамлар ёзилган талай тугмачалар. Стол ёнида — китоб ва папкаларга мўлжалланган айланма жавон. Юлдузда сунъий равишда андак оғирлик кучи ҳосил қилинган эди, бинобарин, нарсалар бир ерда тураверарди, лекин уларга сал қўл тегиши билан ҳар тарафга тўзғиб кетишарди. Шунинг учун ҳам улар автоматик қисқичлар билан бириктириб қўйилган эди.

Стол ортида енгил алюмин креслода директор ўтирарди. У креслога ўзини белидан камар ўтказиб боғлаб олган эди.

Директор — офтобда қорайган, икки юзи қип-қизил, қир-сийбурун, катта-катта қора кўзларидан ақл ёғилиб турувчи ўттиз ёшлардаги киши эди? У эғнига енгил, кенг-мўлгина костюм кийиб олганди? Директор менга очиқ чехра билан бош ирғаб (Кўнда қўл олиб сўрашилмайди), сўради:

— Бизнинг шароитимизда ўзингизни қандай ҳис қиляпсиз? Кислород етишмаслигидан қийналмаяпсизми?

— Кўника бошлаяпман шекилли, — жавоб бердим мен. — Лекин бу ер жуда салқин экан. Ҳаво ҳам Ернинг энг баланд тоғлиқларидагига ўхшаб сийрак.

— Одатланмаганликдан, — деди у. — Кўриб турибсиз, мен ўзимни жуда яхши ҳис этапман. Ердагидан ҳам яхши. У ерда мен ўлимга маҳкум этилган эдим — силнинг учинчи босқичидан қон тупурадим. Ракетага ҳам нақ бўлмаса замбилда олиб чиқишаёзди. Ҳозир отдай бўлиб кетдим. Кэц Юлдузининг фазилати фақат шугина эмас. Бу тенги йўқ курорт. Унинг ердаги курортлардан афзаллиги шундаки, бу ерда ҳар бир киши учун зурур бўлган иқлимни яратиш мумкин.

— Шундай қаттиқ саралашга қарамай сил аҳволингиз билан сизни қандай қилиб Кэцга қабул қилишди? — ажабландим мен.

— Керакли одам учун истисно қилишган-да, — деди кулиб директор. — Мени махсус санитар ракетасида жўнатишди, бу ерда эса касалликнинг сўнгги излари тугагунга қадар алоҳида хонада сақлашди. Врачмиз, ҳурматли Анна Игнатъевна Меллер, суяк сили билан оғриган беморлар учун махсус ҳаво санаторийлари ташкил этиш ҳаракатида юрибди. У тажрибалар ҳам қилиб кўрди — натижалар жуда яхши. Силдан чириётган суякларга мутлақо тегилмайди. Гипс каравотлари ҳам, майиб белни ичдан боғлайдиган сербар белбоғлар ҳам, қўлтиқтаёқ ҳам йўқ. Қуёшнинг ультратрабинафша нурлари истаганингизча. Тери эркин нафас олади. Денгиз ҳавоси. Бизнинг шароитимизда буни яратишдан осони йўқ. Осойишталик, овқат етарли. Тузалишига умид қолмаган беморлар ҳам қисқа муддатда шифо топиб кетади.

— Лекин бу одамлар учун Ерга қайтиш хавфли бўлса керак?

— Касаллик ўтган бўлса, ҳеч қандай хавф йўқ. Ерга қайтганларнинг кўпчилиги ҳозир соғ-саломат юришибди. Биз бошқа гапларга алаҳсиб кетдик. Асосий масалага ўтайлик... Хўш, ўртоқ Артемьев, биологлар бизга жуда ҳам зарур. Истаганингизча иш топилади. Биринчи навбатда Юлдузни ўз оранжереямизда етиштирилган мева ва сабзавот билан таъминлашни йўлга қўйиш керак. Ҳозирча бу ишни «боғбон»имиз Андрей Павлович Шликов яхши удалаб турибди, лекин биз фазодаги мулкимизни тобора кенгайтиряпмиз. Ерда одамлар фақат тўрт томонга — шарққа, ғарбга, шимол ва жанубга қараб силжийдилар. Бу ерда эса юқорига ва пастга — қисқаси, ҳамма томонга қараб қулоч отиш мумкин. Биз аста-секин турли хил ёрдамчи корхоналар билан бойиймиз. Янги оранжерея қурапмиз. Унда Шликовнинг ёрдамчиси — Крамер ишлайди.

— Мен у кишини танийман.

Директор бош силкиди.

— Жуда соз... — давом этди у қалам ушлаб турган қўлини кўтариб.

Қалам унинг бармоқлари орасидан сирғалиб чиқиб, ёнгинамдан ўтиб кетди. Мен уни илиб олмоқчи бўлган эдим, оёқларим полдан кўтарилиб, ҳавода муаллақ туриб қолдим. Бир минутлардан кейингина товоним «пол»га тегди.

— Бу ердаги нарсалар ўжар, қочишнинг пайдан бўлишади, — ҳазил қилди директор. — Шундай қилиб, деярли тўла вазнсизлик шароитида мева ва сабзавот етиштирамиз. Биолог қарши-сида қандай ажойиб масалалар туғилишини тасаввур қилиб кўринг-а. Ўсимликларда оғирлик кучи бўлмаганда геотропизм қандай кечади? Тўқималарнинг бўлиниши, модда алмашинуви, ширанинг ҳаракати қандай юз беради? Ультра қисқа нурлар қандай таъсир кўрсатади? Космик нурлар-чи? Эҳ-ҳа, ҳаммасини санаб чиқиш қийин! Шликов кашфиёт кетидан кашфиёт очяпти. Хайвонлар-чи? Биз уларни ҳам парвариш қиламиз. Ҳозирнинг ўзидаёқ тажриба қилинаётган бир неча жониворларимиз бор. Ахир фазодаги бундай лаборатория — ўз ишини севган олим учун бир хазина-ку. Кўриб турибман, сизнинг ҳам кўзларингиз чақнаб кетяпти.

Мен ўз кўзларимни кўрмасдим, лекин директорнинг гаплари менга жуда таъсир қилган эди. Ростини айтсам, шу тобда фақат Арманистонни эмас, ҳатто Тоняни ҳам унутиб қўйган эдим.

— Тезроқ ишга киришсам, — дедим мен.

— Эртагаёқ киришасиз, — жавоб берди директор. — Фақат ҳозирча бу ерда, оранжереяда эмас. Ойга илмий экспедиция уюштиряпмиз. Кекса астрономимиз Фёдор Григорьевич Тюрин, геолог Борис Михайлович Соколовский ва сиз учасиз.

Бу хабарни эшитиб, дарров Тоняни эсладим. Уни балки узоқ муддатга ташлаб кетарман. Менсиз унинг ҳоли нима кечаркин...

— Биологнинг нима кераги бор? — сўрадим мен. — Ой бутунлай ўлик сайёра-ку.

— Шундай деб ўйлаш мумкин. Аммо-лекин... Яхшиси, бу ҳақда астрономимиз билан гаплашинг, унинг ўз тахминлари бор. — Директор кулимсиради. — Чол бир оз телбарок. Унинг битта фалсафаси — «Ҳаракат фалсафаси» бор. Гапиравериб сизни чарчатиб қўймаса деб қўрқаман. Лекин ўз соҳасининг жуда йирик олими. Илож қанча? Қариганда баъзи одам сергапроқ бўлади дейишади. Ҳозир Тюриннинг олдига бориб, у билан танишасиз. Ҳалати чол. Фақат ҳадеб фалсафа сотишига йўл қўйманг.

Директор қатор тугмачалардан бирини босди.

— Крамер билан танишсиз. Ҳозир чақираман, у обсерваторияга киришда сизга ёрдам беради. Ёдингизда бўлсин, у ерда ҳозирги арзимас оғирлик кучи ҳам йўқ.

Крамер учиб кирди. Директор унга ҳамма гапни тушунтирди, Крамер бош ирғаб, мени етаклаб олди. Биз йўлакка чиқдик.

— Бу галги учишда сайёрлараро бўшлиқда мустақил ҳаракат қилишни ўрганиб олишга тиришаман, — дедим мен.

— Маъқуллайман! — деди Крамер. — Ҳозир биз олдига борадиган чол баджаҳлроқ. Сиркаси сув кўтармайди. У фалсафага тушиб кетганда гапини бўла кўрманг. Акс ҳолда авзойи бўзилиб, Ойга етгунча йўл бўйи тутун қайтаради. Умуман олганда эса ажойиб киши. Биз уни яхши кўрамиз.

Мен икки ўт орасида қолдим. Директор, фалсафа сотишига йўл қўйманг, деган эди. Крамер, кекса астроном-файласуфни ранжитманг, дейди. Устомонлик қилишга тўғри келади.

XI. ЎРГИМЧАК ОЛИМ

Фазовий костюмда, орқамизга ихчам ракета-жилдлар осиб атмосфера камерасидан ўтдик, эшикни очиб ташқарига чиқдик. Ҳавосиз бўшлиқ қаърига учиб кетиш учун оёқни салгина туртиш кифоя қиларди. Кўкда яна «ер тўлишган» пайт эди. Улкан, ялтироқ Ер гардиши осмон уфқининг ярмини эгаллаб турарди: «Юз ўн икки градус», деб тушунтирди Крамер.

Мен Европа ва Осиё шаклини, оппоқ булут билан қопланган шимолни кўрдим. Шимолий қутб денгизларидаги музлар ярқирарди. Осиёнинг қоп-қора тоғлари орасида қор чўққилари оқариб турибди. Қуёш Байкал кўлида жилва қилади. Унинг қиёфаси жуда аниқ кўзга ташланади. Кўм-кўк доғлар оралаб кумушранг Обь ва Енисей дарёлари илонизи бўлиб чўзилиб кетган. Каспий, Қора ва Ўрта денгизлари аниқ кўриняпти. Эрон, Арабистон, Ҳиндистон, Қизил денгиз ва Нил дарёлари ҳам «манаман» деб турибди. Ғарбий Европанинг шакли эса алкаш-чалкаш. Скандинавия ярим оролини булут қоплаган. Африканинг ғарбий ва жанубий қисми ҳам яхши кўринмайди. Ҳинд океанида Мадагаскар ноаниқ, чапланган доғга ўхшайди. Тибет тиниқ кўринади, лекин Осиёнинг шарқий қисми туман ичида. Суматра, Борнео, Австралиянинг ғарбий соҳиллари оқариб кўринади... Япон ороллари базўр кўзга чалинади. Ажабо! Мен бир вақтнинг ўзида Европанинг шимолини ва Австралияни, Африканинг шарқий соҳиллари ҳамда Японияни, қутб денгизлари ва Ҳинд океанини кўриб турардим. Одамлар ҳали ҳеч қачон бир қарашда бу қадар улкан майдонни кўзлари билан илғаб ололмаганлар. Агар Ерда ҳар гектар ерни кўздан кечириш учун бир секунддан вақт сарфланганда ҳам, бутун Ер юзини кўриб чиқиш учун тўрт-беш юз йил кетган бўларди — у шу қадар бепоён.

Крамер билагимни сиқиб, олисда порлаб турган нуқтани — ҳозир борадиган жойимизни кўрсатди. Ер жамолидан кўз узишга тўғри келди. Мен Кэц Юлдузига ва тўлин ойга ўхшаган ракетодромга қарадим. Жуда олисда, осмон қаърида кип-қизил юлдузча гоҳ ёнар, гоҳ сўнарди. Дарров фаҳмладим: ракетодромга Ердан учган ракета яқинлашяпти. Кэц Юлдузи атрофида, зим-зиё бўшлиқда яқин турган юлдузлар кўп эди. Уларга разм солиб, барининг инсон қўли билан яратилганига ишонч ҳосил қилдим. Булар директор айтган «ёрдамчи корхоналар» эди, мен ҳали уларни

билмасдим. Кўпчилиги ярқироқ цилиндр шаклида эди, лекин куб, шар, конус, пирамида нусхалари ҳам бор эди. Баъзи иншоотлар қўшимча қурилмаларга эга: улардан тирсак, мўри, гардишга ўхшаган нарсалар чиқиб турибди, буларнинг нимага хизмат қилишини ҳали-ҳозирча билмайман. Баъзи «юлдуз»лардан вақти-вақти билан нур отилиб чиқади, «юлдуз»ларнинг бир қисми ҳаракатсиз, айримлари аста сузиб юрибди. Бир-бирининг атрофида ҳаракат қилаётганлари ҳам бор, афтидан улар кўринмас сим ёки трос билан боғланган бўлса керак. Бундай айланма ҳаракат натижасида, назаримда, сунъий тортишиш кучи ҳосил бўлади.

Крамер яна диққатимни тортди, Обсерваторияни кўрсатиб, скафандрини меникига яқинлаштирди ва деди:

— Томоша қилишга улгурасиз. Кўкракдаги ҳалқани босиб туриб, отинг. Вақт зиқ.

Мен ҳалқани босдим. Орқамга бир нарса урилди-ю, умбалоқ ошиб кетдим. Кўз олдимда бутун коинот айлана бошлади. Гоҳ зангори Қўёш, гоҳ улкан Ер шари, гоҳ ранг-баранг юлдуз сочилган осмон бўшлиғи кўринади менга. Кўзим тиниб, бошим айланиб кетди. Қаёққа учаяётганимни, Крамернинг қаерда қолганини ҳам билмасдим. Мундай қарасам, тўппа-тўғри ракетодром устига қулаб тушяпман. Шошиб бошқа тугмачани босдим, биқинимга туртки теккач, чап томонга қараб учиб кетдим. Жуда оғир аҳволда қолдим! Энг муҳими, қўлимдан ҳеч нарса келмасди. Мен тинимсиз буралар, айланар, ғужанак бўлардим, лекин фойда чиқмасди. Ниҳоят кўзимни чирт юмиб, яна тугмачани босдим. Орқамга яна туртки тегди... Обсерваторияни аллақачон кўздан қочирган эдим. Пастда Ер кўкимтир жимирилаб турарди. Унинг чети қорая бошлаганди: қисқа тун яқинлашмоқда эди.

Ўнг томонимда олов липиллади, Крамернинг ракетасидан чиққан бўлса керак. Йўқ, энди беҳудага отавермайман. Тамом умидсизликка тушиб турган пайтимда бирдан Кэц Юлдузини кўриб қолдим, лекин у мен тахмин қилган жойда эмас эди. Севинганимдан ўзимни йўқотиб қўйиб, шахт билан яна отдим-у, ҳалигидан баттар умбалоқ ошиб кетдим. Юрагим қинидан чиқиб кетаёзди. Бунақа машқларни цирк ўйинчиларига чиқазган экан... Шу пайт оёғимга, кейин билагимга бир нарса урилди. Наҳот астероид бўлса?.. Агар кийимим йиртилгудек бўлса, шу заҳотиёк бир парча музга айланиб қоламан, бўғилиб ўламан. Этим жимирилаб кетди. Балки костюмим тешилиб, баданимга фазовий совуқ кираётгандир? Нафасим бўғилаётгандай туюлди. Ўнг қўлимни нимадир қисди. Скафандримга бир нарса урилди-ю, шу он Крамернинг бўғиқ товушини эшитдим:

— Хайрият-э, ниҳоят ушлаб олдим сизни... Утакамни ёриб юбордингиз-ку. Мен сизни бундан кўра эпчилроқ, деб ўйлаган эдим. Илтимос, бошқа ота кўрманг. У ёқдан-бу ёққа учавериб қийнавордингиз. Кўздан йўқотишимга сал қолди. Унда тамом бўлардингиз.

Крамер мени чирмаб ташлаган оқ плашни олиб ташлади. Қўёш нури баданимга дарров ҳарорат бахш этди. Гарчи кислород

аппарати жойида бўлса ҳам, ҳаяжондан зўрға нафас олардим. Крамер ракетадан биринчи бор тушганимиздаги каби мени қўлтиқлаб олиб, ҳар томондан ота бошлади. Биз олға учиб кетдик. Дарвоқе ҳеч қандай ҳаракат сезилмасди, фақат ҳамма нарса ўз ўрнига тушиб қолганини пайқадим. Кэц Юлдузи ҳам худди пастга қулаб тушаётганга, обсерватория юлдузчаси эса шиддат билан биз томонга учиб келаётганга ўхшарди. У дақиқа сайин катталашиб ва равшанлашиб борарди.

Кўп ўтмай обсерваториянинг ташқи қиёфаси кўзга ташланди. Бу ғалати иншоот эди: тўрт қирра, қирраларнинг ҳар бири уч бурчак шиклида. Уч бурчакли бу пирамидалар устига думалоқ ойнали каттакон металл шарлар ўрнатилган. Шарлар ўзаро қувурлар билан уланган. Кейин билишимча, бу қувурлар бир шардан иккинчисига ўтиш учун йўлак вазифасини ўтар экан. Ҳар бир шардан телескоп-рефлекторлар чиқиб турибди. Улкан ботиқ ойналар шарларга енгил алюмин дасталар билан уланган. Ердаги телескопларда бўладиган одатдаги труба «ҳаво» телескопида йўқ. Бу ерда у керак эмас: атмосфера йўқ, бинобарин, ёруғликнинг сочилиши юз бермайди. Катта телескоплардан ташқари шарлар устига нисбатан кичикроқ астрономик асбоблар: спектрографлар, астрографлар, гелиографлар ўрнатилган.

Мана, Крамер учини секинлатиб, йўналишни ўзгартирди, биз шарлардан бирига яқинлашиб, уларни боғлаб турган қувурга тегар-тегмай тўхтадик. Обсерваторияни сал бўлса ҳам туртиш мумкин эмас экан, шунинг учун ҳам Крамер бу қадар эҳтиёткорлик қилган экан. Буни у менга кейинчалик тушунтириб берди. Обсерваторияни туртиб юборган одамнинг ҳолига вой. Тюрин ундай меҳмонга, энг яхши юлдузли осмон суратини расво қилдингиз, ўлишимга ҳам бир баҳя қолди, деб ўшқириб берар экан.

Крамер девордаги тугмачани аста босди. Эшик очилгач, атмосфера камерасига кирдик. Камера ҳавога тўлгандан кейин костюмларимизни ечдик.

— Бу чол телескоп билан бирикиб кетган.— деди ҳамроҳим.— Овқат вақтида ҳам ундан ажралмайди. Атрофига баллон ва банкаларни қўйиб олиб, найчадан овқат сўрганча осмонга тикилиб ўтираверади. Ҳали ўзингиз ҳам кўрасиз. Сизлар гаплашгунингларча мен янги оранжереяга бориб келаман. Ишнинг кетишини бир кўрай-чи.

У яна скафандрини кийди. Мен эсам обсерваторияга олиб кирувчи эшикни очиб, электр нури билан ёритилган йўлакка кириб қолдим. Лампочкалар оёғим остида ёниб турарди, маълум бўлишича, обсерваторияга оёғим осмонда бўлиб кирган эканман. Лампаларни босиб олмаслик учун шоша-пиша девордаги қайишга ёпишдим. Буклама қанотлар ёдимда бўлса ҳам, даҳшатли мўйсифиднинг бу масканида уларни ишлатишга журъат этмадим. Крамер билан директорнинг ҳикояларидан уни ана шундай тасаввур қилардим.

Ғоят жимжитлик эди. Обсерваторияда тирик жон бор, деб

ўйламасди одам. Фақат вентиляторлар майин гувиллар, қаердадир, афтидан кислород аппаратлари бўлса керак, узлуксиз шигилларди. Мен қаёққа юришни билмасдим.

— Ҳей, менга қаранглар,— дедим мен ва бир йўталиб қўйдим.

Ҳеч ким жавоб бермади...

Мен қаттиқроқ йўталиб, орқасидан қичирдим:

— Ҳой, ким бор?!

Узоқдаги эшикдан негр йигитнинг пахмоқ боши кўринди.

— Ким? Нима?— сўради у.

— Фёдор Григорьевич Тюрин уйдадилар? Қабул қиладиларми?

Негр йигит оппоқ тишларини ярқиратиб жилмайди.

— Қабул қиладилар. Мен ухлаб қолибман. Бизнинг Флоридага тун чўкканда мен доим ухлайман. Яхши уйғотдингиз,— деди сергап негр.

— Флоридадан қандай қилиб осмонга чиқиб қолдингиз?— сўрадим мен.

— Пароходда, поездда, аэропланда, дирижблда ва ниҳоят, ракетада.

— Тўғри, лекин... нима учун?

— Чунки, мен синчков одамман. Бу ер Флоридамиз каби иссиқ. Мен профессорга ёрдам бераман...— «профессор» сўзини у алоҳида ҳурмат билан айтди,— у худди чақалоққа ўхшайди. Агар мен бўлмаганимда у аллақачон ўз телескопининг ёнида ўлиб кетарди. Микки деган маймуни ҳам бор. У билан зерикмайман. Китоблар бор. Энг муҳими, каттақон ажойиб китоб — осмон бор. Профессор менга юлдузлар ҳақида ҳикоя қилиб беради.

«Бу чол унчалик қўрқинчлига ўхшамайди-ку» — ўйладим мен.

— Йўлакдан тўппа-тўғри шарга қараб учинг. Шарда арқон бор. У сизни профессор Тюриннинг олдига олиб боради.

Маймуннинг чинқириғи эшитилди.

— Нима дейсан? Ким келганини, ким билан гаплашаётганимни кўролмаёпсанми? Ҳа-ҳа! У хонанинг ўртасида, ҳавода типирчилаб ҳеч ерга тушолмаяпти. Албатта унинг қанотлари чиқади,— деди ишонч билан негр.— Бу ерда қанотсиз яшаш қийин.

Мен сферик деворгача учиб бордим, йўлак шу ерда тугарди. Эшикни очиб, шар ичига кирдим. Шарнинг деворларига машиналар, аппаратлар, яшик ва баллонлар ўрнатилган эди. Эшикдан қиясига йўғон арқон тортилган эди. Арқоннинг иккинчи учи шарни қоқ иккига бўлиб турган девор ёриғига кириб кетганди. Мен арқондан тутганча олдинга қараб юрдим — пастгами, юқоригами, аниқ айтолмайман. Бунақа ер тушунчаларини хаёлидан чиқазиб юборишга тўғри келади.

Ниҳоят, ёриққа етиб келиб, одам қорасини кўрдим. У ҳавода муаллақ ётарди. Ундан ҳар томонга қараб ипак чилвирлар тортилган, чилвир учлари хона деворларига боғланган эди.

«Худди уясида ётган ўргимчакка ўхшайди» — деб ўйладим мен.

— Жон, сенмисан?— сўради ҳалиги одам кутилмаган ингичка овоз билан.

— Салом, ўртоқ Тюрин. Мен Артемьевман. Ҳалиги...

— Ҳа-ҳа, биламан. Директор айтди. Ойгами? Ҳа. Учамиз. Жуда соз.

У телескоп дурбинидан кўз узмай ва қимир этмай гапирарди.

— Ўтиришга таклиф қилмайман: ўтирадиган нарсанинг ўзи йўқ. Бунинг ҳожати ҳам йўқ.

Мен унинг чеҳрасини тузукроқ кўриш учун эҳтиётлик билан «Ўргимчак»ка яқинлашдим. Қуюқ сочлари оппоқ, соқоли қирилган юзи бир оз рангсиз. Тюрин мен томонга бошини андак бурган эди, унинг қоп-қора ўйноқи кўзларини кўрдим. Қовоқлари қизарган. Афтидан, кўзларини чарчатиб қўйганга ўхшайди.

Мени йўтал тутди.

— Менга қараб йўталманг, безовта қиласиз!— деди у қатъий равишда.

«Бошланди,— деб кўнглимдан ўтказдим.— Йўталиб ҳам бўлмайди».

Лекин, яхшилаб разм солгач, нима учун йўталиш мумкин эмаслигини англадим.

Тюрин ҳавога китоблар, қоғоз, қалам, дафтар, дастрўмол, трубка ва портсигарини ёйиб қўйган эди. Ҳаво сал тебранса — ҳаммаси учиб кетади. У қолда Жонни ёрдамга чақиришга тўғри келади — профессор ўз тўридан осонликча чиқолмаса керак. У, назаримда, ўз танасини ана шу ипак тўр билан телескоп объективи олдида ҳаракатсиз тутиб туради.

— Телескопингизнинг трубаши жуда катта экан,— дедим мен суҳбатни бошлаб юбориш мақсадида.

Тюрин мамнуният билан кулди.

— Ҳа, ер астрономлари бундай телескопни орзу ҳам қилишолмайди. Лекин ҳеч қандай труба йўқ. Учиб келган вақтингизда пайқамадингизми?.. Узр, эсимда борида бир неча сўзни ёздириб қўйишим керак.

Шундай деб, у астрономик ва математик терминлар билан тўла жумлаларни гапира кетди. Кейин ён томонга қўлини оҳиста кўтариб, чилвир билан боғлаб қўйилган қора яшикдаги дастанни буради. Агар унинг ҳаракатини экранда кўрсатилса, томошабинлар, механик аппарат дастасини жуда секин айлантиряпти, деб ишонишлари турган гап эди.

— Лентага автоматик усулда ёзиш — уй секретарининг ўрнини босади,— тушунтирди Тюрин.— Қутига яшириб қўйилган, беҳато ишлайди, овқат сўрамайди. Ўзинг ёзгандан кўра тезроқ ёзади. Кузатиб, айни вақтда айтиб туравераман. Машина ва математик ҳисоблаш аппарати ёзилганларни ишлаб чиқишда менга ёрдам беради. Ҳар эҳтимолга қарши ёнимда қоғоз ва қалам туради. Фақат мен томонга қараб нафас олманг... Ҳа, дарвоқе, телескоп ҳақида... Бундай телескопни Ерда қуриб бўлмай-

ди. У ерда оғирлик ҳажмини чегаралаб қўяди. Меники ойнали телескоп — рефлектор. Бунақа телескоп биттагина эмас. Ойналарнинг диаметри юзлаб метрни ташкил қилади. Рефлекторлар ғоят улкан. Ҳаммаси шу ерда, осмон материалларидан ясалган масалан, шиша-кристалл шаклидаги метеорлардан. Бу ерда мен метеор-болидларнинг чинакам корхонасини очганман. Э-ҳа, нима-лар деяпман ўзи... Айтгандай, Ерда чинакам астрономия билан шуғулланиб бўларканми? Улар менинг олдимда кўрсичқондай гап. Икки йил ичида улардан юз йилга илгарилаб кетдим. Кўрасиз, ҳадемай асарларим босилиб чиқади... Плутон планетасини олайлик. Ердагилар у ҳақда нима билишади? Бир кеча-кундузда Қуёш атрофини қанча айланиб чиқишини билишадими? Йўқ. Қуёш билан Плутон орасидаги ўртача масофаними? Эклиптиканинг оғишиними? Йўқ. Массани-чи? Зичликни-чи? Йўқ, йўқ, йўқ. Тагин планетани кашф қилдик дейишади.

У кексаларча хихилаб кулди.

— Оқ миттилар, қўшалоқ юлдузларни-чи? Галактика системасининг тузилишини-чи? Коинотнинг умумий тузилишини-чи? Э-э, қай бирини айтасиз. Ҳатто Қуёш системасига кирувчи планеталар атмосферасини ҳам тузук-қуруқ билишмайди! Ҳанузгача баҳслашади. Менинг бу ердаги кашфиётларим эса йигирмата Галилейга етади. Мен бу билан мақтанмайман, чунки гап одамда эмас, жойда. Менинг ўрнимда ҳар қандай астроном бўлганда ҳам шу ишларни қилган бўларди. Мен ҳам бир ўзим ишлаётганим йўқ. Ихтиёримда астрономларнинг бутун бир штати бор... Буюкликка келсак, осмон обсерваториясини кашф этган одам буюк. Ҳа, Кэц Юлдузини кашф этган одам. Биз ана ўшанинг олдида қарздормиз.

Ериқ орасида бир нима лип этди. Аввал маймун, кейин Жоннинг жингалак сочли боши кўринди. Маймун негрнинг елкасига миниб, иккала панжаси билан унинг сочларидан маҳкам ушлаб олган эди.

— Ўртоқ профессор! Ҳалиям нонушта қилмадингизми? — деди Жон.

— Йўқол! — деб жавоб берди Тюрин.

Маймун ингичка овоз билан чийиллади.

— Мана. Микки ҳам айтяпти. Иссиқ кофе ичиб олинг, — кистади Жон.

— Йўқол кўзимдан! Анови бақироғингни ҳам йўқот.

Маймун ҳалигидан баттарроқ чинқирди.

— Нонушта қилмагунингизча олиб кетмайман уни!

— Хўп, хўп. Мана, бошладим.

Тюрин баллонни оҳиста олдиға тортиб, найчанинг қопқоғини очди-да, кетма-кет сўра бошлади.

Маймун билан Жон ғойиб бўлишди, лекин ҳаял ўтмай яна уларнинг шарпаси кўринди. Жоннинг назарида профессорнинг қорни тўйгунга қадар бу ҳол такрорланаверди.

— Ҳар куни шу аҳвол! — деди Тюрин уҳ тортиб. — Безор қилишди. Лекин, ростини айтсам, шулар бўлмаса овқат эсимга

ҳам келмайди. Астрономия, азизим, шунақа ажойиб нарсалар!.. Сиз астрономияни фан деб, юлдузлар ҳақидаги фан деб ўйлайсизми? Йўқ. Очиғини айтганда, бу — дунёқараш. Фалсафа.

«Бошланди», деб ўйладим мен ҳадиксираб. Кейин бу хавfli мавзудан қутулиш учун, сўрадим:

— Айтинг-чи, Ойга саёҳат вақтида биолог зарурми?

Тюрин бошини аста буриб, менга синовчан ва ишончсиз назар ташлади.

— Нима, фалсафани эшитишни ҳам хоҳламайсизми?

Крамернинг насихатини эслаб, дарров жавоб бердим:

— Аксинча, фалсафани яхши кўраман, лекин ҳозир... вақт жуда оз қолди, йўлга тайёрланишим керак. Мен билмоқчи эдим.

Тюрин телескоп объективига тикилганча жим қолди. Наҳотки, жаҳли чиққан бўлса? Мен бу ноқулай вазиятдан қандай қилиб қутулишни билмасдим. Аммо кутилмаганда Тюриннинг ўзи гап бошлади:

— Ерда менинг ҳеч кимим йўқ. На хотин, на бола-чақам. Қисқаси, сўққабошман. Лекин менинг уйим, менинг ватаним — бутун Ер юзи ва бутун коинот. Менинг оилам — дунёдаги барча меҳнаткашлар, сизга ўхшаган ажойиб йигитлар.

Бу ногаҳоний такаллуфдан анча енгил тортдим.

— Сиз мени бу ерда, ўргимчак уясида Ердан, унинг манфаатларидан ажралиб қолган деб ўйлайсизми? Йўқ. Биз бу ерда катта иш қиляпмиз. Сиз ҳали Кэц Юлдузидаги ҳамма илмий тармоқлар билан танишишингиз керак бўлади.

— Баъзилари билан кутубхонада танишдим. «Қуёш устунлари»...

Тюрин бирдан қўлини равон кўтариб, «автоматик секретарь» аппаратини буради-да, бир нарсаларни гапира кетди, афтидан, ўзининг сўнгги кузатиш ёки фикрларини ёздирди. Кейин давом этди:

— Мен осмонга тикиламан. Хўш, ҳаммадан кўпроқ мени нима ҳайратга солади? Узлуксиз ҳаракат. Ҳаракат — бу ҳаёт. Ҳаракатнинг тўхташи — ўлим. Ҳаракат — бу бахт. Бир ерда депсиниш, тўхташ — кулфат, бахтсизлик. Ҳаракатдаги бахт — бу тананинг, фикрнинг ҳаракат қилиши. Шу асосда ҳатто ахлоқ вужудга келиши мумкин. Сиз нима дейсиз?

Оғир аҳволда қолдим. Мен нима дейишни билмасдим.

— Менинг фикримча, сиз ҳақсиз, — дедим ниҳоят. — Фақат бу чуқур ғояни яхшилаб ўйлаб кўриш керак.

— Ҳа-ҳа! Ҳарҳолда сиз буни чуқур ғоя деб ҳисоблайсизми? — деди профессор қувнаб ва биринчи марта мен томонга кескин бурилди. Ўргимчак уяси чайқалиб кетди. Хайриятки, бу ерда одам йиқилмайди.

— Мен бу ғояни албатта ўйлаб кўраман, — дедим бўлажак ҳамроҳимнинг муҳаббатини тамомила қозониб олиш мақсадида. — Ҳозир эса мени олиб кетиш учун ўртоқ Крамер келади, мен бир нарсани...

— Хўш, нимани билмоқчи эдингиз? Ойда биологнинг нима

кераги бор, демоқчимисиз? Ой бутунлай ўлик планета-ку. Ойда мутлақо атмосфера йўқ, бинобарин, у ерда органик ҳаёт бўлиши мумкин эмас. Худди шундай деб ўйлашади. Лекин менинг фикрим бошқачароқ. Телескопим... Ҳа, мана, Ойга бир қаранг. Чил-вирларни ушланг, фақат эҳтиёт бўлинг. Китобларга тегиб кетманг. Мана шундай. Бир кўз билан...

Мен объективга қараб, ҳангу манг бўлиб қолдим. Ой сатҳи жуда яқин эди, ундаги ҳар бир ёриқ ва бўлақлар аниқ кўриниб турарди. Ана шундай бўлақлардан бирининг чети ҳар хил тусда ял-ял ёнарди. Афтидан, бу кристалл шаклидаги тоғ жинслари тўпланган жой бўлса керак.

— Хўш, қалай? — деди профессор мамнуният билан.

— Назаримда, Кэц Юлдузидан туриб қараганда Ой Ерга нисбатан яқинроқ кўринади.

— Ҳа, агар телескопимдан Ерга қарасангиз, Ленинградингизни ҳам бемалол кўраверасиз... Кузатишларимга асосланиб, Ойда оз миқдорда бўлса ҳам газ бор, деган хулосага келдим. Демак, баъзи бир ўсимликлар ҳам бўлиши мумкин... Эртага сиз билан шуларни аниқлаш учун учамиз. Мен, ростини айтсам, саёҳатга кўпам қизиқмайман. Менга шу ердан ҳам кўринаверади. Лекин бу экспедицияга директоримиз мажбур қияпти. Тартибга бўйсуншимиз керак... Хўш... Энди ҳаракат фалсафаси ҳақидаги гапимизга қайтамиз...

Нуктанинг бўшлиқда тўғри чизик бўйлаб чексиз ҳаракати — беҳуда гап. Бундай ҳаракат бир ерда қўзғалмасдан туриш билан баробар. Чунки олдинда ҳам, орқада ҳам чексизлик — бунинг чегараси йўқ. Босиб ўтилган ҳар қанча йўл чексизликка нисбатан нулга тенг.

Хўш, бутун фазодаги ҳаракат-чи? Фазо абадий. Ундаги ҳаракат тўхтамайди. Наҳот фазо ҳаракати ҳам беҳуда гап бўлса?

То калаванинг учини топгунча ҳаракатнинг табиати ҳақида бир неча йил бош қотирдим.

Бу оддий нарса экан. Гап шундаки, хоҳ тўғри чизик бўйлаб бўлсин, хоҳ эгри чизик бўйлаб бўлсин бетўхтов чексиз ҳаракат табиатда умуман йўқ. Ҳар қандай ҳаракатда ҳам узилиш бор, ҳамма сир ана шунда. Менделеев миқдорнинг (ҳатто миқдорнинг!) чексиз эмаслигини ўз вақтида исботлаган эди, бу ўринда атомни кўзда тутамиз. Эволюцион таълимот генетик таълимот билан ўзгаради, тўғрироғи, чуқурлашади, организмнинг ривожиди сак-рашлар, мутациялар тобора кўпроқ роль ўйнайди. Магнит миқдорининг узлуксиз эмаслиги Вейс томонидан, нур сочишнинг ўқтинлиги Бланк томонидан, термик хусусиятларнинг чексиз эмаслиги Коновалов томонидан исботланган. Фазо абадий, лекин фазодаги ҳамма ҳаракат — узлуксиз эмас. Қуёш системалари пайдо бўлади, ривожланади, эскиради ва ўлади. Янги ранг-баранг системалар вужудга келади. Ҳаммасининг ибтидоси ва интиҳоси бор, демак, ўлчов миқёси ҳам бор. Органик дунёда ҳам худди шу ҳол юз беради. Тушуняпсизми? Менинг фикрларимга диққат қилияпсизми?..

Бахтимга шу пайт ёриқда яна маймун билан негрнинг боши кўринди.

— Ўртоқ Артемьев, сизни Крамер атмосфера камерасида кутяпти, — деди у.

Мен шоша-пиша профессор билан хайрлашиб, бу «ўргимчак уяси» дан чиқиб кетдим.

Очиғини айтганда, Тюрин мени ўз фалсафаси ҳақида ўйлашга мажбур қилди. «Ҳаракат — бу бахт». Лекин ҳаракат фалсафасининг ижодкорига четдан қараган одам қандай аянчли манзарани кўради! Зим-зиё осмон бўшлиғида у ёлғиз, ўргимчакдай тўрга ўралиб, кунлаб, ойлаб, йиллаб қимир этмай осилиб туради... Лекин у бахтиёр, бунга шубҳа йўқ. Тана ҳаракатидаги камчиликни фикр, мия хужайраларининг ҳаракати тўлдиради.

ХII. ТЮРИН МАШҚ ҚИЛАДИ

Крамер мени скафандрини ечмасдан кутиб турган экан, афтидан, у шошаётган бўлса керак. Мен тез кийиндим. Ҳамроҳим атмосфера босимини охиригача пасайтириб, ташқи эшикни очди. У мени ўз олдида маҳкам ушлаганча обсерватория деворидан ёни билан сирғалиб аста ажралди-да, Кэц Юлдузига қараб йўл олди. Бир неча марта «ўқ узган» эди, биз жуда тез учиб кетдик. У мени энди қўйиб юбориши ҳам мумкин эди, лекин, афтидан, менинг «учувчилик санъатим»га ишонмади шекилли, маҳкам тирсагимдан ушлаб олганча орқамда борарди.

Яқинлашиб келаётган Кэц Юлдузига қараб, унинг ўз ўқи атрофида жуда тез айланаётганини пайқадим. Назаримда, оранжерея тузатиб бўлинган ва илгаригидан кўпроқ сунъий оғирлик кучи ҳосил бўлган кўринарди.

Айланиб турган парракка қўниш осон иш эмас. Лекин Крамер бунинг ҳам йўлини топди. У Юлдуз цилиндрининг устида унинг айланиши бўйлаб уча бошлади. Шундай қилиб, бизнинг тезлигимиз цилиндри тезлиги билан барабарлашгач, у ҳалқадан маҳкам ушлаб олди.

Ечинишга улгурмасимдан Меллер чақиртириб қолди.

Ракетада оғирлик қанчалик ортганини аниқ билмайман. Ҳарҳолда Ердаги оғирликнинг ўндан бир қисмидан кўп эмас. Лекин баданнинг менга таниш, ёқимли таранглигини ҳис қилдим. Ўз оёғинг билан «пол»да «юриш», яна ўзингни одатдаги қиёфада тасаввур этиш жуда кўнгилли бўларкан.

Мен Меллер ҳузурига дадил кириб бордим.

— Салом, — деди у. — Тюринга одам юбордим. У ҳозир келади. Хўш, қалай?

— Ажойиб одам, — жавоб бердим мен. — Лекин мен бошқачароқ...

— Йўқ, — деб гапимни бўлди Меллер. — Аҳволи қалай? Мен врач сифатида сўраяпман.

— Жуда рангпар. Юзи бир оз шишинқирган...

— Албатта-да. У тоқат қилиб бўлмайдиган даражада турмуш

кечиряпти. Ахир, обсерваторияда кичкина боғ, гимнастика зали, мускулларни машқ қилдириш учун махсус аппаратлар бор, лекин у соғлиғи ҳақида мутлақо ўйламайди. Ростини айтсам, Тюринни Ойга жўнатишга директорни ўзим кўндирганим, унинг ҳаёт тарзини тубдан ўзгартириш учун бундан кейин ҳам қаттиқ тураман, акс ҳолда биз бу ажойиб инсондан айрилиб қоламиз.

Тюрин кириб келди. Яхши ёритилган амбулаторияда унинг чехраси яна ҳам сўник кўринди. Бунинг устига, оёқ пайлари ҳаракатдан тўхтаган, балки, қисман ишдан чиққанга ҳам ўхшарди. У оёқда зўрга турарди.

Тиззалари букилиб кетар, оёқлари қалтирар, у эса ноилож қўлларини силкирди. Агар уни ҳозир Ерга туширишса, ўзини худди тўлқин соҳилга чиқариб ташлаган китдай ҳис қилса ажаб эмас.

— Ўзингизни қандай аҳволга солиб қўйибсиз! — деди Меллер таъна билан. — Одам ҳам шунақа бўладими!

Ҳаракатчан, жиккак бу аёл кекса олимни худди ёш боладай койиб кетди. Кейин уни массажага жўнатиб, массаждан чиққач, медицина кўригига келишни буюрди.

Тюрин кетгач, Меллер менга мурожаат қилди:

— Сиз биологсиз, бинобарин, мени яхши тушунасиз. Тюрин — истисно. Биз ҳаммамиз ўзимизни яхши ҳис қиямиз. Лекин «осмон ҳаёти»даги бу енгиллик мени ташвишга соляпти. Сиз ўз танангизни бутунлай ёки қисман сезмайсиз. Лекин бунинг оқибати қандай бўлади? Кэц — ёш юлдуз. Ҳатто бу ерда эскитдан яшаётган кишиларимизнинг ҳам вазнсизлик ҳолатига тушганига уч йилдан ортиқ бўлгани йўқ ҳали. Хўш, ўн йилдан кейин нима бўлади? Бундай мослашув организмнинг умумий ҳолатига қандай таъсир кўрсатади? Ниҳоят, янги туғилган чақалоқлар қандай ўсади? Болаларимизнинг болалари-чи? Авлодаримизнинг суяги тобора илвираган, кемирчакдор бўла бориш эҳтимоли йўқ эмас. Пай ва мушакларимиз бутунлай ишдан чиқади. Бизнинг осмондаги мустамлакамиз кишиларининг саломатлиги учун жавобгар шахс сифатида мени аввало мана шу нарса ташвишлантиради. Иккинчидан — космик нурлар. Гарчи масканизмизни ўраб турган қобиқ бундай нурларни қисман ўтказмаса ҳам, биз бу ерда Ердигидан кўпроқ космик нурларни қабул қиламиз. Ҳозирча бунинг зарарли оқибатлари сезилмаяпти. Лекин шунга қарамай, кузатиш учун қўлимизда материал жуда ҳам оз. Масалан, бу ерда мутация¹ ҳодисаси пашшаларда кучли сезиляпти, бу деган сўз, уларнинг уруғи кўпаймайди. Нурлар Кэц Юлдузидаги одамларга ҳам шундай таъсир кўрсатса-чи? Болалар майиб ёки ўлик ҳолда туғила бошласа-чи?.. Лекин ҳаммаси ўзимизнинг қўлимизда. Барча зарарли оқибатларнинг олдини олишимиз мумкин. Сунъий равишда истаганча оғирлик кучини ярата оламиз, агар зарур бўлса, Ердагидан ҳам кўпроқ ярата оламиз. Космик нурлардан

¹ Мутация — ҳаёт шароитининг ўзгариши таъсири остида организмда янги биологик белги ёки хусусият пайдо бўлиши.

сақланишга ҳам қурбимиз етади. Лекин бунинг учун жуда кўп тажриба ўтказишимиз керак. Биологларни қандай ишлар кутаётганини тасаввур қиляпсизми?

— Ҳа, иш етиб ортади, — дедим мен Меллернинг гапларига маҳлиё бўлиб. — Бу иш фақат осмон мустамлакаси учунгина эмас, балки Ер учун ҳам зурур. Жонли ва жонсиз табиат ҳақидаги билимимиз қанчалар кенгайди! Мен бу ёққа келиб қолганимдан жуда хурсандман.

— Жуда соз. Бизга шундай ғайратли, ташаббускор ходимлар керак, — деди Меллер.

«Бу ёққа келиб қолганимдан хурсандман», деган гап менга Тоняни эслатди. Янги таассуротлар қуршовида қолиб, уни тамом унута ёзибман. Унинг аҳволи нима кечдийкин, қидиришлари қандай натижа бердийкин?

Меллер билан хайрлашиб, йўлакка учиб чиқдим. Йўлакда шўх кулги, қўшиқ, гап-сўзлар ва қанотларнинг гувиллаши эшитиларди, гарчи бир оз оғирлик ҳосил бўлган эса-да, ёшлар одат бўйича қанот қоқиб учишарди. Улар худди учар балиқлардай бир неча метрга сакрашарди. Баъзилари «пол»да юришни машқ қилишяпти. Қанчалаб ёш, қувноқ, офтобда қорайган чехралар! Қанча тўполону қанча томоша: мана бир тўда қизлар «кўча» қоидасини бўзиб, «копток» ўйнашяпти, тўп вазифасини улардан бири — паст бўйли, тикмачоқдай бир қиз бажаряпти. У визиллаб қўлдан-қўлга ўтарди.

Сайр қилиб юрганларнинг ҳаммаси хушнуд ва бардам эди. Гўё уларга бу «тоши енгил» дунёдаги меҳнат мутлақо таъсир қилмаганди. Деворни ушлаганча ёнлаб Тоня яшайдиган хона эшигига етиб бордим. Тоня дераза олдида енгил алюмин креслода ўтирарди. Афтидан, ўтган вақт орасида омбордан янги жиҳозлар олиб келишганга ўхшайди.

Дерзадан қоп-қора осмонда улкан шуъла — «тунги» Ер гардиши кўриниб турарди. Шуъла нуридан Тонянинг юзи ва қўллари ял-ял ёнарди. У ўйчан бир қиёфада ўтирарди.

Уни ўзига келтирмоқчи бўлдим. Яқинлашиб, кулиб туриб сўрадим:

— Хўш, энди неча кило келасиз?

Шундай деб, унинг елкасидан ушлаб худди уч яшар қизчадай юқорига кўтардим. Назаримда, йўлакдаги қувноқ кайфият менга ҳам ўтган эди.

У индамай ўзини четга олди.

— Нега хафа кўринасиз? — дедим андак ўнғайсизланиб.

— Шундай, ўзим... онамни соғиндим.

— «Ернинг тортиш кучи» таъсир қипти-да?

— Эҳтимол, — деди у.

— Евгенийев нима бўлди?

— Телефон қилолганим йўқ. Аппарат доим банд. Директор билан суҳбатларингиз қандай бўлди?

— Эртага Ойга учаман.

Тоня менга ялт этиб қаради.

— Кўпгами?

— Билмайман. Учишнинг ўзига беш-олти кун кетади, дейишади. Ойда қанча бўлишимиз номаълум.

— Бу жуда қизиқ,— деди Тоня менга тикилганча.— Жон деб сизлар билан учган бўлардим, лекин мени вақтинча Ердан нур етмайдиган масофада жойлашган лабораторияга жўнатишяпти. У бўшлиқда абадий коинот совуқлиги ҳукм суради. Паст ҳароратда металлларнинг электр ўтказувчанлигини ўрганадиган янги лабораторияни жиҳозлаш учун бораман...

Унинг кўзлари чақнаб кетди.

— Жуда ажойиб проблема! Ҳарорат пасайиши билан металлларда электр токига қаршилиқ кўрсатиш кучи ҳам пасайишини сиз биласиз. Абсолют нолга яқин ҳароратда қаршилиқ ҳам деярли нолга барабар... Бу масала устида Капица иш олиб борган эди. Аммо Ерда паст ҳарорат ҳосил қилиш учун жуда катта куч-гайрат талаб этиларди. Сайёралараро бўшлиқда эса... бу осон гап. Абсолют совуқ ҳароратли вакуумга жойлаштирилган металл ҳалқани кўз олдингизга келтиринг. Ҳалқага индуктив ток юборилади. Токни ниҳоясиз даражада кучайтириш мумкин. Агар ҳарорат кўтарилмаса бу ток ҳалқада абадий ҳаракат қилаверади. Ҳарорат кўтарилиши билан ҳалқа электрсизланади. Агар ҳалқага етарли даражада юқори кучланишли ток берсак, у ҳолда бу биз ўзига хос «тузлаб қўйилган» чақмоққа эга бўламиз, бу чақмоқ ҳарорат кўтарилиши билан ўз активлигини намойиш қилади.

— Портлатгич билан таъминланган Дьюар идишидаги «тузланган» чақмоқ,— дея унинг гапини илиб кетдим мен,— ерга ташланади. Ерга урилиши натижасида пистон портлайди, идишдаги ҳарорат кўтарилади ва чақмоқ ўзининг емирувчи кучини кўрсатади.

Тоня жилмайди.

— Фикрларингиз қонхўр одамникига ўхшайди! Мен бундай мақсадда қўллашни хаёлимга келтирганим ҳам йўқ.

— Нега қонхўр одамники бўларкан,— эътироз билдирдим мен.— Урушлар тугаган. Лекин қоялар денгизлардаги кўчма муз тоғларини портлатиш мумкин-ку...

— Ҳа-а, шундай денг... Тўғри. Лекин гап шундаки, қаршилиқ кучи бўлмагандан кейин кучланиш ҳам йўқолади — демак, қувват ҳам бўлмайди... Яхши ҳисоблаб чиқиш керак. Эсиз, Палейнинг ўрни билинапти-да!— деб хитоб қилди у эътирос билан.

Албатта, бу олимнинг эътироси эди, лекин кейинги гапдан ранжиганимни яширолмадим.

* * *

Эртасига уча олмадик: Тюриннинг тоби қочиб қолди.

— Нима бўлди?— деб сўрадим Меллердан.

— Файласуфимиз лоҳас,— жавоб берди у,— «бахт»дан, ҳаракатдан касал бўлиб қолди. Очигини айтганди, ваҳима қиладиган

ҳеч гап йўқ. Оёғи, болдирлари оғрияпти. Бу ҳеч нарса эмас, лекин уни қандай қилиб Ойга жўнатиб бўлади? Ўзини ҳам, сизларни ҳам қийнаб қўяди. Ердаги оғирликнинг ўндан бири бўлган шароитда шу аҳволга тушди. Ойда эса — олтидан бир қисм оғирлик бор. У ёқда оёғини ҳам кўтаролмайди. Мен унга бир неча кун машқ қилишни тайинладим. Осмонда бизнинг тутилган астероидлардан ташкил топган омборларимиз бор. Осмон жисмлари, сайёраларнинг парчалари шар шаклида тўпланган. Бу парчалар ногаҳоний турткидан сочилиб кетмаслиги учун гелиопайвандчиларимиз уларни ўзаро бириктириб қўйишган. Ана шундай «бомба»лардан бирига пўлат сим билан ичи бўш шарни улаб, ҳар икковини бир-бирининг атрофида айлантириб қўйдик. Марказдан қочирма куч ҳосил бўлди, ғовак шар ичидаги оғирлик Ойдаги оғирлик билан барабар. Тюрин ана шу шар ичида машқ қилияпти. Шардаги босим ва кислород миқдори фазовий костюм скафандридагидай. Боринг, азизим, Тюриндан хабар олинг. Фақат ёлғиз учманг. Энагангиз Крамерни ҳамроҳ қилиб олинг.

Крамерни гимнастика залидан топдим. У шундай ақлга сиғмайдиган ҳаракатлар қилардики, Ердаги цирк гимнастикачилари буни хаёлларига ҳам келтиришолмасди.

— Майли, бирга учаман,— деди у,— лекин мустақил учини ҳам ўрганиш керак. Ахир сиз Ойга учасиз, саёҳат вақтида қандай ҳодисалар бўлишини ким билади дейсиз!

Крамер мени ўзига узун сим билан боғлаб олди, биз Тюрин қароргоҳига қараб учиб кетдик. Мен энди ўмбалоқ ошмас, анча дуруст «ўқ узар» эдим, лекин айланиб турган шарга қўнишга ҳали ўқувим етмасди, бинобарин, Крамер дарров ёрдамга келди. Тўрт минутлардан сўнг биз металл шар ичида юрардик.

Шарга киришимиз билан қаттиқ қичқириқ ва чийиллаган товушни эшитдик. Мен катта электр лампочкаси порлаб турган шар ичини қизиқиб кўздан кечирдим. Тюрин «пол»га ўтирволиб, ҳадеб резина гиламни муштлар, негр Жон эса унинг ёнида катта катта қадам ташлаб сакраб юрарди. Микки шодон чийиллаб, Жоннинг елкасидан «шифт»га сакраб, қайиш ҳалқада бир зум осилиб тургач, яна Жоннинг елкаси ёки бошига ўзини отарди. «Ой оғирлиги», афтидан, Жон билан маймунга жуда маъқул тушган кўринади, лекин Тюринга нисбатан бундай деб бўлмасди.

— Тюринг, профессор!— деб қичқирарди Жон.— Доктор Меллер сизга ўн беш минутдан юришни буюрган, ҳали беш минут ҳам ўтгани йўқ.

— Турмайман!— чинқирарди жаҳл билан Тюрин.— Нима, мен сенларга тизгиндаги отманми! Золимлар! Бусиз ҳам оёғим узилиб тушай деяпти!

Шу пайт Крамер икковимиз худди «осмондан тушгандай» унинг олдида пайдо бўлдик. Жон бизни кўриб, суюниб кетди.

— Қаранг, ўртоқ Артемьев,— дея бидирлай кетди у,— профессор менга қулоқ солмаяпти, яна ўзининг ўргимчак уясига кириб олмоқчи...

Бирдан маймун чийиллаб юборди.

— Анави патефонингнинг унини ўчирсанг-чи! — ингичка овоз билан ҳалигидан ҳам қаттиқроқ чинқирди Тюрин. — Салом, ўртоқлар! — деди у бизга мурожаат қилиб ва эмаклаб ўрнидан базўр турди.

«Бу билан қандай қилиб Ойга учиб бўлади?» — деб ўйладим мен ва Крамер билан кўз уриштириб олдим. У индамай бош чайқади.

— Ахир, профессор, ўзингиз менга неча марта айтгансиз: ҳаракат қанча кўп бўлса, одам шунча бахтли бўлади... — бўш келмасди Жон.

Жоннинг бундай «фалсафий асоси» сира кутилмаган эди. Биз Крамер билан беихтиёр жилмайдик, Тюрин эса ғазабдан қипқизариб кетди.

— Тушуниш керак! Тушуниш керак! — деб қичқирди у овозининг борича. — Ҳаракатнинг тури кўп. Бу қўпол жисмоний ҳаракат бош миям ҳужайраларининг олий ҳаракатига, фикрларим ҳаракатига ҳалақит беряпти. Бундан ташқари, ҳар қандай ҳаракат узлуксиз эмас, сен бўлсанг тўхтовсиз юриб туришимни истайсан... Мана, гўштимни қийма қилиб енглар, қонимни сўринглар!

Шундай деб, жабрдийда қиёфада инқиллаб, оҳ-воҳ қилиб нари-бери юра бошлади.

Жон мени бир четга тортиб, қулоғимга шивирлади:

— Уртоқ Артемьев! Профессордан жуда ташвишдаман. У жуда нимжон. Унинг Ойга менсиз учиши хатарли. Ахир у ейишни ҳам, ичишни ҳам унутади. Ойда унга ким ғамхўрлик қилади?

Жоннинг кўзларига ёш келди. У ўз профессорини жуда севарди. Мен қўлимдан келганча Жонни юпатдим. Саёҳат вақтида профессорга кўз-қулоқ бўлиб туришга ваъда бердим.

— Сиз унинг учун жавоб берасиз! — деди негр тантанали бир тарзда.

— Албатта, албатта! — дедим мен.

Юлдузга қайтганимиздан сўнг ҳамма гапни Меллерга гапириб бердим. У норози қиёфада бош чайқади.

— Тюрин билан ўзим шуғулланмасам бўлмайди.

Ростдан ҳам бу кичкина сергайрат аёл дарҳол шарга учиб кетди.

Мен ҳам вақтни бекор ўтказмадим: сайёралараро бўшлиқда учишни ўргандим, устозим Крамернинг айтишича, бу ишда катта ютуқларга эришдим.

— Ойга саёҳат вақтида осмон қаърида йўқолиб кетмаслигингизга энди ишонаман, — деди у.

Бир неча кундан кейин Меллер шардан қайтиб келгач, деди:

— Профессорни Ерга туширишга ҳали журъат этмасдим, лекин Ойга у тўла «яроқли».

Ойга саёҳатимиз арафасида Тоняни самовий совуқлик лабораториясига кузатиб қўйдим. Хайрлашув қисқа, лекин илиқ бўлди. У қўлимни қаттиқ қисиб:

— Ўзингизни эҳтиёт қилинг... — деди.

Бу оддий сўзлар менга бахт нашъасини берди.

Эртаси тонгда Тюрин ракетага дадил кириб борди. Ғам-қайғудан тамом эзилган Жон уни кузатиб қўйди. У йиғлагудай аҳ-волда эди.

— Профессор учун жавоб берасиз! — деб қичқирди у менга ракета эшиги ёпилишидан олдин.

Ойга тиккасига эмас, балки Ер атрофида айланиб, бурама тарзда учарканмиз. Саёҳатимиз қанчага чўзилиши ҳам номаълум. Ракетамизга йигирма киши сиғиши мумкин. Биз эса атиги олти кишимиз: илмий экспедициянинг уч аъзоси капитан, штурман ва механик. Ракетадаги қолган бўш жойлар озиқ-овқат, портловчи модда ва суюқ кислород билан банд. Ракетанинг сиртига Ой устида саёҳат қилиш учун мўлжалланган ғилдиракли вагон бириктирилган. Ҳаво қаршилиги бўлмаганидан «Ой автомобили» ракетанинг тезлигини пасайтирмайди.

Кўп ўтмай ракетамиз Кэц Юлдузининг меҳмондўст ракетодромини тарк этди. Шу заҳотиёқ Тюриннинг аҳволи оғирлашди. Гап шундаки, портлаш кучайиб, тезлик ошиши билан тананинг вазни ўзгара бошлади. Тюриннинг аҳволи тушунарли: оғирликка ўрганиш мумкин, вазнсизликка ўрганиш мумкин, лекин тананг гоҳ пардай енгиллашиб, гоҳ қўрғошиндай зил-замбил бўлиб қолишига кўникиш жуда оғир.

Яхшиям, озиқ-овқат ва ёнилгини етарлича оливолганимиз, шошмаслигимиз мумкин, бинобарин, портлашлар ҳам бир меъёрда. Уларнинг товуши фақат ракета деворларига урилади. Бу товушга ҳам худди мотор шовқини ёки соатнинг чиқиллашига кўниккандай кўникиш мумкин, аммо оғирликнинг кучайишига... асло сўраманг!

Тюрин ҳансирар, оҳ тортарди. Гоҳ юзига қон қўйилиб, чеҳраси алвон тусга кирар, гоҳ юзидан қон қочиб, ранги докадек оқариб кетарди.

Фақат геологимиз — хушчақчақ, пахмоқ мўйловли барваста Соколовскийгина ҳамон қувноқ эди.

Тана вазнсизлиги қайтган пайтларда астроном ёлғизликда орттирган одати бўйича овоз чиқариб гапира бошларди. Лекин сўзлари пойма-пой бўларди: гоҳ Ердаги астрономларга номаълум бўлган ажойиб маълумотларни айтар, гоҳ «фалсафа»га тушиб кетарди.

— Кино нима учун қизиқарли? Чунки унда биз ҳаракатни кўраимиз...

Кейин у инграр, ғужанак бўлар, сўнгра яна тилга кирарди.

Мен ташқарига қараб борардим. Ердан узоқлашганимиз сари у тобора кичраярди. «Кун» тобора узайиб, тун қисқара бошлади.

Аслини олганда, бу тун эмас, балки кун тутилишидай гап эди.

Ой эса қизик манзара кашф этиб борарди.

Ракетамиз орбитанинг Ойга қарама-қарши нуқтасига етган пайтда Ой кичкина, Ердан кўринганига нисбатан анча кичкина туюларди, биз орбита бўйлаб Ойга яқинлашсак у гоят улкан шакл касб этар эди.

Нихоят, Ойнинг энг катта меъёри Ерники билан бараварлашган дақиқа етиб келди. Ой орбитасига бир неча марта саёҳат қилган капитанимиз сўз қотди:

— Табриклайман. Ойгача бўлган масофанинг бешдан тўрт қисмини босиб ўтдик. Қирқ саккиз ер радиуси орқада қолди. Қуёш системаси доирасидаги сайёралараро саёҳат вақтида ер радиуси — 6378,4 километр ўлчов бирлиги бўлиб хизмат қилади. Бу сайёралараро навигаторларнинг ўзига хос миляси, — деб тушунтирди у.

Энди Ой ҳажми кеча-кундуз ичида — ракетанинг Ер атрофида айланиш вақти орасида ўзгарарди. Сутканинг ярмида Ой катталашар, қолган ярмида эса кичрайиб борарди. Лекин бу суткалар энди Ердагидан анча узун эди.

Булутсиз, ёруғ кун тобора узаярди.

Капитанининг айтишича, Ойнинг тортиш кучи соат сайин зўрайиб, ракетанинг йўлини ўзгарта борарди. Ер йўлдошининг ўз бағрига чорлаши таъсирида ракета ҳаракати гоҳ тезлашар, гоҳ секинлашарди. Ой бизни кучоғидан чиқаришни истамасди. Агар портлагич асбобларимиздаги қаршилиқ кучи бўлмаганда биз Ойга мангу асир бўлиб қоладик. Қуёш системасига кирувчи улкан сайёраларнинг тортиш кучи нақадар хатарли экани ўз-ўзидан маълум...

Учишнинг дастлабки соатларида капитан ракетани белгиланган йўлдан автоматик учишга ўтказиб, бошқаришни ташлаб қўярди. Бу хавфли эмас эди. Лекин вақт ўтган сайин, гарчи ҳамма нарса механизациялашган бўлса ҳам, у бошқариш пултидан камроқ қўзғаладиган бўлди.

Биз Ер атрофида Ой билан тахминан бир орбита бўйлаб учардик, бинобарин, Ер атрофини Ой билан бир вақтда — ўттиз ер суткаси ичида айланиб чиқардик. Тун-қуёш тутилиши, худди Ерда ой тутилиши каби, жуда камайиб кетди. Ракета Ой ортидан қувишни тўхтатиб, ниҳоят, у билан тенглашиб олди. Энди биз Ердан Ой билан бир хил масофада узоқлашган эдик. Ракета билан Ой орасидаги масофа ўзгармас бўлиб қолди.

Назаримда, Ой ҳам, Ер ҳам, ракета ҳам бир жойда қимирламай турибди-ю, фақат юлдузли гумбаз тинимсиз суриллаётгандай эди.

— Тез орада бу ерда осмон мустамлакаларини қурамиз, — деди Соколовский жимликни бузиб.

— Йўқ, азизим, тез орада эмас, — деб эътироз билдирди Тюрин. — Аввал материал топиш керак. Ҳамма нарсани ердан олиб чиқиб бўлмайди-ку. Аксинча, биз Ерга ҳали баъзи бир «осмон»

совғаларидан жўнатишимиз керак. Метеоритлар коллекциясини жўнатдик. Яхши коллекция. Ҳаммаси ғуж-ғуж леонидлардан иборат.

Шундай деб, Тюрин мамнуният билан кулди.

— Тўғри, — деди Соколовский. — Иншоотлар қуришимиз учун кўп темир, никель, пўлат, кварц керак.

— Шунча қазилма бойликни қаёқдан оласизлар? — сўрадим мен. «Қазилма бойлик» деганимга Соколовский хахолаб кулиб юборди.

— Қазилма бойлик эмас, учирма бойлик, — деди у. — Метеоритнинг нимаси «қазилма». Уларнинг орқасидан бекорга қувганим йўқ.

— Метеорит тутишнинг ташаббускори ва ташкилотчиси менман. Бу менинг ғоям! — тузатиш киритди Тюрин.

— Мен бунни даъво қилаётганим йўқ, профессор, — деди Соколовский. — Ғоя — сизники, лекин амалга оширган — мен. Ҳозир ҳам Евгенийевни янги разведкага жўнатганман.

«Евгеньев» деган фамилия мени осмонга олиб чиққан бутун йўлни эслашга мажбур қилди. Бу ердаги одатдан ташқари таасуротлар бутун шахсий ишларни шу қадар тез орқага суриб ташлаганини қаранг-а!

— Биласизми, ўртоқ Артемьев, биз Кэц Юлдузининг ёнгинасидан майда метеоритларнинг бутун бир галасини топдик, — деб мурожаат қилди менга Соколовский. — Тепароқда улардан кўра анча йирикроқларига ҳам дуч келдик. Уларни тадқиқ қилиш натижасида таркибларида темир, никель, кремнезём¹, глинозём², кальций оксиди, дала шпати, хромли темир, таркибида темир бўлган оксидлар, графит ва шу каби оддий ҳамда мураккаб моддалар борлиги аниқланди. Қисқаси, қурилиш учун зарур бўлган ҳамма нарса, ўсимлик учун кислород ва сув бор. Қуёш энергиясидан фойдаланиб, бу материалларни қайта ишлашимиз ва ўзимиз учун керакли ҳамма нарсани, ҳатто қаламгача тайёрлашимиз мумкин. Тўғри, кислород билан сув бу ерда тайёр ҳолда эмас, балки «бириккан» ҳолда учрайди, лекин бу кимёгарларимизни чўчитолмайди.

— Сизнинг маълумотларингизга асосланиб, бу ҳалок бўлган осмон жисмлари қолдиқларининг ҳаракатини ўрганиб чиқдим, — дея гапга аралашди Тюрин. — Хулосалар жуда қизик. Метеоритларнинг бир қисми олисдан учиб келган, кўпчилик қисми эса Кэц Юлдузи билан бир хил орбитада Ер атрофини айланиб юради...

— Бу нарсага сизнинг диққатингизни мен тортганман, профессор, — деди Соколовский.

— Албатта. Лекин хулосалар меники.

— Майли, бахслашмаймиз, — деди Соколовский муросага келиб.

— Бахслашаётганим йўқ. Фақат мен аниқликни яхши кўра-

¹ Кремнезём — қумтупроқ (кремнийнинг кислород билан бирикмаси)..

² Глинозём — алюминий оксиди.

ман. Шунинг учун ҳам олимман,— эътироз билдирди Тюрин, ҳатто ўрнидан сапчиб туриб кетди, лекин шу заҳотиёқ қайта ўтириб, войвойлаб қолди.

— Меллер ҳақ,— деди у.— Вазнсизлик оламида қимирламай ётавериб жуда нимжон бўлиб кетибман. Ҳаёт тарзини ўзгартиришим керак.

— Ой сизни ҳаракатга солиб қўяди,— деб кулди геолог.

— Рост. Дарвоқе, мен ўз фаразимни айтмоқчи эдим,— гапида давом этди Тюрин.— Ер атрофида айланаётган метеоритлар шу қадар кўпки, улар парчаланиб кетган кичкина ер йўлдоши — иккинчи Ойнинг қолдиқлари бўлса керак. Бу жуда митти бўлган. Мазкур метеоритларнинг миқдори ва ҳажмини аниқ ҳисоблаб чиққанамиздан сўнг, худди палеонтологлар ҳалок бўлган ҳайвонларнинг суякларини тиклаганидек, бу йўлдошнинг илгариги яхлитлигини тиклашимиз, аниқлашимиз мумкин. Кичкина иккинчи Ой! Лекин у бизнинг Ойдан кам нур сочмаган, чунки Ерга яқинроқ бўлган.

— Кечирасиз, профессор,— танасининг ранги ва қотмалигидан ҳиндиларга ўхшаб кетадиган ёш механик кутилмаганда гапга аралашди.— Менимча, бунақа яқин масофада Ер кичкина Ойни ўзига тортиб олган бўларди.

— Нима? Нима?— деб бақириб юборди Тюрин.— Нега ушқдай келадиған Кэц Юлдузи Ерга қулаб кетмаяпти? А? Ҳамма гап ҳаракатнинг тезлигида... Аммо кичкина Ой ҳарҳолда ҳалок бўлибди-ку,— деди у энди сал ҳовридан тушиб.— Курашувчи кучлар — инерция билан ернинг тортиш кучи — уни парчалаб ташлаган... Афсуски, бизнинг Ойни ҳам шу қисмат кутяпти! У парчаланиб кетади. Ер худди Сатурнникига ўхшаган ажойиб узукка эга бўлади. Менинг фикримча, бу ой узуги Ойнинг ўзидан хира бўлмайди. У ер тунини безаб туради. Лекин бари бир бу катта йўқотиш,— деб хўрсиниб гапини тугатди у.

— Ўрнини тўлдириб бўлмайдиган йўқотиш,— қўшиб қўйдим мен.

— Ҳм... Ҳм... Ким билади, балки тўлдириб бўлар. Менинг бир лойиҳам бор, лекин бу хусусда ҳозирча гапирмайман.

— Метеорларни қандай тутгансиз?— сўрадим Соколовскийдан.

— Бу жуда қизиқ ов,— жавоб берди геолог.— Мен уларни фақат Кэц Юлдузи орбитасидагина эмас...

— Марс ва Юпитер орбиталари орасидаги астероидлар минтақасида ҳам овлаган,— деб гапни бўлди Тюрин.— Ер астрономлари бундай астероидларнинг фақат мингдан ортиқроғини билишади. Менинг каталогимда эса уларнинг сони тўрт мингдан ошиб кетди. Бу астероидлар ҳам ҳалок бўлган иккинчи Ойдан кўра каттароқ сайёранинг қолдиқлари. Ҳисобларимга кўра, бу сайёра Меркурийдан катта бўлган. Марс билан Юпитер ўзаро тортишиб уни парчалаб ташлаган. Тақсимлаб олишолмаган-да! Сатурн узуги ҳам унинг ҳалок бўлган, парчаланган йўлдоши. Бизнинг қуёш системамида қанча марҳумлар борлигини кўрдингизми?

Энди навбат қай бириники экан? Вой-бўй... бу турткилар тугай-дими, йўқми!

Мен креслонинг чарм қопланган юмшоқ суянциғидан ушлаб яна деразадан ташқарига қарадим. Ҳамон юлдуз чамани билан қопланган қоп-қора осмон. Шу алфозда йиллаб, юз йиллаб учсанг ҳам манзара ўзгармайди.

Бирдан бир маҳаллар эски паровоз уланган оддий поездда қилган саёхатим эсимга тушиб кетди. Ёз эди. Кечки пайт. Қуёш булутлар бағрини қон қилиб, ўрмон ортига яширинади. Вагоннинг очиқ деразасидан нам ҳаво, арғувон ва аконит ҳиди гупуллаб уриб турибди. Кўкдаги камон ой поездни изма-из қувиб келяпти. Гоҳ ўрмон, гоҳ кўл, гоҳ тепаликлар бир-бирига ўрин бўшатади. Тепаликлар устида дарахтларга кўмилган бинолар. Ундан сўнг дала бошланди, димоққа қорабугдой ҳиди урилди. Қанча таассуротлар, Тюриннинг тили билан айтганда, кўз, қулоқ, бурун учун қанча «ҳаракат». Бу ерда эса на шамол, на ёмғир, на иқлим ўзгариши, на тун, на ёз ва на қиш. Ҳамиша якранг мотамсаро осмон, кўкимтир қуёш, ракета ичида бир хил ҳарорат...

Йўқ, осмонда, Ойда, бошқа сайёраларда яшаш қанчалик қизиқарли бўлмасин, Ер ҳаётини ҳеч қачон «осмон турмуши»га алмаштирмайман...

— Шундай қилиб десангиз... астероид ови — энг қизиқарли ов,— кутилмаганда геолог Соколовскийнинг йўғон товуши эшитилди.

Унинг суҳбати менга ёқади. Гапирганда доим оддий, худди Васильевский оролидаги уйда ўтиргандай, хотиржам гапиради. Афтидан унга бу ғайриодатий шароит ҳеч қандай таъсир кўрсатмаётганга ўхшайди.

— Астероидлар минтақасига киргач, қулоқни динг қилиб туриш керак,— давом этди у.— Акс ҳолда катталиги Москвадаги Советлар Саройидек ёки ундан ҳам йирикроқ бирор парча ракетага келиб урилиши ҳеч гап эмас. Унда тамом деяринг. Шунинг учун астероидлар йўналишига тобора яқинлашиб учиб кира бўлади... Ажойиб манзара! Астероидлар минтақасига учиб кирасиз. Осмоннинг кўриниши ўзгаради... Яхшилаб қаранг-а. Уни бутунлай зим-зиё дейиш қийин. Таги қоп-қора бўлса-да, гиж-гиж юлдуз билан қопланган. Ана шу ёғду бағрида қора хошиялар кўзга ташланади. Бу учиб бораётган астероидларга қуёш нури тушмаган пайти. Баъзилари кўкда кумушдай оқ из қолади. Айримларидан эса сариқ-қизғиш из қолади. Осмон йўл-йўл хошиялар билан тўлиб кетади. Ракета астероидлар ҳаракати томон бурила борган сари тезлиги ошиб, деярли улар билан бараварлашади, шунда астероидлар хошияга ўхшамай қолади. Сиз энди ғаройиб оламга кириб қоласиз ва турли катталикдаги сон-саноксиз «ой»лар орасида учиб борасиз. Уларнинг барчаси бир томонга қараб учади, лекин ҳали ракетадан олдинда бўлади.

Ана шундай «ой»лардан бирортаси ракета ёнидан учиб ўтаётганда унинг бутунлай думалоқ эмаслигини кўрасиз. Бу «ой»лар-

нинг шакли хилма-хил. Чунончи, бир астероид пирамидага ўхшаса, иккинчиси шарнусха, учинчиси дағал куб шаклида, кўпчилик қисми эса шунчаки шаклсиз қоятош парчаларига ўхшайди. Бир хиллари тўда-тўда бўлиб учса, иккинчи хиллари ўзаро тортишиш натижасида бир бош узумдай гуж бўлиб қолган. Уларнинг сирти гоҳ хира, гоҳ тоғ биллуридай ярқироқ бўлади...

Ўнгда ҳам, сўлда ҳам, пастда ва юқорида ҳам ана шундай «ой»лар... Ракета учишини секинлатса, «ой»лар худди олдинга отилиб кетгандай туюлади, ракета тезлашса уларнинг учиши секинлагандай бўлади. Ниҳоят ракета уларни қувиб ўтади, «ой»лар орта қолади.

Астероидлардан секин учиш хатарли. Орқадан қувиб етиб, ракетани мажжақлаб ташлаши мумкин. Улар билан бир йўналишда ва бир хил тезликда учиш бутунлай хавфсиз. Лекин у ҳолда фақат атрофингни ўраб турган астероидларнигина кўрасан. Бунинг устига ҳамма нарса — ракета ҳам, ўнгдаги, сўлдаги, юқоридаги ва орқадаги «ой»лар ҳам бир жойда қимирламай турганга ўхшайди. Фақат юлдузлар чамани аста оқаверади, чунки астероидлар ҳам, ракета ҳам ҳарҳолда ҳаракатда бўлади, осмонда уларнинг ҳолати ўзгариб туради.

Капитанимиз астероидларга қараганда тезроқ учишни афзал кўрарди. Чунки орқадан ҳеч нарса келиб урилмайди. Бундан ташқари, «ой»лар галаси ичида ҳаракат қиласан, кузатишинг, танлашинг мумкин. Хуллас, осмондаги ойни ўғирламоқчи бўлган Гоголь қаҳрамони ролини бажарасан. Фақат сен «ўғирлайдиган» ой кичикроқ. Катта астероидни орбитасидан чиқариб, Кэц Юлдузига олиб келишга ҳали қудратимиз етмайди. Ҳамма ёнилгини сарфлаб қўйиш ва астероидга мангу асир бўлиб қолишдан кўрқамиз... Аввалига энг кичкина астероидларни танладик. Астероидга турткисиз яқинлашиш ва уни шатакка олиш учун жуда катта маҳорат ва эпчиллик талаб қилинади. Капитан ракетани астероид билан барабар учуриб бориб, аста унга яқинлашди. Шундан кейин ён томондаги портлашлар тўхтатилди. Биз электромагнитни ишга солдик: кристалл шаклидаги астероидлардан қолган бошқа ҳаммаси асосан темирдан иборат-ку. Ниҳоят, орадаги масофа жуда қисқаргач, электромагнитни ўчириб, қолган ишни тортишиш кучига қўйиб бердик. Сал ўтмай билинар-билимас туртки сезилди. Шундан сўнг йўлдошимиз билан қўшалок бўлиб учавердик. Тўғри, бошида бу осонликча бўлмади. Баъзан биз қаттиқ тўқнашиб қолардик. Бундай пайтда, астероид ўз орбитасидан чиқиб кетар, биз буни сезмай ҳам қолардик, ракета эса ундан енгил бўлгани учун жуда нарига учиб кетар ва ҳаммасини бошқатдан бошлашга тўғри келарди. Кейинчалик бу ишни жуда яхши эгаллаб олдик. Энди фақат астероидни ракетага бириктириш қолган эди. Уни занжир билан боғлаб олишга ва электромагнит билан тутиб туришга уриниб кўрдик, лекин натижа яхши бўлмади. Кейин метеорларни ракета сиртига пайванд қилишни ўрганиб олдик, куёш энергияси бизда етарли, пайвандлаш аппаратларини эса доим ўзимиз билан олиб юрардик.

— Ахир, бунинг учун ракетадан чиқиш керак-ку? — дедим мен.

— Албатта. Чиқардик-да. Ҳатто астероидлар устида саёҳат ҳам қилганмиз. Бир ҳодиса эсимда, — давом этди Соколовский кулиб. — Биз беўхшов тарошланган тош бомбага ўхшаган катта-кон ялпоқ астероидга яқинлашдик. Мен ракетадан учиб чиқиб, астероиднинг бир қиррасига ёпишиб олдим-да, коинот бўйлаб саёҳатга жўнадим. Хўш, кейин нима бўлди денг? Ялпоқ «қутб»ларда ўрнимдан ғоз туриб кетавердим, қабарик «экватор»да эса оғирлик маркази ўзгаргани учун оёқни осмондан қилиб туришга тўғри келди. Шу алфозда учиб юравердим.

— Бу, афтидан, айланиб турган кичик планета бўлса керак, бундан ташқари, оғирлик маркази эмас, балки нисбий оғирлик ўзгарган, — деб тузатди Тюрин. — Айланиш қутблари устида оғирлик жуда катта бўлади ва у марказга томон тўғри йўналишда боради. Лекин қутбдан узоқлашган сари оғирлик камаёверади. Шундай қилиб, қутбдан экваторга қараб юрган киши худди тоғдан тушаётгандай бўлади, бунинг устига баландлик тобора оша боради. Қутб билан экватор орасида оғирликнинг йўналиши уфққа тўғри келиб қолган. Шунинг учун ҳам сиз ўзингизни жуда баланд тоғдан тушаётгандай ҳис қилгансиз. Кейин эса у қия шифт ҳолатига кирган ва планетадан учиб кетиш учун сиз дуч келган нарсага ёпишишга мажбур бўлгансиз... Ердан энг яхши кучли телескоплар орқали, — давом этди Тюрин, — диаметри олти километрдан кам бўлмаган планеталар кўринади. Астероидларнинг эса гарддай келадиганлари ҳам бор.

— Ҳар қанақасини ҳам кўрдик, — деди Соколовский. — Баъзиларида оғирлик шу қадар озки, астероиддан учиб кетиш учун салгина сакраш кифоя қилади. Мен айланаси ўн етти ярим километр келадиган ана шундай астероидлардан бирида бўлганман. Бир метр баландликка сакраб, пастга йигирма икки секунддан кейин тушдим. Ерда остонадан сакраш учун сарф қилинадиган ҳаракат билан икки юз ўн метр юқорига — Эйфель минорасидан салгина қолишадиган баландликка чиқиб кетиш мумкин. Тош отган эдим, у қайтиб тушмади.

— Тушади, лекин тез эмас, — деди Тюрин.

— Диаметри ойникидан атиги олти марта кичик бўлган нисбатан йирик астероидда ҳам бўлганман. У ерда бир қўлим билан шерикларимдан йигирма иккитасини кўтардим. Бу астероидда оддий ипдан аргимчоқ ясаб учиш, баландлиги олти ярим километрли минора қуриш мумкин. Тўппончадан ўқ узиб кўрдим. Нима бўлди денг. Агар ўзим акс таъсир оқибатида планетачадан учиб кетмаганимда, отган ўқим орқадан айланиб келиб мени ҳалок қилиши мумкин эди. У ҳозир ҳам астероид атрофида айланиб ётган бўлса керак.

— Бундай планетада поездлар соатига бир минг икки юз саксон километр тезликда юрган бўларди, — деди Тюрин. — Дарвоқе, шундай планеталардан бир нечасини Ерга яқинлаштириш мумкин. Нима учун қўшимча ёритишни вужудга келтириш мум-

кин эмас? Ундан кейин бу планеталарга аҳоли кўчирилади. Шиша оранжерея қурилади. Ўсимлик ўстирилади. Жониворлар боқилади. Бу жуда ажойиб маскан бўлади. Вақти билан Ойда шундай қилиш мумкин.

— Ойда гоҳ савуқ, гоҳ иссиқ бўлади-ку, дедим мен.

— Шиша қалпоқ остидаги сунъий атмосфера ва пардалар Қуёш ҳароратини бир меъёрда тутиб туради. Ой тунлари вақтида тупроқнинг совушига келсак, бу масалада менинг ўз фикрларим бор, — деб қўйди Тюрин маъноли қилиб. — Ахир биз фавқулудда кучли ҳаракат таъсирида Ер ядросининг қизиши назариясидан воз кечмадикми? Шунга қарамай Еримиш иссиқ...

— Қуёш ва атмосфера пўстини... — деб геолог гап бошлаган эди, Тюрин унинг сўзини бўлди:

— Ҳа, ҳа, лекин фақат бугина эмас. Ер қатламларида иссиқлик унинг бағридаги радиоактивликнинг бўлиниши натижасида кучая боради. Нега бу ҳодиса Ойда юз бермас экан? Ҳатто нега кучлироқ тарзда юз бермас экан? Радиоактив бўлиниш Ой бағрини иситиши мумкин. Бундан ташқари, Ой қатлами остида ҳали совумаган магма бор... Ой бизга туюлганидай совуқ эмас. Модомики, у ерда атмосфера қолдиқлари бор экан... Мана шунинг учун ҳам сиз, биолог, экспедицияга киритилгансиз, — деб менга мурожаат қилди у.

Соколовский ишонқирамай бош чайқади.

— Элементларнинг радиоактив бўлиниши натижасида тупроқнинг қизишини мен негадир астероидларда сезмадим.

— Астероидлар Ойдан кичкина, — деб жавоб берди астроном чийилдоқ товуш билан.

У бир оз жим қолди, кейин яна бирдан фалсафага тушиб кетди, гўё миясидаги икки фикр чизиги барабар чувалиб борарди.

Ракетамиз деразасидан сўник юлдузлар мўралайди. Юлдузлар галаси уфқни кесиб, ён томонга, сўнг юқорига қараб сурилиб борарди, демак, ракета буриляпти.

— Биз анчагина астероид тутиб қўйдик, — деди менга пастовоз билан Соколовский, ўзича нималарнидир пичирлаб ўтирган Тюринга эътибор бермай. — Аввало ракетодромимиз остига «пой-девор» ётқиздик. Унинг массаси қанча катта бўлса, шунча мустаҳкам бўлади. Қўнаётган ракеталарнинг тасодифий турткилари уни ўрнидан қўзғатиб юбормайди. Кейинчалик астероидларни фабрика ва заводларимизга жўнатамиз, сиз ҳали булар билан танишасиз. Яқинда жуда ажойиб бир планетача тутиб олдик. Тўғри, бу кичкина парча, холос — ер ҳисоби бўйича, бир ярим тонна келади. Лекин тасаввур қилинг-а, нуқул олтиндан иборат... Ҳазилакам топилдиқ эмас! Осмонда олтин сочмалари...

Тюрин бу сўзларни эшитиб қолди шекилли, гап қўшди:

— Катта планеталарда элементлар юзадан марказга томон ўзларининг кўтарилиб борувчи солиштирма оғирликларига қараб жойлашган, юқорида силиций, алюминий — «сиал», пастроқда силиций, магний — «сима», ундан ҳам пастда никель, темир — «нифе», темир ва яна ҳам оғирроқ металллар — платина, олтин,

символ, қўрғошин, Сизнинг олтин астероидингиз — ҳалок бўлган планета марказий ядросининг бир бўлаги. Кам учрайдиган ҳодиса. Осмондаги олтин сочмаларига кўп умид боғламанг.

Мени уйқу элита бошлади. Баданим ердаги кеча-кундузга, сергаклик ва уйқуга қаттиқ ўрганиб қолган экан.

— Ухлаяпсизми? — деди Тюрин. — Хайрли тун. Мен бўлсам жуда ғалати аҳволга тушиб қолдим. Обсерваторияда бир меъёрда ухлашни тамом унутаёзган эканман. Энди эса ора-сира ухлаб оладиган ҳайвонларга ўхшаб қолдим. Худди мушукдай.

У яна нималарнидир гапирди, лекин мен ҳеч нарсани эшитмасдим. Портлашлар тинган, осойишталик... Тушимга Ленинграддаги лабораториям кирипти...

Бир суткадан кейин осмонга қарадим-у, Ойни кўриб, ҳангу манг бўлиб қолдим. У бутун кўкни эгаллаб олган ва ўз салобати билан кишини қўрқувга соларди. Ойгача атиги икки минг километр масофа қолган эди. Тоғлар, водийлар, сувсиз «денгиз»лар кафтдагидай кўриниб турарди. Айрим тоғ тизмалари, аллақачон сўнган вулқон кратерлари яққол ажралиб турибди. Ҳатто оғзи очик ёриқларгача кўзга ташланяпти...

Астроном Ойдан кўз узмасди. У, ўз тили билан айтганда, Ой сиртидаги «ҳар бир тошни» аллақачонлардан бери биларди.

— Ана, қаранг, четдагиси. Бу Клавиус, пастда — Тихо, ундан пастроқда — Альфонс, Птолемей, ўнгда — Коперник, ундан кейин эса Апеннин, Кавказ, Альп...

— Помир, Ҳимолай, Кордильер етишмас экан, — дедим мен.

— Ойнинг нариги томонидаги тоғ чўққиларини шундай деб атаймиз, — деди кулиб геолог. — Уларга ҳали ҳеч ким ном қўймаган.

— Ана Ой-у, мана Ой! — деб хитоб қилди Тюрин. «Ердаги» дан юз марта катта. Оҳ!.. — инграб юборди у. — Яна оғирлик.

— Капитан тормоз беряпти, — деди геолог. — Ой бизни ўзига тобора қаттиқроқ тортяпти. Ярим соатдан кейин манзилга етамиз.

Мен суюниб кетдим, айни вақтда юрагимни ваҳима босди. Ойга саёҳат қилган ва биринчи қўнишда ҳаяжонланмаган киши бўлса, майли, мени қўрқоқ деяверсин.

Ой шундоқ остимизда. Энди у осмоннинг ярмини эгаллаб олган. Тоғ чўққилари кўз олдимизда юксалиб боряпти.

Лекин қизиқ: Ой, худди Ерга ўхшаб, юқоридан шарнинг қабарик сиртига ўхшаб эмас, балки тўнтарилган ола-була зонтикдай букик кўринади.

Тюрин ингради: портлашлар кучайиб борарди. Шунга қарамай у Ойдан кўз узмасди. Шу пайт Ой қаёққадир ён томонга сурилди. Гавдамнинг бир томони оғирлашиб кетганидан ракета яна йўналишини ўзгартирганини пайқадим. Оғирлик йўналиши шу қадар ўзгардики, Ой энди биздан анча баландга «чиқиб кетди». «Шифтда» юришни тасаввур қилиш ҳам қийин эди.

— Сабр қилинг, профессор, — деди геолог Тюринга мурожаат қилиб. — Атиги икки-уч километр қолди. Ракета жуда секин учяпти: секундига юз метрдан ортиқ эмас. Ҳозир ракетадаги газ

босими Ойнинг тортиш кучига барабар, бинобарин, ракета инерция бўйича ҳаракат қияпти.

Яна ҳамма нарса аввалги ҳолига қайтди. Оғирлик йўқолди.

— Биз қаерга қўнамиз?— деб сўради йигирма секундлардан сўнг ўзига келган Тюрин.

— Тихо Браге яқинига бўлса керак. Атиги беш юз метр қолди,— деди Соколовский.

— Вой-вой! Яна портлаш!— инграб юборди Тюрин.

Мана, ҳаммаси жойида. Ой энди пастда, бизнинг остимизда.

— Ҳозир қўнамиз...— деди Соколовский ҳаяжон билан.— Фақат қўниш вақтида «ой автомобили»га шикаст етмаса бўлгани.

Яна ўн секундча ўтгач, енгил турткини сездим. Портлашлар тўхтади. Ҳаммамиз аста ёнбошлаб қолдик.

XIV. ОЙ СИРТИДА

— Хуш келибсизлар!— деди Соколовский.— Ҳаммаси кўнгилдагидек.

— Қўниш вақтида ҳатто дераза қопқоқларини ҳам ёпмабмиз,— деди Тюрин.— Бу эҳтиётсизлик. Дераза ойналари қоятош қиррасига урилиши мумкин эди.

— Капитанимиз Ойга биринчи марта қўнаётгани йўқ-ку,— эътироз билдирди унга Соколовский.— Қани, кадрли дўстлар, фазовий костюмларни кийиб, ой автомобилимизга ўтинглар.

Биз тез кийиниб, ракетадан чиқдик.

Мен чуқур нафас олдим. Гарчи аппаратимдаги кислороддан нафас олаётган бўлсам ҳам, бу ерда газ бошқача «маза» касб этгандай туюлди. Бу, албатта, хаёлий гап. Иккинчи ҳис этган нарсам, ғоят енгиллик бўлди. Буниси аниқ гап эди. Илгари, ракетада учган вақтларимда ҳам, Кэц Юлдузида ҳам (тўла вазнсизлик шароитида) бундай енгилликни ҳис қилганман, лекин бу ерда, Ойда оғирлик худди «доимий миқдор»дай ҳис қилинади, фақат Ердагидан кичикроқ, холос. Ҳазил гапми, мен энди Ердаги вазнимдан олти марта енгил эдим!

Мен атрофга қарадим. Устимизда ҳамон ёрқин юлдузлар билан қопланган қоп-қора осмон. Қуёш ҳам, Ер ҳам кўринмайди. Тун зулматини ракетаимизнинг ён ойнасида тушаётган нуригина тилиб турибди. Буларнинг ҳаммаси Ернинг нур сочиб турувчи йўлдоши ҳақидаги одатдаги тасаввурга асло сиғмасди. Кейин пайқадим: ракетаимиз Клавиусдан жануброққа, Ойнинг Ердан кўринмайдиган орқа томонига қўнган экан. Бу ерда эса ҳозир тун ҳоким эди.

Теварак-атроф тап-тақир саҳро. Электрлаштирилган костюмда бўлганим учун совуқни сезмасдим. Лекин бу тақир саҳро кўришни юракни музлатарди.

Ракета-автомобилимизни туширишга ёрдамлашиш учун капитан билан механик ракетадан чиқишди. Геолог имлаб мени ҳам бу умумий ишда иштирок этишга чорлади. Мен авторакетага қара-

дим. У тухумсимон вагонга ўхшарди. Кичик бўлишига қарамай, илчанига оғир назаримда. Бунинг устига, на арқон, на чиғир кўришади, хуллас, уни тушириш учун ҳеч қандай мослама йўқ. Механик юқорида гайкаларни бўшатапти. Капитан, Соколовский, Тюрин ва мен пастда ракетани илиб олишга тайёр турибмиз. Лекин у бизни пачақлаб юборади-ку... Дарвоқе, биз Ойдамиз-ку. Бунга дарров кўникиш қийин. Мана, «тухум»нинг қуйруқ томони бўшатилади. Ракета қуйруғи билан туша бошлади. Соколовский Дюз туйнугининг четидан ушлаб олди. Капитан ўртада турибди, мен — олд қисмида. Ҳозир ракета сирғалиб тушади... Қўлимни кўтариб тайёр бўлиб турибман-у, агар ракета оғирлик қилса ўзимни қаёққа отишни ўйлайман. Лекин шубҳаларим беҳуда бўлиб чиқди. Олти қўл ракетани енгилгина кўтариб, ғилдирак устига қўйди.

Капитан билан механик қўл силкиб хайрлашиб, катта ракетага чиқиб кетишди. Тюрин Соколовский билан мени автомобилга ўтиришга таклиф қилди.

Унинг ичи тор эди. Лекин костюмларимизни ечиб қўйиб, бемалол гаплашиб ўтиришимиз мумкин эди.

Кичик ракета тузилишидан хабардор бўлган Соколовский уни бошқаришга ўтди. У чироқни ёқди, ракетани кислород билан тўлдирди, электр печкани ишга туширди.

Ракетанинг ичи тўрт ўринли усти ёпиқ автомобилни эслатарди. Бу тўрт ўриндиқ ракетанинг фақат олд қисмини эгаллаган эди. Кабинанинг учдан икки қисми ёнилғи, озик-овқат ва механизмлар билан банд эди. Ракетанинг бу томонига одам зўрға сиғадиган торгина эшик орқали ўтиларди.

Биз ечингач, гарчи электр печка ишлаб турган бўлса ҳам, совқота бошладик. Мен жунжикиб кетдим. Тюрин елкасига мўйнадан тикилган камзулчасини ташлаб олди.

— Ракетамиз жуда совуб кетибди. Бир оз сабр қилинглар, ҳозир қизийди,— деди Соколовский.

— Тонг яллиғи,— деди Тюрин экипажимизнинг кичкина деразасидан ташқарига қараб.

— Тонг яллиғи?— сўрадим мен ажабланиб.— Ойда қанақа яллиғ бўлиши мумкин: ахир, бу ерда атмосфера йўқ-ку?

— Бўлиши мумкин экан,— жавоб берди Тюрин. У ҳеч қачон Ойда бўлган эмас, лекин астроном сифатида Ойдаги шароитни Ердагидан кам билмасди.

Мен деразадан қараб, олисда қизиган металл парчаларидай порлаб турган нуқталарни кўрдим.

Булар кўтарилаётган қуёш нуридан ёриган тоғ чўққилари эди. Уларнинг ёруғ шуъласи бошқа чўққиларда мавж қиларди. Бу шуъла бир чўққидан иккинчисига ўтиб, бора-бора кучсизланар ва шу тариқа ўзига хос тонг манзарасини кашф этарди. Шуъла ёруғида ярим қоронғилиқда ётган тоғ тизмалари, денгиз чўққилари, конуссимон чўққиларни ажрата бошладим. Юлдуз билан қопланган осмон фонидаги кўринмас тоғларнинг кунгурадор қиррали жарликлари кўзга ташланиб турарди.

— Ҳадемай қуёш чиқади,— дедим мен.

— Ҳали-вери чиқмайди,— деб эътироз билдирди Тюрин.— Ер экваторида у икки минут орасида чиқади, бу ерда эса қуёш гардиши уфқдан кўтарилгунча бир соат вақт ўтади. Ойдаги кеча-кундуз Ердагидан ўттиз марта узун-да.

Мен деразадан кўз узолмасдим. Манзара ҳайрон қоларлик даражада ажойиб эди! Тоғ чўққилари, гўё биров машъала ёққандай, бирин-кетин ярқираб борарди. Ойда бундай чўққилар озмунча дейсизми! Ҳали жамол кўрсатиб улгурмаган қуёшнинг нурлари барча чўққиларни юқоридан бир хил масофада «кесиб» ўтган эди. Бинобарин «ҳавода» бирданига жимжимадор тоғлар пайдо бўлиб қолгандай туюларди кишига. Бундай ловиллаб турган тоғлар тобора кўпайиб борарди, мана, ниҳоят, уларнинг текисликдаги акси аниқ кўзга ташланди, энди улар ҳавода осилиб турганга ўхшамасди.

Тоғларнинг қуйи томони кулранг тусда, юқори қисми оппоқ. Акс нур аста-секин тоғ этакларини ҳам ёритиб борарди. «Ой тонги» борган сари равшанлашарди.

Бу манзарадан кўзим қамашиб кетган бўлса ҳам деразадан юз буролмасдим. Мен ой тоғларининг ўзига хос томонларини яхшироқ илғаб қолишни истардим. Лекин улар Ердагидан фарқ қилмасди. Баъзи жойларда улкан қоялар тубсиз жарликлар узра базўр илиниб турибди, лекин улар қулаб тушмасди. Бу ерда улар анча енгил, тортиш кучи эса бўш.

Ой текисликларида, худди жанг майдонларидагидай, катта-кичик чуқурликлар бор. Баъзилари уч дюймли тўп ўқлари ҳосил қилган чуқурчалардай кичкина, айримлари эса вулқон оғзидай катта. Наҳотки булар Ойга тушган метеорларнинг изи бўлса? Шундай бўлиши мумкин. Чунки Ойда атмосфера йўқ, демак, Ердагидай, Ойни осмон бомбаларидан ҳимоя қилувчи тўсиқ ҳам йўқ. Шундай экан, бу ерда юриш анча хавфли. Бир неча юз тонна келадиган ана шундай бомбаметеор бошингга келиб тушса борми!

Мен ўз ҳадигимни Тюринга айтдим. У менга кулимсираб қаради.

— Чуқурликларнинг бир қисми вулқон натижасида пайдо бўлган, бир қисми, албатта, метеорларнинг зарбидан,— деди у.— Улардан бирортаси бошингизга келиб тушишидан қўрқасизми? Шундай бўлиши ҳам мумкин, лекин эҳтимоллик назариясининг айтишича, бундай хавф Ердагидан унчалик кўп эмас.

— Кўп эмас!— хитоб қилдим мен.— Ерга катта метеорлар кўп тушадими? Уларни камёб нарасадай излаб юришади-ку. Бу ерда эса, қаранг, ҳаммаёқни ўйиб ташлаган.

— Тўғри,— деб жавоб берди Тюрин хотиржамлик билан.— Лекин сиз бир нарсани эсдан чиқарасиз: Ойда аллақачонлардан бери атмосфера йўқ. Миллион йиллардан бери бу ерда на шамол эсади, на ёмғир ёғади, бинобарин, метеорларнинг излари шундай-лигича ўзгармай қолаверган. Бу чуқурликлар — бир неча миллион йиллик ҳаётнинг солномаси. Ой сиртига юз йилда битта катта метеор тушган бўлса — шунинг ўзи ҳам жуда кўп деган сўз. Наҳот унинг тушиши бизга, худди шу пайтга тўғри

келса? Мен метеорнинг, албатта, тўппа-тўғри бошимга эмас, яқин атрофимга тушишига эътироз билдирмасдим.

— Келинглар, эндиги режаларимиз ҳақида гаплашиб олайлик,— деди Соколовский.

Тюрин ишни Ойнинг умумий сатҳини кўздан кечириб чиқишдан бошлашни таклиф қилди.

— Клавийус цирки, Коперник кратерини неча марталаб телескопдан завқ билан томоша қилганман!— деди у.— Бу ерларга қадами етган биринчи астроном бўлишни истайман.

— Ишни тупроқни геологик тадқиқ қилишдан бошлашни таклиф этаман,— деди Соколовский.— Бунинг устига, Ойнинг Ердан кўринадиган қисмига ҳали офтоб тушгани йўқ, бу ерда эса «тонг» отди.

— Сиз хато қиялсиз,— эътироз билдирди Тюрин.— Яъни, тўғри гапирмадингиз. Ҳозир Ердан Ойнинг тўртдан бир бўлаги кўриняпти. Биз бу «ой»ни — Ойнинг шарқий қисмини — ракетамизни соатига икки юз километр тезликда ҳайдаган тақдиримизда қирқ беш соат ичида айланиб чиқишимиз мумкин. Фақат Клавийус билан Коперник олдида тўхтаимиз. Иннайкеин, экспедициянинг бошлиғи ким: менми ё сизми?— деб сўзини тугатди у қизилиб.

Ой бўйлаб сайр қилиш мени ҳам қизиқтириб қолди.

— Ростдан ҳам Ойдаги улкан цирк ва кратерни нима учун кўрмаслигимиз керак экан?— дедим мен.— Уларнинг геологик тузилиши ҳам эътиборга лойиқ бўлиши керак.

Геолог елкасини қисиб қўйди. Ойнинг Ердан кўринадиган сиртида Соколовский бир марта бўлган. Лекин кўпчилик бир таклифни қувватлаб тургандан кейин...

— Кратерга чиқмадингизми?— ҳадик билан сўради Тюрин.

— Йўқ, йўқ,— деди кулиб Соколовский.— У ерга ҳали инсон оёғи етмаган. Сиз биринчи бўласиз. Мен Фароғат денгизининг «тубида» бўлганман. Агар геологик материалларни назарда тутадиган бўлсак, бу ном ўзини тўла оқлайди. Мен у ердан ажойиб коллекция тўпладим... Қани, вақт кетмасин. Жўнасақ жўнайлик! Лекин жуда тез ҳайдашга тўғри келади. Машинамиз соатига минг километр ва ундан ҳам ортиқ юра олади. Бўпти, сизларни Клавийусга олиб бораман.

— Коперникка ҳам,— деди Тюрин.— Йўл-йўлакай Карпат тоғларини ҳам кўриб ўтамиз. Улар Коперникдан шимолроқда.

— Хўп бўлади!— деди Соколовский ва ричагни босди.

Ракетамиз титради, маълум ергача ғизиллаб бориб, кейин ҳавога кўтарилди. Мен пастда, водийда қолган катта ракетамизни кўрдим, сўнг кўзим ўткир нурдан қамашиб кетди: Қуёш!

У уфқдан эндигина кўтарилган эди. Бу тонг Қуёши биз Ердан кўрадиган Қуёшга мутлақо ўхшамасди. Атмосфера уни қизартирмаган. Ҳар вақтдагидай қоп-қора осмонда кўкимтир тусда порлаб турибди. Нури кўзни олади. Дераза ойнасидан ўтган ҳароратини шу заҳотиёқ пайқадим.

Ракета энди анча баландга кўтарилган ва биз тоғ чўққилари устида учиб борардик. Тюрин тоғ тизмаларини диққат билан

кўздан кечирарди. У силкинишларни ҳам, ўз фалсафасини ҳам аллақачон унутиб юборган эди. Шу тобда у фақат астроном эди.

— Клавиус! Бу ўша! Ичидаги учта кичик кратерни кўриб турибман.

— Тўппа-туғри цирк ичига тушаверамизми?— сўради Соколовский кулимсираб.

— Ҳа, тушаверамиз. Фақат кратерга яқинроқ қўнинг!— хитоб қилди Тюрин ва бирдан хиргойи қила бошлади.

Бу мен учун шу қадар кутилмаган ҳол эдики, назаримда ўргимчак ашула айтаётгандай бўлди. Мен Тюриннинг овози гоят ингичкалигини айтган эдим, лекин, афсуски, куйлаш қобилияти мутлақо йўқ эди. Унинг қўшиғида на вазн, на оҳанг бор эди. Соколовский менга айёрона қараб, жилмайиб қўйди.

— Ҳа? Нима гап?— деб сўради бирдан Тюрин.

— Қўнишга жой излаяпман,— жавоб берди геолог.

— Қўнишга жой!— деб хитоб қилди Тюрин.— Менимча, бу ерда жой етарли. Клавиуснинг диаметри икки юз километр келади. Москва билан Ленинград орасидаги масофанинг учдан бир қисми.

Клавиус цирки баланд кўтарма билан қуршалган водийни эслатарди. Тюриннинг айтишича, кўтарманинг бўйи етти километр. Бу Алы ва Кордельер тоғларидан ҳам баланд. Сояннинг нотекислигига қараганда, кўтарманинг четлари қинғир-қийшиққа ўхшайди. Уч кратернинг кўланкаси бутун цирк ичини қоплаб олганди.

— Циркни саёҳат қилиш учун ҳозир энг қулай пайт,— деди Тюрин.— Қуёш тиккага келганда Ойдаги иссиққа чидаш қийин. Тупроқ қизиб кетади. Ҳозир эса у эндигина қизий бошлаяпти.

— Ҳечқиси йўқ. Ой кунига ҳам чидаймиз. Костюмларимиз бизни иссиқдан ҳам, совуқдан ҳам яхши асрайди,— жавоб берди Соколовский.— Тушяпмиз. Маҳкамроқ ушланг, профессор!

Мен ҳам креслога ёпишдим. Аммо ракета филдираклари деярли турткисиз «ер»га тегди, бир сакраб, йиirma метрлар чамаси учиб борди, яна пастга тегиб, яна сакради ва, ниҳоят, текис жойга чиқиб ғизиллаб кетди.

Тюрин уч кратер ҳосил қилган учбурчакнинг марказига томон ҳайдашни сўради.

Биз дарҳол кратерлар томон жўнадик. Тупроқ борган сари ўйдим-чуқур бўла борар, биз ракета ичида у ёқдан-бу ёққа отилиб, ўтирган жойимиздан қалқиб кетиб илгарилаб борардик.

— Яхшиси, бир сакраб керакли жойга етиб олганимиз маъқул,— деди геолог.— Бунақада филдиракларни ишдан чиқамамиз.

Шу дақиқада қаттиқ туртки сезилди. Остимизда бир нима тақирлади-ю, машина аста ёнбошлаб қолди.

— Айтмадимми!— деб хитоб қилди Соколовский куйиниб.— Авария! Ташқарига чиқиб, тузатиш керак энди.

— Эҳтиёт филдиракларимиз бор. Тузатамиз,— деди Тюрин.— Жуда бўлмаса, пиёда ҳам кетаверамиз. Кратерларгача ўн километрча масофа қолди, холос. Қийиниш керак!

У шошиб трубкасини олиб тутатди.

— Бир оз овқатланиб олайлик,— деди Соколовский.— Нонушта вақти бўлди.

Тюрин беҳад охиқайётган бўлишига қарамай, рози бўлди. Биз шоша-пиша овқатланиб, ташқарига чиқдик. Соколовский бош чайқаб қолди: филдирак тамом ишдан чиққан эди. Янгисини қўйишга тўғри келди.

— Сизлар бўлгунча, югуриб етиб оламан,— деди Тюрин.

Ростдан ҳам у чошиб кетди. Оббо чол-ей! Билимга берилиш шу-да! Соколовский ҳайратдан қўлларини ёзганча қолди. Тюрин кенглиги икки метр келадиган ёриқлардан енгил сакраб, каттароқларини эса айланиб ўтарди. Костюмининг қуёшга қараган томони ял-ял ёнар, сояда қолган қисми эса — деярли кўринмасди. Худди ой сиртида фақат ўнг оёғи билан сакраб ва ўнг қўлини силкиб, майиб-мажруҳ одам бораётганга ўхшарди. Унинг чап қўли ва оёғи онда-сонда, «ой» нури тушган пайтдагина ярқираб қоларди. Тюриннинг қораси тез узоқлашиб борарди.

Филдирак билан бир неча минут овора бўлдик. Ҳаммаси тахт бўлгач, Соколовский менга ракетанинг устки очиқ майдончасига чиқишни таклиф қилди. У ерда иккинчи бошқариш аппарати бор эди. Биз Тюриннинг изидан йўлга тушдик. Ракетанинг устида ўтириш, ичида ўтиришдан кўра қизиқроқ эди. Чунки чор атроф кўриниб турарди. Ўнг томонимиздаги тоғлар Қуёш нури тушиб турган водийга тўртта соя ташлаган. Сўл томонимизда эса фақат тоғ чўққилари ярқираб турибди, тоғ этаклари ой қоронғисида қолган. Ердан Ойнинг бу қисми кулранг тусда кўринади. Тоғ тизмалари мен кутгандан кўра нишаброқ эди. Биз «ой»нинг энг четидан ёки Тюриннинг тили билан айтганда, «терминатор» чизигидан — нур ва соя чегараси устидан борардик.

Кутилмаганда Соколовский тирсаги билан биқинимга аста туртиб, олдинга ишора қилди. Қаршимизда катта жарлик турарди. Биз бундай жарликнинг бир нечасидан сакраб, агар каттароқ бўлса устидан учиб ўтдик. Афтидан, Соколовский сакраш олдидан мени эҳтиёт бўлинг деб огоҳлантираётганди. Мен унга савол назари билан қарадим. Геолог скафандрини меникига яқин келтириб, деди:

— Қаранг, профессоримиз...

Мен олдинга қараб, кўланка қаъридан отилиб чиққан Тюринни кўрдим. У қўлларини силкитиб, узун жарлик бўйлаб биз томонга қараб чошиб келарди. Жарликдан у сакраб ўтолмаганди.

— Ундан ўзиб кетиб, цирк марказига биринчи бўлиб боришимиздан қўрқяпти,— деди геолог.— Тўхташга тўғри келади.

Ракета тўхтар-тўхтамас Тюрин устки майдончага сакради. Ой уни ёшартириб юборган эди. Йўқ, сал муболаға қилдим. Тюрин бутун гавдаси билан устимга келиб тушди, кўкраги тинимсиз кўтарилиб тушарди. Чол ниҳоятда чарчаган эди.

Соколовский жарга яқин қолганда «педални босди». Портлаш юз бериб, ракета олдинга, сўнг юқорига талпинди. Шу пайт Тюриннинг оёқларига кўзим тушиб қолди. У беҳад ҳолсизлан-

ганидан дастакни тузукроқ ушлашга ҳам улгурмай, ракетадан учиб кетган эди. Унинг танаси ярим доира ясаб, пастга қулаб борарди. У жуда баланддан йиқилган, лекин жуда секин пастларди. Менинг юрагим ёрилаёзди. Профессор тамом бўлди!..

Бу вақтда биз жарлик устида учиб борардик. Бирдан Соколовский ракетани кескин орқага бурди, ўзимнинг ҳам учиб кетишимга сал қолди, биз тезлик билан Ой сиртига, Тюриннинг яқинига қўндик. Тюрин қимир этмай ётарди. Соколовский тажрибали эмасми, дарров унинг кийимларини кўздан кечирди. Озгина тешик бўлса ҳам киши ҳалок бўлади: фазовий совуқ бир зумда танани муз парчасига айлатириб қўяди. Хайрият, кийими бутун экан, фақат сал тирналиб, бир оз чанг бўлипти. Тюрин қўлини кўтарди оёқларини қимираётди... Тирик! Кутилмаганда у ўрнидан туриб, ракетага қараб юра бошлади. Мен ҳангу манг бўлиб қолдим. Фақат Ойдагина шундай бўлиши мумкин. Тюрин ўз ўрнига чиқиб ўтириб олгач, индамай қўли билан олдинга ишора қилди. Мен скафандрининг ойнасидан унинг юзига қарадим. У жилмаярди!

Бир неча минутдан сўнг манзилга етиб бордик. Биринчи бўлиб ракетадан тантанали қиёфада профессор тушди. У удумни бажо келтириб, ибодат қилди. Бу манзара хотирамда абадий ўрнашиб қолди. Юлдуз билан қопланган қоп-қора осмон. Кўкимтир Қуёш. Бир томонда кўзни қамаштирувчи ярқироқ тоғлар, иккинчи ёқда — «хавода муаллақ турган», эриган чўяндай оппоқ чўққилар. Бепоев цирк водийсининг қарийб ярмига учи қинғир соялар ястаниб олган; кул ва чанг билан қопланган тошлоқ тупроқда — машинамиз ғилдирақларининг олис-олисга чўзилган излари. Ой сиртидаги бу излар айниқса кучли таассурот қолдиради. Кўланканинг шундоқ четида ғоввос қиёфасидаги бир одам ортида из қолдириб, бир меъёрда қадам ташлаётди — бу инсон оёғининг излари! Мана у тўхтади. Кратерларга, бизга, осмонга бир-бир қараб чиқди. Атрофидан тош териб, кичкина пирамида ясади. Кейин энгашиб, бармоғи билан кулга:

Т Ю Р И Н

деб ёзиб қўйди.

Бармоқ билан кўлга битилган бу ёзув Ер қояларидаги ўймакор ёзувлардан умрбоқийроқ: уни ёмғир ювиб кетмайди, шамол кўмиб юбормайди. Агар тасодифан шу жойга метеорит тушмаса бу ёзув миллион йиллар тураверади.

Тюрин мамнун. Биз яна ракетамизга ўтириб, шимолга қараб учамиз. Қуёш энди уфқдан бир оз кўтарилган, шарқ томондаги тоғларнинг айрим қояларини ёритиб турибди. Лекин у кўкда жуда ҳам секин ҳаракат қилади.

Яна жарликдан сакрадик. Бу гал Тюринни огоҳлантириб қўйгандик. У темир дастакларга маҳкам ёпишиб олганди. Пастга қарайман. Жарлик юракни ваҳимага солади. Ерда бунақалари кам учрайди. Туби кўринмайди — зим-зиё. Эни бир неча кело-

метр келади. Бечора Ой! Юзингга қандай чуқур ажинлар тушибди-я!..

— Альфонс... Птолемей... Ойга учиб келаётганда буларни кўрганмиз,— деди Тюрин.

Олисда кратер чўққиси кўзга ташланди.

Тюрин скафандрини меникига яқинлаштириб,— акс ҳолда гапни эшитиб бўлмайди,— деди.

— Ана!.. Коперник! Ойдаги энг катта кратерлардан бири. Унинг диаметри саксон беш километрдан ортиқ. Ердаги энг катта кратернинг — бу Цейлон оролида — эни етмиш километрга ҳам етмайди.

— Кратерга! Тўппа-тўғри кратерга!— деб буюрди Тюрин.

Соколовский кратер деворидан ошиб ўтиш учун ракетани юқорига, тиккасига учирди. Тепадан ўртаси конус шаклидаги тўғри доира кўриниб турибди. Ракета конус этагига қўнди. Тюрин машинадан сакраб тушиб, конусга қараб югурди. Наҳотки у тепасига чиқмоқчи бўлса? Ҳа, худди шундай. У ниҳоятда тик қояларга тармашиб, юқорига талпиняпти. Тюрин шу қадар тез кўтариляптики, Ердаги энг чаққон альпинист ҳам уни қувиб етолмаган бўларди. Ойда тепага кўтарилиш анча осон. Бу ерда Тюриннинг оғирлиги ўн-ўн икки килограммдан ошмайди. Бу вазн унинг ҳатто бўшашган пайтларига ҳам оғирлик қилмайди.

Конус атрофида, ундан маълум масофа нарида — тош кўтармаси. Унинг қандай пайдо бўлганига тушунолмаيمان. Агар бу тошлар қачонлардир отилган вулқон оқибати бўлса, у ҳолда улар теварак-атофга сочилиб кетиши ва бу қадар тўғри ҳалқа ҳосил қилмаслиги керак эди.

Бу жумбоққа кутилмаганда жавоб топилди. Қўққисдан тупроқнинг силкинганини пайқаб қолдим. Наҳотки Ойда ҳам зилзила бўлса? Савол назари билан Соколовскийга қарадим. У индамай қўли билан чўққига ишора қилди: тепадан улкан қоялар думалаб тушарди. Бу қоялар шиддат билан думалаб бориб кўтарма олдидагина тўхтарди.

Ҳа, гап бу ёқда экан! Ойда Ер тоғларининг кушандаси бўлган шамол ҳам, ёмғир ҳам йўқ. Аммо-лекин ундан кўра хатарлироқ бўлган емирувчи куч бор экан. Бу — Ойдаги тун билан кун орасидаги ҳароратнинг кескин фарқ қилиши. Ойда икки ҳафта икки юз даража совуқ бўлса, икки ҳафта шу даражада иссиқ бўлади. Орадаги фарқ тўрт юз даражани ташкил қилади! Қоялар бунга дош беролмай, худди муздек стаканга қайноқ сув қуйгандагидай, парчаланиб кетади. Тюрин буни мендан яхшироқ билиши керак. Нега бу қадар эҳтиётсизлик қилиб, тоққа ўрмалаб чиқапти... Афтидан, профессорнинг ўзи ҳам буни пайқаб қолди: тошдан тошга сакраб тезлик билан пастга туша бошлади. Унинг ўнгида ҳам, сўлида ҳам ўпирилиш бўляпти. Лекин Тюрин беҳатар жойга тушиб олди.

— Йўқ, йўқ! Мен ўз фикримдан қайтмайман,— деди у,— лекин ноқулай вақтни танлабман. Ой тоғларига ой кунининг охирида ёки кечаси чиқиш керак. Ҳозирча етарли. Бўронлар океа-

нига учамиз, у ердан тўппа-тўғри шарққа, Ойнинг ҳали бирорта инсон кўзи тушмаган томонига жўнаймиз.

— Бу ғалати номларни ким ўйлаб топган, — сўрадим мен йўлга тушганимиздан кейин. — Коперник, Платон, Артистотель — бу бир нави. Лекин Ойда Бўронлар океани нима қилсин? Бу ерда бўроннинг ўзи йўқ-қу. Фароғат денгизи нимаси? Яланғоч тошларми? Еки Кризислар денгизини олайлик... Қанақа кризис? Умуман, бир томчи ҳам суви йўқ денгиз қанақа денгиз бўлди?

— Тўғри, номлар унчалик мос келмайди, — деди Тюрин. — Ой сиртидаги жарликлар, сўзсиз, бир маҳаллар мавжуд бўлган океан ва денгизларнинг излари. Лекин уларнинг номлари... Ахир уларни нимадир деб аташ керак бўлган-да! Кичкина планеталарни кашф қилишганда дастлаб уларни анъана бўйича қадимги юнон худоларининг номлари билан аташган. Кўп ўтмай ҳамма номлар тугаган, лекин янги планеталар узлуксиз кашф қилина-верган. Шундан сўнг машҳур кишиларнинг номларига ўтишган: Фламарион, Гаусс, Пикеринг ва ҳатто америкалик Эдуард Тук каби таниқли филантропларнинг номлари ҳам бор. Шу тарихка капиталист Тук осмонда ўз мулкига эга бўлиб олган. Менимча, майда планеталарга ракам системасини қўллаган маъқул... Ойдаги Карпат, Альп, Апеннин тоғларига келсак, — бу, фантазия доирасининг торлигидан. Мана, масалан, мен Ойнинг нариги томонида кашф қиладиган тоғлар, вулқонлар, денгиз ва циркларимизга бутунлай янги номлар ўйлаб қўйдим...

— Албатта, Тюрин кратерини ҳам эсдан чиқазмассиз? — деб сўради Соколовский кулиб.

— Ҳаммамизга ҳам етади, — жавоб берди Тюрин. — Агар сизлар хоҳласангиз, Тюрин кратери ҳам, Соколовский денгизи ҳам, Артемьев цирки ҳам бўлади.

Орадан ярим соат ўтмай Соколовский бизни Бўронлар океанига етказди. Ракета океан «тубига» қўнди. Унинг туби жуда нотекис эди. У ер-бу ерда баланд тоғлар бўй чўзиб турибди. Уларнинг чўққилари бир маҳаллар орол бўлган бўлса ҳам ажаб эмас. Баъзан биз чуқурликдаги водийларга тушиб кетар ва бутунлай сояда қолардик. Лекин қоронғи эмас эди: тепадаги ёп-ёруғ тонг чўққиларидан акс нур тушиб турарди.

Мен атрофни диққат билан кузатардим. Тошлар узун-узун куюқ кўланка ташлаган. Кутилмаганда бир жойда худди титилиб кетган саватниккага ўхшаган панжарадор бир сояни кўриб қолдим. Уни дарров Соколовскийга кўрсатдим. У ракетани тўхтатиши билан ҳалиги сояга қараб югурдим. У худди тошга ўхшайди, лекин шакли жуда қизиқ: қовурғали умуртқа суягини эслатади. Наҳотки ҳалок бўлган ҳайвон қолдигини топган бўлсак? Демак, Ойда ҳатто умуртқали ҳайвонлар ҳам яшаган экан-да. Демак, Ойда атмосфера у қадар тез йўқ бўлган эмас экан-да. «Умуртқа» ва «қовурғалар» ўз ҳажмига нисбатан нозикроқ эди. Лекин Ойда оғирлик Ергагига қараганда олти марта кам, бинобарин, ҳайвонларнинг скелетлари нозикроқ бўлиши мумкин. Бунинг устига, булар денгиз ҳайвонларига ўхшайди.

Геолог скелет ёнида ётган бир қовурғани олиб синдирди. Сирти қора, ичи галвирак, кулранг тусда. Соколовский бош чайқаб, деди:

— Менимча, булар суяк эмас, маржон.

— Лекин шакли, кўриниши-чи, — эътироз билдирдим мен.

Илмий баҳс қизиб кетиши мумкин эди, лекин гапга Тюрин араллашиб қолди. У ўз ваколатига суяниб, дарҳол жўнашни талаб қилди. Тюрин Ойнинг нариги томонини ҳали Қуёш тўла ёритиб турган пайтда кўриб қолишга ошиқарди. Бўйсуннишдан бошқа илож йўқ эди. Кэцга қайтгандан сўнг анализ қилиш учун бир неча «суяк» териб олдим. Биз йўлга тушдик. Бу топилма мени жуда ҳаяжонлантириб юборди. Агар денгиз тубини тузукроқ титкиланса, жуда кўп ажойиб кашфиётлар қилиш, Ойдаги қисқа муддатли ҳаёт манзарасини тиклаш мумкин эди. Қисқа муддатли деганмизда, албатта, астрономик миқёс кўзда тутилади...

Ракетамиз шарққа томон учиб борарди. Қуёшга қараб, ҳайрон қолдим: у юқориға одатдан ташқари тезлик билан кўтариларди. Шу пайт Тюрин икки биқинини ушлаб қолди.

— Фотоаппаратимни йўқотганга ўхшайман... Ғилофи бор-у, ўзи йўқ... Орқага! Фотоаппаратсиз қолиш мумкин эмас! Лаънати скелетни суратга олиб бўлиб, ғилофга солаётган пайтимда тушириб қўйган бўлсам керак! Бу ерда нарсалар шунақа енгилки, тушириб қўйсанг ҳам пайқамайсан...

Геолог норози қиёфада бош чайқади, шунга қарамай ракетани орқага бурди. Шунда мен ажойиб ҳодисанинг гувоҳи бўлдим: биз орқага бурилишимиз билан Қуёш яна шарққа, уфққа томон қайта бошлади. Худди алаҳсираётгандай бўлдим назаримда. Қуёш нури миямга таъсир қилдимикан? Осмонда гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга ҳаракат қиладиган Қуёш ҳам бўладими! Мен буни ҳатто ҳамроҳларимга айтишга ҳам журъат қилмай, индамай кузатиб ўтиравердим. Биз эски манзилга яқинлашиб тезликни соатига ўн беш километрга туширганимизда — Қуёш тўхтади. Ҳеч нарсага тушунолмаб қолдим.

Тюрин ҳадеб осмонга қарайверганимни сезди шекилли, скафандини меникига яқинлаштириб, деди:

— Қуёшнинг қилигидан таажжубланяпсиз-а. Бунинг сабаби оддий. Ой — кичкина жисм, унинг экваториал нуқталари ҳаракати жуда секин. Секундига тўрт метрга ҳам етмайди. Бинобарин, экватор бўйлаб соатига ўн беш километрга яқин тезлик билан ғарбга томон юрилса, Қуёш бир жойда тураверади, агар тезлик оширилса Қуёш шарққа «жўнаб қолади». Еки аксинча: биз шарққа, Қуёш истиқболига томон учганимизда, Ой сиртида тез ҳаракат қилиб, Қуёшни ҳам тез кўтарилишга мажбур қилдик. Хуллас, бу ерда Қуёш ҳаракатини ҳам бошқаришимиз мумкин. Ойда соатига ўн беш километр масофани пиёда ҳам бемалол босса бўлади. Экватор бўйлаб ғарбга томон ана шундай тезлик билан бораётган йўловчи устида Қуёш қимирламай тураверади... Бу жуда қулай. Чунончи, Қуёш ботаётган пайтда унинг изидан бориш ғоят катта қулайлик тугдиради. Тупроқ ҳали илиқ, атроф

ёруғ бўлади, офтоб куйдирмайди. Гарчи костюмларимиз ҳарорат ўзгаришидан бизни яхши асраса ҳам, нур ва қоронғилик орасидаги фарқ анча кучли сезилади.

Биз эски жойга етиб келдик. Тюрин аппаратини қидиришга тушди, мен вақтдан фойдаланиб, Бўронлар океанининг тубини яна кўздан кечира бошладим. Балки қачонлардир бу океан сиртида чиндан ҳам дахшатли бўронлар бўлгандир. Тўлқинлар ер океанларидаги тўлқинлардан беш-олти марта кучлироқ чайқалгандир. Бу денгиз сиртида ўшанда бутун бир сув тоғлари кўчиб юргандир. Чақмоқ чақиб, момақалдироқ гумбурлаб, сув пишқирган, тошгандир... Денгизда қачонлардир Ерда яшаган энг катта ҳайвонлардан кўра баҳайбатроқ ҳайвонлар истиқомат қилгандир...

Мен жар ёқасига бордим. Унинг эни бир километрдан оз эмас. Бунинг остида нималар бор экан? Бир тушиб кўрсам-чи? Мен электр фонаримни ёқиб, жарликнинг нишоб еридан пастга туша бошладим. Тушиш осон эди. Аввалига эҳтиётлик билан, сўнг дадил-дадил сакраб тобора пастлайвердим. Тепада юлдузлар жимирлаб турибди. Атроф зим-зиё. Менга пастга тушган сари ҳарорат кўтарилаётгандай туюлди. Балки, тез ҳаракат қилганимдан иссиқлаб кетгандирман. Афсус, геологдан термометрни олмапман. Тюриннинг, Ойдаги тупроқ олимлар тахмин қилгандан кўра иссиқроқ, деган фаразини текшириб кўрган бўлардим.

Йўлда цилиндр шаклидаги ғалати тош парчалари учрай бошлади. Наҳотки булар қотиб қолган дарахт таналари бўлса? Улар денгиз тубига, бундай чуқурликка қандай қилиб тушиб қолди?

Мен ўткир қиррали бир нарсага ёпишдим, костюмим йиртилишига сал қолди, юрагим орқасига тортиб кетди: ахир, ҳалок бўлиш ҳеч гапмас. Дарров энгашиб ҳалиги нарсани ушлаб кўрдим: қандайдир тишлар. Чироқни тутдим. Қоя орасидан узун қоп-қора арра чиқиб турибди — худди аррабалиқнинг ўзи дейсиз. Йўқ, бу маржон бўлиши мумкин эмас. Мен теварак-атрофга чироқ тутиб чиқдим ва ҳамма ерда арралар, узун бурама қозиқ тишлар, кемирчақли тахталар ва қовурғаларни кўрдим... Ҳалок бўлган ҳайвонларнинг бутун бир қабристонини... Тош бўлиб қотган бу ҳужум ва ҳимоя қуроллари оралаб юриш жуда хатарли эди. Шунга қарамай, мен сеҳрланиб қолган эдим. Фавқулудда кашфиёт! Фақат шунинг ўзи учунгина сайёрлараро саёҳатга чиқса арзийди. Мен жар ичига махсус экспедиция келиб қўнишини, бундан миллион-миллион йиллар муқаддам ҳалок бўлган ҳайвонларнинг суяклари терилиб, Кэцга, сўнг Ерга, Фанлар Академиясининг музейига олиб тушилишини ва олимларимиз Ой ҳайвонларининг қиёфасини тиклашларини хаёлан тасаввур қилардим...

Ҳа, мана буни маржон деса бўлади! Ердагидан олти марта эмас, ўн марта катта. «Бутуқли шохлар»нинг бутун бир ўрмони дейсиз. Баъзи маржонларнинг ҳатто ранги ҳам ўчмаган. Айримлари фил суяги тусида, бошқалари — пуштиранг, кўпчилик қисми эса қип-қизил.

Ҳа, демак, Ойда ҳаёт мавжуд бўлган. Балки, Тюрин ҳақдир, биз бу ҳаёт қолдиқларини топишга муваффақ бўлармиз. Ўлик қолдиқларини эмас, балки ҳайвонот ва ўсимлик дунёси сўнгги миллионларнинг қолдиқларини топармиз...

Кичкина тошча олдимдан виз этиб ўтиб, маржон бутасига келиб тушди.

Бу ҳол хаёлларимни тўзғитиб юборди. Мен бошимни кўтариб, жарлик ёқасида милтираётган чироқни кўрдим. Ҳамроҳларим, афтидан, мени чақираётган кўринади. Қайтиш керак. Мен уларга жавобан фонаримни ўчириб-ёқдим-да, шоша-пиша энг нодир ва қизиқларли намуналардан териб сумкамга солдим. Ерда бу ҳазина олтмиш килограммдан кўп чиқса керак. Демак, бу ерда ўн килограммдан ортқ эмас. Бинобарин, бу юк мени кўп қийнамади ва мен тез юқорига кўтарилдим.

Ўзбошимчалик қилганим учун астрономдан хайфсан эшитишга тўғри келди, лекин ўз топилдиқларим ҳақида гапириб берганимдан кейин у анча юмшади.

— Буюк кашфиёт қилгансиз. Табриклайман! — деди у. — Албатта экспедиция ташкил қиламиз. Лекин ҳозир кечикиш мумкин эмас. Қани, дарҳол жўнадик.

Лекин бари бир андак кечикишга тўғри келди. Биз океан четига бориб қолган эдик. Қаршимизда Қуёш нури тушиб турган «соҳил» қоялари бўй чўзиб турарди. Ажойиб манзара! Соколовский беихтиёр машинани секинлатди.

Пастда қизғиш порфир ва ранг-баранг базальтлардан иборат қоялар ястаниб ётибди: зумрад тусли, пуштиранг, зангори, сарғиш кулранг, сариқ тусли... Худди камалакдай товланувчи сеҳрли шарқ гилами дейсиз. У ер-бу ерда қордай оппоқ тизмалар, пуштиранг ҳайкаллар кўзга ташланади. Туртиб чиқиб турган улкан тоғ биллурларига қараб бўлмайди, кўзнинг нурини олади. Ёқутлар қон томчиларидай осилиб турибди. Тўқсариқ гиацинтлар, қип-қизил пиронлар, қора метанитлар, бинафшаранг альмандинлар яшнаб турган гулзорни эслатади. Кўк ёқут, зумрад ва аметистлар уюм-уюм бўлиб ётибди... Қаердандир, қоянинг ўткир қиррасидан бир тутам нур ёғилапти. Фақат олмосларгина шундай нур таратиши мумкин. Бу қоялар, афтидан, эндигина парчаланган бўлса керак, космик чанг бу шаффоф ва ранг-баранг нур кўзини ҳали тўсиб улгурмаган.

Геолог қаттиқ тормоз берди. Тюрин сал бўлмаса ағдарилаёзди. Машина тўхтади. Соколовский йўл-йўлакай ҳалтасидан болғачасини олиб, ярқираб турган қоятошлар устидан чопиб кетди. Мен унинг орқасидан югурдим, бизнинг ортимиздан Тюрин. Соколовскийни геологларга хос енгиб бўлмас бир иштиёқ чулғаб олган эди. Бу қимматбаҳо тошларни кўриб қолган очкўзнинг ҳасислиги эмас, балки камёб қазилма бойликка дуч келган ҳақиқий олимнинг иштиёқи эди.

Соколовский болғачаси билан олмос парчаларини шундай

Турли тусдаги қимматбаҳо тошлар.

учирардики, шу тобда у худди ўпирилиб тушган кондан ўзига йўл очаётган кончини эслатарди. Болга зарбидан олмос заррачалари атрофга нур бўлиб сачратди. Тюрин икковимиз бир олмосни ташлаб, иккинчисини олардик. Сумкаларимизни олмосга тўлдирдик, Қуёшга тутиб томоша қилдик, осмонга отиб ўйнадик. Биз гўё нур зарралари қуршовида қолган эдик.

Эҳ, Ой! Ой! Ердан нақадар якрагн, кумушсимон бўлиб кўри-насан. Лекин сийнангга қадам қўйган кишини қанчалар ранг-баранг, кўзни қамаштирувчи тухфалар билан кутиб оласан!..

Кейинчалик бунақа хазиналарга жуда кўп марта дуч келдик. Қимматбаҳо тошлар, худди ранг-баранг шабнамдай, тоғ қоялари, чўққиларда тўшалиб ётарди. Ерда энг қимматбаҳо ҳисобланган олмос ва зумрадлар Ойда беҳисоб... Бундай манзарага деярли кўникиб ҳам кетдик... Аммо Бўронлар океани соҳилида бизни чулғаб олган «олмос талвасаси»ни ҳеч қачон эсимдан чиқармайман.

Биз яна тоғ ва жарликлардан сакраб, шарққа томон учиб боряпмиз. Геолог йўқотилган вақтнинг ўрнини тўлдириш учун ракетани зўр бериб ҳайдапти.

Тюрин бир қўли билан ўриндик суянчигидан ушлаб, тантанали бир тарзда иккинчи қўлини кўтарди. Бу билан у Ой сиртининг Ердан кўринадиган қисми чегарасидан ўтганимизни нишонлади. Биз номаълум дунёга қадам қўйдик. Биз ҳозир кўрадиган нарсаларни бирорта одам кўрган эмас. Менинг бутун вужудим кўза ва қулоққа айланганди.

Тюрин ҳаддан ташқари ҳаяжонланарди. У нима қилишини билмасди: вагон-ракетанинг тепасидан атроф яхши кўринарди ракета ичида эса ёзиш-чизиш қулай. Бирида ютсанг, бирида ютқасан. Ниҳоят у ёзишдан воз кечишга қарор қилди: барибир Ойнинг «орқа» томони ҳали синчиклаб ўрганилади ва вақти келиб харитага туширилади. Ҳозир фақат бу ҳақда умумий тасаввур ҳосил қилинса бас. Биз экватор бўйлаб юришга қарор қилдик. Тюрин фақат энг катта цирк ва энг баланд кратерлари белгилаб ва уларга ном бериб борарди. Биринчи тадқиқотчига берилган бу ҳуқуқ унга катта ҳузур бахш ётарди. Шу билан бирга у шу қадар камтар эдики, бирор кратер ёки денгизни ўз номи билан аташга ошиқмасди. Афтидан у илгарироқ рўйхат тузиб олганг ўхшайди, ҳозир революция қаҳрамонлари, машҳур олимлар, ёзувчилар, саёҳатчиларнинг номларини қалаштириб ташлапти.

— Ҳўш, бу денгиз сизга ёқадими? — деб сўради у мендан худди ўз ноибига ер-сув инъом қилаётган подшоҳ қиёфасида. — «Артемьев денгизи» деб атасак нима дейсиз?

Мен уфққача чўзилиб кетган чуқур жарликка қарадим. Бу денгиз Ойдаги бошқа денгизлардан сира фарқ қилмасди.

— Агар хўп десангиз, — дедим мен бир оз иккиланиб тургач, — буни «Антонина денгизи» деб атасак.

— Антонийми? Юлий Цезарнинг энг яқин ёрдамчиси Марк Антонийми? — деб сўради у гапимни яхши эшитмай. Унинг миёси буюк кишилар ва қадимги худоларнинг номлари билан тўлиб кет

ган эди. — Нима қипти, яхши. Марк Антоний! Жарангдор, бунинг устига, астрономлар ҳали ишлатмаган. Шундай бўла қолсин. Ёзиб қўямиз: «Марк Антоний денгизи».

Профессорнинг гапига тузатиш киритиш ноқулай эди. Шундай қилиб, Юлий Цезарнинг энг яқин ходими Ойда ўлмас мулкка эга бўлиб қолди. Майли, ҳечқиси йўқ, мен билан Тоняга ҳали денгизлар етарли.

Тюрин тўхтатишни илтимос қилди. Биз ҳали Қуёш нури етмаган ҳавзада турардик.

Астроном ракетадан тушди-да, термометрни чиқариб, тупроққа суқди. Тюриннинг орқасидан геолог тушди. Бир оз вақт ўтгач, Тюрин термометрни суғуриб олиб кўздан кечиргач, уни Соколовскийга узатди. Улар скафандрларини яқинлаштириб, афтидан, фикр алмашдилар. Кейин тезлик билан ракета майдончасига кўтарилишди. Бу ерда яна гаплашиб олишди. Мен савол назари билан Соколовскийга қарадим.

— Тупроқнинг ҳарорати икки юз эллик даражага яқин совуқ, — деди менга Соколовский. — Шунинг учун ҳам Тюриннинг кайфияти яхши эмас. Унинг айтишича, бу ерда радиоактив моддалар оз экан. Радиоактив моддаларнинг парчаланиши натижасида тупроқ исиган бўларди. Ерда ҳам океанлар тупроқ энг совуқ бўлган жойларда пайдо бўларкан. Тропик денгизлар ҳароратидан ҳам совуқроқ эмиш. У, биз ҳали радиоактив парчаланиш туфайли исиган зоналарни топамиз, деб ишонтиряпти. Лекин, ўзаро гап, Ернинг умумий иссиқлик режимида радиоактив парчаланиш тарқатган ҳарорат жуда оз миқдорни ташкил қилади. Менимча, Ойда ҳам шундай бўлса керак.

Соколовский Ой сиртининг умумий кўринишини яхшироқ олиш учун юқорироқ кўтарилишни таклиф қилди.

— Кўз олдимизда бутун манзара намоён бўлади. Уни суратга олиш мумкин, — деди у Тюринга.

Астроном рози бўлди. Биз ўриндик суянчиқларига маҳкам ёпишиб олдик, Соколовский портлашни кучайтирди. Ракета юқорига кўтарила бошлади. Тюрин тинимсиз фотоаппаратини чиқиллатди. Бир жойда, кичкина тепалик устида, тўғри бурчак шаклида уюлган тош ёки қояларга кўзим тушди.

«Ой атмосферадан маҳрум ўлик планетага айланишидан олдин бу жойда яшаган аҳолининг қурилишлари эмасмикан?» — деган ўй ўтди кўнглимдан ва шу заҳотиёқ бу бемаъни фикрдан воз кечдим. Лекин бари бир тўғри геометрик шакл муаммо бўлиб аниқда ўрнашиб қолди.

Тюрин ўз креслосида типирчиларди. Афтидан, термометр натижаси профессорни қаттиқ ранжитган эди. Биз навбатдаги «денгиз» устидан учиб ўтаётганимизда Тюрин Соколовскийдан денгизнинг соя қисмига кўнишни талаб қилди ва дарҳол ҳароратни ўлчиди. Бу гал термометр бир юз саксон даража совуқни кўрсатди. Агар тупроқнинг Қуёш тафтидан анча илиб қолганини ҳисобга олмаса, фарқ катта. Шунга қарамай, Тюрин Соколовскийга голи-

бона бир қиёфада кўз ташлаб, қатъий суратда эълон қилди:
— «Жазирама денгиз» — бун шундай деб атаймиз.

Юз саксон даража совукда жазирама! Дарвоқе, бунинг «Ёмғир денгизи» ёки «Фароғат денгизи» дан нима фарқи бор? Астрономлар ўзи шунақа ғалати халқ!

Тюрин яна икки-уч жойда тупроқ хароратини ўлчаб учун бир-икки юз километр ғилдиракларда юришни таклиф қилди.

Биз энди бошқа денгиз тубидан борардик. Мен унга жон деб «Силкиниш денгизи» деган ном берардим. Денгиз туби дўнгликлар билан қопланган, баъзиларининг усти ёғ суртгандай йилтирайди. Нефть қатламлари эмасмикин? Қаттиқ силкинишга қарамай, биз юришда давом этдик. Тюрин тез-тез хароратни ўлчарди. Бир жойда термометр икки юз даража совуқни кўрсатган эди, астроном термометрни тантанали равишда Соколовскийнинг кўзига яқинлаштирди. Нима гап? Гап шундаки, гарчи биз ой куни томон юраётган бўлишимизга қарамай, харорат яна пасайган экан, демак, масала фақат тупроқнинг Қуёш тафтидан исишида эмас. Хар қолда, профессор бу гал ҳақ.

Тюрин шод эди. Биз ҳавзадан чиқиб, жарликни айланиб ўтгач, циркнинг тош уюмлари устидан сакрадик-да, текис жойда бир оз юриб, тоғ тепасига кўтарилдик.

Ундан ошиб ўтганимиздан сўнг қаршимизда баландлиги ўн беш километр келадиган тоғ девори пайдо бўлди. Гарчи Қуёш уфқдан анча кўтарилган бўлса ҳам, бу девор уни биздан тўсиб турарди. Фавқулудда баланд бу тўсиққа урилиб кетишимизга сал қолди. Соколовский ракетани кескин буриб юқорилатди.

— Мана бун топилма деса бўлади! — деб хитоб қилди Тюрин. — Бу тоғ занжирини Альп ҳам, Кордильер ҳам деб бўлмайди. Бу... Бу...

— Тюриньер! — деди Соколовский. — Ҳа, Тюриньер тоғлари. Оҳангдор ва сизга тўла муносиб ном. Бундан баланд тоғни топишимиз қийин.

— Тюриньер, — деб такрорлади довираб қолган Тюрин. — Ҳм... Ҳм... бир оз ноқулайроқ. Лекин жуда жарангли эшитилади: Тюриньер. Майли, сиз айтганча бўлсин, — дея розилик берди у. Скафандр ойнасидан унинг яшнаб кетган юзини кўрдим.

Катта ярим доира ясаб, юқорига кўтарилишимизга тўғри келди. Бу тоғ «осмон-фалакка» чиқиб кетган эди... Ниҳоят яна Қуёшни кўрдим. Кўзни қамаштирувчи кўм-кўк Қуёш! Мен беихтиёр кўзларимни юмдим. Кўзимни очганимда менга, гўё биз Ойни тарк этиб, само бўшлиғида учиб бораётгандай туюлди... Мен орқамга қараб, Тюриньернинг тик деворини кўрдим, унинг пойдевори зим-зиё бўшлиққа кириб кетган эди. Олдинда ҳеч нарса йўқ. Остимиз — бўм-бўш. Зим-зиё бўшлиқ. Акс нур аста-секин сўниб борапти, ундан нари — яна қоронғилик.

Саргузашт деб шуни айтадилар-да! Ойнинг нариги томони ярим шар шаклида эмас, балки шарнинг қандайдир бир бўлагига ўхшар экан. Ҳамроҳларим ҳам ҳаяжонда. Мен ўнгу сўлимга қарайман. Бўм-бўш. Ойнинг кўринмас томони қанақалиги ҳақи-

даги фаразлар ёдимга тушди. Кўпчилик астрономлар Ойнинг нариги томони ҳам бу томонга ўхшайди, фақат денгиз ва тоғлари бошқача, деб тасдиқлашарди. Кимдир, Ой ноксимон шаклда, деган фикрни айтганди. Ер томондан у шарга ўхшайди, нариги томони эса нокка ўхшаш чўзинчокроқ. Шунинг учун ҳам гўё Ой ҳамиша Ерга бир томони, оғирроқ томони билан қараб турармиш. Лекин биз янада ақл бовар қилмайдиган нарсани кўрдик: Ой — шарнинг ярми. Иккинчи ярми қаерда қолди?

Учиш бир неча минутдан бери давом этяпти, лекин биз ҳануз зим-зиё бўшлиқ устидамиз. Тюрин гаранг кишидай ўтирибди. Соколовский индамайди, тобора порлашни кучайтирапти: у бунинг ҳаммаси нима билан тугабини тезроқ билишга ошиқарди.

Биз бўшлиқда қанча муддат учганимизни билмайман, бир маҳал шарқ томонда Ойнинг ялтироқ ҳошияси кўзга ташланди. Биз худди океанда кўп кунлар сузиб, ниҳоят, қутилган соҳилга кўзи тушган саёҳатчилардай қувониб кетдик. Демак, биз Ойдан қулаб кетмаган эканмиз-да? Бўлмаса, остимиздаги бўшлиқ нима эди?

Тюрин бун биринчи бўлиб пайқади.

— Жарлик! — деб хитоб қилди у скафандрини меники билан уриштириб. — Ҳаддан ташқари кенг ва чуқур жарлик!

Ҳақиқатан ҳам шундай бўлиб чиқди.

Кўп ўтмай биз жарликнинг нариги четига етиб бордик.

Мен орқамга қараб, Тюриньерни кўрмадим. У уфқ ортида қолиб кетган эди. Фақат зим-зиё бўшлиқ қорайиб турарди.

Бу кашфиётдан учовимиз ҳам ҳангу манг эдик. Соколовский қулай жойни танлаб, ракетани қўндирди.

Биз индамай кўз уриштириб олдик. Тюрин скафандрини қашлади — у жуда боши қотиб қолган одамлардай гарданини қашимоқда эди. Биз скафандрларимизни яқинлаштирдик: ҳаммамиз ҳам ўз таассуротларимиз билан ўртоқлашишни истардик.

— Бун қаранглар-а, — деди ниҳоят Тюрин. — Бу Ойдаги бошқа жарликларга ўхшамайди. Бу жарлик Ой орқа томонининг у бошидан-бу бошигача чўзилган. Чуқурлиги ҳам планета умумий диаметрининг ўндан бир қисмидан кўпроқ келади. Бизнинг беозор йўлдошимиз касал, оғир касал экану, биз бўлсак бундан беҳабар эканмиз. Ҳайҳот, Ой — чала ёрилган шар.

Мен Ойнинг ҳалокати ҳақидаги ҳар хил фаразларни эсладим. Баъзилар, Ой Ер атрофида айланиб-айланиб, охири ундан узоклашиб кетади, дейишади. Шунинг учун ҳам келажакдаги Ер аҳолисининг кўзи олдида Ой тобора кичрайиб борармиш. Олдин у Зухро билан тенглашиб, кейин оддий юлдуздай бўлиб қолармиш, ва ниҳоят, бизнинг содиқ йўлдошимиз асрий бўшлиқда абадий ғойиб бўлармиш. Баъзилар, аксинча, Ойни бориб-бориб Ер ўзига тортиб олади, деб қўрқитишади. Шунга ўхшаш ҳодиса илгари ҳам юз берган эмиш: Ернинг иккинчи йўлдоши — кичкина Ой қачонлардир Ерга қулаб тушган дейишади. Шунинг натижасида Тинч океанининг ўрни пайдо бўлган эмиш.

— Ой нима бўлади? — деб сўрадим мен хавотирланиб. —

Ерга қулаб тушадими ёки асрий бўшлиққа чиқиб кетадими?

— Униси ҳам, буниси ҳам бўлмайди. У Ер афтрофида беҳисоб узоқ муддат айланиб юраверади, фақат шакли ўзгариши мумкин,— жавоб берди Тюрин.— Агар у фақат иккига бўлинса, Ер иккита йўлдошга эга бўлади. Иккита «ярим ой». Лекин аниқроғи — Ой майда қисмларга бўлиниб кетади ва шундай қилиб, Ер афтрофида Сатурниккага ўхшаш ёруғ минтақа пайдо бўлади. Майда бўлақлардан ясалган ҳалқа. Мен буни илгари ҳам айтганман, лекин Ойдан маҳрум бўлишимиз хавфи мен ўйлагандан кўра яқинроқ... Ҳа, мен Ойга ачинаман,— деб давом этди у қоронғи жарликка тикилиб.— Ҳм... Ҳм... Балки бу ҳолнинг юз беришини кутиб ўтирмасдан, уни тезлаштирилса-чи? Ойни парчалаб ташлаш учун мана шу жарликка бир тонна потенциал жойлаштириш кифоя қилса керак. Модомики, у ўлимга маҳкум этилган экан, лоақал бу ҳол бизнинг кўз олдимизда, бизнинг иродамиз билан юз берсин.

— Қизиқ, жарлик Ой қобиғининг қанча ичкарасига кириб борган-а?— деди Соколовский. Уни, геолог сифатида. Ойнинг тақдири эмас, планетанинг деярли марказигача кириб бориш имконияти қизиқтирарди.

Бу саёхатга Тюрин дарров рози бўлди.

Биз ҳаракат режасини муҳокама қила бошладик. Тюрин ракета-вагонни портлаш билан тормозлантириб, жарликнинг тик ёнбағридан аста-секин тушишни таклиф қилди.

— Тўхтаб-тўхтаб, ҳароратни ўлчаш мумкин,— деди у.

Лекин Соколовский бундай йўл билан тушишни оғир ва хатто хатарли деб ҳисобларди. Бунинг устига, секин тушилганда ёнилғи кўп сарф бўлади.

— Яхшиси, тўппа-тўғри тубига тушамиз. Қайтишда, агар ракета учун қулай майдонча топилса, икки-уч жойда тўхташимиз мумкин.

Соколовский капитанимиз эди, бинобарин, Тюрин бу гал итоат этишга мажбур бўлди. У фақат секинроқ тушишни ва ёнбағирнинг геологик составини кўриш учун иложи борица жарлик четига яқинроқ учишни илтимос қилди.

Биз туша бошладик.

Ракета жарлик тепасига кўтарилиб, ярим доира ясади-да, пастга қараб шўнғиди. Анча тиккага келиб қолган Қуёш ёнбағирнинг бир қисмини маълум чуқурликкача ёритиб турарди. Жарликнинг нариги ёнбағри ҳали кўринмасди. Ракета тоғдан тушаётган чанадай тобора қиялаб боради. Биз оёқларимизни тираб гавдамизни орқага ташлаб олган эдик. Тюрин фотоаппаратни чиқиллатарди.

Аввал силлиқ, қоп-қора қоялар кўринди. Баъзан улар кўким-тир тусга кирарди. Кейин қизғиш, сарғиш, зангори ранглар кўзга ташлана бошлади. Мен буни, бу ерда атмосфера узоқ сақланганидан ва металллар, айниқса темир, кислороднинг кучли таъсири остида Ердаги каби оксидланиб қолганидан, деб билдим.

Кейинчалик менинг бу тахминимни Тюрин билан Соколовский тасдиқлашди.

Кутилмаганда қоронғилик қаърига шўнғидик. Ракета соя жойга кирган эди. Бир лаҳза кўзларимиз ҳеч нарсани кўрмай қолди. Ракета ўнгга бурилди. Қоронғида қояга яқин учиш хавfli эди. Прожекторлар ёқилди. Икки нур тиғи зулмат қаърини тилиб борар, лекин ҳеч нарса кўринмасди. Тушиш секинлашди. Бир неча минут ўтди ҳамки, биз ҳамон бўшлиқда учиб борардик. Агар афтрофда юлдузлар йўқлигини демаса, бемалол сайёраларо бўшлиқда учиб кетяпмиз, деб ўйлаш мумкин эди. Лекин, мана нур ўткир қояга қадалди. Соколовский учишни яна ҳам секинлатди. Прожекторлар тоғ жинсларининг дағал қатламларини ёритди: Ўнг томонда девор кўринди. Биз чапга бурилдик. Аммо чап томонда ҳам ана шундай девор пайдо бўлди. Энди биз тор дарадан учиб борардик. Теварак-атрофимиздан ўткир қоялар бизни қисиб турарди. Қўниш мумкин эмас эди. Бир неча километр пастладик, лекин дара ҳануз кенгаймасди.

— Шу билан кифояланиб, юқорига кўтарилишга тўғри келади,— деди Соколовский.

Бизнинг ҳаётимиз ва ракетанинг хавфсизлиги унинг зиммасида эди. Аммо Тюрин орқага қайтишни тақиқлагандай Соколовскийнинг билагидан ушлади.

Учиш бир соат, икки соат, уч соатлардан бери давом этапти — аниғини айтиш қийин.

Ниҳоят, қияроқ бир майдонча кўринди, ҳарҳолда ўша ерга қўнса бўларди. Ракета ҳавода бир тўхтаб олиб, кейин жуда секинлик билан пастлай бошлади. Мана, ғилдиракларнинг ерга теккани ҳам сезилди. Ракета ўттиз даража қиялик билан турарди.

— Мана,— деди Соколовский.— Олиб тушишга олиб тушдим, лекин қандай қилиб қайтиб чиқиб кетамиз, буни билмайман.

— Ёнг муҳими — мақсадга эришдик,— жавоб берди Тюрин.

Ҳозир у бошқа ҳеч нарса ҳақида ўйлашни истамасди, тупроқ ҳароратини ўлчаш билан банд эди. Унинг бахтига, термометр бир юз эллик даража совуқни кўрсатди. Унчалик юқори ҳарорат эмас, лекин ҳарҳолда фараз ўзини оқлагандай кўринарди.

Геолог эса аллақачон болғачасини ишга солиб юборган эди. Болға остидан учқунлар сачрар, лекин бирор парча кўчиб тушмасди. Ниҳоят, ҳориб-чарчаган Соколовский қаддини ростлаб, скафандри билан мен томон энгашиди:

— Асл темир. Ўзим ҳам шуни кутган эдим. Тайёр кўчмалардангина фойдаланишга тўғри келади.— Шундай деб, у намуналар қидиришга тушиб кетди.

Мен юқорига қарадим ва беҳисоб юлдузларни, Сомон йўлини, ранг-баранг учқун шодаси териб қўйилгандай ярқираб турган жарлик четларини кўрдим. Кейин прожектор нури кетган томонга қарадим. Бирдан ён томондаги кичкина ёриқ олдида нур титраётгандай туюлди. Мен ёриқ олдига бордим. Ростдан ҳам шундай: ичкаридан билинар-билинемас буг ёки газ оқими чиқиб турарди.

Яна бир текшириб кўриш мақсадида бир чимдим кулни олдим-да, оқимга қараб отдим. Кул атрофга тўзғиб кетди. Бу жуда қизиқ ҳол эди. Шерикларимнинг диққатини тортиш ва бу ёққа чақириш ниятида бир четда илиниб турган қоя парчасини олиб улоқтирдим. Тош пастга учиб кетди. Ўн секунд ўтар-ўтмас тупроқнинг енгил титраганини пайқадим. Кейин иккинчи, учинчи, тўртинчи марта — ҳар гал олдингисидан кучлироқ ер титрагани сезилди. Мен нима гаплигини биллолмай ҳайрон эдим. Айрим зарбалар шу қадар кучли эдики, ернинг тебраниши бутун баданга ёйиларди. Шу пайт катта-кон бир тош олдимдан визиллаб ўтиб кетди. У прожектор нуруни кесиб ўтаётиб, метеоритдай бир ярқ этди-ю, зим-зиё бўшлиқда ғойиб бўлди. Қоялар титради. Мен катта хатога йўл қўйганимни сездим. Тоғда кичкина бир тошнинг қулаши катта ўпирилишларга сабаб бўлади. Ҳозир ҳам шундай ҳол юз берган эди. Ҳаммаёқдан қоя парчалари, тошлар қулаб туша бошлади. Улар қояларга келиб урилар, ундан сакраб, бир-бирлари билан тўқнашишар, атрофга учқун сачратишарди... Агар Ерда бўлганимизда момақалдиروқдай ваҳимали гулдиросни эшитган бўлардик, лекин бу ерда ҳаво йўқ, бинобарин, мутлақ сукунат ҳукмрон эди. Товуш, тўғрироғи — тупроқнинг тебраниши оёқлардангина ўтарди. Мен қаёққа қочишни, қаёқдан паноҳ излашни билмасдим... Агар ракета майдончасида туриб, менга зўр бериб қўл силкиётган Соколовскийни кўриб қолмаганимда, ким билади, турган жойимда ўлиб кетармидим. Ҳа, албатта, фақат ракетагина бизни сақлаб қолиши мумкин!

Бир неча сакрашдаёқ ракета олдига бориб қолдим ва тўхтамай майдончага отилдим, Соколовский шу заҳотиёқ ричағни тортди. Биз орқага қалқиб кетдик, бир неча минутгача оёғимиз осмонда бўлиб учдик. Соколовский ракетани шу қадар тик ҳайдарди. Ракетадан кетма-кет портлаш эшитиларди.

Соколовский ракетани юқорига ва ўнгга, иложи борица жар ёнбағридан нарироққа бурарди. Унинг бундай ноқулай ҳолатда туриб ракетани бошқаришидан ҳайратланаман! Чиндан ҳам кўпни кўрган, ҳар қандай шароитда ҳам ўзини йўқотмайдиган одам экан. Кўринишидан эса жуда оддий, шалдур-шулдур.

Ракетамиз Қуёш ёритиб турган кенгликка киргач ва дара соҳилидан анча узоқлашгандан кейингина Соколовский учини секинлатиб, ракетани тўғрилади.

Тюрин ўриндиққа ўрмалаб чиқиб олди-да, скафандрини ишқалади. Афтидан, профессор бўйинини андак лат едирганга ўхшайди.

Одатда катта фалокатдан омон қолган одамларда бўлганидай, бизни бирдан асабий бир шодлик чулғаб олди. Биз скафандр ойнасидан бир-биримизга тикилар ва тинмай кулардик...

Тюрин жарликнинг ёруғ томонига ишора қилди. Ҳозирги воқеа биз учун майдон тайёрлаб қўйган эди. Яна қанақа майдон денг?! Қаршимизда ўнлаб ракетага мос улкан ракетодром жойлаша оладиган поғона ҳосил бўлган эди. Соколовский ракетани

ўша томонга бурди, кўп ўтмай кафтдай текис майдонга қўндик. Ракета қарийб деворгача ғизиллаб бориб тўхтади. Тош ёки темир бу деворда узунасига кетган ёриқлар бор эди. Ҳар бир ёриққа ёнма-ён қўйганда бир неча поезд сигиши мумкин.

Биз «ракетодром» майдончасига тушдик. Ҳали ҳам ўзимизга келолмаган эдик. Асабларимизни жойига келтириш учун ҳаракат қилиш, ишлаш иштиёқини сезардик.

Мен Тюрин билан Соколовскийга «гейзер» топганим ҳақида, бизни ҳалок қилишига сал қолган ўпирилишга мен сабабчи бўлганим тўғрисида гапириб бердим. Аммо булоққа қизиқиб қолган Тюрин менинг айбим ҳақида оғиз ҳам очмади.

— Бу ахир жуда катта кашфиёт! — деб хитоб қилди у. — Ой жудаям ўлик планета эмас, деб ҳаммавақт айтардим. Озгина бўлса ҳам газ қолдиги қандай составда бўлмасин — атмосфера унда сақланган бўлиши керак. Сиз кўрган нарса — олтингутурт буғи бўлиши мумкин. Ой қобиғининг қаеридадир ҳали қайноқ магма сақланиб қолган. Буюк ёнғиннинг сўнгги ёниб тугаётган кўмирлари. Бу жарлик қаъридан буғлар ўзига йўл топган. Синаб кўриш учун озгина олмаганимизни қаранг. Қандай бўлмасин шу ишни қилиш керак. Ахир бу нарса олимлар ўртасида катта шов-шув туғдиради ҳали. Артемьев булоғи! Хўп денг! Сиз бунга тўла ҳақлисиз. Ҳозироқ учамиз.

У ракетага сакрамоқчи бўлган эди, Соколовский норозилик билан бош чайқади:

— Бугунга етади, — деди у. — Дам олиш керак.

— «Бугунга» деганингиз нимаси? — эътироз билдирди Тюрин. — Ойнинг бир куни Ердаги ўттиз кунга барабар. Ўттиз кун бир жойда қимирламай ўтираверасизми?

— Йўқ, ўтирмайман, — жавоб берди Соколовский муросага келиб. — Аммо манави жаҳаннамдан чиқишда рулда сиз ўтирганингизда эди, менинг аҳволимни тушунган ва бундай таклиф киритмаган бўлардингиз.

Тюрин Соколовскийнинг ҳорғин чехрасига қараб, индамай қолди.

Биз скафандрлардаги кислород запасини янгилаб, бир-биримиздан кўпам узоқлашмаган ҳолда теварак-атрофни кўздан кечиришга қарор қилдик.

Мен ял-ял товланиб турган энг яқин дарага қараб йўл олдим. У ердаги қоялар пуштиранг ва қизғиш тусда эди. Ана шу фонда тўқ кўк доғлар, афтидан бошқа жинс қатламлари бўлса керак, яққол ажралиб турарди. Ранглар ўзаро жуда чиройли бирикиб кетган эди. Мен тобора даранинг ичкарасига кириб борардим. Даранинг бир деворини Қуёш равшан ёритиб турибди, иккинчи деворга эса нур қия урилиб, пастда энсизгина соя ҳосил қилганди.

Кайфиятим яхши эди. Кислороднинг маст қилувчи оқими ўпкамга қуйилиб турарди. Ўзимни ғоят енгил ҳис қилардим. Баъзан буларнинг ҳаммасини тушда кўраётгандай бўлардим. Мароқли, ажойиб туш!

Ён томондаги даралардан бирида мангу қотиб қолган ранглар «шалоласи» ярқиради. Улар менинг диққатимни тортди, дарҳол ўнгга бурилдим. Кейин яна ва яна бурилишга тўғри келди. Ниҳоят, дараларнинг бутун бир йигиндиси олдидан чиқиб қолдим. Бу ерда адашиб кетиш ҳеч гап эмас эди, лекин мен йўлни эслаб қолишга ҳаракат қилардим. Ҳамма ерда ўша доғлар. Ёруғ жойда тўқ кўк тусда, сояга ўтилса тўқ сариқ, ярим кўланкада эса — оч кулранг. Ажабо, рангларнинг турлангани қизиқ: ахир ойда ранг-ни ўзгартирувчи атмосфера йўқ-ку. Мен ана шундай доғларнинг бирига яқинлашиб, разм солдим. Йўқ, бу тош жинси эмас. У қабарик ва менинг назаримда, наматдай юмшоқ эди. Бир тошга ўтириб, доғни кўздан кечиришга тутиндим.

Шу пайт, кутилмаганда, у соя жойдан ёруғ томонга сал силжигандай туюлди. Кўзим алдаяпти. Мен унга жуда узоқ тикилиб қолдим. Фикран бир нуқтани белгилаб, кузатишда давом этдим. Бир неча минутдан сўнг шубҳага ўрин қолмади: доғ ўрнидан силжиган эди. У соя жойдан чиқиб, кўз олдимда кўк тусга кира бошлади.

Ўрнимдан сакраб туриб, девор олдида чопиб бордим. Қоя қиррасига тирмашиб, яқин турган бир доғдан юмшоқ, наматсимон парчани юлиб олдим. У арча нусха нозик иплардан иборат эди. Ўсимлик-ку! Ҳа, албатта ўсимлик-да! Ой йўсини. Мана сизга кашфиёт! Кулранг доғдан яна бир тутам юлдим. Бу тутам қуқуруқ эди. Унинг илдиз томонига кўз югуртириб, охири майда сўргичлар билан туговчи оқиш «ёнғоқча»ларни кўрдим.

Биологик муаммо. Кўринишидан йўсинга ўхшайди. Лекин сўргичлари нимаси? «Илдизоёқлар!» Қоя бўйлаб Қуёш нурига эргашиб юра оладиган ўсимлик. Унинг кўк тусдалиги, албатта, хлорофиллдан. Нафас олиш, намлик-чи? Уларни қаёқдан олади?.. Мен Кэц ҳақидаги, составидан ҳам кислород, ҳам сув ажратиш олиш мумкин бўлган осмон тошлари тўғрисидаги гапларни эсладим. Албатта, Ойдаги тошларда ҳам бириккан ҳолда кислород билан водород — ҳаво ва сув составига кирувчи элементлар бор. Нега бўлмас экан?.. Ахир Ердаги ўсимликлар ғоят мураккаб кимёвий ишлаб чиқаришга эга бўлган ажойиб «фабрика» эмасми? Қуруқчилик ва жазирамадан тамом қовжираб кейин сувга солсанг қайтадан кўкариб кетадиган ўсимликлар Ерда йўқми? Бор. Бу ердаги ўсимликлар ҳам Ойнинг совуқ тунларида уйқуга кетади. Қуёш чиқиши билан «кимёвий фабрика» ҳаракатга келиб, ҳаёт учун зарур бўлган ҳамма нарсани ишлаб чиқараверади. Уларнинг ҳаракат қилиши-чи? Ерда ҳам бундай ўсимликлар йўқ эмас. Организмнинг мослашиш қобиляти чегарани билмайди.

Мен сумкамни йўсинга тўлдирдим-да, ўз «бойлигим» билан тезроқ мақтанишни ўйлаб хурсанд бир кайфиятда изимга қайтдим.

Ён томондаги даранинг охиригача бориб, ўнгга, ундан кейин яна ўнгга бурилдим. Бу ерда мен ярқираб турган ёқут ва олмосларга дуч келишим керак эди, лекин уларни кўрмадим... Орқага қайтиб, бошқа дарага бурилдим... Бутунлай нотаниш жой!

Қадамни тезлатдим. Энди юриб эмас, сакраб борардим. Жарлик четига етганда ҳайратдан қотиб қолдим. Қаршимда тамом янги манзара очилган эди. Жарликнинг нариги томонида тоғ тизмаси бўй чўзган. Бир хил баландликда учта чўққи алоҳида ажралиб турибди. Улар чақмоқ қанддай ярқирайди. Мен бунақа оппоқ чўққиларни умрим бино бўлиб кўрган эмасман. Албатта, бу қор эмас. Ойда қор ёғмайди. Балки, булар бўр ёки гипс тоғларидир. Лекин гап тоғда ҳам эмас. Мен бутунлай адашиб кетганимга ишонч ҳосил қилдим.

Юрагимни ваҳима босди. Гўё бирдан бу ажойиб Ой дунёси менга терс ўгирилиб олди. У инсонга нақадар ёт эди шу тобда! Гул ва кўкатлари, сон-саноксиз парранда ва ҳайвонлари бўлган бизнинг ўрмонларимиз, дала ва яйловларимиз бу ерда йўқ.

Бу ерда турли-туман балиқларга тўла дарё ва кўллар йўқ. Ой шунақа хасис, у одамга нон ҳам, сув ҳам бермайди. Ерда адашиб қолган киши ҳеч бўлмаганда ўсимлик илдизини еб ҳам бир неча кун яшаши мумкин. Бу ерда-чи? Яланғоч қоялардан бўлак ҳеч нарса йўқ. Йўсинлар-чи? Улар қумдай гап, уларни еб бўлмайди. Мабодо, атрофимда сут дарёлари оқиб ётганда ҳам барибир мен очлик ва сувсизликдан ўлиб кетган бўлардим: ахир скафандримни еча олмайман-ку.

Скафандр! Мен уни эслаб, худди вужудимни асрий музлик чирмаб олгандай, титраб кетдим. Менга нафас олиш ва яшаш имконини берадиган бутун «атмосфера» елкамдаги кичкина баллонга жойлашган. У олти соатга етади; йўқ, озроқ: кислород запасини янгиллаганимдан бери икки соат ўтди. Кейин нима бўлади? Бўғилиб ўламан... Кислород запаси ва мадорим қуримай туриб, тезроқ катта дарага чиқиб олишим керак!

Мен яна орқамга қайтиб, чигирткадай сакраб кетдим. Яхши ҳамки бу ерда сакраш одамни Ердагидай чарчатмайди...

Мана, дара ҳам тугади. Қаршимда Қуёш нури ёритиб турган, гилам ёзилгандай кўм-кўк янги дара. Афтидан, соя жойдаги ҳамма йўсинлар ўрмалаб чиқиб олганга ўхшайди. Лаънати йўсинлар! Уларни кўришга кўзим йўқ эди, лекин қаёққа қарамай, кўк ранг «манаман» деб турарди...

Балки бу ўзим келган ўша дарадир? Кўкариб қолгани учун таниёлмаётгандирман?

Яна бурилдим — қоп-қоронғи тор бир дара. Қуёш қиздирган костюмдан баданимга совуқ ўтгандай бўлди. Ёки асабларим чарчадимми?..

Энди қаёққа юриш керак? Орқада, икки марта бурилганингдан кейин, чуқур жарлик. Олдинда — зим-зиё, тор дара.

Мен беҳад дармонсизланганимни ҳис қилдим, дағал бир тошга бўшашибгина ўтириб қолдим. Бирдан остимдаги тош қимирлаб, ўрмалаб кетди... Бир нарса чақиб олгандай сапчиб ўрнимдан турдим. Асабларим ғоят нотинч эди. Жонли тош! Янги жонивор! Янги кашфиёт! Аммо шу дақиқада кашфиёт ҳақида ўйлайдиган аҳволда эмас эдим. Ўрнимдан турдиму олдинга отилдим.

Қаёққа кетаётганимни ҳатто ўйламасдим ҳам. Баъзан менга

баллондаги кислород тугаётгандай, ҳали-замон нафасим бўғила дигандай туюларди. Шундай пайтларда тўхтаб, кўкрагимни ушлардим. Бу ҳам ўтарди. Асаблар, асаблар! Майли, нафас олишга яроқсиз бўлса ҳам, Ойда атмосфера бўлганда эди! Тошни бири-бирига уриштириб, ёрдамга чақирардим. Атмосфера орқали акс нур-ракета прожекторларининг шуъласи ўтган бўларди. Дарвоқе, ҳозир бунинг ҳам фойдаси тегмасди: кўкдан кўзни олувчи қуёш нури ёғиларди. Агар скафандрнинг кўкиштоб ойнаси бўлмаса кўр бўлиб қолиш ҳам ҳеч гап эмасди.

Тамом умидсизланиб, ўлимимни кутиб турган пайтимда бирдан катта дарага кўзим тушиб қолди. Мен худди Васильев оролидаги Катта кўчага чиқиб қолгандай суюниб кетдим.

Одам деб шуни айтадилар-да! Ҳеч нарсани ўйламай, таваккалига юрган пайтимда туйғу мени шу ерга бошлаб келди.

Аммо кўп ўтмай қувонч ўрнини яна ташвиш эгаллади. Қайси томонга юриш керак? Ўнггами ёки чапгами? Мўлжални тамом йўқотдим! Яна «туйғу»ни синаб кўрмоқчи бўлган эдим, фойда чиқмади. Ўнгга қадам ташласам ҳам туйғу гинг этмайди, чапга боссам ҳам.

Яна «бош мия»га мурожаат қилишга — ўйлашга тўғри келди. Ракетадан тушиб, ўнгга бурилган эдим. Демак, ҳозир чапга юриш керак. Чапга кетдик.

Шу алфозда бир соатча юрдим. Очлик азоб бера бошлади. Даранинг эса охири кўринмайди. Қизиқ. Биринчи гал бурилишгача ярим соатдан озроқ юрган эдим-ку. Демак, бошқа томонга кетишман. Орқага қайтайми? Қанча вақт бекорга кетди! Мен шахд билан олдинга қараб юравердим. Бир маҳал дара торайди. Ҳа, бўлди — адашибман. Тезроқ орқага!

Қуёш аёвсиз қиздирарди. Оқ плашни ёпиниб олишга тўғри келди. Очлик тобора азоблар, ҳорғинлик қийнар, лекин мен худди ёв қувгандай тинимсиз сакраб чопардим. Бирдан олдимдан жарлик чиқиб қолди. Унчалик катта эмас, сакраб ўтса бўлади. Лекин ҳамма бало шундаки, бу ёққа келаётганимда мен уни учратмаган эдим! «Ёки хаёл суриб, пайқамай қолган эканманми?» Аъзойи баданимдан совуқ тер чиқиб кетди. Юрагим гупиллаб урарди. Тамом бўлдим! Бир оз дам олиш ва ўзимга келиш учун чўзилишга мажбур бўлдим. Қоп-қора осмондан менга сангори Қуёш тикилиб турарди. Менинг жасадимни ҳам мана шундай бефарқ ёритиб тураверади у... Йўқ, йўқ! Мен ҳали ўлганим йўқ! Кислород запаси ва қувватим бор... Шартта ўрнимдан турдим-да, бир сакрашда жарликдан ўтиб, чопиб кетдим. Қаёққа? Олдингами, орқагами — барибир, фақат тўхтамасам бас!

Дара кенгайиб борарди. Бир соатча сакраб чопганимдан кейин, ниҳоят, йиқилиб қолдим. Шунда биринчи марта чиндан ҳам ҳаво етишмаётганини ҳис қилдим. Бу энди ўз-ўзини алдаш эмас эди. Кўп ҳаракат қилганим учун кислород запаси вақтидан олдиноқ тугаган эди.

Тамом, тамом... Алвидо, Тоня!.. Арманистон...
Бошим айлана бошлади.

Шу пайт тепамда тухумсимон ракетамизнинг Қуёш нури ярқираган бир ёнини кўриб қолдим. Мени қидиришяпти! Қутулдим! Охирги кучимни йиғиб, сакраб турдим-да, қўлларимни силжитдим, овозим скафандрдан нари чиқмаслигини ҳам унутиб, ҳой-ҳойлаб бақирдим... Хайҳот! Қувонч қандай тез туғилган бўлса, шу қадар тез ғойиб бўлди: мени пайқашмади. Ракета дара устидан учиб ўтиб, тоғ чўққилари ортига беркинди.

Шу билан сўнгги мадорим ҳам тугади. Руҳимни қандайдир лоқайдлик эгаллаб олди. Кислород етишмаслиги ўз таъсирини кўрсатаётган эди. Кўз олдимда минглаб сангори қуёш айланарди. Қулоқларим ғувуллаб, ҳушдан кетдим.

Шу кунни қанча вақт ётганимни билмайман.

Бир маҳал, ҳали кўзларимни очмай, чуқур нафас олдим. Упкамга ҳаётбахш кислород қуйиларди. Кўзимни очдим. Соколовскийнинг тепамга энгашиб турган юзини кўрдим. У менга ташвиш билан тикиларди. Мен ракетамиз ичида, полда ётардим, афтидан, шу ерга олиб келишган бўлса кеак. Лекин нега скафандиримни ечишмаяпти?

— Сув... — деб шивирладим мен, гапимни эшитмасликларини ўйламай. Лекин Соколовский лабимнинг ҳаракатидан илтимосимни тушунди. У мени креслога ўтказди-да, скафандрини яқинлаштириб, деди:

— Чанқагансиз, қорнингиз очган, албатта.

— Ҳа.

— Афсуски, сабр қилишга тўғри келади. Аварияга учраганмиз. Дарадаги тоғ ўпирилиши ракетага бир оз шикаст етказган. Тош тегиб, дераза ойналари синган.

«Ўлим дараси»дан учиб чиқаётган вақтимизда ракетага бир нарсалар урилганини эсладим. Лекин у пайтда эътибор бермаган эдим.

— Эҳтиёт ойналаримиз бор, — давом этди Соколовский. — Лекин уларни ўрнатиш учун кўп вақт кетади. Қисқаси, катта ракетамизга тезроқ етиб олишимиз керак. Ойдаги саёҳатни тугатишга тўғри келади.

— Нега мени ракета ичкарасига олиб кирдингиз?

— Шунинг учунки, — жавоб берди Соколовский, — икки-уч соатда манзилга етиб олиш учун жуда катта космик тезликда учишга тўғри келади. Портлашлар кучли бўлади, гавданинг огирлиги бир неча марта ортади. Сиз жуда бедармонсиз, устки майдончада ўтиролмайсиз. Профессор Тюрин ҳам сиз билан бирга кабинада бўлади.

— Тирикмисиз, азизим! — мен Тюриннинг товушини эшитдим. — Сизни топишдан умидимизни узиб қўйган эдик...

Бу овозда кутилмаган бир илиқлик бор эди.

— Энди полга чўзилинг. Мен ҳам ёнингизда ётаман, ўртоқ Соколовский рулга ўтиради.

Бир минутдан кейин ойнаси синиқ ракетамиз тоғ чўққилари устидан учиб борарди. Кескин равишда гарбга бурилдик. Бир лаҳза ракета ёнбошлаб қолди. Пастда бизни ҳалок қилишига

озгина қолган тубсиз жарлик ва дарадаги қўниш майдончаси кўринди. Ракета портлашлар зарбидан титрарди. Танага қўрғошин қуйилгандай. Қон гоҳ бошга, гоҳ оёққа урилади. Менинг яна бошим айлана бошлади... Сал ҳушдан ҳам кетдим, лекин бу гал ўзимни тез ўнглаб олдим. Кислород — ажойиб ҳаётбахш дори. Соколовский скафандримга кўпроқ миқдорда кислород кириши ҳақида ҳам егани сезилиб турарди. Лекин босим бир атмосферадан ошмаслиги керак, акс ҳолда костюм бардош беролмайди. Шундоқ ҳам у ортиқча ҳавони чиқариб турувчи механизми бузилиб қолган ғаввос костюмидай қаппайиб кетган эди.

Саёҳат пировардигача шу қадар соғайиб кетдимки, кичкина ракетадан ўзим тушиб, катта сайёралараро кемамизга ўз оёғим билан чиқдим.

«Ғаввос» костюмини қандай ҳузур билан ечиб улоқтирганимни кўрсангиз эди! Еб-ичиш десангиз — беш кишининг улуши!

Кайфиятимиз тез яхшиланиб кетди. Мен энди ўз саргузаштларим, илмий кашфиётларим ҳақида кулиб гапирар ва тош деб ўйлаб, «Ой тошбақаси»ни қўлдан чиқазиб юборганим учун ўзимни сира кечиролмасдим. Дарвоқе, унинг мавжудлигига энди шубҳа билан қарардим. Эҳтимол, бузилган асабларим тўқиган ҳаёлотдир. Аммо йўсинлар, «ўрмаловчи йўсинлар», «Тушлар мамлакати»дан келтирилган ўлжадай менинг сумкамда ётарди.

Ойга уюштирилган экспедициямиз, қисқа муддатли бўлишига қарамай, бой илмий самаралар берди. Бизда Ер олимлари ўртасида шов-шув бўладиган маълумотлар талайгина эди.

Кайфиятимиз осойишта бўлди. Номаълумлик қаршисида одамни беихтиёр босадиган руҳсизлик энди йўқ эди. Кэц Юлдузига худди ўз уйимизга қайтаётгандай учиб борардик. Лекин қани у? Мен осмонга қарадим. Баландда, жуда олисда «ер» ўроғи осилиб турибди. Пастда кўкнинг ярмини Ой эгаллаган. Унинг бағрида ўлиб кетишимга бир баҳя қолган бўлса ҳам, кўриниши ваҳимали эмасди ҳозир.

Мен мана шу Ой устида кезиб юрдим, унинг сиртида бизнинг изларимиз қолди, «Ой парчаси»ни ўзимиз билан Кэцга, Ерга олиб кетяпмиз. Бу ҳол бизни Ой билан янгидан, яна ҳам кўпроқ яқинлаштирарди...

XV. ЮЛДУЗДАГИ ТАШВИШЛАР

— Қани, кўрайлик-чи, кўрайлик-чи! — дерди Меллер, Тюрини у ёқ-бу ёққа айлантириб. — Офтобда қорайиб, ёшариб кетибди «ўргимчак». Худди куёв боланинг ўзи-я! Мускуллар-чи? Сакрамай туринг энди. Мускулларингизни кўрайлик. Мушаклар бўшроқ. Оёқларингиз анча чиникибди. «Ўргимчак уяси»да яна неча йил ўтирмакчисиз?

— Йўқ-йўқ, энди ўтирмайман, Анна Игнатьевна! — жавоб берди Тюрин. — Яқинда яна Ойга учаман. У ёқда иш кўп. Марсга, Зухрога учаман.

— Ҳо-о, ботир бўлиб кетибсиз-ку! — деб ҳазиллашди Меллер. — Қани, энди қонингизни бир текширайлик-чи. Ой Қуёши қанча қон шарчаларини қўшди экан... Ойдан келадиган беморлар бизда жуда оз.

Врач кўригидан ўтгандан сўнг Тонянинг олдига қараб жўнадим. Назаримда у Юлдузга қайтгандай туюларди. Уни нақадар соғинганимни эндигина ҳис қилдим.

Кенг йўлак бўйлаб учиб борардим. Кэцда оғирлик Ойдагидан оз, бинобарин, мен худди раққослардай оёғимнинг учини полга салгина теккизиб, учарбалиқдай парвоз қилардим. Кэцликлар мени ҳар қадамда тўхтатиб, Ой ҳақида сўрашарди.

— Кейин, кейин, ўртоқлар, — дердим уларга жавобан ва учишда давом этардим.

Мана унинг эшиги. Аста тикиллатдим. Эшикдан нотаниш қиз мўралади. Унинг қўнғир сочлари юзига, катта-катта кул ранг кўзлари устига тушиб турарди.

— Салом, — дедим мен салгина довдираб. — Ўртоқ Герасимовани кўрмоқчи эдим. Бу хонадан кўчиб кетганмилар?

— Ўртоқ Артемьевмисиз? — деб сўради қиз худди эски танишини кўргандай кулимсираб. — Герасимова командировкадан ҳали қайтганлари йўқ, ҳали-вери қайтмасалар ҳам керак. Мен бу хонада вақтинча турибман. Ҳозир у киши физика-техника лабораториясида ишляптилар.

Менинг ҳафсалам пир бўлганини қиз пайқади шекилли, дарров қўшиб қўйди:

— Лекин телефон орқали гаплашингиз мумкин. Радиорубкага кириңг.

Қизга наридан-бери ташаккур айтиб, радиотелефон станциясига қараб учдим. Радистнинг хонасига ўқдай отилиб кирдимда:

— Физика-техника лабораториясини уланг! — деб қичқирдим.

— Ҳозир! — деди у ва аппарат қулоғини бурай бошлади. — Ўртоқ Герасимовами? Ҳозир... Алло! Алло! Марҳамат.

— Мен Герасимоваман. Ким гапиряпти? Артемьевми?

Агар эфир алдамаётган бўлса, унинг овозида қувонч барқ урарди.

— Салом, сиз билан гаплашаётганимдан жуда хурсандман! Ҳалок бўлишингизга сал қолибди-я? Сиз учиб келмасингиздан олдин эшитувдим. Ой ракетасидан хабар қилишган эди... Хайрият, яхшилик билан тугабди. Мен бўлсам абсолют совуқлик лабораториясида жуда қизиқ ишлар билан машғулман. Лаборатория ракетамизнинг соя томонидаги балконга жойлашган. Фазовий костюмда ишлашга тўғри келяпти. Сал ноқулайроқ. Аммо абсолют совуқлик шундоққина қўл узатса етадиган жойда. Паст қароратда чала ўтказгичларнинг қаршилиги соҳасида анчагина қизиқарли кашфиётлар қилиб қўйдим.

Шундай деб, у ўз кашфиётлари ҳақида гапира кетди. Қачон қорасоқол ва Палей ҳақида гапиради? Менинг сўрашим ноқулай.

У Кэцга келиб кетмоқчи экан, лекин ер ҳисоби бўйича бир ойлардан кейин.

— Қидиришларингиз нима бўлди?— деб сўрадим ниҳоят ўзимни тутолмай.

Аммо шу пайт радист гапга аралашиб қолди:

— Шошилиш тарзда Кэц саккиз ракетаси чақиряпти. Узр, суҳбатларингизни бўлиб қўйишга мажбурман.

Радиостанциядан таъбим хира бўлиб чиқдим. Тоня хурсанд бўлди, сезилиб турибди. Демак, ҳар ҳолда менга бефарқ қарамас экан. Лекин нуқул ўзининг илмий ишлари ҳақида гапирди. Палей тўғрисида оғиз ҳам очмади. Яқин ўртада кўришмаймиз ҳам...

Йўлакда мени бир йигит тўхтатди.

— Ўртоқ Артемьев, сизни қидириб юрибман. Директор сўраяпти.

Пархоменко ҳузурига жўнадим. У Ойга қилган саёҳатимиз ҳақида батафсил сўраб-суриштирди. Лекин менинг жавобларим бемаънироқ бўлди.

— Бугун ҳорғин кўринасиз,— деди директор.— Дам олинг, эртадан ишга киришасиз. Биологимиз ўртоқ Шликов сизни кўпдан бери кутяпти.

Мен тезроқ ёлғиз қолишни истардим. Лекин қорним оч эди, шунинг учун ошхонага жўнадим. У ерда кэцликларга саёҳат ҳақида гапириб беришга тўғри келди. Жуда машҳур бўлиб кетдим — Ойга бориб келган биринчи кишиларданман, ахир. Улар мени зўр эътибор билан тинглашар, менга ҳавас қилишарди. Бошқа маҳал бўлганда ўзимга ҳам татирди, лекин ҳозир Тоняни кўролмаганимдан кўнглимга қил ҳам сиғмасди. Чарчаганимни баҳона қилиб, гапни қисқа қилдим-да, ниҳоят, ўз хонамга етиб олдим. Мен йўқлигимда деворга майда тўрли буклама каравот осиб қўйишпти. Кўрпанинг ҳожати йўқ эди. Каравотга чўзилиб, ўйга берилдим. Хаёлан Ойдан Васильев оролига, ўз лабораториямга, Тонянинг олдидан номаълум Палей ҳузурига қатнайвериб, ниҳоят уйқуга кетибман...

* * *

— Ўртоқ Артемьев! Ўртоқ Артемьев!..

Кўзимни очиб, сакраб ўрнимдан турдим. Эшик олдида сочи устарада олинган бир йигит турарди.

— Кечиринг, уйқунгизни буздим. Лекин турадиган вақтингиз ҳам бўлди шекилли. Биз сиз билан сал-пал танишиб олганмиз. Ошхонада, эсингиздами? Аэролог Кистенко. Сиздан Ой йўсинлари ҳақида сўраган эдим. Бу ҳақдаги хабар Кэц шахригача етиб борибди. Ердаги кэцликлар намуна юборишни сўрашяпти. Бугун Кэц шахрига аэрологик ракета жўнатаман.

— Марҳамат,— дедим мен ва сумкадан бир парча «наMAT» олиб узатдим.

— Жуда соз. Бу йўсин Ердагидан оғирроқ кўринади, лекин умуман енгил. Оғирлик ҳақида гапираётганимдан ажабланишми? Ахир менинг ракетам Ерга учади-да. Кэц шахрига ҳар куни биттадан ракета жўнатаман. Ерга етгунча йўл-йўлакай у автоматик тарзда барча аэрологик ёзувларни олиб боради — Ердан турли масофа узоқликдаги атмосферанинг состави, космик нурларнинг тарқалиш тезлиги, ҳарорат, намлик ва ҳоказо. Йўлнинг тахминан тўртдан уч қисмида ракета Кэц Юлдузидаги радионур орқали бошқарилади, шундан кейин эса уни Кэц шахрининг радионури ўз ихтиёрига олади. Ракета автоматик равишда очилувчи парашюта қатъий белгиланган нуқтага, бир квадрат метр майдончага кўнади. Чакки эмас-а? Шу ракетада хат-хабарлар ҳам жўнатилади... Ракетанинг вазни аниқ ҳисобга олинган. Шунинг учун ҳам йўсиннинг оғирлигини билиш муҳим. Сизга яна бир карра ташаккур.

У чиқиб кетди. Мен соатимга қарадим. «Ер», Ленинград вақти билан эрталаб эди. Нонушта қилиб, ишга жўнадим.

Биолог Андрей Павлович Шликовнинг кабинети эшигини очиб, бир лаҳза тўхтаб қолдим. Бу кабинет Ердаги бошлиқларнинг кабинетига ўхшамасди. Агар Тюринни девор қавагидаги ўз уясига биқиниб олган ўргимчакка қиёс қилган бўлсак, Шликов кўм-кўк боғдаги капалак қуртига ўхшарди. Кабинет ичи гуркираб ётган майда баргли кўкатлар билан қопланган эди. Худди қуёш нури ёритиб турган яшил гор дейсиз. Хонанинг тўрида, тўқима курси устида семиз, қорадан келган ўрта ёшлардаги киши — Шликов ёнбошлаб ётибди. У менга бир оз шалвиллаганроқ ва айни пайтда уйқисираётгандай кўринди. Унинг қовоқлари худди ёғ босгандай осилиб кетган эди. Мен киргач, уйқули қовоқлари кўтарилди-ю жуда шўх, ақлли, кулранг кўзларга назарим тушди. Кўзларининг ўйноқчилиги унинг вазмин ҳаракатларига сира мос келмасди.

Биз саломлашдик. Шликов мендан Ой ҳақида сўрай бошлади. Олдидаги узун алюмин столда бир тутам йўсин ётарди.

— Ойда мана бу йўсинни топганингизнинг ҳеч қандай ажабланарли ери йўқ,— деди у босиқлик билан дон-дона қилиб.— Ерда маълум бўлган бактерияларнинг, моғор замбуруғларининг споралари жуда паст ҳароратга, икки юз эллик даража совуққа ҳам чидайверади, яшаш қобилятини йўқотмайди. Уларнинг нафас олиши-чи? Бу интрамолекуляр тарзда юз бериши ҳам мумкин, бунда ҳатто бириккан ҳолдаги кислоталарнинг бўлиши ҳам шарт эмас. Азотобактерияларимизни эсланг. Озиқланиш масаласи-чи? Амёбаларимизни эсланг. Уларнинг ҳатто оғзи ҳам йўқ. Бирор «еб бўладиган» нарсa топишса, бутун таналари билан чирмаб олиб, ҳазм қилишади. Лекин «тошбақа» масаласи мураккаброқ. Мен Ойда бундан кўра мураккаб жониворлар яшаши мумкинлигини ҳам рад этмайман. Организмнинг мослашиш қобиляти деярли чексиз... Мана, биринчи қадам қўйилди. Ҳадемай биз Еримизнинг ўтмишини қанчалик билсак, Ойнинг ўтмишдаги органик ҳаётини ҳам шу қадар билиб оламиз.

Шликов тўхтади, дафтарчасига бир нималарни ёзиб, давом этди:

— Энди ишимиз ҳақида. Кэц Юлдузидаги энг биринчи вазифамиз, — мен биологларни назарда тутяпман, — шундан иборатки, биз ўз эҳтиёжларимиз учун ўсимликлардан иложи борида кўпроқ, тўлароқ фойдаланишимиз керак. Ўсимлик бизга нима бериши мумкин? Биринчи галда — озиқ-овқат. Бундан ташқари, ҳаво ва сувни тозалаш ва, ниҳоят, чиқинди материал бериши мумкин. Бу материалдан охириги заррасигача фойдаланишимиз керак.

— Биз ўсимликларни ўзимизга кераклича ўзгартиришимиз, мукаммаллаштиришимиз зарур. Биз бу ишни қила оламизми? Қила оламиз. Ердагидан кўра осонроқ қила оламиз. Чунки бу ерда аёз ҳам, қурғоқчилик ҳам, офтоб уриши ҳам, гармсел ҳам йўқ. Биз ҳар бир ўсимлик учун сунъий равишда исталган иқлимни яратишимиз мумкин. Ҳарорат, намлик, тупроқ ва ҳавонинг состави, нур тақсимланиши — ҳаммаси қўлимизда. Ердаги оранжереяларда эса буларни гоёат нисбий даражада амалга ошириш мумкин. Бу ерда атмосферага тарқалиб, Ер сиртига ҳеч қачон етиб бормайдиган қисқа ультрабинафша нурлар бор. Мен космик нурларнинг тарқалишини кўзда тутяпман. Ниҳоят, оғирликнинг йўқлиги. Ернинг тортиш кучи ўсимликнинг ривожига ва ўсишига қандай таъсир қилишини сиз яхши биласиз...

— Геотропизм, — дедим мен.

— Ҳа, геотропизм. Илдизлар Ернинг тортиш кучи йўналишини компас мили шимолни қандай сезса, шундай ҳис қилади. Модоники илдиз ана шу йўналишдан четлар экан, бу фақат намлик ва озиқ «қидириш»нинг натижаси. Оғирлик кучи бўлмаган шароитда ҳужайраларнинг бўлиниши, ўсиш, ўсимликнинг шаклланиши қандай юз беради? Бу ерда оғирлик кучи мутлақо йўқотилган лаборатория бор. Бинобарин, Ерда мумкин бўлмаган тажрибаларни қила оламиз. Ўсимлик ҳаёти билан боғлиқ мавҳум масалаларни ҳал қилганимиздан кейин тажрибани ер шароитига кўчирамиз. Мен ишни геотропизмни ўрганишдан бошлашингизни истардим. Катта оранжереяда ассистент Крамер ишляпти, лабораторияда сизга янги ходим Зорина ёрдамлашади.

Шликов жим бўлиб қолди. Мен эшик томон бурилаётганимда у қўли билан ишора қилиб тўхтатди.

— Ўсимлик — бу ҳали ҳаммаси эмас. Ҳайвонлар устида ҳам жуда ғалати тажрибалар ўтказаямиз. У ерда Фалеев ишлайди. Ундан кўпам хурсанд эмасман. Бошда ишни яхши олиб бораётган эди, кейинги пайтларда бутунлай ўзгариб кетди. Агар бу иш сизни қизиқтирса, ўша ёққа ўтказган бўлардим. Ҳарҳолда шу лабораторияга бир кириш, қилинаётган ишларни кўринг. Ҳозир эса Катта оранжереяга боринг. Крамер сизни иш билан таништиради?

Вазмин қовоқлар қуйи тушди? Шликов мен билан бош ирғаб хайрлашиб, яна ёзишга тушиб кетди?

XVI. КРАМЕРНИНГ ТАБИАТИ БУЗИЛЯПТИ

Мен йўлакка учиб чиқдим?

— Ўртоқ Артемьев! Сизга хат бор! — деган овоз эшитилди орқадан. Ешгина «почтальон» қиз конверт узатди. Мен шоша-пиша олдим уни? Кэц Юлдузига келганимдан бери биринчи хат олишим эди-да, ахир. Марка ёеиштирилган. Тамғада Ленинград деган ёзув. Юрагим хаперикиб кетди?

— Ленинграддан, — деди қиз. — Мен бу шаҳарда ҳеч қачон бўлмаганман. Айтинг-чи, яхши шаҳарми?

— Ажойиб шаҳар! — жавоб бердим мен шавқ билан. — Москвадан кейинги энг яхши шаҳар. Менга Москвадан кўра ҳам кўпроқ ёқади?

Шундай деб, Ленинграднинг Стрельня ва Пулково баландликларига тутшиб кетган янги кварталлар ҳақида, унинг ажойиб боғлари, шаҳарга Венеция қиёфасини берувчи хушманзара каналлари ҳақида, метрополитен ҳақида, чанг ва завод-фабрика дудларидан тамом ҳоли Ленинград ҳавоси ҳақида, сон-саноксиз кўприклардаги йўловчини шамолдан асровчи шиша тўсинлар ҳақида, болаларга мўлжалланган қишки боғлар, биринчи даражали музейлар, театрлар, кутубхоналар тўғрисида мароқ билан ҳикоя қила кетдим...

— Ҳатто иқлими ҳам ўзгариб кетган, — дедим мен. — Атрофдаги юзлаб километрга чўзилган торф ботқоқликлари қурилди, лойқа босган дарё ва кўллар тартибга келтирилди, шаҳар четидаги баъзи каналлар кўмилиб, хиёбонга айлантирилди ёки кўприклар билан қопланди. Ҳавонинг намлиги анча камайди, унинг тозаллиги эса ленинградликларга қўшимча офтоб нури бахш этди. Энди ҳар қандай автомобиль ва юк машинаси шаҳарга лой ва чанг олиб кирмаслиги учун аввал ғилдиракларини ювиб, кейин шаҳарга киради. Нимасини айтасиз! Ленинград — Ленинград-да!

— Ленинградга албатта бораман! — деди қиз ва бош ирғаб нари учиб кетди.

Хатни очдим. Лаборантим лабораториядаги ремонт ишлари гугаёзгани ҳақида ёзибди. Кейин, янги асбоб-ускуналар ўрнагилаётган эмиш. Янги аппаратларни ўрнатиб бўлгандан кейин лаборатория профессор Габель билан бирга Арманистонга жўнариш, чунки менинг ҳали-вери қайтишимдан умидларини узипти.

Мен тўлқинланиб кетдим. Ёки ҳаммасини ташлаб, Ерга жўнаб қолайми?..

Крамер қаршимда пайдо бўлиши хаёлимни бўлди. Оранжереяни кўрганимдан кейин эса яна ҳамма нарсани унутдим. У менда жуда зўр таассурот қолдирди.

Лекин у ёққа тўғридан-тўғри кириб бормадим. Крамер менга, тарчи фазовий бўшлиққа мўлжалланганидан енгилроқ бўлса ҳам, «говвос» костюми кийишини таклиф қилди. Костюмга радио-телефон ўрнатилган эди.

—Оранжереяда босим бу ердагидан анча паст,— деди Крамер.— Атмосферасида эса карбонат-кислота анча кўп. Ерда карбонат-кислота атмосферанинг атиги уч мингдан бир бўлагини ташкил этса, оранжереяда — уч юздан бир қисмини ташкил қилади, айрим бўлимларида эса бундан ҳам кўп. Бу инсон учун хатлари. Аммо ўсимлик учун, асти қўяверасиз!.. Худди тошкўмир даврида ўсгандай ўсади!

Крамер бирдан ҳеч нарсадан-ҳеч нарса йўқ кула бошлади, кулганда ҳам, назаримда, жуда узоқ кулди.

—Бу скафандрларда,— деди у ниҳоят кулгидан тўхтаб,— радиотелефон бор, гаплашиш учун бир-биримизга бошимизни эгиб ўтирмаймиз. Тез орада фазовий скафандрларга ҳам мана шундай радиотелефонлар ўрнатилади. Бу жуда ҳам қулай, нима дедингиз? Буни, назаримда, сиз Ердан олиб келган танишингиз ихтиро қилган.

Крамер менга кўз қисиб қўйиб, яна хахолай бошлади.

«Ким кимни олиб келди экан,— кўнглимдан ўтказдим мен.— Иннайкейин, Крамер бугун нега ҳадеб кулиб ётибди?»

Биз атмосфера камерасидан ўтиб, ракетани оранжерея билан туташтирувчи узун йўлак бўйлаб учиб кетдик.

— Бизда бир нечта оранжерея бор,— дея жавварди Крамер.— Биттаси, учиб келаётиб кўрганингиз узун оранжерея? Ха-ха-ха! Эсингиздами, четга учиб кетишингизга сал қолган эди, шундан кейин кучукчадай боғлаб олган эдим? Ҳозир янги, конуссимон оранжереяга кетяпмиз. У ерда ракетадагига ўхшаб оғирлик мавжуд, лекин жуда оз. Ердагининг атиги мингдан бир қисми? Бўйи бир метр келадиган дарахтдан узилган япроқ ерга йигирма дақиқадан кейин тушади. Лекин шу даражадаги оғирлик кучи барча чиқинди ва чангларнинг пастга чўкиши ва бизга меваларнинг атрофга учиб кетмай, ерга тўкилиши учун кифоя қилади... Сиз ҳали «вазнсиз ванна»да чўмилганингиз йўқми? Ажойиб!— бирдан у хиргойи қила бошлади ва кетидан яна хунук кулди.— Яна бир қанча тажриба лабораторияларимиз ҳам бор, уларда оғирлик кучи мутлақо йўқ. Ванна ўша ерда... Мана, етиб ҳам келдик. «Парда ҳам кўтарилди...»— дея декламация қилди у эшикни очаркан.

Аввалига нурдан кўзим қамашиб кетди. Кейин, яхшилаб разм солиб, оғзи воронкадай кенгайиб кетган улкан тоннелни кўрдим. Эшик воронканинг тор тубида жойлашган эди. Воронканинг нариги оғзи ташқарига қабариб чиққан катта ойна билан тўсилган эди.

Ойнадан ичкарига нур ёғилиб кирарди. У шу қадар кучли эдики, худди кинога сурат олинаётган-у, минглаб прожекторлар ёқиб қўйилгандай туюларди. Тоннелнинг деворлари турли-туман тусдаги кўкатлар билан қопланганди. Бу яшил гиламни енгил алюмин панжарали торгина кўприкчалар кесиб ўтган. Манзара кишини ҳайратга солади. Баъзи ўсимликлар билан яқиндан

танишганимдан сўнг ҳайратим яна ҳам ортиб кетди. Ўзим ўсимликлар физиологиясини махсус ўрганаётган биолог-ботаник бўла туриб, ўсимликларнинг қанчалик «итоаткор» бўлиши, уларнинг ташқи кўриниши ва ички тузилиши қай даража ўзгариши мумкинлиги тўғрисида заррача ҳам тасаввурга эга эмас эканман.

Мен ҳаммасини шошмасдан, синчиклаб кўздан кечиришни истардим. Аммо қулоғим тагида Крамер тинимсиз бидирларди:

— Бари Шликовнинг иши! Гений. Ҳадемай унинг қўлидаги ўсимликлар кучукчалардай орқа оёғида рақсга тушади, булбул бўлиб сайрайди? Ўргатади шунга! «Ғалла экинлари,— дейди у,— қуёш энергиясининг олтмишдан бир бўлагидангина фойдаланади, банан эса ундан юз марта кўп. Гап фақат иқлимда эмас. Ҳамма ўсимликни ҳам энергиядан юзлаб марта кўпроқ фойдаланишга мажбур қилиш мумкин».

—Менга бу ҳақда гапириб берган у киши,— дедим мен Крамерни гапдан тўхтатмоқчи бўлиб, лекин фойда чиқмади.

— Шликов шунга эришди ҳам. Самараларини кўряпмизми? Мана бу нусхага бир қаранг. Хўш, бунга нима деймиз? Ха-ха-ха!

Мен ҳангу манг бўлиб қолдим. Қаршимда бўйи одам барабар келадиган бута ўсиб турарди, япроқлари шапалоқдай, қип-қизил серсув мевалар нақ тарвуздай, ўзи земляникага ўхшайди. Ҳа, ростдан ҳам баҳайбат земляника. Танаси ерга ястанмай, юқорига бўй чўзган. Ингичка бандларда шундай катта мевалар осилиб турарди. (Оғирлик йўқлигининг шарофати бу.) Баъзилари қип-қизил, баъзилари ҳали пишмаган.

—Битта бутадан кунига ўнлаб мана шунақа мева териб оламиз,— деб сайрарди Крамер.— Бир ёқдан узсанг, бир ёқдан пишиб туради. Тиним йўқ. Бизнинг ўсимликларимиз ҳатто Ердаги тропик ўсимликлар қиладиган икки ҳафталик ҳордиқни ҳам билмайди. Қуёш нурини эмиб, тупроқдан сув ва озиқни сўриб, ширин-шарбат мевага айлантириб бераверди. Бу ерга Қуёш ботмайди. Оранжереядаги атмосфера ҳамиша соф. Бу бир томондан. Иккинчидан — бу ердаги атмосферада худди тошкўмир давридагидай карбонат-кислота кўп.

— Карбонат-кислота ҳақида гапирувдингиз.

—Манави баргларга қаранг,— давом этди Крамер, менинг луқмамга парво ҳам қилмай.— Улар деярли қоп-қора, шунинг учун ҳам қуёш энергиясини батамом ўзига ютади, лекин ўсимлик қизиб кетмайди. Сувнинг буғланиши камаяди, холос. Буғлантириш учун ўсимлик қанча энергия сарфлашини биласизми? Фойдали ишга нисбатан ўттиз беш-қирқ марта ортиқ. Бу ерда эса ана шу энергия «гўшт»га кетади. Япроқларнинг қалин, гўшторлигини кўринг. Баъзиларида барг оғизчалари ҳам кўринмайди. Меваларининг катталиги-чи! Мана бу нусха эса фақат ажратади,— деди у баргларидан сув томчилаб турган бир кўкатни кўрсатиб.— Бу ўсимлик эмас, Богчасарой фонтани. «Кўз ёши фонтани»ни кўрганмисиз? Томчилагани томчиллаган! Бу бизнинг табиий сузгичимиз.

— Мана бу ҳам ажойиб ўсимлик, — давом этди у тор кўприкчадан юриб бораркан. — «Мева шарбати дўкони» ёки шарбатхона. Кўряпсизми: танасида ёриқ бор, ундан ҳам сув томяпти. Татиб кўринг-а? Қалай, ширинми? Лимонад! Тупроққа эътибор беринг — нақадар майин? Фойдали бактериялар ҳам мингта заррачага биттадан эмас, ўнлаб тўғри келади. Нўхат, ловияларга бир қаранг. Ҳар биттаси нақ олмадай!

— Манави шиша тўсиқлар эса айрим ўсимликлар учун махсус шароит яратиш мақсадида қилинган: газларнинг энг мувофиқ таркиби, энг соз ҳарорат шу бўлимларда. Зараркунандалар йўқ. Бегона ўт йўқ. Нур ўтказгичлар энг мақбул нур таркибини узатиб туради... Ира! Ира! Нима қияпсан, тентак, — дея қичқирди у бирдан ва сакраб, оранжерея бўйлаб учиб кетди. — Ира! Ира! — ҳамон бақирарди у қайсидир бута ортида, худди биров уни пичоқлаётгандай.

Бу одамга нима бўлган ўзи? Яқиндагина оғир-вазмин, хушмуомала йигит эди. Энди бўлса сиркаси сув кўтармай қолибди? Мен уни нима бу қадар ғазаблантириб юборганини аввалига тушунмадим. Кейин қандайдир шовқин ва вишиллаган товушни эшитдим, тўкилган япроқлар воронканинг кенг оғзидан тубига томон учиб келарди.

— Нега вентиляторни бунчалик қаттиқ қўйдинг? Довул қўзгамоқчимисан? — қичқирарди Крамер? — Ўсимликларни пайҳон қилмоқчимисан?.. Пасайтир, ҳозир Ерга улоқтириб ташлайман!

Шовқин ва барглarning ҳаракати сал босилди. Қаердандир чийиллаган овоз эшитилди:

— Кеча ўзинг йигирма олтига қўй, деб тайинлаган эдинг-ку...

— Туш кўргансан!

Мен йўл-йўлакай айниқса диққатимни тортган ўсимликлар олдида тўхтаб, шиша доира томон юрдим... Ингичка пояли кўкнори гуллари чўғдай ловиллаб турарди. Уларнинг ҳар бир чақоғи чақалоқнинг калласидай келади.

— Кўряпсанми? Чайқалиб, кўкнори уруғининг тўкилишини кўряпсанми! — деб бақирарди у.

Бу уруғнинг ҳар биттаси нўхатдай эди.

«Воронка»нинг ўртасига томон кўп метрли полиз ва сабзовот майдони чўзилиб кетганди. Диаметри ярим метр келадиган кунгабоқар кажаваси тупроққа ястаниб ётибди. Бодринг, сабзи, картошка, земляника, малина, узум, смородина, крижовник, олхўри, жавдар, бугдой, сули, қорабугдой, қанд лавлаги, каноп... Уларни аранг танидим: шакли ва ҳажми шу қадар ўзгариб кетган эди.

Мен ҳар қадамда ҳайратдан тўхтаб қолардим: бу нима ўзи?..

Ердаги кичкина дарахтлар азим қиёфага кирган ва аксинча, баҳайбат дарахтлар бу ерда пак-пакана. Бир оз қоронғироқ жойларда улкан қўзиқоринлар ўсиб ётибди...

Мана, субтропик ва тропиклар. Меваси ниҳоятда катта митти

анжирлар, бўйи соябондай, лекин меваси ердагидан икки барабар катта, кокос пальмалари, кофе, какао дарахтлари ва чой буталари.

Бир шиша яшиқда митти дарахтлардан иборат тропик ўрмон. Пальмалар, бананлар, қирққулоқ, чирмовуқ... Бу ерда одам ўзини лилипутлар мамлакатига тушиб қолган Гулливердай ҳис қилиши учун фақат каламушга ўхшаган филлар етишмайди, холос.

Ердаги барча ютуқларим ниҳоятда арзимас бўлиб кўринди кўзимга!

Неча йиллар бошимни қотирган жумбоқлар қандай осонлик билан ҳал этилган. Бу ерда йил бўйи янги мева ва сабзавот бўлади, демак, уларни қайта ишловчи заводлар ҳам йил-ўн икки ой тўхтовсиз ишлаши мумкин...

Кэц Юлдузидаги тажрибани наҳот Ерга кўчириб бўлмаса? Лоақал, Помирни олайлик. Помир чўққисида ультрабинафша нурлар Кэц Юлдузидагига қараганда оз, лекин денгиз сатҳи билан барабар жойлардагига нисбатан анча кўп. Помир ён бағирларини ялпи оранжереяга айлантирса бўлади. Ҳамма харажатлар ўзини қоплайди. Оранжереяда ҳар қандай атмосферани ҳосил қилиш, карбонат кислота миқдорини ошириш мумкин...

Ҳамиша қуёш нури аримайдиган иссиқ иқлимли тропикларчи?.. Чангалзорларни йўқотганимиздан сўнг миллионлаб кишилар у ерда бошпана ва озик-овқат топадилар.

Ердаги саҳролар-чи? Ҳозир сувсизлик ва қумга қарши муваффақият билан кураш олиб борапмиз. Лекин Ерга қанча саҳро бор! Кэцдаги тажрибани ишга солиб, Қуёшни ёрдамга чақиришимиз мумкин. Ҳамма сувни шимириб, кўкатларни қовжиратган Қуёш саҳроларга қайтадан жон бахш этади. У ерларда бепоён боғ-роғлар бунёдга келади...

Йўқ, аҳолининг кўпайиши Ер шарини ҳеч қачон хавф остида қолдирмайди! Инсоният келажакка дадил кўз тикиши мумкин!

— Нима бало, қоқшол бўлганмисиз, Артемьев? — Крамернинг қаттиқ хитоб қилганини эшитдим.

— Кечирасиз, хаёл суриб қолибман, — жавоб бердим, кутилмаган бу овоздан сесканиб.

Мен атрофимга қарадим — оранжерея жонланиб кетган эди. Тор йўлкаларда сават кўтарган ёш-ёш қизлар учиб юришарди. Уларнинг ранг-баранг костюмлари кўкатлар фонида худди гуллардай товланарди. Қизлар мева теришяпти. Қаердандир ёқимли куй қулоққа чалиниб турибди.

— Афсонавий манзара, — деб хахолади Крамер. — Юлдуз қизлари! Бугунги кундаги эртақ! Яқинда уларни автоматлар билан алмаштиришади... Қани, кетдик. Сизга ҳали лабораторияни кўрсатганим йўқ. У Кэц Юлдузидан ташқарида. Лабораторияда мутлақо оғирлик йўқ. Фазовий костюмлар кийишга ва талайгина масофани учиб ўтишга тўғри келади. Портатив

ракета билан муомала қилишни ўрганишингиз керак. Билиб қўйинг: бу гал ҳам четга учиб кетсангиз, орқангиздан қувиб юрмайман!

Лекин бу гал яхши «отдим» ва Крамердан ортда қолмадим. Шунга қарамай бу учиб андак ҳаяжонли бўлди. Бирдан ўнг оёғим тўнгиб қолди. Костюм тешилиб, ичкарига фазовий совуқ кирмаяптимики, деб қўрқиб кетдим. Кейин қарасам, оёғим сояда қолган экан. Еруққа олишим билан яна жон кирди.

Мана, лабораторияга ҳам етиб келдим. У цилиндр шаклида. Цилиндрнинг ичи шиша тўсиқлар билан ажратилган. У бўлмадан-бу бўлмага «изоляция» камералар орқали ўтилади, чунки ҳар бир бўлмадаги босим ва ҳавонинг таркиби ҳар хил. Цилиндрнинг бир томони бошдан-оёқ ойна, иккинчи томони ўсимлик. Баъзи ўсимликлар, илдизи кўриниб турсин учун, шиша тувакларга экилган. Бу мени ажаблантирди: илдизлар ёруғликни ёмон кўради-ку. Баъзи ўсимликлар пушталарда, баъзилари ҳавога қатор қилиб териб қўйилган тувакларда. Уларнинг ўсиши ғалати: япроқ ва шохчалари нур шаклида тувакдан ойнага томон талпиниб турибди. Баъзиларининг илдизи юқорига, айримлариники пастга қараб ўсган. Лекин кўпчилик илдизлар қоронғи томонда. Оғирлик кучининг йўқлиги гўё геотропизм кучини емирган ва, афтидан, бу ерда фақат гелиотропизм — ўсимликни нур манбаига йўналтирувчи куч асосий ролни ўйнайди.

Бўлди! Жўна! Сенга айтяпман, бўлди! — аёл кишининг овози ва Крамернинг хахолагани эшитилди.

Лаборатория тўрига қараб, шиша тўсиқ орасидан бинафшаранг костюм кийган ёш бир қизни кўрдим. У «шифт» остида типирчилар, Крамер бўлса қанотларини силкитиб, унинг олдига учиб борар ва туртарди. Қиз нарига учиб кетиб, «шифт»га урилади, ундан қарши томонга бориб қолади, худди шундай елпигич қанотлари билан ўзини тўхтатмоқчи бўлади. У, назаримда, тўқ кўк бутага қараб турмоқчи. Лекин вазнсизлик оламида зарур ҳолатда тура олиш осон эмас. Қиз қанотларини қўйиб, белига боғланган металл гардишни олади-да, уни худди тақсимча кўтаргандай киррасини ўзига қаратиб ушлайди. Кейин у гардишни айлантиради, шунда гардиш бир томонга, қиз эса тескари томонга айланади. Тик ўқ бўйлаб ҳаракат қилиш учун эса гардишни ёнлатиб, киррасини тепага қаратиб тутиш керак бўлади.

Мен Крамер билан қизнинг олдига яқинлашдим. Қизни қаердадир кўргандайман. Ҳа, эсладим, Тонянинг хонасида турадиган қиз. Демак, мен шу билан ишлайман. Унга бошдан-оёқ разм солдим, Крамер иккови менинг беўхшов ҳаракатларимдан кулишарди. Мен ўзимни худди сувдан чиқариб ташланган балиқдай ҳис қилардим. Лекин қиз ҳам гардиш билан қанотлардан тузук фойдалана олмасди. Фақат Крамергина сузарди, ҳа, худди сувдаги балиқдай сузарди. У ҳамон қизнинг атрофида айланиб, уни гоҳ тўғри, гоҳ оёғини осмондан қилиб

кўрди. Қизнинг бир жаҳли чиқар, бир куларди. Кейин Крамер менга ўгирилиб, деди:

— Танишинглар, Зорина!

— Биз кўришганмиз, — жавоб берди Зорина ва менга бош ирғаб қўйди.

— Ие, танишмисизлар? Жуда соз, — деди Крамер, негадир аччиқ билан. — Қани юринг, Артемьев. Ванна ёнма-ён. Ишдан олдин ҳам, ишдан кейин ҳам биз ваннага тушамиз.

Тор йўлаклардан ўтиб, янги цилиндрга кирдик. Унинг бўйи ҳам, эни ҳам тўрт метрлар келади. Шу ерда ечиниб, думалоқ тешикдан «ваннахонага» ўтдик. Бу цилиндрнинг диаметри ҳам ҳалигича, лекин сал узунроқ. Силлиқ алюмин деворлар, ён томондан ёруғ тушиб турибди, аммо бир томчи ҳам сув кўринмайди. Мен цилиндрнинг қоқ ўртасида тўхтаб қолдим, гардиш ва қанотларсиз деворгача ҳам боролмайман. Ҳавода осилиб турибман. Крамер эшик олдида уймаланяпти. Мана у дастани буради, нимадир вишиллаб, цилиндрга туташувчи думалоқ ясси девордаги жўмракда сув кўринди. Кучли босим остида оқим менга келиб урилиб, атрофга томчи ва пуфакчалар сачради. Мен нарига учиб кетдим. Атрофимда сув пуфакчалари айланар ва бир-бири билан тўқнашиб, тобора катталашиб борарди.

Худди шу пайт цилиндр кўндаланг ўқ атрофида айлана бошлади. Унинг тезлиги борган сари кучаярди. Натижада марказдан қочирма куч пайдо бўлди. Томчи ва пуфакчалар деворларга ўтира бошлади. Кўп ўтмай, цилиндр деворлари қалинлиги бир метр келадиган сув билан қопланди. Ҳамма ёқда — ўнгда ҳам, чапда ҳам, тепада ҳам сув. Фақат цилиндр маркази, катта ўқ атрофи бўш қолди. Мени яқинимдаги девор ўзига торта бошлаганини пайқадим. Бир неча минутдан кейин сувга ғарқ бўлдим. Яна бир неча дақиқадан сўнг эса унинг «тубида» турардим. Крамер қарама-қарши томондаги деворда турарди, унинг оёғи деворда-ю, боши мен томонда эди. Лекин икковимиз ҳам ўзимизни дадил бошқарардик: биз сув остида юрдик, суздик, шўнғидик. Бу ғалати ванна менга жуда маъқул бўлди. Тананинг оғирлиги сезилар-сезилмас, сувда туриш эса ғоят қулай эди. Крамер тешикка сузиб бориб, мис дастани буради. Сув майда тешикчаларга тез оқиб кириб, цилиндрнинг ҳаракати секинлашди. У бутунлай тўхтаганда ваннада бир томчи ҳам сув қолмаган, таналаримиз яна вазнсиз бўлиб қолган эди.

Ечиниш хонасида эҳтиётсизлик билан костюмимни қўлдан чиқариб юбориб, анча вақт орқасидан қувиб юрдим. Вазнсизлик дунёсида нарсалар жуда қув бўлади. Сал туртиб юборсанг, у девордан-бу деворга, у бурчакдан-бу бурчакка учиб юраверади — тутиб бўпсан! Крамерга эса бу ўйин эди: бирор нарсани бурчакка улоқтириб, деворга урилиб қайтаётганида

уни илиб олар ва баъзан бу машқни бир неча марта такрорларди.

— Зорина қалай? Зўр-а?— деб сўради у кутилмаганда. Юзи бирдан тундлашиб, қаҳрли тусга кирди.— Менга қаранг, тагин!...— деди пўписа қилиб.

Мендан рашк қиялтимикан? Вой тентаг-эй!

— Энди сизни зоология лабораториясига кузатиб қўяман,— деди Крамер менга шубҳа билан кўз ташлаб.— У ёққа «тоннель» орқали ўтамиз. Сизни обориб ташлаб, қайтаман.

Чиндан ҳам у лаборатория эшиги олдида тўхтади, хайрлаша туриб, маъноли оҳангда яна ҳалиги гапини такрорлади:

— Менга қаранг, тагин!..

— Нима тагин?— дедим жаҳлим чиқиб.

Унинг юзи буришиб кетди.

— Мен кўз-қулоқ бўлиб тураман!— деди у тишини ғичирлатиб ва жўнаб қолди.

Қанақа ёввойи, бемаъни одам бу!

Энди эшик дастасига қўл чўзган пайтимда Крамер яна қайтиб келди. У оёғининг учини девордаги ҳалқадан ўтказиб, олдимда олтмиш даража бурчак ҳосил қилиб «туриб», деди:

— Ҳа, айтгандай. Мен сизга ишонмайман! Нега бу ерга учиб келдингиз? Шликовнинг ишлари билан танишиб, Ерга қайтгандан сўнг ўзингизники қилиб кўрсатиш учун эмасми? Шликов — гений! Билиб қўйинг, мен ҳеч кимга...

— Менга қаранг, Крамер!— дедим фиғоним чиқиб.— Сиз ё касалсиз, ёки ўз ҳаракатларингиз учун жавоб беришингиз керак. Сиз мени бекордан-бекорга ҳақорат қияпсиз. Нима деяётганингизни ўйлаясизми! Бировнинг меҳнатини ўзиники қилиб олиш кимнинг қўлидан келиши мумкин? Бунинг кимга кераги бор? Қанақа замонда ва қаерда яшаётганимизни биласизми?

— Едингизда бўлсин!— деди у гапимни бўлиб ва бир сакраб тоннель ичига кириб кетди.

Мен ҳайратда қолдим. Тавба, нималар бўляпти?! Беихтиёр эшикни очиб, лабораторияга кирдим.

XVII. ЗООЛАБОРАТОРИЯ

Уша заҳотиёқ чалқанча ётган, жағи бесўнақай, катта-катта қўзларига ҳайрат чўккан бир одамни кўрдим.

— Хўш, сиз нима дейсиз?— деб хитоб қилди у менга, худди фикримни уқиб олаётгандай.

Мен тамом ганғиб қолдим. Нима бўляпти ўзи? Шу пайтгача Кэцца эс-ҳуши жойида, соғлом, хушчақчақ кишиларга дуч келган эдим, энди бўлса бирданига иккита тентакни кўриб турибман!

— Нима гап ўзи, оғайни?— сўрадим мен.

— Эчкини, аниқроғи, унинг оёқларини нима қилишни бил-

маяпман. Оғилни икки марта бузиб-тузатдим, лекин эчкининг оёқлари ҳамон ўсяпти. Ҳеч жойга сигмайди, букланиб, майишиб кетяпти. Худо ҳаққи, кесиб ташлагинг келади!.. Артемьевмисиз. Мен Фалеевман. Яхши, сиз ҳам биолог экансиз. Биргалашиб ўйлаймиз. Зоология лабораторияси энг нотинч жой. Ҳар хил шохли, тўрт оёқли проблемаларни ҳал қилдик. Шликов бетўхтов янги-янги топшириқлар берапти. Тажрибалар бутунлай кутилмаган натижаларни бериб тургандан кейин уларни қандай қилиб бажарасан? Оғирлик кучининг йўқлиги — бир, космик нурларнинг таъсири — икки. Ана шу нурлар туфайли шунақа мутацион сакрашлар бўляптики, ёқангни ушлаб қоласан! Ўз кўзингиз билан кўра қолинг.

Фалеев ҳавода енгил тўнтарилди-да, кенг кафтлари билан ҳавони эшаккадай эшиб, лаборатория бўйлаб учиб кетди. Мен унга эргашдим.

Бу ерда бадбўй ҳид мутлақо сезилмасди: афтидан, хонани супуриб-сидириш ва шамоллатиш яхши йўлга қўйилган. Оғиллар оддий тўр билан ажратилган тўсиқлардан иборат. Оғиллардан бирининг олдида худди шарни, тўғрироғи, баҳайбат тухумни эслатувчи каттакон чўчкага кўзим тушди. Унинг оёқлари макарондай узун-узун ва ингичка эди. Юмшоқ туёқлари чалкаштирилган икки бармоққа ўхшайди. Агар шунақа чўчка тўсатдан Ерга туширилса, худди сувдан улоқтириб ташланган китдай, ўз танасини кўтаролмай чалпак бўлиб қолган бўларди.

Эчки мени ундан кўра ҳам ҳайратга солди. Башараси ҳаддан ташқари чўзилган, шохлари — узун ва турк қиличидай эгри, ингичка оёқлари бир ярим метр келади ҳамда охирида ўттиз даража бурчак ҳосил қилиб турган, қуш панжасидай заиф, иккита ортиғи бор. Бу «эчки»нинг бўйи каттакон қўйдай келади, лекин юнг деган гап йўқ.

— Худди бир туки йўқ Африка қўтир итига ўхшайди,— деди Фалеев.— Бу гўшт берадиган эчки. Нарироқда юнг етиштирувчи эчкини кўрасиз. Бўйи жуда паст, лекин юнги бир метр келади. Шунақа жингалак! Тирик юнг фабрикаси дейсиз!

— Лекин юнгдор эчки бунақа ҳароратли хонада яшамаса керак?— сўрадим мен.

— Албатта. Уни совуқда тутамиз, аммо овқатига алоҳида эътибор берилади. Юнг — бу ҳам бир нави. Шликов бундан кўра мураккаброқ вазифани қўйяпти. Мана, бизга музика асбоблари учун торлар ва теннис ракеталари учун чамбараклар керак. Ичак-чавоғи ниҳоятда узун бўлган қўй наслини яратинг. Шликов ҳеч қандай қийинчиликни тан олмайди. Қилиб бўлмайдиган иш йўқ, дейди. Бунинг устига, кўрсатмалари ниҳоятда қисқа. «Агар,— дейди у,— ичакни узайтириш керак бўлса, ҳар хил овқат беринг, уни тез-тез ўзгартириб туринг». Овқат ўз йўлига-ю, аммо қўйнинг ичаги ўрнига ошқозони ўсиб кетса бўладими... Бу ерда қандайдир янги омилларнинг таъсири

бор... Лекин эчкининг оёқларини нима қилишни билмаяпман. Наҳот яна оғилни бузиб тузатсам? Худди нўхат ҳақидаги эртакининг ўзи бўляпти: нўхат ўсавергандан кейин аввал полни бузишибди, кейин шифтни очишибди, ундан кейин томни ҳам олиб ташлашибди, лекин нўхат ҳамон ўсишдан тўхтамасмиш. Аммо биз томни олиб ташлаёлмаимиз, ахир.

— Сиз томни ҳам олиб ташламанг, ҳеч нарсани бузиб тузатманг ҳам,— дедим мен.— Ердаги ҳайвонларнинг эволюциясида космик нурлар жуда катта роль ўйнаган, деган тахминлар бор. Сиз айтган фавқулодда тез мутациялар бу фаразни тасдиқлайди. Менимча, бу ерда организмларнинг янги муҳитга сакраш йўли билан мослашуви юз бераётган бўлса керак. Оғирлик кучи йўқ — гавда бир жойда турмайди, у таянч нуқтага эга эмас. Ҳайвонлар ҳавода осилиб қолади. Улар бу ҳолатдан чиқишга уринишади. Ҳаммасида узун оёқларга эҳтиёж туғилади...

— Албатта!— деб гапимни бўлди Фалеев.— Дастлабки итлар бу ерда роса акиллашди. Деворга ёки бир парча гўштга етиб олиш учун улар соатлаб беҳуда оёқ силкитишар ва, албатта, жойларидан қимирлашолмас эди.

— Ана-ана, шунинг учун ҳам оёқлари ўсиб кетганда. Сиз оғилхоналарни катта қилманг. Менимча, агар оёқлар узатганда деворга етадиган бўлса, улар ўз-ўзидан ўсишдан тўхтаб қолади. Ёки ҳайвонлар тармаша оладиган панжара ўрнатинг. Мана бу майда тўрни, бошқаси, яъни йирикроқ катак билан алмаштириш, ё бўлмаса, тўсиқни новдадан қилиш керак. Ана шунда ҳайвонларнинг тутувчи органлари ривожланади. Эчки ва қўлларингиз маймунлардай «тўрт қўлли» бўлади, бир нарсани ушлашга ўрганади. Улар катак бўйлаб юриб, бир-икки оёқлари билан гавдаларини туттишса, қолган бўш оёқлари билан керакли нарсани олишаверади.

— Рост айтасиз!— деб хитоб қилди Фалеев.— Сиз билан ишимиз юришиб кетади. Кейинги пайтларда жуда ўзимни йўқотиб қўйдим... Биласизми,— деди у негадир овозини пасайтириб, ҳайиқиброқ,— кўз олдингда бирин-кетин галати махлуқлар пайдо бўлиб тураверса, ақлдан озиб қолиш ҳам ҳеч гап эмас бу ерда... Мослашишни қайси томонга йўналтурсак дуруст бўларкин? Балки, ҳайвонларни биратўла учадиган қилавериш керакмикин? Бу ернинг шароитида шундан осони йўқ: Учувчи эчкилар!— У ғамгин жилмайди.— Лекин «тўрт қўлликлар» ни яхши айтдингиз. Мушукларимдан бирининг думи шунақа ўсиб кетганки, у думидан худди маймундай фойдаланади. Панжаси етмаган жойда думини ишга солади. Сакраган пайтида ҳам шу дум руль вазифасини бажаради. Панжалари орасида парда ҳосил бўляпти назаримда. Ҳадемай учқур бўлиб кетади. Жипсини айтмайсизми? Даҳшат, лекин... Мана ҳозир... Жипси! Жипси!..

Қаердадир итнинг вовиллагани эшитилди. Шу пайт биз томонга учиб келаётган махлуққа кўзим тушди. У оёқларини жон-жаҳди билан югураётган кучукдай силтар, лекин олдинга жуда секин силжирди. Нозик панжалари орасида юпқа пардалар кўриниб турибди. Бу пардалар ҳавони орқага итариб, гавдани олдинга суриш учун ёрдам беради. Учиб келаётган ит бульдогдан сал каттароқ, танаси долчинранг сийрак юнг билан қопланган, думи узун ва пахмоқ, башарасида битта ҳам тук йўқ, калта, деярли ялпоқ пастки жағи яхши тараққий етмаган. Унинг башарасида итникидан ташқари, маймун ва одам юзининг белгилари бор. Чиндан ҳам даҳшатли! Ит жуда яқин учиб келиб, менинг кўзларимга тикилди. Беихтиёр сесканиб кетдим: унинг одамникига ўхшаш катта-катта қўй кўзлари маъюс ва ақлга тўла эди... Жипси думини силтаб, гавдасини бурди-да, тирноқсиз панжалари билан тўсиқ четидан ушлаб олди. Кейин нигоҳини мендан Фалеевга кўчирди. Унинг кўзларида сўроқ ифодаси бор эди.

Фалеев худди ит билан эмас, балки ўзига яхши таниш бўлмаган одам билан гаплашаётгандай, бирдан ўнғайсизланди. Ит «юзи»даги бу инсон кўзлари қўрқинчли эди. Мен ҳам ўзимни ноқулай сеза бошладим.

— Таниш, Жипси,— деди Фалеев, итнинг диққат билан тикилиб турган кўзларига қарамай.— Янги ўртоғимиз — Артемьев.

Мен кўпчилик ит ишқибозлари каби Фалеев ҳам унга ҳазиллашиб шундай мурожаат қиляпти, деб ўйлаган эдим. Жипсининг туксиз бошини силаш учун қўлимни кўтардим ҳам. Лекин итнинг менга бош ирғаб, панжасини узатганини кўрганимда қай аҳволга тушганимни билсангиз эди! Бир лаҳза қўлим ҳавода муаллақ қолди. Оддий кучукни силагандай, Жипсининг бошини силаш ўрнига, ўзимни енгиб, гарчи Кэцца қўл олиб сўрашиш ман этилган бўлса-да, назокат билан унинг илиқ, туксиз панжасини қисдим.

— Кучукча Дианалар овқатлантирилганми?— деб сўради Фалеев.

Ит йўқ дегандай бош чайқади.

— Нега? Сут билан сўргич келтирилмадими?

Жипси «ҳа» дегандек бош ирғади.

— Бўлмаса бор. Жипси, еттинчи тугмачани бос. Оляни чақириб тезлаштир.

Ит менга синовчан бир назар ташлаб, қайта учиб кетди. Юрагим қинидан чиқиб кетаёзди.

— Кўрдингизми?— деди аста Фалеев.— Ҳамма гапни тушунади. Фақат жавоб қайтаролмайди, холос. Нутқ аппарати эга эмас. Савол-жавоб тариқасида фикр алмашилади. Лекин миянинг тараққиётида жуда катта сакраш бор. Тўғри, бундай ит билан муомала қилиш ёқимсиз! Лекин мен у билан муроса қилишга тиришаман. У мени яхши кўради назаримда, лекин

Крамерни негадир ёқтирмай қолган. Кўрди дегунча, жахл билан бир қараб, ўзини четга олади. Гапира олмаслигидан ўзи ҳам эзилади менимча. Ит тилини ўрганишга тўғри келади энди.

Лабораториянинг ичкарисидан итнинг бўлиб-бўлиб акиллари эшитилди.

— Кўряпсизми, мени чақиряпти. Бир гап бўлганга ўхшайди! Юринг!

Жипсининг акиллашига кучукчанинг ингиллагани қўшилди. Биз дарҳол ўша томонга учиб кетдик.

Панжалари парда билан қопланган кучукча бир панжасини тўрға тикиб, суғуролмай турарди. У бизга ёш боладай тикилиб, тинимсиз ингилларди. Жипси унинг атрофида ўмаланишар ва ҳадеб ўзининг узун панжалари билан кучукчанинг қисилиб қолган панжасини чиқармоқчи бўларди. Биз ёрдамга келганимиздан кейин кўплашиб панжани тўрдан халос қилдик.

Мен Жипси билан «гаплашмоқчи» бўлдим.

— Жипси!— Оҳ, бу кўзларга бардош бериш нақадар оғир!— Гапиришни билмайсанми? Ўргатайми?

Жипси шоша-пиша бош силкиди ва назаримда, кўзларида севинч учқуни чақнаб кетди. У ёнимга учиб келиб, кўлларимни ялай бошлади.

— У сиздан жуда мамнун. Ҳали яхши оғайни бўлиб кетасизлар,— деди Фалеев.— Хўш, ўртоқ Артемьев, қаерда ишламоқчисиз? Усимликлар физиологияси лабораториясидами ёки беридами?

— Бунини Шликов ҳал қилади,— дедим мен.— Ҳозирча оранжереяда ишлаб туришга тўғри келади. Хайр ўртоқ Фалеев! Хайр, Жипси!..

Куннинг қолган ярмини оранжереяда ўтказдим. Крамернинг авзойи ҳамон бузуқ эди, мен билан гаплашмади ҳам. У индамай қулупнай буталари атрофида ўралашиб юрарди. Зорина бирор нарсани сўраш учун ёнимга учиб келганда Крамер ҳар гал икковимизни хўмрайиб кузатиб турарди. Бундай аҳволда ишлаб бўладими! Шликовдан мени ҳайвонлар физиологияси лабораториясига ўтказишни сўрашга қарор қилдим.

Менинг илтимосимни эшитиб, Шликов хурсанд бўлиб кетди.

— Зоолаборатория штатини анча кенгайтирмоқчиман,— деди у.— Оранжереяга бугун Ердан учиб келадиган янги ходимларни жўнатаман. Сиз Фалеевнинг олдига боринг. Унга нима бўлганига тушунолмаётман. Кундан-кун анқовлашиб, паришонхотир бўлиб кетяпти. Бир кор-ҳол бўлди шекилли.

— Менинг фикримча, фақат угина эмас!— дедим мен.

— Яна ким?— деб сўради Шликов, курсисидан сал қўзғалиб.

— Крамер. Кўзга келиб биринчи шу одам билан танишганман. Унда бутунлай бошқачи эди. Ҳозир уни таниёлмаяпман.

Шликов ташқари серзарда, шубҳачи, бетайин бўлиб қолибди. Назаримда, у руҳан соғлом эмас.

— Билмадим... Уни кам кўраман. Агар шундай бўлса, Меллерга кўрсатиш керак. Фалеевнинг ёнига янги ходим Зоринани ҳам ўтказаман.

— Зоринани!— хитоб қилдим мен.

— Ҳа, бўлмайдами? Сиз рози эмасмисиз?

— Йўқ, унга қаршилигим йўқ,— дедим мен.— Аммо, назаримда, Крамер мени худди шу қиз туфайли ёмон кўриб қолди. Агар у мен билан бир лабораторияда ишласа...

— Ҳа, гап бу ёқда денг!— деб кулиб юборди Шликов.— Кўч Юлдузида рашк пайдо бўлибди. Унда Крамернинг бирдан сержаҳл ва шубҳачи бўлиб қолгани тушунарли. Лекин бунга эътибор бермаслик керак.

Мен нима қилишим керак эди? Шликовга, гап фақат Зоринада эмаслигини, Крамер мендан Шликов кашфиётларини ўғирлаш ва ўзлаштиришда шубҳа қилаётганини, бунинг устига ҳадеб ҳеч нарсадан-ҳеч нарса йўқ хахолаб кулишини гапириб бердим. Шликов эса, буларнинг ҳаммаси фақат бир нарсадан — Крамернинг рашкидан келиб чиққан, деб қўя қолди. Мен сабр қилишга ва бундан кейин Крамер ўзини қандай тутишини кузатишга қарор қилдим.

XVIII. ЯНГИ ДЎСТ

Меҳнат фаолиятим бошланди.

Мен лабораторияда иштиёқ билан ишлай бошладим.

Кечқурунлари ва дам олиш кунлари клубда, жамоат боғида, кино-театрда ёки гимнастика залида ҳордиқ чиқарардик. Ёшлар ҳар хил ўйинлар ташкил қилишарди. Уч кишига дастурхон ёништириб, «туя» ясашарди. Зорина эса унга миниб олиб, йўлак бўйлаб туя чоптирарди. Хуллас, худди ёш болалардай вақти-хушлик қилинарди. «Чоллар» ҳам «ёшлар»дан қолишмас эди.

Фақат Крамергина илгаригидай ўзини ҳамон ғалати тутарди. Гоҳ телбаларча хахолаб кулар, гоҳ чуқур ўйга ботиб қоларди. Йўқ, бу фақат рашк эмас, у мени ўз ҳолимга қўйган бўлса ҳам, лекин ҳар бир қадамимни кузатиб юрарди.

Мен жуда кўп кўчликлар билан танишдим, талай дўстлар орттирдим. Ҳаводаги турмушга тобора кўникиб борар ва фақат Тоняни кўмсардим.

Баъзан у билан телефон орқали гаплашиб турардик. Тоня менга, қорасоқол ҳали ҳам қаердадир Марс билан Юпитер ўртасида, астероидлар ҳалқасида учиб юрганини, яқинда Кўзга учиб келишини ва ўзининг қандайдир навбатдаги «ажойиб кашфиёт»ни очганини хабар қиларди.

Янги дўстларим мени ҳаво мустамлакаси билан таништириш-

ди. Еш инженер Қорибоев ўзи ишлайдиган заводни кўришга таклиф қилди.

— Ажойиб иншоот,— деди у бир оз акцент билан.— Бутун бир сайёра. Шар. Каттакон шар! Фақат биз шарнинг сиртида эмас, ичкарасида яшаймиз. Диаметри икки километр келади. У аста айланиб туради. Бунинг натижасида Ердагининг юздан бирича оғирлик кучи ҳосил бўлади. Оғирликнинг камлиги бизга энг мураккаб ишларни амалга оширишга имкон беради. Бизда ричаг, суюқ жисмлар ва газ қонунлари вазн туфайли мураккаблашмайди. Товушлар ва умуман турли тебранишлар ердагидай тарқалаверади. Тўғри, барометр ишламайди, унинг бизга кераги ҳам йўқ. Соатлар, тарозилар — пружинали. Массани марказдан қочирма машина орқали аниқлаш ҳам мумкин. Магнит, электр ва бошқа кучлар Ердагидан аниқроқ ҳаракат қилади. Штамповкачи машиналар процесси учун оғирлик кучи керак эмас. Суюқ ва қаттиқ ёнилғи билан ишлайдиган ўтхоналардан воз кечганмиз. Электр қуввати ҳосил қилиш учун турли хил машиналар ёрдамида қуёшдан фойдаланамиз.

Иккита цилиндрни кўз олдингизга келтиринг. Цилиндрнинг биттаси сояда, иккинчисига офтоб тушиб турибди. Қуёш ҳарорати цилиндр ичидаги суюқликни бугга айлантиради. Буг қувур орқали ўтиб, турбинани ҳаракатга келтиради. Кейин у сояда турган совуқ цилиндрга тушиб, совийди. Иссиқ цилиндрдаги ҳамма союқлик буг ҳолида совуқ цилиндрга ўтиб бўлгандан кейин, цилиндрлар автоматик тарзда жойларини алмаштирадилар. Совутгич вазифасини бажарган цилиндр буг қозонига айланади ва аксинча. Қуёш ёритиб турган жой билан соя жойдаги ҳарорат ўртасида катта фарқ бор. Машина автоматик равишда бенуқсон ишлайди. Агар ишқаланувчи қисмларнинг ейилишини ҳисобга олмасак, буни «мангу двигатель» деса ҳам бўлади.

Бошқа бир Қуёш қурилмаси кичик туйнукли каттакон шарга ўхшайди. Унинг ичи қоп-қора. Ойнага тўпланган Қуёш нури ана шу туйнук орқали шарга ўтиб, унинг ички сиртини қиздиради. Бу иссиқликни двигатель учун ҳам, металлургия ишлари учун ҳам қўллашимиз мумкин. Биз олти минг даража, яъни Қуёш сиртидаги билан барабар ҳароратни бемалол ҳосил қилаверамиз. Ойга учиб кетаётган пайтингизда шар-заводимизга кўзингиз тушмадими?

— Кўрдим,— дедим мен.— У кичкина планетачага ўхшайди.

— Шарнинг орқасидаги осмоннинг ярмини тўсиб турган каттакон тўрт бурчак нарсани пайқадингизми?

— Эътибор бермабман.

— Эҳтимол, сизлар нариги томонидан учиб ўтгандирсизлар. «Квадрат» ён томони билан туриб қолган. Қуёш ёритган пайтда у «тўрт бурчак ой»дан олис-олислардан кўриниб туради. Бу фотоэлемент. Ун минг квадрат метрли жуда юпқа тунука мис оксиди билан қопланган. Ундан узоқдан кўзга кўринмайдиган

ингичка симлар тортилган. Унинг тепасида буг билан иситиш радиаторига ўхшаш янада улканроқ иншоот жойлашган. Термо-электрик қурилма. Ҳар хил металллардан йиғилиб, ўртаси пайванд қилинган металл қувурлар. Пайвандланган жойни қуёш қиздирганда электр токи ҳосил бўлади.

— Қисқаси, чекланмаган миқдорда энергияга эгамиз. Махсус металлни қайта ишловчи машиналарни яратиш қийин эмас эди. Тоблашни, албатта, бу ерда қўллаб бўлмайди. Болғаларнинг вазни йўқ. Аммо уни бемалол штамповка, пресс билан алмаштириш мумкин. Шунинг учун ҳам бизнинг фабрика ва заводларимизда тутун, қурум, чанг деган гап йўқ. Ҳаммаёқ покиза, жимжитлик, ҳаво мусаффо. Оғир нарсаларни ташиш ҳеч гапмас. Бизнинг метеор овловчиларимиз минглаб тонна темир, мис, чўян, қалай, иридий, платина, хром, вольфрам йиғиб қўйишган. Улар шар орқасидаги «қовлида» «осилиб» турибди. Керакли металлни заводга ингичка сим билан тортиб олаверамиз. «Ички транспорт»имиз шунақа жўн. Баъзан электрокар ўрнини босувчи кичкина ракетакарлардан ҳам фойдаланамиз. Бизда асосан электр пайванд қўлланилади, лекин айрим ҳолларда бевосита «қуёш пайванд»ни ишга соламиз. Агар техникага сал бўлса-да, кизиксангиз, заводимизни албатта бориб кўринг... Дарвоқе, бугун эрталаб бизнинг вақтимиз билан соат ўн иккида қаерда эдингиз?

— Оранжевая ёки лабораторияда.

— Тревогани эшитдингизми?

— Йўқ.

— Демак, бу вақтда Кэцдан наридаги лабораторияда экансиз. Бўлмаса эшитардингиз. Сирена шунақа чийилладики! Мен Пархоменконинг олдида ўтирган эдим. Кэцдаги тўс-тўполонни кўрганингизда эди!

— Нима учун тревога кўтарилди?

— Жуда кам учрайдиган бир ҳодиса туфайли. Кэц Юлдузи та-рихида биринчи марта бўлиши. Катталиги қумдан сал йирик-роқ бир метеор Юлдузимизни тешиб ўтиб кетди, йўл-йўлакай ўсимлик баргларини ва ходимларимиздан бирининг елкасини ҳам тешиб ўтган. У жуда кичкина бўлган. Буни шундан ҳам билса бўладики. Кэц қобиғида ҳосил бўлган тешик ўша заҳотиёқ битиб, ўз-ўзидан пайванд бўлиб кетган. Елкаси тешилган Гореванинг айтишича, у олов «ярқ» этиб кетганини кўрган, худди чақмоқ чаққандагидай қарс-курс этган товушни эшитган. Ўша заҳотиёқ тревога эълон қилинган. Ахир, метеор қобиқда каттакон тешик қолдириши ҳам мумкин эди-да. У ҳолда газ чиқиб кетиб, ракетага самовий совуқлик бостириб кирарди. Шунинг учун ҳам ракетамиз хоналарга бўлинган. Эшиклар дарҳол ўз-ўзидан ёпилади, натижада ракетанинг бошқа хоналаридаги атмосфера чиқиб кетолмайди. Авария юз берган хонага скафандр кийган ишчилар жўнатилади. Горева ўз хона-

сидан эшиклар ёпилиб қолмасдан илгари чиқиб олишга улгурган. Ҳар эҳтимолга қарши калитлар ҳам бор. Эшик ёпилиб қолганда калит билан очиб, чиқиб кетиш мумкин. Тўс-тўполон бўлишига қарамай, ҳамма тез ва аниқ ҳаракат қилган. Гореванинг ярасини кўрган Меллер, бунақа «тоза» ярани умрида кўрмаганини айтди. Дарвоқе, нинанинг учидай келадиган тешикни яра дейиш ҳам қийин. Бу «яра» ҳатто боғлаб қўйишни ҳам талаб қилмади. Лекин кўп гапирвордим,— деди инженер қўл соатига қараб.— Шундай қилиб, сизни кутаман-а!

Мен заводни албатта бориб кўришга ваъда бердим. Лекин бу ваъдам амалга ошмади. Бошқа ишлар билан овора бўлиб кетдим.

* * *

Мен зоолабораторияга деярли кўчиб ўтдим, кўпинча Кэцга ҳатто овқатланиш учун ҳам келмас эдим: қайтадан «говвос» костюмини кийиш, атмосфера камералари — шунга ўхшаш ишлар кўп вақт олар эди, мен эса ҳар бир минут вақтни қизганардим. Ахир бу лабораториядаги бир минут Ердаги соатлардан кўп нарса беради: тажриба вақтида ҳар хил биологик процесслар шу қадар тез ўтади. Пашшалар мутацияси шундоқ кўз олдимда юз берарди. Мен янгидан-янги ажойиботларга дуч келардим. Мана шу ўзгаришларни бошқариб турувчи қонунларни ўрганишга қаттиқ киришиб кетдим. Уларни англаш — ҳайвонларнинг ўсиши ва ривожланишини эркин бошқаришнинг янги, қудратли қуролини топиш демак. Мен ҳужайра ядроларини ва улардаги ирсий белгиларни ташувчи хромосомларни ўрганиб чиқдим. Энди пашшадан хоҳлаган жинс ва катталиқдаги наслини беҳато олишим мумкин эди.

Ердаги чорвачиликни ривожлантиришнинг қандай истиқболлари мавжуд! Тўғри, Ерда космик нурлар бу ердагидай мўл эмас. Лекин у ерда ҳам сунъий равишда космик нурлар ҳосил қилиш усулини топишган. Албатта, қимматга тушади, лекин тажрибаларни бу ерда ўтказиб, натижасини Ерда хабар қилиш мумкин. Ерда ҳам истаган натижани олиш учун махсус камераларда ҳайвонларни сунъий равишда космик нурлантиришдан ўтказиш бошлашади. Ана ўшанда табиатдан тилаб ўтирмай, хоҳлаганимизча сигир-буқаларни етиштираверамиз. Хоҳлаган катталиқдаги ҳайвонларни етиштираверамиз. Филдай келадиган сигир кунига ўнлаб пақир сут беради. Ахир бу одамни ўзига ба-тамом жалб қиладиган масала эмасми?

Ишга шўнгиб кетганимга қарамай Жипсини унутмадим. У ҳам менга ўрганиб қолган эди, ёнимдан бир қадам ҳам нари жилмасди. У билан зерикмасди одам. Тўғри, унинг ташқи кўринишига кўникиш анча қийин бўлди. Лекин мен кўниқдим, итнинг бадбашаралиги кўнглимдан чиқиб кетди. Ҳатто Жипсининг кўзлари ҳам анча мулойимлашгандек бўлди.

Одамлар ўзларининг тўртоёқли дўстлари билан ҳаммавақт ҳам тузук муомала қилишмайди-да. Айниқса, Крамер «Ҳей кал! — деб ўшқиради у Жипсини кўрди дегунча, мушт ўқталиб. — Яқинлашма менга!» Шундай бўлгач, Жипси уни жинидан ҳам ёмон кўради-да, албатта.

Жипсини «гапиришга» ўргатиш «шартли тил» туғилишига сабаб бўлди. У ёки бу муносабат билан Жипси чиқарган товушларни эслаб қолишга ҳаракат қилардим. Бу товушлар нутқ товушларига ўхшамаса ҳам, лекин ҳарҳолда бир-биридан фарқ қиларди. Жипсининг ўзи ҳам оҳанг ва паузаларга эътибор бериб, менга кўмаклаша бошлади. Шундай қилиб, аста-секин бир-биримизни эркин тушунадиган, бўлиб қолдик. Лекин ноқулай томони шундаки, Жипси ҳамон ёлғиз мен англайдиган «муҳожир» лигича қолаверарди. Бунинг устига у мени жуда яхши кўрарди. Кўпинча келиб қўлимни яларди — унда итларга хос эркалиниш сақланиб қолган эди. Ўзининг нозик туйғуларини у бошқа қандай йўл билан ҳам ифодалай олади, дейсиз?

Айниқса, Жипсининг ғоят меҳрибонлик ва чидам билан кучукчаларни ҳаракат қилишга ва вазнсиз бўшлиқда учушга ўргатишини кузатиш мароқли эди. Афсус, бу манзара киноплён-кага туширилмаган.

Унга қараб туриб, ўйлардим: инсонга хизмат қилдиришда ҳайвонлардан ҳали жуда ёмон фойдаланамиз! Панжалари парда билан қопланган Жипси Ерда юришга яхши мослашмаган. Унинг суяк ва пайлари заиф бўлиши мумкин. Лекин бу ерда Ер шароитига яроқли, яхши ривож топган итларни яратишдан осони йўқ. Фақат уларни сунъий оғирлик бор жойда ўстириш керак. Космик нурлар мўл бўлгани учун бу ерда уларнинг мияси Ердигидан тез тараққий этади. Масалан, Жипсининг ҳид билиш ва эшитиш қобилияти жуда кучли. У бирор ҳодиса юз берса сигнал чироқларини ёқувчи, қўнғироқ тугмасини босувчи, акиллаб телефонда чақирувчи ажойиб қоровулгина эмас, балки ишлаб чиқаришдаги ўзига хос тирик реактив бўлиши ҳам мумкин эди. У ҳиддаги, ҳароратдаги, товуш ва рангдаги салгина ўзгаришни ҳам сезади ва шу заҳотиёқ сигнал бера олади. Бу ишни автоматларимиз ҳам аъло даражада бажаради, албатта. Лекин Жипси автомат эмас, бинобарин, у кўпроқ нарса қила олади: У фақат «сезибгина» қолмайди, балки ана шу автоматлар ёрдамида ишнинг йўналишини ўзгартиради.

Жипсини у ёки бу топшириқ билан жўнатган пайтларимда жуда севишиб кетар ва бу топшириқларни деярли ҳаммавақт беҳато бажарарди. Агар гапимни тушунмаса, бош чайқарди. «Ҳа» ва йўқ» деган сўзларни у «ва», «ввэ» деган товушлар билан изҳор этарди.

Унинг менга бўлган садоқати ниҳоясиз эди. Бир гал лабораториямизга Ердан яқиндагина чиққан бир ходим учиб келиб, олдимда қанотларини беўхшов силкита бошлади. Жипси бу одам

мени урмоқчи бўляпти деб ўйлади шекилли, шиддат билан унга ташланиб, бир томонга улоқтириб юборди. Қаршисида ғалати махлуқни кўрган бечоранинг юраги ёрилиб ўлишига сал қолди.

Жипси билан хайралашиш мен учун оғир бўлади, Ерга олиб тушиш эса мумкин эмас. У Ерда яшай олмайди.

Қисқаси, Жипсидан ғоят мамнун эдим. Лекин Фалеев борган сари мени ҳайратга соларди. Бу одам шундоқ кўз олдимда тамом ўзгариб кетди. У тобора анқовлашиб борарди. Баъзан оддий нарсаларни ҳам тушунмай қаршимда узоқ вақт «осилиб» тураверарди. Иши мутлақо юришмасди. У ҳамма нарсани унутиб қўяр, кўп хато қиларди. Ҳатто ташқи қиёфаси ҳам бошқача бўлиб қолди, ўзига қарамай қўйди: соқол-мўйлови ўсиб кетган, костюмини аҳёнда бир алмаштиради, ваннага зўрлаб олиб бормасанг ўзича бормаёди. Энг қизиғи, у жисмоний жиҳатдан ўзгара бошлади. Аввал кўзларимга ишонмадим, кейин борган сари унинг бўйи чўзилиб кетаётганига ишонч ҳосил қилдим. Юзи ҳам чўзилинқираган, пастки жағи туртиб чиқа бошлаганди. Оёқ ва қўл бармоқлари узайиб, кемирчак ва суяклари йўғонлаша бошлаганди. Хуллас, акромегалия касали билан оғриган кишига ўхшарди. Бир куни уни эҳтимол бир ойдан бери ўзи яқинлашмаган кўзгу рўпарасига олиб келдим.

— Қаранг, кимга ўхшаб кетибсиз!

У кўзгуга узоқ тикилиб турди-да:

— Бу ким? — деб сўради.

Бу одамнинг эси жойидами!

— Сиз-да, албатта.

— Таниёлмаяпман, — деди Фалеев. — Наҳотки шу мен бўлсам? Жипсидан баттар. — Бу сўзларни у тамом бепарволик билан айтди, кўзгудан узоқлашгач, шу заҳотиёқ бошқа нарсалар ҳақида гапириб кетаверди.

Йўқ, бу одамини даволаш, тезда даволаш керак.

Мен шу куниеқ Кэцга учиб бориб, бу ҳақда Меллерга хабар бермоқчи бўлдим.

Лекин ўша куни яна бир ҳодиса юз берди-ю, Меллерга энди бир эмас, икки бемор ҳақида гапиришга тўғри келди.

ХІХ. ҒАЛАТИ КАСАЛЛИК

Пружинали соатларимиз (вазнсизлик оламида капирли соатлар ишламайди) кеч олтига яқинлашиб қолган эди. Фалеев Кэц Юлдузига учиб кетди, Зорина ҳали зоолабораторияда эди. Бу қиз менга ўхшаб ишга берилиб кетганидан кўпинча кечгача шу ерда бўларди. Доимо қувнок, хушчақчақ, очиқ кўнгил бу қиз фақат яхши ходимгина эмас, балки ажойиб ўртоқ ҳам эди.

У менга турли илмий масалалар юзасидан тез-тез мурожаат қилиб турар, мен ҳам бажону дил ёрдам берардим.

Бу гал ҳам шундай бўлди.

Вера Зорина совуқнинг юнгниги ўсишига таъсирини ўрганиш устида иш олиб борарди. Тажриба қилинаётган ҳайвон паст қароратли махсус камерада сақланар ва у ерда иссиқ костюмда ишлашга тўғри келарди. Бу камера қувурнусха лаборатория-мизнинг охирига жойлашган эди.

Мен бир ўзим шиша яшик олдида катталиги кабутардай келадиган баҳайбат пашшани кузатиб ўтирардим. Гавдасининг шу қадар катталигига қарамай пашшанинг қанотлари асалариникидай эди. Чунки учиб вақтида бу қанотларнинг деярли ёрдами тегмасди, пашша ўз уясининг шиша деворлари бўйлаб ўрмалаб юришни афзал кўрарди. Бу улкан пашша энди жинси номаълум махлуқ эмас эди. У ургочи пашша эди — ўз хоҳишим билан яратилган. Ўз муваффақиятим оқибатлари ҳақида ҳаёл суриб ўтириб, Жипсининг ёнимга учиб келганини ҳам пайқамай қолибман. У ўз тилида бир нарсаларни тушунтира бошлади. Кейин англадимки, мени Зорина чақираётган экан.

Ўрнимдан турдим. Жипси пардали ганжаларини силкитиб олдин учиб кетди, мен унинг орқасидан учдим. Лабораториянинг охирига етганда иссиқ костюм кийиб, камерага кирдим. Шифт остида қўй осилиб турарди. Унинг юнги шу қадар узун эдики, ҳатто оёқлари ҳам кўринмасди. Ушлаб кўрдим — шунақа майинки, нақ ипак дейсиз. Чинакам олтин юнг! Қўй худди оппоқ булутлар қуршовида қолгандай.

— Чакки эмас! — дедим мен. — Ишингиз юришиб кетибди.

— Буни қаранг, — деди Зорина энтикиб, — қўйнинг юнгини яқиндагина олган эдим. Яна ўсиб қолибди, ҳатто илгаригидан ҳам узунроқ. Лекин бир оз дағалроқ бўлиб қолган. Шундан ташвишланипман.

— Йўғ-э, ипак бундан майин бўлиши мумкин эмас, — эътироз билдирдим мен.

— Лекин ўргимчак уяси ипакдан нозик, — дея ўз навбатида эътироз билдирди Зорина ҳам. — Мана, ушлаб кўринг. — У менга бир тутам газдай енгил, оппоқ юнг узатди.

Зорина ҳақ: қирқиб олинган юнг майинроқ эди.

— Наҳотки қирқиб олингандан кейин юнг дағал бўлиб қолса? — сўради қиз.

Мен дарров жавоб беролмадим.

— Бу ер совуқ, — дедим мен. — Чиқиб гаплашайлик.

Биз камерадан лабораторияга ўтиб, пўстинларимизни ечдик-да, уларни шундоққина ёнимизда, ҳавога «илиб» қўйиб, гапга тушиб кетдик. Деразадан зангори қуёш кўриниб турибди. Пастроқда ер улкан ойдай кўзга ташланади. Сомон йўли туман доғлари. Таниш, одатдаги манзара... Зорина оёғининг учини «шифт»даги қайиш халқадан ўтказиб олиб, қулоқ соларди.

Мен Жипсининг бошидан кучоқлаганча дераза олдида турардим.

Бирдан Жипси безовталаниб, «Кгмррр...» дея гудурлади. Шу заҳотиёқ Крамернинг товушини эшитдим:

— Осмондаги фароғат! Юлдузда дуёт!

Дарров Зорина билан кўз уриштириб олдим. Унинг қошлари чимирилиб кетган эди. Жипси яна ириллай бошлади, лекин уни тинчлантирдим. Крамер ўнг қанотини аста силкитиб, бизга яқинлашиб келарди.

— Вера билан гаплашишим керак!— деди у тўхтаб, кўзларимга тикилгача.

— Мен халақит бераманми?— сўрадим мен.

— Ўзингизнинг фаросатингиз бўлиши керак!— деб жавоб берди Крамер жаҳл билан.— Сиз билан кейинроқ гаплашаман!

Мен оёғим билан деворни қаттиқ туртиб, лабораториянинг нариги бурчига учиб кетдим.

— Қаёққа, Артемьев!— Зоринанинг овози эшитилди орқамдан.

Ярим йўлда ўгирилиб қараб, иккиланиб турган Жипсини кўрдим, у менинг орқамдан учишни ҳам, қиз билан қолишни ҳам билмасди. У Зоринани мени севгандай севарди.

— Юр, Жипси!— деб қичқирдим мен.

Аммо Жипси биринчи марта буйруғимни бажармади. У Зорина билан қолиб, уни қўриқлашини айтди. Бу жавобни Крамер албатта тушунмади. Жипсининг «сўзлари» унинг учун ириллаш ва акиллашдан бошқа нарса эмас эди. Қайтанга яхши!

Мен пашша камераси олдида тўхтаб, лабораториянинг у бурчида бўлаётган воқеага қулоқ сола бошладим. Крамернинг вазоҳати ва хатарни сезган итнинг хатти-ҳаракати мени сергак қилиб қўйган эди.

Лекин ҳаммаёқ жимжит эди. Жипси акилламасди. Крамернинг ҳам товуши эшитилмасди. Эҳтимол, шивирлаб гапираётгандир. Лабораториямиз атмосфераси ердагидай зич эмас, шунинг учун товуш пасаяди. Икки минутлар чамаси кутиш билан ўтди. Шу пайт бирдан Жипсининг қаттиқ акиллаб, чақиргани эшитилди. Кейин у жим бўлиб қолди, салдан сўнг бўғиқ ириллай бошлади.

Мен шиддат билан изимга қайтдим.

Кўз олдимда даҳшатли манзара намоён бўлди.

Крамер Зоринани бўғарди. Вера унинг қўлидан халос бўлишга уринар, лекин бунинг уddасидан чиқолмасди. Жипси Крамернинг елкасидан тишлаб олган эди. У итдан қутулиш учун бутун гавдаси билан силкинарди. Шундай қилиб, ҳар учовлари лабораториянинг ўртасида думалоқ бўлиб айланишарди.

Мен учиб келиб ўзимни эшилиб кетган тўда ўртасига урдим ва Крамернинг томоғидан маҳкам ушлаб олдим. Бошқа иложим қолмаган эди.

— Жипси! Ердамга чақир! Қўнғироқ! Телефон!— деб қичқирдим мен.

Крамер хириллар, лекин Зоринани қўйиб юбормасди. Унинг бармоқлари гўё тошдай қотиб қолган эди. Юзи буришиб кетган, кўзлари ола-кула.

Жипси кўнғироқ томон учиб бориб, «тревога» тугмачасини босди. Кейин ёнимга қайтиб келиб, Крамернинг бурнидан тишлади. Крамер додлаб қўлини қўйиб юборди. Жипси шу заҳотиёқ ўзини четга олди.

Лекин ҳали ғалаба нашъасини суришга эрта эди. Тўғри, мен Верани Крамердан узокроққа итариб юборишга муваффақ бўлдим. Лекин Крамер шу оннинг ўзида Жипсининг юзига мушт солди-ю, кейин менга ташланди. Одатдан ташқари кураш бошланиб кетди. Мен Крамердан четланиш учун жон-жаҳдим билан қанотларимни силкитардим. Лекин вазнсиз бўшлиқда ҳаракат қилишга мендан кўра устароқ бўлган рақибим ўз ҳолатини тез ўзгартирар ва кутилмаганда бош томонимда пайдо бўлиб қолар эди. Шунда Жипси ўртамизга ташланиб, Крамернинг юзига чанг солишга уринарди.

Крамер мени тинимсиз муштлар ва тепарди. Хайриятки, рақибимнинг зарбаси сира таъсир этмасди. Фақат гавдаси девордан қайтиб келиб урилгандагина туртки сезардим.

Ниҳоят у мени орқадан ушлаб олишга муваффақ бўлди, бармоқлари томоғим сари ўрмалай бошлади. Шу он Жипси унинг ўнг қўлига осилиб олди. Крамер итни улоқтириб юбориш учун чап қўлини ҳам бўшатишга мажбур бўлди, лекин шу пайт жангга Вера ҳам ташланди. У Крамернинг оёғидан ушлаб олди.

— Қўйинг, Крамер! Уч кишига кучингиз етмайди!— дея уни мурасага чақирдим.

Лекин у қутуриб кетган эди.

Лабораторияда одамларнинг товуши эшитилди. Кўп ўтмай беш йигит бизни бир-биримиздан ажратишди. Крамер ҳамон талпинар, типирчилар ва овозининг бориचा қичқирарди. Тўрт йигит уни ушлаб туришди, биттаси кичкина омборхонамиздан арқон олиб келди. Крамерни боғлашди.

— Мени ҳавосиз бўшлиққа ташлаб юборинглар!— деб хирилларди у.

— Қандай шармандалик!— деди ҳалигилардан биттаси.— Кэцца ҳеч қачон бундай ҳодиса бўлмаган эди.

— Директоримиз, ўртоқ Пархоменко, суд қилиш ваколатига ҳам эга. Менимча, бу безорилик биринчиси ва сўнггиси бўлади,— деди яна бири.

— Буни суд қилишга шошилманглар, ўртоқлар,— дедим мен.— Назаримда, Крамерни суд қилиш эмас, балки даволаш керак. У касал.

Крамер тишини бир гичирлатди-ю, индамади.

Яна тўполон қилиб қолишидан қўрқиб, уни шундайлигича, оёқ-қўли боғлиқ ҳолда «говвос» костюмига тикишди ва бир қоп юкдай Кэцца олиб кетишди. Зорина икковимиз ҳам ўша ёққа

жўнадик. Лабораторияда фақат битта навбатчи билан Жипси қолди.

Кэцга келганимиздан кейин Крамерни дарҳол Меллерга кўрсатишларини талаб қилдим. Мен унга Крамер билан танишган кунимиздан бошлаб то сўнгги хатти-ҳаракатларигача гапириб бердим. Шунингдек, Фалеев ҳам жисмоний ва руҳий касал, назаримда, уларнинг касалини келтириб чиқарган сабаб битта бўлса керак, деган фикрни ҳам айтдим.

Меллер гапларимни диққат билан эшитиб, пировардида деди:

— Ҳа, шундай бўлиши мумкин. Юлдуздаги шароит жуда ҳам бошқача. Бунақа ҳол илгари ҳам юз берган эди. Дастлабки ходимларимиздан бири ўзини «нариги дунёда» деб ҳис қилган эди. Онгимизда ҳали қандай сарқитлар борлигини тасаввур қилайсизми?

У Крамерни, сўнг Фалеевни келтиришларини талаб қилди.

Крамер саволларга жавоб бермади, хўмрайиб тураверди ва фақат бир марта ҳалиги гапини такрорлади:

— Мен ҳавосиз бўшлиққа ташлаб юборинглар.

Фалеев Меллерни баттар ҳайратга солди. Унинг жавобларидан Меллер бир хулосага келди назаримда. Икковларини олиб чиқиб кетишгач, у деди:

— Сиз тамомила ҳақсиз. Иккови ҳам касал, оғир касал. Крамерни суд қилиш тўғрисида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Унга ачиниш керак. Бу илмий бурч йўлидаги қурбон. Ахир, сиз биолог бўла туриб, бунинг сабабини англамадингизми?

— Мен бу ерда янги одамман, қолаверса, медик эмасман...— дедим мен хижолат бўлиб.

— Лекин буни билиш қийин эмас эди. Дарвоқе, ўзим ҳам сиздан дуруст эмасман. Ғафлатда қолибман... Ҳамма гап космик нурларда! Бир ўйлаб кўринг-а. Ер сиртидан атиги йигирма уч километр баландликда космик нурланиш кучи ердагидан уч юз марта кўп. Атмосфера қатламидан юқоридамиз, бинобарин, космик нурлар бизга ердагидан минг марта кўпроқ таъсир қилади...

— Уэр,— деб унинг гапини бўлдим.— У ҳолда Кэцдаги ҳамма одамлар қутуриб кетиши ёки мажруҳ бўлиб қолиши керак эди. Лекин ундай бўлмапти-ку.

Меллер айбситаиб бош чайқади.

— Сиз ҳали ҳам тушунмадингиз! Бунинг учун Кэц қурувчиларига раҳмат айтишимиз керак. Космик нурлар хатарли эмас, деган фикрлар бўлишига қарамай, Кэцни бунёд этган қурувчилар ҳаводаги масканимиз қобиғида изоляцион қатлам яратганлар. Бу қатлам кучли космик нурлар таъсиридан бизни ҳимоя қилади. Тушунарлими?

— Буни билмас эканман...

— Лабораторияларнинг бир қисми эса — ўсимликлар физиологияси лабораторияси билан зоолаборатория — космик нурлар-

ни тўла ўтказадиган қилиб қурилган. Уларнинг ҳайвонлар организми ва ўсимликларга таъсирини ўрганишимиз керак эди. Сизнинг пашшалар ва бошқа йирикроқ ҳайвонлар устида олиб борган тажрибаларингиз нимага асосланган, ахир? Мутациялар қаердан келиб чиқади? Космик нурлар таъсиридан. Сиз буни биласизми?

— Буни биламан. Энди тушундим...

— Баракалла. Пашшалар ўзгаради; ит, эчки, қўйлардан ким билсин қандай махлуқлар бинога келади. Нима, сиз ўзингиз бошқа ҳамирдан ясалганмисиз? Уларга таъсир қилади-ю, сизга таъсир қилмайдими? Мен шунақа бўлишини билардим! Огоҳлан-тирганман ҳам. Мени сизга ўхшаган биологлар юпатишди: ҳеч нарса қилмайди, дейишди. Мана, бир одамни жинни, иккинчисини мажруҳ қилиб ўтиришибди. Космик нурлар безларга таъсир этган, безлар эса жисмоний ва руҳий фаолиятни бузган. Бу аниқ... Фалеевнинг касали — акромегалия. Бу касалликни тезда бартараф қиламиз. Лекин Крамер анча овора қилади. Агар сиз ҳам, азизим, шундай лабораторияда икки йил ишлагангизда, эҳтимол, худди шундай аҳволга тушган бўлардингиз.

— Хўш, энди нима қилиш керак? Мен ишни ташлаб кетолмайман.

— Ташлаб кетишнинг кераги йўқ. Чорасини топамиз. Рентгенологлар, радиологлар хавфли нурлар билан муомала қилишадик, фақат одам ўзини ҳимоя қила билиши керак. Изоляцион қалпоқ, изоляцион кийим кийишга тўғри келади. Тажриба остидаги ҳайвонлар бевосита нур таъсирида туришаверади, илмий ходимлар эса — космик «ёмғир»ни ўтказмайдиган «том» остида бўлишади. Бундай «жала» ёғиб турган тажриба камерасига фақат «соёбон» билан кириш мумкин. Мен айтаман, инженерларимиз керакли нарсаларнинг ҳаммасини муҳайё қилишади.

XX. ҚОРАСОҚОЛ ЕВГЕНЬЕВ-ПАЛЕИ

Ерни тарк этганимга саккиз ой бўлди.

Кэц Юлдузи байрамга тайёрланарди. Бу ерда ҳар йили Юлдуз бинога келган кун тантанали нишонланади. Кўпдан бери яшаётган одамларнинг айтишича, шу куни осмон мустамлакачиларининг ҳаммаси, ким қаерда бўлмасин, Кэц Юлдузига тўпланаркан. Докладлар қилишар, қилинган ишлар юзасидан йиллик ҳисобот тингланар, ўз ютуқлари ҳақида бир-бирларига ахборот беришар, тажриба алмашишар, келажакда қилинадиган ишларнинг режасини тузишаркан. Бу йил байрамга алоҳида тайёргарлик кўрилади. Мен бу кунни сабрсизлик билан кутардим: ниҳоят, фақат Тонянигина эмас, балки тутқич бермас қорасоқолни ҳам кўришимни билардим.

Юлдузда тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Гулхонадан

ҳар хил гул ва кўкатлар келтириб, асосий зални ясатишди. Рассомлар плакатлар, портретлар, диаграммалар чизишар, созандалар янги қўшиқ ва кантаталар ўрганишар, артистлар пьесани машқ қилишар, илмий ишларнинг раҳбарлари докладлар ёзишарди.

«Кечқурун»лари ранг-баранг чироқлар билан ёритилган кўм-кўк «тоннель» бўйлаб учиб гаштли эди. Ҳамма жойда байрам нафаси, атрофдан ёшларнинг ғала-ғовури, қўшиқ-куй эшитилади. Ҳар куни янги-янги одамлар пайдо бўлиб қолади. Кўпчилиги ёшлар. Эски танишлар бир-бирларини шовқин-сурон билан қутлашади ва дарҳол таассуротларга тушиб кетишади.

— Сен қардан?

— Астероидлар минтақасидан.

— Сатурн ҳалқасида бўлдингми?

— Албатта!

— Гапир! Гапир! — деган овозлар.

Ҳалиги одамнинг атрофига бир зумда оломон тўпланди, тўғрироғи, оломон эмас, гужум: оғирлик жуда оз, шунинг учун кўпчилик ҳикоя қилаётган одамнинг боши устида учиб юрибди.

— Сатурн ҳалқаси, ўзларингиз биласизлар, бир хил йўналишда парвоз қилувчи беҳисоб зарралардан иборат. Бу, афтидан, парчаланиб кетган планета — Сатурн йўлдошининг қолдиқлари. Уларнинг орасида майда тошлар ҳам, харсанглар ҳам, тоғдай келадиғанлари ҳам бор.

— Ҳалқада тошдан-тошга сакраб юрса ҳам бўладими? — деб сўради кимдир.

— Албатта, бўлади, — жавоб берди кулиб ҳикоя қилувчи унинг чин гапираётганини ҳам, ҳазиллашаётганини ҳам билиб бўлмасди. — Мен шундай қилдим. Баъзи тошлар бир-бирига шунақанги яқин учадики, бемалол сакраб ўтиш мумкин. Лекин, умуман олганда, улар орасидаги масофа жудаям яқин эмас. Аммо портатив ракеталар ёрдамида тошдан-тошга сакраб юравердик. Ана бойлигу мана бойлик! Баъзи тошлар нуқул олтин, айримлари — кумуш, лекин кўпчилиги темирдан иборат.

— Албатта, олтин олиб келгандирсан?

— Намуналар келтирдик. Сатурн ҳалқаси бизга юз йилга етади. Бу ажойиб маржондан битталаб тош териб олаверамиз. Аввал майдаларини, сўнг йирикларини ҳам.

— Сатурн ўзининг нафис безакларидан маҳрум бўлар эканда. Ачинарли, — деди яна биров.

— Рост, манзара жуда гўзал. Агар ҳалқа билан бир хил текисликда учсангиз, фақат унинг қиррасини — ярқироқ планетани кесиб ўтган ингичка, ёруғ чизиқни кўрасиз. Тепадан қарасангиз, беҳад чиройли равшан ҳалқа кўзга ташланади. Ён томондан эса — гоҳ тўғри, гоҳ чўзиқ эллипсис бўлиб ёки ҳатто парабола шаклида осмоннинг ярмини чулғаётган тилла ёй нигоҳингизни тортади. Бунга яна ўнта йўлдош ойни қўшинг,

ана шундан кейин сайёҳни қандай ажойиб манзара кутаётганини тасаввур қилаверинг.

— Сатурнга қўндиларингизми?

— Йўқ, бунга сенга қолдирдик, — деди ҳикоя қилувчи. Ҳамма кулиб юборди. — Лекин Фебда, Япетада бўлдик. Атмосферасиз кичкина ойчалардан бошқа нарса эмас. Осмон манзараси ҳамма ерда ҳам ажойиб.

— Қисқаси, стратосферани ўз хонамиздаги атмосферадай ўрганиб олдик. Биз учун ҳеч қандай сир қолгани йўқ... — Мен танишим Соколовский билан бирга учган аэрологнинг овозини эшитдим.

Геологга қўл силкиган эдим, шу пайт Тюринни кўриб қолдим. У директор Пархоменко билан ёнма-ён ҳаракат ҳақида алла-нарсаларни гапириб борарди. Ҳаракат фалсафаси хусусида доклад қилмоқчимикан-а?..

Пархоменко Зоринанинг олдида тўхтади. Директорни бу қиз билан кўп марта учратганман. Яхшиямки, Крамер кўрмаяпти. У бечора ҳали ҳам изоляторда. Тюрин олимларга хос паришонлик билан ҳатто ҳамроҳининг қолиб кетганини ҳам пайқамай, ҳануз гапириб борарди:

— Ҳаракат — эзулик, ҳаракатсизлик — ёвузлик. Ҳаракат — бойлик, ҳаракатсизлик...

Оркестр садоси янги фалсафа тарғиботчисининг овозини босиб кетди.

Мен бош йўлакни айланиб учиб чиқдим, улкан зал, ошхона, «стадион», чўмиладиған ҳовузни кўздан кечирдим. Ҳамма ерда одам: биров учган, биров сакраган, биров ўрмалаган. Ҳамма ерда кулги ва хушчақчақлик... Лекин уларнинг орасида Тоня йўқ... Юрагим сикилганидан тўрт оёқли дўстим билан суҳбатлашиш учун зоолабораторияга қараб жўнадим.

Ниҳоят байрам куни ҳам етиб келдим. Мустамлакачиларнинг ҳаммаси бемалолроқ жойлашиш учун Юлдуздаги оғирлик кучини бутунлай йўқотишди. Йиғилганлар бўшлиқни батамом эгаллаб олишди. Зал худди ичига пашша тўлдирилган шиша қутини эслатарди.

Йўлакнинг охирига очиқ сахна қурилган. Саҳнанинг орқасида чиройли ишланган ялтироқ лавҳа. Унда Ер, Кэц Юлдузи ва Ой тасвирланган. Лавҳанинг каттакон тухум шаклидаги кемтик ерига Константин Эдуардович Циолковскийнинг платинадан ясалган ҳайкалчаси ўрнатилган. У ишлаб турган вазиятда: тиззасига тахтача билан қоғоз қўйиб олган. Ўнг қўлида қалам. Одамларга юлдузлар сари йўл кўрсатган буюк ихтирочи гўё нотиклар сўзига қулоқ тутгандай бир лаҳзага ишдан бош кўтарган. Рассом-ҳайкалтарош қулоғи оғирроқ мўйсафиднинг юзидаги тарангликни ва ўзининг узоқ умрини «бекор ўтказмаган» бу одамнинг майин табассумини гоёт моҳирлик билан акс эттирганди. Электр нури равшан ёритиб турган кумушранг ҳайкал кишида унутилмас таассурот қолдирарди.

Хайъат столи вазифасини ҳавода осилиб турган тилла ҳалқа бажарарди. Хайъат аъзолари қўллари билан ҳалқадан тутганча унинг атрофига жойлашишди. Уртада директор Пархоменко пайдо бўлди. Залдагилар уни қийқириқ ва қарсақлар билан қарши олишди.

Шу пайт кимдир қўлимдан тутганини пайқадим. Ўгирилиб қарасам — Тоня!

— Сенмисан! — дея хитоб қила олдим, холос. Шундай қилиб, кутилмаганда, Тоняни сансираб юбордим.

Кэцдаги қоидага хилоф равишда биз қаттиқ қўл қисилиб кўришдик.

— Иш билан тутилиб қолдим! — деди Тоня. — Яна битта кашфиёт қилдим. Бу ерда жуда фойдали, лекин, афсуски Ерда кам қўлланилади... Масканизмни тешиб ўтиб, сал бўлмаса ҳалокатга гирифтор қилаёзган митти астероид ёдингда борми? Шундан сўнг, эҳтимоллик нуқтаи назаридан бундай ҳоллар жуда оз бўлса ҳам, ҳарҳолда юз бериб туришига ишонч ҳосил қилдим. Шунинг учун бир ихтиро...

— Демак, кашфиёт эмас, ихтиро?

— Ҳа, ихтиро. Мен ҳатто энг кичкина астероид яқинлашганини ҳам олдиндан пайқаб, Юлдузни унинг йўлидан автоматик тарзда суриб қўядиган аппарат ихтиро қилдим.

— Кема йўлида кўчма муз тоғлари пайдо бўлгани ҳақида хабар берувчи радиоаппаратларга ўхшаган-да?

— Ҳа, фақат битта фарқи шуки, менинг аппаратим фақат огоҳлантирмайди, балки «кема»ни четга суриб ҳам қўяди. Кейин батафсил гапириб бераман. Пархоменко докладни бошламоқчи.

Ҳамма жим бўлди.

Директор тўпланганларни «юлдуз йилининг муваффақиятли ақунланганлиги» билан табриклади. Гулдурос қарсақлар, яна сукунат.

Кейин у якун ясаб, Ер фарзанди бўлган Кэц Юлдузи ўз «онасига қарзини қайтара бошлагани» ҳақида гапирди. Кэцликлар улкан ютуқларни қўлга киритдилар, улар астрономия, аэрология, геология, физика, биология соҳасидаги ўз ишлари билан бутун инсоният хазинасини бойитдилар. Қанчалаб йирик илмий кашфиётлар қилинди, Ерда ҳал қилиб бўлмайдиган не-не муаммолар ҳал этилди! Чунончи, Тюрин фавқулодда қимматли кашфиётлар очди. Унинг «Фазо тузилиши» китоби фан тарихига бутун бир давр яратувчи классик асар бўлиб киради. Унинг номи Ньютон ва Галилей каби фан сиймоларининг номи билан ёнма-ён туради, деди.

Аэролог Кистенко, геолог Соколовский, «машҳур ихтирочи ва экспериментатор ўртоқ Герасимова»нинг ишлари ҳам юксак баҳоланди, менинг арзимас ишларим ҳақида ҳам, назаримда, сал ошириброқ тўхталиб ўтилди.

— Ўртоқ Евгенийев ўзини осмон бўшлиқларини забт этувчи

чинакам қаҳрамон сифатида намоён қилди, — деди Пархоменко ва орқадагилардан бирига қараб чапак чала бошлади.

Евгенийев! Қорасоқол! Мен бўйнимни чўзиб, уни кўришга уринаман, лекин қаҳрамон ўзини панага олади. У қарсақларга ҳам чиқмади.

— Камтарлик қияпти, ўртоқлар, — деди Пархоменко. — Лекин уни астероидлар минтақасида кечирган ажойиб саргузаштлари ҳақида гапиришга мажбур қиламиз. Экспедиция бошлиғи бизнинг олдимизда ҳисоб бериши керак.

Ниҳоят, ҳалқада Евгенийев пайдо бўлди. Мен уни дарров танидим.

— Хўш, бир кўришда танирмидинг уни? — деб сўрадим Тонядан. Тоня жилмайди.

— Соқолсизлар орасида — танирдим, лекин ўзига ўхшаган соқол қўйганлар орасида бўлса, таниш қийин. Аэродромга кетаётган пайтида бир кўзим тушганди, холос.

Евгенийев гап бошлади. Биринчи сўзларини эшитибок Тонянинг ранги оқариб кетди.

— Сенга нима бўлди? — деб сўрадим ўтакам ёрилиб.

— Ахир бу Палей-ку! Овози ўшаники... Қандай ўзгариб кетибди-я! Палей-Евгенийев... тушунолмаб қолдим!

Менинг рангим Тоняникидан ҳам оқариб кетган бўлса керак: бу янгилик мени қаттиқ ҳаяжонга солди.

— Гапириб бўлганидан кейин олдига борамиз! — деди Тоня қатъий оҳангда.

— Балки, бир ўзинг борганинг маъқулдир? Гапларинг йиғилиб қолган ҳарҳолда.

— Бизнинг орамизда сир йўқ, — жавоб берди Тоня. — Шунақа бўлгани яхши. Юр!

Қарсақлар тиниб, қорасоқол «стол»дан нари кетиши билан Тоня икковимиз унинг олдига қараб юрдик.

Мажлиснинг тантанали қисми тугаётган эди. «Пашша галаси» ҳаракатга келди. Оркестр куй бошлади. Ҳаммамиз жўр бўлиб «Юлдуз гимни»ни ижро этдик. Гуллар карнавали бошланди.

Оломон орасидан базўр ўтиб, ниҳоят Палейга яқинлашдик. У Тоняни кўриб кулди, ва:

— Нина! Ўртоқ Артемьев! Салом! — деб қичқирди.

— Тинчроқ жойга ўтайлик. Сен билан гаплашишим керак, — деди Тоня Палейга ва ҳавода учиб юрган бир тутам хушбўй бинафшани илиб олди.

— Менинг ҳам гапларим бор, — жавоб берди Палей.

Биз залнинг нариги бурчига қараб жўнадик, лекин у ер ҳам шовқин эди. Тоня кутубхонага ўтишни таклиф қилди.

Палей-Евгенийевнинг кайфияти яхши эди. У бизни, гарчи зарурати бўлмаса ҳам, стулга ўтиришга таклиф қилди. Ўзи ниҳоятда чаққонлик билан ҳавода сузиб юрган стулни илиб олиб, остига қўйди. Биз ҳам шундай қилдик, лекин унга етишишимизга анча бор эди. Тоня ёнбошлаб қолди — Палей унинг стулини

ўзиники билан ёнма-ён қўйди. Мен оёғим осмонда бўлиб, уларнинг олдида бошим билан туриб қолдим, лекин ўзимнинг қўпол ҳаракатларим билан Палейга кулги бўлмаслик учун ҳолатимни ўзгартирмадим.

— Шундай турсам қизиқроқ бўлади, — дедим мен.

Талай вақтгача ҳеч биримиздан садо чиқмади. Палейнинг кўриниши қувноқ бўлишига қарамай, ҳаяжонланаётгани сезилиб турарди. Тоня ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Менинг аҳволим эса уларникидан баттар эди. Рост гап, уларнинг гапини эшитмаслик учун жон деб нари учиб кетган бўлардим. Палей мен томонга бош ирғаб, Тонядан:

— Ўртоқ Артемьев қаллиғингми? — деб сўраганида яна ҳам ноқулай аҳволга тушдим.

Назаримда қулаб кетаётгандай бўлдим. Лекин, яхшиямки, одам хушдан кетганда ҳам бу ерда қуламайди. Тоня нима деркин? Мен унга қаттиқ тикилиб қолган эдим.

— Ҳа, — деб жавоб берди у иккиланмай.

Мен енгил тортиб, ҳаво стулида ўзимни тетикроқ ҳис қилдим.

— Мен адашмабман, — деди секин Палей, унинг овозида маъюслик бор эди чамамда.

Демак уларнинг ўртасида илмий манфаатдан бўлак нарса ҳам бор, деб ўйлаб адашмаган эканман.

— Сенинг олдингда гуноҳқорман, Нина... — деди Палей бир оз жимликдан сўнг.

Тоня маъқуллаб бош силкиди.

Палей менга қаради.

— Биз — ўртоқлармиз, — деди у, — ўртоқлар билан эса очиқ-часига гаплашавериш мумкин. Мен сени яхши кўрадим, Нина... Сен шуни биласанми?

Тоня бошини қуйи эгди.

— Йўқ.

— Ишонаман. Ўз ҳисларимни яширишни билардим. Сен-чи? Сен менга қандай қарардинг?

— Мен учун сен дўст ва ҳамкасб ўртоқ эдинг.

Палей бош силкиди.

— Бу масалада ҳам хато қилмабман. Сен ишга берилиб кетдинг. Мен бўлсам ўз ўтимда ўзим қоврилдим! Узоқ Шарққа жўнаш ҳақидаги таклифни қандай қувонч билан қабул қилганим ёдингдами? Мен ўйловдимки, агар сен ёнимда бўлмасанг...

— Ишимиз энг қизиқ жойида тўхтаб қолганидан қаттиқ ранжидим. Ҳамма ёзувларни сен қилаётган эдинг. Формулалар ҳам сенда эди. Уларсиз мен ҳеч нарса қилолмасдим.

— Фақат ана шу формулаларни деб мени еру кўкдан излаб юрибсанми?

— Ҳа, — жавоб берди Тоня.

Бу гал Палей юрак-юрагидан кулди.

— Майли, ҳаммаси яхшиликка бўлсин. Сиз ҳамма нарсага

тез бериладиган одамсиз, деб менга кўп таъна қилгансан, Нина. Ҳайҳот! Бу менинг камчилигим, лекин аини вақтда фазилатим ҳам... Ана шу ишқивозлигим бўлмаса, бугун Пархоменко айтган ишларни қилолмаган бўлардим. Дарвоқе, ҳаммамизни мукофотга тақдим қилишмоқчи. Бу мукофот ҳам ишқивозлигим эвазига... Шундай қилиб, — давом этди у, — Узоқ Шарққа жўнаб кетдим ва у ерда... Соняни севиб қолдим, унга уйландим, ҳозир ажойиб қизчам бор. Хотиним билан қизим Ерда, яқинда бу ёққа келишади.

Мен яна ҳам енгил тортдим.

— Нега сен Евгеньев бўлиб қолдинг? Евгений Евгеньев? — сўради Тоня.

— Евгений Евгеньев — бу тасодиф. Сонянинг фамилияси — Евгеньева. У жуда ғалати-да. «Нега сен менинг фамилияга ўтмайсан?» деб қолди ЗАГСга боришдан олдин. «Ўтсам ўтавераман-да», дея рози бўлдим мен ҳам. Палейга ачинмайман: у ҳамма нарсага ишқивоз одам. Ишни энг қизиқ жойида ташлаб кетаверади... Балки, Евгеньев дурустроқ ходим бўлар?

— Нега ёзувларни менга жўнатиб юбормадинг?

— Биринчидан, шу қадар бахтиёр эдимки, ҳамма нарсани унутиб юбордим. Иккинчидан, ўзимни сенинг олдинда гуноҳқор ҳис қилардим. Тўсатдан жўнаб кетганимдан кейин Ленинградда икки марта бўлдим. Бир гал сени ўртоқ Артемьев билан кўрдим. Унинг фамилиясини айтиб чақирганингни эшитганман. Дарров ўрталарингиздаги муносабатни тушундим. У пайтда Кэц системасида ишлай бошлаган эдим, янги иш мени бутунлай ўзига ром қилиб қўйган эди. Мен фақат осмон ташвиши билан яшардим. Сен билан бошлаган ишимизга, рост гап, тамоман қизиқмай қўйдим. Ёзувларни сенга қайтаришим кераклигини билардим... Шу орада ўртоқ Артемьевни кўриб қолдим. Лекин жуда тигиз пайт эди. Ленинграддан учиб кетишимиздан бир соатгина олдин тўсатдан телеграмма келиб қолди. Унда Ленинград заводлари чиқарган баъзи бир янги физик ускуналарни харид қилиш топширилган эди. Шеригим билан олинадиган нарсаларни тақсимлаб, Учинчи Июль кўчаси билан Йигирма Бешинчи Октябрь кўчаси муюлишида учрашишга келишдик. Шунинг учун ҳам адресимни айтишга улгурмай, шошилишча жўнаб кетдим. Фақат: «Помир, Кэц!» — деб қичқиришгагина улгурдим. Помирга келгандан кейин эса иш бидан ўралашиб қолдим. Кейин Кэц Юлдузига учиб кетдим, бу ердан эса — сайёралараро саёҳатга... Бор гап шу. Айборман, ғоятда айборман!

— Қани ўша ёзувлар! — деб хитоб қилди Тоня.

— Фақат стулдан улоқтириб юборма, чилпарчин бўлиб кетаман, — деди кулиб Палей. — Ҳайҳот! Ҳайҳот! Бунинг учун осмонга учиб чиқишинг шарт эмас эди. Ёзувлар Ленинградда, сенга деярли қўшни турадиган синглимникида қолган.

— Икки энлик хат ёзиб юборсанг бўлмасмиди! — деди Тоня таъна билан.

— Эгилган бошни қилич кесмас,— деди Палей-Евгеньев, қоп-кера сочли бошини Тоня олдида ҳам қилиб.

Тоня жилмайганича бармоқларини унинг қуюқ сочлари орасига суқиб юлқилади. Бу ҳаракатдан икковлари ҳам чархпалак бўлиб кетишди.

— Сенга мукофот бериш керак эмас, аксинча, жазолаш керак!

— Нимага жазо беришса, шунга мукофот ҳам беришади,— деб эътироз билдирди Палей кулиб.

Тоня бирдан менга ўгирилиб, деди:

— Энди Ерга учамиз, Леня!

«Ерга учамиз! Леня!» Бу сўзлар бир неча ой илгарироқ айтилганда мени қанчалар бахтиёр қилган бўларди! Энди эса фақат «Леня» сўзи энтиктириб юборди. Ерга учиб масаласига келсак...

— Бу ҳақда яна гаплашамиз. Дарров жўнаворсак бўлмас. Икковимизнинг ҳам чала ишларимиз бор,— жавоб бердим мен.

— Нималар деяпсан! — таажжубланди у.— Энди мен билан Ерга қайтишни истамайсанми?

— Истайман, Тоня. Лекин мен биологияда буюк кашфиёт очиш арафасида турибман. Бу ишни фақат шу ерда тугатиш мумкин. Энг муҳими — иш.

Тоня гўё мени биринчи марта кўраётгандай тикилиб қолди.

— Кэцда яхши пишганга ўхшайсан,— деди у. Масхара қилаётганини ҳам, маъқуллаётганини ҳам пайқаш қийин эди.— Сенинг табиагингдаги бунақа қатъийликни сезмаган эдим. Майли, шунда менга кўпроқ ёқасан. Билганингни қил. Лекин мен бу ерда ортиқ туролмайман. Ўз ишимни ортиғи билан бажардим, янгисини бошлаш ниятим йўқ. Қачонлардир Палей билан бошлаган ишимизни охирига етказишим керак.

— Ҳа, Нина,— деб маъқуллади Палей.— Дарвоқе, мен Евгеньев бўлиб қолганимдек, сен Тоняга айланибсан. Ҳамма нарса ўзгараркан! Сен ўша ишни тугатишинг керак. Ўзи оз қолган. Шундай проблемани ташлаб кетиб бўлмайди...

— Ким ташлади ўзи? — сўради Тоня.— Етар энди... Юринглар, бир оз кўнгил очайлик. Менинг Юлдуздаги сўнгги тушим!

XXI. НИҲОЯТ ЎЗИМНИ ТУТА БИЛДИМ

Эртаси куни зоолабораториямда Зорина билан ишлаб ўтирдим. Биз космик нурлар таъсиридан сақловчи махсус изоляцион костюмлар кийиб олган эдик. Тепамизда изоляцион тўсиқлар бор эди. Фақат тажриба қилинаётган ҳайвонлар устига космик нурлар ёмғирдек ёғилиб турарди.

Зорина менга Фалеевнинг тузала бошлаганини айтди. Унинг гавдаси ва юзи аввалги ҳолига қайта бошлабди. Руҳий ҳолати ҳам яхшиланаётган эмиш. Гарчи Меллер тузалишига умид бўл-ласа ҳам, Крамернинг ахволи ҳануз оғир эмиш.

Лаборатория эшиги очилиб, қутилмаганда Тоня пайдо бўлди.

— Мен учиб кетяпман, Леня! — деди у.— Хайрлашиш учун кирдим.

Зорина бизга халақит бермаслик учун лабораториянинг нари-ги бурчига учиб кетди. Тоня унинг орқасидан қараб қолар-кан:

— Сенинг қолаётганинг чакки бўляпти-да,— деди астагина.

— Ҳечқиси йўқ, айрилиқ кўпга чўзилмайди,— дедим мен. Шу пайт ёнимизга Жипси учиб келди.

— Эсингдами, Тоня, космик нурлар таъсири ҳақида гапириб берган эдим? Қара, Жипси не аҳволга тушган.

— Қандай даҳшат! — деб хитоб қилди Тоня.

Жипси жилмайиб, думини ликиллатди.

— Сенга энди бу ерда қолиш хавфли,— деди Тоня.— Олдим-га мана бу махлуққа ўхшаб кириб борсанг-а.

— Хавотирланма. Манови костюм ва «зонтик»лар танамни, бошимни ва... сенга бўлган муҳаббатимни авайлаб, асрайди!

Тоня менга ишонқирамай қаради.

— Ўзинг биласан! — деди у ва мен билан самимий хайрла-шиб, чиқиб кетди.

— Эҳ, Жипси, икковимиз сўққабош бўлиб қолдик! — дедим мен.

Жипси қўлимни ялади.

XXII. ЕР ВА ЮЛДУЗЛАР

Баҳор. Деразалар ланг очик. Кечки шабада хонага ёш қайин-лар ҳидини олиб кирапти. Сўнгги саҳифани тугатиб ташқарига қарадим. Кўкдаги тўлин ой худди Адмиралтейство қуббасига илиниб қолгандай. Репродуктордан скрипка садоси қуйиляпти. Ҳамма нарса бундан бир неча йил илгаригидай... Лекин энди Ойга бошқа кўз билан қарайман. У энди Ернинг олис, қадам етмас йўлдоши эмас. Ой сиртида менинг изларим қолган. Бу из-лар, гўё кул ва космик чанг қўнган тупроққа эндигина босилган-дай, ҳануз янги.

Баъзан ҳаммаси тушга ўхшаб туюлади...

Кабинетим ёнида Тонянинг ишхонаси. У ҳам менга ўхшаш профессор.

Ошхонадан ўғлимнинг қўшиқ айтгани эшитилиб турибди. У мактабда ўқийди.

Креслом ёнидаги гиламча устида сеvimли итим — юнги жин-галак қора Жипси ётибди. Мен уни Юлдузда қолган Жипси хотираси учун шундай деб атаганман. Ажралиш қандай оғир бўлган эди!

Кэцда ортирган дўстларим билан алоқани узганим йўқ. Ҳаммаси соғ-саломат. Зорина директор Пархоменкога турмушга чиқди. Соғайиб кетган Крамер буни соғлом одамдай қабул қилди: қарҳолда қувонмаса ҳам, тўполон қилмади. Палей-Евгеньев бош инженер-конструктор ва ракета учувчиси бўлиб ишляпти. Тюрин қуёш системасидан нарига саёҳат қилиш учун тайёрланыпти. Унинг қаригиси йўқ.

Бир ой муқаддам «Кэц Юлдузидаги биологик тажрибалар» номли катта китобимни ёзиб тугатдим. Шликов, Крамер ва ўз ишларим материал бўлиб хизмат қилди. Жуда қизиқ китоб чиқди. Ҳозир у босмада. Уни тугатгач, одатдан ташқарироқ уйланишим билан боғлиқ саргузаштларни яна бир эслагим келди. Мана, бу китобни ҳам тугатяпман.

...Ўғлим «Кэц Юлдузи марши»ни куйлаяпти. Унга ўз саёҳатим ҳақида неча марталаб ҳикоя қилиб берганман! Энди у фақат тезроқ улғайишни ва Юлдузга учишни орзу қилади. Наримда, у юлдузлар орасига ошён қуради.